

**Х.М.Шеннаев
Т.М.Баймуратов**

СУҒУРТА ИШИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

**ШЕННАЕВ Х., БАЙМУРАТОВ Т.
СУҒУРТА ИШИ.**

Масъул муҳаррир:

и.ф.д., проф. **А.Ваҳобов**

Такризчилар:

и.ф.д., проф. **А.Жўраев**
и.ф.н., доц. **П.Саидходжаев**

Мазкур ўқув қўлланма мамлакатимизда суғурта соҳасининг юқори малакали кадрларга бўлган талаби ортиб бораётган ҳозирги шароитда касб-хунар коллежларида «Суғурта иши» фанини ўқитиш учун мўлжалланган.

ББК: 65.9 (5У) 271© “TURON-
IQBOL” нашриёти, 2006

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар бозор муносабатлари талабларига мос бўлган суғурта тизимини барпо этишни тақоза этди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатда ягона - давлат суғурта органлари фаолият юритган бўлса, ҳозирги пайтда рақобат муҳитида суғурта хизматларини кўрсатувчи 25 та турли мулк шаклидаги суғурта ташкилоти ва 300 дан ортиқ уларнинг филиаллари мавжуд. Мавжуд суғурта ташкилотларининг 5 дан зиёди хорижий капитал иштирокидадир. Ҳозирги пайтда, айрим маълумотларга кўра, суғурта ташкилотлари ва уларнинг филиалларида 3000 дан ортиқ мутахассислар ишлайди.

Бугунги кунда аҳолига муносиб турмуш тарзини яратиш, иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, мамлакат иқтисодиётини жаҳон ҳўжалик тизимига интеграциялашувини жадаллаштириш - ҳукумат олиб бораётган сиёсатнинг марказий ўринларидан бирини эгаллайди. Миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишига эришишда суғурта тизими муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, олдиндан кўриб бўлмайдиган табиий ва бошқа ҳодисаларни рўй бериши оқибатида кўрилган зарарларни суғурта йўли билан қопланиши корхона ва ташкилотларнинг молиявий барқарорлигини таъминлайди, иккинчидан, суғурта ташкилотларида заҳира шаклида йирик миқдорда бўш пул маблағларини мавжуд бўлиши инвестицион ресурсларга бўлган эҳтиёжни қондиришда ўзига хос аҳамият касб этади.

Йилдан-йилга республикамызда суғурта ташкилотлари томонидан йиғиб олинадиган суғурта мукофотлари миқдори ўсиб бормоқда. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билиб олиш мумкин: 2000 й. – 8349,4 млн.сўм; 2001 й. – 16236,8 млн.сўм; 2002 й. – 21606,3 млн.сўм; 2003 й.- 27064,5 млн.сўм; 2004 й. – 32875,4 млн.сўм.

Иқтисодиётни ривожланишида суғурта соҳаси стратегик аҳамиятга эга бўлганлиги учун ушбу тармоқни ривожлантиришга мамлакат раҳбарияти ва ҳукумати томонидан катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 31 январда қабул қилган Фармониға мувофиқ, 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб, мулкчилик шаклларида катъий назар, Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилди (Фармон нусхаси илова этилади). Солиқ тўлашдан бўшаган маблағларнинг катта қисми республика

минтақаларида суғурта ташкилотларининг бўлинма ва агентлик тармоқларини ривожлантиришга сарфланди.

Бундай шароитда суғурта соҳасининг юқори малакали мутахассисларга бўлган эътиёжи янада ошади. Шунинг эътиборига олган ҳолда мамлакатимизда суғурта тизими учун малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институтида “Суғурта иши” бакалавриат йўналиши ва мазкур йўналиш базасида магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда ва суғурта соҳаси учун кадрлар тайёрлаш узлуксиз тизимини яратиш мақсадида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўғини даражасида суғурта бўйича кадрлар тайёрлаш бошланди. Жумладан, Тошкент банк коллежида “Суғурта иши” бўйича ўрта махсус таълим бериш ташкил этилди. Бундай коллежларнинг сафи янада кенгаяди, деган умиддамиз.

1-мавзу: Суғуртанинг моҳияти ва функциялари

1. Суғуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.

2. Суғуртанинг функциялари.

Суғуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти. | Бозор муносабатлари такомиллашуви иқтисодий инфратузилманинг қарор топиши билан биргаликда кечадиган жараёндир.

Суғурта фаолияти иқтисодий инфратузилманинг ажралмас қисми сифатида бир томондан, ижтимоий кафолатни таъминласа, иккинчи томондан, шартномавий мажбурият ва тарифлар механизми орқали турли суғурта рискларидан огоҳ этиш негизида иқтисодиёт субъектлари манфаатларининг ҳимоясини ҳам ўз зиммасига олади.

Суғурта фаолияти жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг рисклар юз бериши оқибатида кўриши эҳтимол бўлган зарарларини қоплашнинг зарурий воситаси сифатида пайдо бўлди ҳамда ривожланди. Шундай англанган зарурат - аниқ суғурта манфаатлари негизида суғурта муносабатлари юзага келди.

Суғурта муносабатлари, уларнинг ташкилий шакллари қандайлигидан қатъи назар, суғурта фондини яратиш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Таъкидлаш лозимки, суғурта муносабатлари - мураккаб ва кенг қамровли молиявий-пуллик иқтисодий муносабатлар бўлиб, улар юзага келиши учун ўзаро боғлиқ шарт-шароит мажмуаси мавжудлиги ҳам муҳимдир.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида кўп укладли иқтисодиёт шакллантирилмоқда. Мамлакатимизда «2001 йили 63 мингга яқин корхоналар хусусий тармоқ вакиллари сифатида фаолият кўрсатган»¹ бўлса, «2002 йилда ... уларнинг умумий сони 240 мингга етди»². «2003 йилда тасдиқланган хусусийлаштириш дастури доирасида... 980 дан зиёд хусусий корхона ва мулкчилик шакли давлатга тегишли бўлмаган 400 та бошқа турдаги корхоналар ташкил этилди»³.

«2005-2006 йилларда хусусийлаштириш дастурига мувофиқ 627 давлат корхонаси, объектлар, акциялар пакетлари ва улушлар сотилган..., жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 729 давлат корхонаси мулкчилик шаклини

¹Қаранг: Каримов И.А. «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш - бош йўлимиз». Президент Ислом Каримовнинг 2001 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқи.// «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 16 февраль.

²Ислохотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.// «Халқ сўзи» газетаси, 2003 йил, 18 февраль.

³ Қаранг: Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш - асосий вазифамиз. Президент И.Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.// «Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил, 10 февраль.

ўзгартирди, 659 корхона ва объектлар хусусий мулкдорлар томонидан сотиб олинди»¹.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривож топиши жараёнида турли рискларнинг юз бериши эҳтимоли мавжудлиги, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг ўзида намоён бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар субъектларнинг суғурта фаолиятига, хусусан, рисклар трансферига бўлган муносабатларини ижобий томонга ўзгартирди.

Суғурта фаолияти бозор муносабатларининг энг муҳим унсурига айланди. «Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади»². «Шу нарса аниқки, бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар... суғурта тизимисиз самарали ишлаш, инвестиция фаолияти билан шуғулланиш, кредит олиш имкониятига эга эмас»³.

Шу ўринда, ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)да узлуксизликни таъминлаш имкониятини яратиш мақсадига йўналтирилган, мулкчилик шаклларига кўра, махсус қайта тақсимлаш муносабатлари тизими мавжудлиги иқтисодий субъектлари равнақига хизмат қилмоқда. Бу жараёнда уларнинг мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда даромад олишлари каби манфаатлари юзага чиқади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда суғурта фаолиятида талаб даражасидаги риск трансфери шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уни илмий асосда ўрганиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этмоқда. Айниқса, иқтисодий субъектларининг эркинликлари кенгайиб бораётган, улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)нинг янги турлари ўзлаштирилиши суғурта фаолиятида риск трансферининг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ва такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни орттирмоқда.

Суғуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тўлиқроқ очиб бериш учун илмий адабиётларда бу масалага бўлган ёндашувларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Уларда «суғурта-хизмат кўрсатиш индустрияси»⁴ эканлиги қайд этилган, шунга асосланиб, кейинги йилларда халқаро иқтисодий атамашуносликда «хизматлар иқтисодиёти назарияси» қарор

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 20 октябрда бўлиб ўтган мажлиси материаллари.// «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил, 21 октябрь.

²Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда.

³Қаранг: Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш - энг муҳим вазифамиз. Президент И.Каримовнинг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 16 февраль.

⁴ Қаранг: Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institute, Great Britain, 1993. p. 1 b. 3.

топаётганлигини таъкидлаш мумкин.

Суғурта фаолиятида ўз моҳияти нуктаи назаридан, айнан «хизмат» тушунчаси фундаментал ҳисобланади. Суғуртачи томонидан таклиф этилаётган «хизмат» ўзида дастлаб моддийликни акс эттирмайди, яъни у ўз миқдорига фақат «ваъдани сотади». Шу нуктаи назардан халқаро савдода унга «кўринмайдиган фаолият»¹ деб ҳам тасниф берилади. Суғурталанувчига шартнома тузилганлигини тасдиқловчи далил-ҳужжат сифатида «полис»² берилади холос. Суғурта шартномасида суғурталанувчига суғурта воқеасига кўра, кўриши эҳтимол бўлган зарарининг эквивалент қийматидаги пул тўлови (айрим ҳолларда мол-мулк кўринишида) таъминланиши назарда тутилади. Шартноманинг бажарилиши унда қайд этилган маълум давр оралиғида амалга оширилади.

Суғуртачининг саъй-ҳаракати ўз миқдорларини суғурта полисини сотиб олишлари орқали фойдали келишувни амалга оширганликларига ишонтиришга йўналтирилган бўлиши муҳимдир.

Мамлакатимизда босқичма - босқич бозор муносабатлари шаклланиши ва ривожланиши, иқтисодиёт субъектларининг юксак даражадаги иқтисодий мустақиллиги, эркинлиги даражаси ортиб бораётган жараёнда доимо рисклар мавжуд бўлиши кузатилади. Улар манфаатларига зарар келтириши мумкин бўлган ва доимий такрорланиб турадиган рискларни қайта тақсимлаш, яъни ўзига хос бўлган махсус хизмат билан суғурта шуғулланади.

«Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ходисаси) юз берганда, ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади»³.


Суғуртанинг функциялари. | Суғуртанинг ўзига хос функциялари унинг доимий такрорланиб турувчи қатор вазифаларида намоён бўлади. Суғуртанинг функциялари (Сф) рискдан ҳимоя (РХ), огоҳ этиш (ОЭ), инвестиция (И), жамғармачилик(Ж)дан, яъни: $S_f = P_f + O\mathcal{E} + I + J$ иборат бўлган бўлса, XXI аср бошида унинг янги (ахборот бериш ва технологик (АТ) шунингдек, ривожланаётган давлатлар мисолида

¹Қаранг: Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institute, Great Britain, 1993. p.1 b. 4.

²Қаранг: Ефимов С.Л. Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. М.: Церих -ПЭЛ, 1996. I-X, с. 347.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда .

ижтимоий ҳимоя (ИГ) каби функциялари намоён бўлаётганлиги ҳақида ҳам фикр билдириш мумкин. Суғурта функцияларининг янги мажмуаси (1-чизма) $S_f = PГ + ИГ + ОЭ + И + Ж + АТ$ кабилардан иборат бўлиб қолди.



1-чизма. Суғурта функцияларининг мажмуаси

Индивидуал суғурта доирасида ҳар бир шахс ўз эҳтиёжи ҳамда манфаатидан келиб чиқиб, суғурта шакли ва қоплама суммаси ҳажмини ихтиёрий асосда белгилайди. Шу ўринда, суғурта фаолиятининг ижтимоий ҳимоя функцияси яққол намоён бўлади.

Суғурта - молиявий таъминот воситаси сифатида мижозларнинг мол-мулкани рисклардан ҳимоясини кафолатлаши орқали суғурталанувчининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлайди.

Бизнинг назаримизда, бундай ҳимоя таъминланишида суғуртанинг рискдан ҳимоя функциясидан фарқли равишда ижтимоий ҳимоя функцияси мижоз учун аҳамиятлироқ саналади. Бу ҳолат ривожланаётган давлатларда фуқароларнинг жон бошига олаётган даромадлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, янги мулкларни сотиб олиш имкониятлари чекланганлиги сабабли, улар учун кўпроқ моҳият касб этиши билан изоҳланади.

Суғурта фаолиятининг талаб ва таклиф асосида ривож топиши, бир томондан, турли мулкчилик шаклларидаги суғурта ташкилотларининг фаолият кўрсатишлари учун зарурий шарт-шароитни яратса, иккинчи томондан, хўжалик субъектларининг мол-мулк ҳамда даромадларини кутилмаган турли рисклардан ҳимоясини таъминлайди. Худди шундай асосга кўра, суғурта хизматига бўлган талабдан келиб чиқиб, субъектларнинг қарорни қабул қилиш босқичлари (2-чизма) намоён бўлади.

а) Суғуртага бўлган талабни аниқлаш. Субъектлар томонидан суғурта хизматига бўлган талаб хилма-хиллигига қарамасдан, улар ўртасида ўзаро умумийлик мавжуддир.


Бизнинг фикримизча, субъектларнинг мазкур талабларга бўлган эҳтиёж ва мақсадларидан келиб чиқиб, уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- мол-мулк ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ муносабатларда намоён бўладиган мураккаб рисклардан ҳимояланишга бўлган эҳтиёжга асосланиб;

- кутилмаган иқтисодий рисклардан ҳимоялаш юзасидан ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашга қаратилган мақсаддан келиб чиқиб;

- инсон омилидан фойдаланишга бўлган талабга биноан;

- ташқи муҳит таъсирини оптималлаштириш юзасидан ҳимояга бўлган заруратга кўра.



2-чизма. Суғуртага бўлган талаб асосида субъектларнинг қарорни қабул қилиш босқичлари

б) Суғурта хизматининг муқобил вариантларини излаш ўз-ўзини суғурталаш ҳисобланади. Унга кўра, кўрилиши эҳтимол бўлган зарарни қоплаш учун махсус фондга ажратмалар ҳисобига рискни тўлиқ ёки унинг маълум қисмини суғурталаш амалга оширилади.

Йирик корхоналар, ишлаб чиқариш гуруҳлари кэптив суғурта ташкилотини¹ ташкил этиш ёки сотиб олиш борасида кенгроқ имкониятга эга бўлиб, улар мазкур суғурта ташкилотига рискларни бошқариш вазифасини ҳам юклаб қўйишлари мумкин.

в) Таклифларни ўрганиш, таҳлил этиш ва танлаш. Бунда юз бериши эҳтимол бўлган риск ҳолатларига кўра, субъект ўз олдида қўйган вазифаларидан келиб чиқиб, суғурталаш стратегиясини (3-чизма) танлайди.

Суғурта рискин қоплаш мақсадида, аниқ бир суғурта турини танлаш бўйича қарорни қабул қилишда, якка тартибда таклифларни ишлаб чиқиш мижознинг суғурта хизматида бўлган талабидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Мазкур танлов жараёнида суғурта ҳодисаси, яъни риск даражаси муҳим роль ўйнайди. Масалан, биринчи ҳолатда субъектнинг суғурта фонидан риск қопламасини олишга бўлган зарурати юқори эканлиги

¹Кэптив суғурта ташкилоти (инг. «Captive insurance company») - бу йирик молия-саноат гуруҳлари ёки кўп тармоқли концернлар таркибига кирувчи хўжалик субъектлари ҳамда таъсисчиларнинг корпоратив суғурта манфаатларига хизмат қилувчи акционерлик суғурта компаниясидир. Унинг фаолияти асосан қайта суғурталаш операцияларини амалга оширишга йўналтирилгандир. (Қаранг. Ефимов С.Л. Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. М.: Церих-ПЭЛ, 1996, I-X, с. 224.).

кузатилса, бошқа ҳолатларда, яъни ўртача ва енгил риск даражасидаги ҳодисалар юз бериши оқибатларини одатдаги меъёрий қопламалар ёки ўз ҳисобидан тугатиш имконияти мавжудлиги сабабли субъект суғурта хизматига эҳтиёж сезмайди.

Халокат даражасидаги воқеалар	Суғурта фонди қопламалари ҳисобига
Ўртача даражадаги воқеалар	Одатдаги меъёрий қопламалар ҳисобига
Енгил даражадаги воқеалар	Субъектнинг ўзи томонидан амалга ошириладиган тадбирлар орқали

3-чизма. Суғурта рискинни қоплаш бўйича стратегияни танлаш

Бу жараёнда риск даражаси юқорилиги субъектнинг суғуртага бўлган талабини оширса, аксинча ҳолат, риск даражаси ўртача ёки енгиллиги, унинг бундай кафолатли ҳимояга бўлган талабини пасайтиради. Шу ўринда, аҳолининг суғурта хизматига бўлган талабини ўрганиб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Кейинги йилларда жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги туб ўзгаришлар аҳолининг ҳам суғурта хизматига бўлган талабини орттирмоқда. Суғурта хизматининг аҳоли томонидан сотиб олинishi субъектив танлов, оқилоналик ва ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Шунингдек, шахснинг ўзига хос хусусияти, ҳаёт муҳити ва шу каби омиллар бу танловга ўз таъсирини кўрсатади. Оила даромадининг ортиши ва шахс ёшининг улғая бориши ҳам рискдан ҳимояланишга бўлган эҳтиёжни оширади¹.

Суғурта ташкилотлари томонидан таклиф этилаётган юз бериши эҳтимол бўлган рискдан суғурталаш доимий такомилдаги хизмат бўлиб, у кўп жихатдан мижознинг талаб ва истакларига боғлиқдир. Демак, суғурта хизмати даражасининг қандайлиги ўзига хос такомиллашув анъанасига эга бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқаришдан фарқлидир. Бу фарқлилик қуйидаги оқибатларни келтириб чиқаради:

- биринчидан, меъёрий ва самарали ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун захира фондидан фойдаланиш орқали талабнинг ўзгарувчанлигини мувофиқлаштириш имконияти мавжуд эмас. Бундай

¹Каранг: Форесъети Д. Структура спроса в страховании. Пер. с итальянск. Strategy and Marketing Uniwersita Commerciale L. Bјccјni Milano, 1995. с.74.

талабга жавоб бериш учун унинг энг юқори даражасида ҳам унга мувофиқ равишдаги ишлаб чиқариш захиралари мавжудлигини таъминлаш муҳим бўлиб, у универсал захиралар тизимини яратиш ёки талабни бошқариш усулини жорий этиш заруратини келтириб чиқаради. Бу муаммо суғурта ташкилотлари учун бирмунча мураккаб кечади. Мазкур мураккаблик полисларни бошқариш, суғурта ҳодисаси юз берганлигини текшириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан суғурталанганларга суғурта қопламасининг тўланишида намоён бўлади;

- иккинчидан, мижоз то суғурта хизматидан фойдалангунига қадар суғурта ташкилоти ва унинг имкониятлари даражаси тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлиши муҳимдир. Бу ҳолат, ўз навбатида, мазкур хизматни таклиф қилиш ҳамда уни кўрсатиш жараёнларида суғуртачидан қатор тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Суғурта хизматидан фойдаланишда суғурта ташкилотининг кафолати қандайлиги мижоз учун яратилган имконият даражаси билан ўлчанади.

Бизнинг фикримизча, бу борада суғурта фаолиятида риск трансфери жараёнида қўлланиладиган баъзи бир терминларга аниқликлар киритилиши талаб этилади. Мижоз томонидан суғурта хизматининг сотиб олиниши, унинг «полис»га имзо чекишидан бошланади. Бу ҳолат мижоз суғурта хизматининг ташкиллашган тузилмасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлганлигини англатади.

Суғурта фаолиятидан фарқли равишда хизмат кўрсатувчи корхоналарда «ишлаб чиқариш» ва «истеъмол» тушунчалари ўзаро мос келади. Суғурта фаолиятида эса, хизматни «ишлаб чиқариш» концепцияси кенг маънода қўлланилади, унда «истеъмол» мижоз томонидан бирон-бир аниқ мулкка эгалик қилишини англатмайди. Ҳақиқатда, мижоз полисни сотиб олиши биланоқ суғурта хизматидан фойдаланиши нисбийдир. Бунда юз бериши эҳтимол бўлган риск бўйича жавобгарлик «мижоздан ➤ суғуртачига» ўтказилганлиги кузатилади.

Кўрилиши эҳтимол бўлган риск бўйича жавобгарлик полисга эгалик бошланган даврдан то бу муддат тугагунга қадар, яъни шартноманинг амал қилиш жараёнида суғуртачининг суғурта қопламасини таъминлаш борасидаги иқтисодий имконияти қандайлиги билан белгиланади.

Мижоз суғуртачи билан ўзаро келишув шартларига мувофиқ аниқ бир суғурта тури бўйича суғурта хизматини сотиб олиши вақтидан то суғурта ҳодисаси юз бергунга қадар, шартномада қайд этилган талаб қандай бажарилишини олдиндан аниқ била олмайди. Бу хизмат даражасини ишлаб

чиқарилган маҳсулот сифатини аниқлаш каби анъанавий ўлчамлар орқали билиб бўлмайди.

Эҳтимолликка кўра, суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, суғурталанувчи шартномада белгиланган мажбурият бажарилишида суғурта ташкилоти томонидан камчиликларга йўл қўйилса ёхуд кўрсатилаётган хизматдан қониқиш ҳосил қилмаса, у бошқа шундай муқобил хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмайди. Бу ҳолат, яъни суғуртачини олдиндан синаб кўриш имконияти мавжуд эмаслиги, албатта мижознинг суғуртага бўлган ишончини пасайтиради.

Суғурталанувчининг рискни ўз зиммасига олмоқчи бўлган суғурта ташкилоти томонидан кўрсатилаётган хизмат сифати ва мажбуриятлари бажарилиши даражаси, унинг молиявий имкониятларини билиши суғурта хизматини кўрсатувчи субъектни тўғри танлаш имкониятини юзага келтиради. Жисмоний шахслар томонидан ҳам бундай маълумотлар ўрганиб чиқилиши аҳамиятлидир.

Суғурта хизматини ишлаб чиқариш билан таққослаб ўрганиш орқали улар ўртасидаги тафовутни англаб олиш мумкин. Ишлаб чиқариш босқичлари қуйидагича таснифланади: «моддий-техник таъминот - ишлаб чиқариш жараёни - сотиш». Одатда «оддий» ишлаб чиқаришда омиллар сотиб олиниб, қайта ишланиб, товарга айлантирилиб, сўнгра сотувга чиқарилади. Бу тасниф суғурта фаолиятига мос тушмайди ва бундай кетма-кетлик унинг учун характерли эмас.

Худди бошқа ишлаб чиқарувчи субъектлар сингари суғурта ташкилоти ҳам ишлаб чиқариш омилларини харид қилса-да, унда хизмат кўрсатишнинг даврий кетма-кетлиги фарқлидир. Суғурта хизмати мижознинг талабига кўра, уни омиллар билан таъминлашдан бошланади. Бу омиллар, албатта ўзида рискни намоён этади. Агарда риск омили мавжуд бўлмаса, суғурта фаолияти учун талаб юзага келмайди.

Мижозни суғурта омиллари билан таъминлаш бир вақтнинг ўзида суғурта ташкилоти рискни ўз зиммасига олганлигини ва айни вақтда, суғурта хизмати сотилганлигини ҳам англатади. Шундан келиб чиқиб, суғурта хизматини сотиш ишлаб чиқариш(хизмат кўрсатиш)дан олдин келади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Суғуртанинг моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Суғурта фаолияти деганда нимани тушунаси?

3. «Суғурта-хизмат кўрсатиш индустрияси» эканлигини изоҳлаб беринг?
4. Суғурта қандай функцияларни бажаради?
5. Суғуртанинг инвестиция функциясини қандай тушуниш мумкин?
6. Суғуртага бўлган талаб қандай аниқланади?
7. Суғурта хизматларига бўлган талабни оширишда қандай омиллар таъсир қилмоқда?
8. Суғурта полиси тушунчаси қандай маънони англатади?
9. Суғурта хизматининг маҳсулот ишлаб чиқаришдан фарқини тушунтириб беринг?
10. Ушбу мавзу бўйича қандай хулосалар чиқардингиз?

2–мавзу : Суғурта соҳасида қўлланиладиган асосий атама ва тушунчалар

1. Суғурта фондини ташкил этиш билан боғлиқ атамалар.
2. Суғурта фондидан фойдаланиш билан боғлиқ атама ва тушунчалар.
3. Халқаро суғурта амалиётида ишлатиладиган атама ва тушунчалар.

Суғурта фондини ташкил этиш билан боғлиқ атамалар. | Суғуртада фондини шаклланиши билан боғлиқ атама ва тушунчаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Суғурта муносабатларида қуйидаги томонлар қатнашадилар:

Суғурталовчи – суғурта хизматларини кўрсатишга ихтисослашган ва тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар. Тадбиркорлик фаолиятининг муҳим бўғини. Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунига кўра, суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини оловчи юридик шахс суғурталовчи деб ҳисобланади.

Суғурталовчилар турли мулк шаклига эга бўлиши мумкин (давлат суғурта ташкилотлари, акционерлик суғурта ташкилотлари ҳамда ўзаро суғурталаш жамиятлари). Суғурта фаолиятини олиб боровчи ташкилотлар махсус давлат органининг тегишли лицензиясига эга бўлиши зарур.

Суғурталанувчи – суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабати ўрнатган ва тегишли суғурта мукофотларини тўловчи юридик ёки жисмоний шахс.

Суғурта воситачилари – суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида воситачилик вазифасини бажарувчи юридик шахс. Мақоми бўйича воситачи суғурталанувчининг манфаатларини ҳимоя қилади. Кўрсатган хизматлари учун воситачи тегишли воситачилик ҳақини олади.

Риск- битта кутилаётган ҳодиса бўйича хавфнинг юзага келиши. Риск тушунчаси кўринишларининг хилма-хиллиги, уни содир бўлиши натижасида юзага келган оқибатларнинг оғирлиги, рискни рўй бериши сабабли пайдо бўлган зарарларни мутлоқ тугатишни имконияти бўлмаганлиги суғурта ишини ташкил этиш учун асос яратди. Шундай қилиб, риск суғуртавий ҳуқуқий муносабатларни шакллантириш учун шарт-шароит яратади. Риск-рискли ҳолатларнинг ягоналик ва ўзаро алоқадорлик йиғиндисидир.

Суғурта фанида риск тушунчасига турлича тарифлар берилган. Жумладан, риск-бу конкрет ҳодиса ёки ҳодисалар йиғиндиси бўлиб, улар содир бўлган тақдирда суғурта компанияси қопламалар тўлайди. Риск суғурта объекти билан тўғридан тўғри боғланган. Объектга риск салбий таъсир кўрсатиб, уни шикастлаши ёхуд nobуд қилиши мумкин. Шу туфайли риск - бу ягона тасодифий ҳодиса бўлиб, унинг рўй бериши инсон онгига ёки иродасига боғлиқ эмас. Суғурта рискларининг рўйхати суғурталовчининг суғурта жавобгарлиги ҳажмини ташкил этади.

Риск баҳосининг пулдаги ифодаси суғурта тариф ставкасини ташкил этади; суғурта объекти; суғурта жавобгарлигининг тури.

Тиббий суғурта- аҳоли соғлигини ҳимоя қилиш воситаларидан бири. Суғурта ҳодисаси рўй бериши муносабати билан, суғурта полиси орқали бепул тиббий хизмат кўрсатилиши. Тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни суғурта компанияси тўлайди. Тиббий суғурта мажбурий ёки ихтиёрий бўлади.

Мулкий суғурта - турли кўринишдаги мол-мулкларни сақлаш билан боғлиқ манфаатлар суғурта муносабатларининг объекти ҳисобланган, суғуртанинг мустақил тармоғи. Суғурталанувчининг шахсий мулки, унинг қарамоғида жойлашган мол-мулклар суғурталаниши мумкин. Суғурталанувчи сифатида, нафақат мол-мулкнинг соҳиблари, балки мол-мулкнинг сақланиши учун масъулиятли бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Нетто-ставка - брутто-ставканинг асосий таркибий қисми. Нетто-ставка суғурта қопламасини тўлашга мўлжалланган пул маблағлари

ресурслари бўлиб, у брутто-ставканинг 90 фоизигача миқдорини ташкил этиши мумкин.

Мажбурий суғурта - суғурта муносабатларининг қонун кучига эга бўлган шакли. Мажбурий суғурта қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Ушбу ҳужжатда суғуртага тортиладиган объектлар сони, суғурта жавобгарлигининг ҳажми, суғурта муносабатларида қатнашадиган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа реквизитлар кўрсатилади. Амалдаги қонунчиликка асосан, Ўзбекистонда мажбурий суғуртани тегишли лицензияга эга бўлган ҳар қандай суғурта компанияси ўтказиши мумкин. Шунингдек, мажбурий давлат суғурта турлари ҳам мавжуд. Масалан, ҳарбий хизматчилар, давлат божхона ва солиқ хизмати ходимлари ҳамда бир қаторда шундай тоифадаги шахслар бахтсиз ҳодисалардан мажбурий давлат суғуртасига тортилади. Бу суғурта тури бўйича суғурта мукофотлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Рискларни жойлаштириш:

1) суғурта манфаати туфайли юзага келадиган суғуртавий ҳуқуқий муносабатларнинг бошланиш жараёни. Рискларни бирламчи, иккиламчи ва учламчи жойлаштириш мос равишда тўғридан тўғри суғурталаш, қайта суғурталаш ва ретроцессияни англатади. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда рискларни жойлаштириш суғурта воситачилари орқали суғурта бозорида амалга оширилади;

2) суғурта брокери ёрдамида бир вақтнинг ўзида йирик ва хавфли рискларни қисмларга бўлиб бир нечта суғурта компаниясида суғурталаш услуги. Бир қанча суғурта компаниялари таркибидан биттаси етакчи сифатида ажралиб чиқади ва у суғурта шартномасидаги шартларни маъкуллаб, рискнинг тегишли қисмини ўз жавобгарлигига олади. Кейин, брокер бошқа суғурта компанияларига мурожаат қилиб, рискнинг қолган қисмини ҳам жойлаштиради.

Суғурта - ҳар хил нохуш ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ҳамда фуқароларнинг ҳаётида тегишли суғурта ҳодисалари рўй берганда уларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этиладиган ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ (мақсадли пул фондлари) иқтисодий муносабатлар йиғиндиси. ўтказиш шартига қараб, суғурта мажбурий ва ихтиёрий бўлади. Объектига кўра, мулкӣ, шахсий ва жавобгарлик суғуртасига бўлинади. Суғуртанинг асосини риск ташкил этади. Суғурта - бу рискни тақсимлаш усулидир.

Суғурта фондидан фойдаланиш Суғурта фондидан фойдаланиш билан боғлиқ атама ва тушунчалар. билан боғлиқ атамаларга куйидагилар киради:

Бош полис- суғурта компанияси ва суғурталанувчи ўртасидаги ёзма битим. Бу битимга мувофиқ, тегишли давр мобайнида суғурталанувчи барча объектларни суғурта компаниясига суғурталаш учун беради. Чет эл тажрибасида бу битим «очик полис» ёки «полис-абонамент» дейилади. Мазкур бош полис асосида суғурталаш ташқи савдо юклари суғуртасида кенг тарқалган. Суғурталанувчи суғурта компаниясига ҳар бир жўнатиш юк ҳақидаги маълумотлар (юкнинг вазни, суғурта суммаси, юкни жўнатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари) баён этилган аризани тақдим этса етарли, юк автоматик равишда суғурталанган ҳисобланади.

Квотали қайта суғурталаш - суғурта компанияси қайта суғурталовчи компания билан келишган ҳолда унга рискларни бир қисмини беради. Бу операция квота шартномаси орқали расмийлаштирилади. Қайта суғурталовчи компанияга суғурта мукофотини тегишли қисми берилади ва қайта суғурталовчи компания мутаносиб равишда кўрилган зарарни қоплашда иштирок этади.

Воситачилик ҳақи - мижозларни суғуртага тортганлиги учун суғурта компанияси томонидан воситачиларга (суғурта брокери, агент) тўланадиган ҳақ. Воситачилик ҳақининг миқдори суғуртанинг турига ва келиб тушган мукофотнинг ҳажмига боғлиқ ҳолда суғурта мукофотига нисбатан фоизларда тўланади.

Суғурта полиси - суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полисида куйидаги реквизитлар бўлиши шарт: суғурта компаниясининг юридик манзили, суғурталанувчининг номи, суғурта объекти, суғурта мукофотининг миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати. Суғурта қопламасини тўлашда суғурталанувчи суғурта полисини суғурта компаниясига тақдим этиши зарур.

Суғурта далолатномаси - суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта компанияси томонидан тузиладиган ҳужжат. Далолатномада мол-мулкнинг зарарланиш ёхуд нобуд бўлиш сабаблари, кўрилган зарар миқдори ва бошқа кўрсаткичлар бўлади. Далолатномага, зарур ҳолларда суғурта ҳодисаси ва мол-мулкнинг зарарланганлигини тасдиқловчи тегишли ташкилотларнинг (ёнғинга қарши кураш, давлат автомобиль назорати, қишлоқ хўжалиги, ветеринария хизмати ва бошқалар) ёзма ҳулосаси илова этилади. Халқаро

суғурта муносабатларида суғурта далолатномасини аджастер ёки авария комиссари тузади ва моҳиятан авария сертификатиға яқинлашади.

Суғурта мукофоти- суғурта хизматини кўрсатганлик учун тўланадиган ҳақ. Суғурта мукофотининг миқдори суғурта суммасига нисбатан фоизларда аниқланади. Суғурта мукофотининг миқдори аниқ суммаларда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, автомобиль эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириш фуқаролик жавобгарлигини суғуртасида суғурта мукофоти аниқ пул бирлигида кўрсатилади.

Суғурта пули - суғурта мажбуриятини бажариш ҳамда суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлмасдан ўзаро келишган ҳолда бир қанча суғурта компанияларининг ихтиёрий уюшмаси. Суғурта пули, асосан, хавфли, йирик объектларни суғурталаш мақсадида ташкил этилади. ҳар қайси компания ўз суғурталанган рискни пулга беради ва бунинг учун, пул орқали йиғилган суғурта мукофотларининг бир қисмини олади. Олинган суғурта мукофотлари ҳажмида суғурта қопламасини тўлаш бўйича жавобгарликни ўз зиммаларига олади. Хорижий мамлакатларда авиация, атом, ҳарбий рискларни суғурталаш учун суғурта пули ташкил этилади.

Суғурта объекти - шахсий суғуртада фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, меҳнат қобилияти билан боғлиқ манфаати; мулкӣ суғуртада бинолар, қурилмалар, транспорт воситалари уй-жой мулки, ташиладиган юклар ва бошқа моддий бойликларни сақлашга бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаати; жисмоний ёки юридик шахснинг ўз ҳатти-ҳаракати билан унинг шахсга зарар келтириш фуқаролик масъулияти - масъулиятни суғурталашда суғурта объекти бўлиб ҳисобланади. Рискни баҳолаш мақсадида суғурта объекти суғурта компаниясининг мутахассислари томонидан экспертиза қилиниши мумкин.

Суғурта шартномаси - икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасида тузиладиган ёзма равишдаги битим бўлиб, бунда суғурта компанияси суғурта ҳодисаси туфайли зарар кўрилганда суғурталанувчига суғурта қопламаси ёки суғурта суммасини тўлаш мажбуриятини, суғурталанувчи эса белгиланган муддатларда суғурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқлаш учун суғурталовчи суғурталанувчига суғурта полиси беради. Суғурта шартномасини тузишдаги асосий, оддий ва қўшимча шартлар суғурта шартномасининг мазмунини ташкил этади.

Халқаро суғурта амалиётида	Халқаро	даражада
ишлатиладиган атама ва тушунчалар.	қўлланиладиган	суғуртага

оид атамаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Абандон - тўлиқ миқдордаги суғурта суммасини олиш учун суғурталанувчининг суғурталанган мол-мулкдан суғурталовчининг фойдасига воз кечиши (суғурталанган кема нобуд бўлганда, у хабарсиз йўқолганда, кема ёки юк қароқчилар томонидан босиб олинганда). Абандон тўғрисидаги ариза воқеа-ҳодиса рўй бергандан кейин олти ой мобайнида берилиши керак. Айрим чет мамлакатлар қонунчилигида абандон суғурталанувчининг бир томонлама акти ҳисобланади. Фақат, Англия қонунчилигида абандон учун суғурталовчининг розилиги талаб этилади.

Авария комиссари - суғурта компаниясининг ваколатига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс. Суғурталанган кема ёки юк бўйича кўрилган зарарнинг характери ва миқдорини аниқлайди, ҳодиса рўй берганлик сабабларини ўрганади. Суғурта компанияси авария комиссарининг чет элда ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам тайинлаши мумкин. Авария комиссарининг юридик манзили, телефон ва телекс рақамлари суғурта компанияси томонидан бериладиган суғурта полисида кўрсатилади. Суғурталанувчи суғурта ҳодисаси рўй бериши заҳоти авария комиссарига мурожаат қилиши зарур. Авария комиссари мол-мулкнинг зарарланганлик даражасини аниқлайди ва суғурта компаниясининг топшириғига асосан, кўрилган зарарни қисман қоплаши мумкин. Авария комиссари бажарилган ишлар тўғрисида суғурта компанияси учун авария сертификати тузади ёки унга ёзма ахборот тайёрлайди.

Авария сертификати - мол-мулк суғурта ҳодисаси туфайли зарарланганда, кўрилган зарарнинг миқдори ва характерини тасдиқловчи ҳужжат. Авария сертификати авария комиссари (аджастер) томонидан тузилади ва тегишли воситачилик ҳақи ҳисобига суғурталанувчига тақдим этилади. Авария сертификати суғурталанувчининг суғурта қопламасини олиш тўғрисидаги аризасига илова этилади ва қопламани тўлашда суғурта компаниясига асос бўлиб хизмат қилади.

Аджастер - суғурта ҳодисаси рўй бериши муносабати билан суғурталанувчи томонидан билдирилган эътирозни тартибга солишда суғурта компаниясининг манфаатларини ҳимоя этувчи жисмоний ёки юридик шахс. У суғурталанувчи билан унга тўланадиган суғурта қопламаси миқдорини келишишга ҳаракат қилади. Аджастер суғурта ҳодисасини рўй бериш сабабларини ўрганади ва таҳлил этади. Ушбу таҳлил натижалари

бўйича суғурта компаниясига эксперт хулосасини тузади ҳамда авария комиссари функциясини бажаради. Аджастер вазифасини суғурта компаниясининг таркибий бўлими ёки ихтисослашган ташкилот амалга ошириши мумкин.

Актуарий - лотин тилидан таржима қилганда ҳисобчи деган маънони билдиради. Актуар ҳисоб-китоблар назариясини ўзлаштириб олган суғурта математикаси соҳасидаги мутахассис. У суғурта тарифларини ҳисоблаш ва методологиясини ишлаб чиқиш, узоқ муддатли суғурта турлари бўйича суғурта захираларини шакллантириш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан шуғулланади. Ҳозирги пайтда Англияда актуарийлар институти фаолият кўрсатмоқда. Актуарийларнинг халқаро уюшмаси мавжуд.

Актуар ҳисоб-китоблар - суғурта тарифи ставкаларини ҳисоблашнинг иқтисодий-математик усуллари йиғиндиси. Ушбу ҳисоб-китоблар катта сонлар қонунига асосланади. Актуар ҳисоб-китобларнинг методологияси, эҳтимоллар назарияси, демография қонуниятларига асосланади, тариф ставкасини миқдори суғурта ҳодисалари рўй беришининг эҳтимолийлигига боғлиқ. Демография маълумотларидан фуқароларнинг ҳаётини суғурталашда суғурталанувчиларнинг ёшига мос равишда суғурта тарифи ставкасини табақалаштиришда фойдаланилади. Узоқ муддатли ҳаётни суғуртаси бўйича суғурта суммалари суғурталанган шахс вафот этганда ёки у маълум бир ёшга етганда тўланади. Етарли миқдордаги суғурта фондини шакллантириш учун, суғурталовчи шартнома амалда бўлган даврда қанча шахс вафот этиши ёки маълум бир ёшга етиши эҳтимолийлигини билиши зарур. Аҳоли ўлими даражаси ҳақидаги статистик маълумот асосида турли ёшга етиши эҳтимоллигини ҳисоблаш ҳамда фуқароларнинг ўлими тўғрисидаги жадвални тузиш мумкин. Бу жадвал асосида нафақани ва ҳаётни суғурталаш бўйича тариф ставкаларни ҳисоблаш мумкин.

Андеррайтер – 1) турли рискларни суғурталаш ваколатига эга, суғурта компанияси томонидан тайинланадиган шахс. Суғурта компаниясини суғурта портфели шаклланиши учун жавоб беради. У суғурта шартномаларини тузиш, рискларни баҳолаш ва суғурта тарифи ставкасини белгилаш юзасидан тегишли малакага эга бўлиши зарур; 2) Ллойд суғурта полисларини берадиган Ллойд суғурта корпорациясини аъзоси; 3) потенциал мижозларга суғурта полисини сотиш билан шуғулланадиган ёки

манфаатдор томонларга суғурта соҳаси бўйича юқори даражада маслаҳат хизматларни кўрсатадиган жисмоний ёки юридик шахс.

Андеррайтер сиёсати- суғурталаш билан боғлиқ янги таклифларни кўриб чиқиш ва мазкур таклифни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида хулосалар чиқаришга қаратилган сиёсат.

Аннуитет – рента ва нафақаларни суғурталашнинг ҳамма турларини умумлаштирувчи тушунча. Бунда суғурталанувчи суғурта компаниясига бир вақтнинг ўзида ёки бир неча йиллар давомида тегишли суғурта мукофотларини тўлайди. Кейин суғурталанувчи бутун ҳаёти давомида суғурта компаниясидан даромад олади. Аннуитетнинг бир тури ҳисобланадиган фуқароларнинг йиллик даромадини суғуртаси бугунги кунда Буюк британияда, Францияда ва АҚШда кенг ривожланган.

Диспашер – денгиз транспортида умумий авария содир бўлганда кўрилган зарарни кема, юк ва фрахт ўртасида тақсимлаш бўйича ҳисоб-китобларни тузадиган мутахассис. Ривожланган мамлакатларда диспашер функциясини махсус компаниялар бажаради. Зарарларни тақсимлаш бўйича ҳисоб-китоблар диспаша дейилади ва диспашани тузганлик учун ҳақни манфаатдор томонлар (кема эгаси, юк эгаси, юкни сотиб олувчи шахс) тўлайди.

Европолис – Европа Иттифоқи мамлакатларида суғурта шартномаси тузганлик фактини тасдиқловчи суғурта полиси.

Ковернота – суғурта воситачиси томонидан суғурталанувчига бериладиган ва суғурталанувчининг суғурта шартномаси тузишини тасдиқловчи ҳужжат. Ушбу ҳужжатда кўрсатилган муддат мобайнида суғурта брокери суғурталанувчига суғурта полисини бериши шарт. Чунки, ковернота суғурта компанияси учун юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланмайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Суғурталовчига таъриф беринг?
2. Риск тушунчаси нимани англатади?
3. Мулкӣ суғурта нима?
4. Суғурта пули нима сабабдан тузилади?
5. Суғурта рискига таъриф беринг?
6. Қайси рискларни суғурта ҳимоясига олиш мумкин эмас?
7. Актuariйларнинг асосий вазифаси нималардан иборат?

8. Суғурта объекти ва субъектининг бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатларини кўрсатинг?

9. Суғурта далолатномаси нима сабабдан тузилади ва уни тузишда кимлар иштирок этади?

10. Европолис ҳақида сўзлаб беринг?

11. Ковернота деганда нимани тушунаси?

3-мавзу: Суғурта захираси ва унинг турлари

1. Суғурта захираси ҳақида тушунча ва унинг шаклланиши.

2. Суғурта захирасининг турлари.

Суғурта захираси ҳақида тушунча ва унинг шаклланиши.		Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда суғурта бир томондан, айнан рискдан ҳимоя воситаси ҳисобланса, иккинчи томондан, у тадбиркорлик фаолияти ҳамдир. Кейинги йилларда суғурта мамлакатимизда ҳам тадбиркорлик фаолиятига айланмоқда.
---	--	--


Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, суғурта фаолиятини унинг функционал моҳияти билан узвий боғлиқ бўлган хизматларни ташкил этиш ҳамда уларни кўрсатиш (унинг мулкӣ шакли, бошқарув тизими ва бошқа иқтисодий омиллар билан ўзаро боғлиқ бўлган) саъй-ҳаракатлар мажмуаси деб таъкидлаш мумкин. Мазкур фаолиятнинг асосий мақсади иқтисодиёт субъектининг талабига кўра, уни суғурта рискларидан ҳимоясини таъминлашга қаратилгандир.

Айнан шу мақсадни амалга ошириш учун суғуртачи томонидан суғурталанувчидан суғурта мукофотлари ундириб олинади. Бу ундирилган мукофотлар ҳисобидан, ўз миқдори бўлган субъектнинг, эҳтимолликка кўра, зарар кўришининг олдини олиш, ундан огоҳ этиш, суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, унинг оқибатларини тугатиш учун мақсадли суғурта захирасини (4-чизма) шакллантиради. Суғуртачининг суғурта захирасини шакллантириш жараёни қайта тақсимлаш муносабатлари сифатида намоён бўлади.

«Қабул қилинган суғурта мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун суғурталовчилар ҳам сўмда, ҳам чет эл валютасида тўланган суғурта мукофотларидан махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда суғурта захираларини шакллантирадилар ҳамда жойлаштирадилар.

Суғурталовчининг суғурта захираларига мос келувчи активлари олиб

кўйилиши мумкин эмас»¹.



4-чизма. Суғурта захирасини шакллантириш ва суғурта қопламасини амалга ошириш жараёнлари

«Қабул қилинган суғурта мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун суғурталовчилар ҳам сўмда, ҳам чет эл валютасида тўланган суғурта мукофотларидан махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда суғурта захираларини шакллантирадилар ҳамда жойлаштирадилар.

Суғурталовчининг суғурта захираларига мос келувчи активлари олиб кўйилиши мумкин эмас»².

Суғурта захираси - жисмоний ва юридик шахсларнинг суғурта муносабатига киришлари, яъни суғурта мукофотларини тўлашлари ҳисобига шаклланади. Ушбу захирани шакллантириш ҳар бир суғурталанувчи томонидан суғурта мукофотлари ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши эвазига юз беради. Захира маблағлари фақат мақсадли сарфланади ҳамда унинг ресурслари ҳажми суғурта ташкилоти томонидан статистик, эконометрик андозаларга ва эҳтимоллик назариясига асосланиб аниқланади ҳамда шакллантирилади. Шунингдек, суғурта захираси маблағларидан самарали фойдалана билиш суғурта фаолияти натижаси қандай бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида кўрилган зарарлар суғурта захирасини шакллантирган субъектлар ўртасида ўзаро тақсимланади, яъни маблағларнинг қайта тақсимланиши амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, суғурталанувчиларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) имкониятларини кенгайтиради.

Амалиётда суғурта захираларини шакллантириш орқали рисклардан ҳимоялашнинг оптимал даражадаги шакли ишлаб чиқилган. Суғурта

¹Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 21-модда.

²Ўша манадан, 21-модда.

захирасини самарали бошқариш суғурта ташкилотининг талаб даражасидаги моддий-молиявий ва инсоний захираларга эга бўлишини таъминлайди. Бу жараёнда, бир томондан, суғурта хизматининг талаб даражасида амалга оширилиши кафолатланса, иккинчи томондан, мижозларнинг суғурта хизматига бўлган ишончи ортади. Суғурта ташкилоти молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили сифатида суғурта захирасини шакллантириш муаммоси мамлакатимиз суғурта назариясида етарли ўрганилмаган жабҳадир.

Суғуртачи субъектнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан (одатда уларнинг маблағлари тўлиқ ўз ихтиёрида бўлади) фарқли жиҳати шундаки, суғуртачининг маблағлари:

- суғурта захираси;
- унинг ўз маблағларидан ташкил топгандир.

Ўз маблағлари тақсимотини қандай олиб бориш субъектнинг хоҳишига кўра амалга оширилса, захирадан фойдаланиш имконияти қатъий белгилаб қўйилган.

Суғуртачи захира маблағлари ҳисобидан:

- суғурта қопламасини тўлаши;
- суғурта шартномасининг амал қилиш даври тугаши вақтида унинг бир қисмини, шартнома шартларига биноан, ўз маблағлари таркибига ўтказиши мумкин.

Бундай шаклда олинган даромаднинг ҳажми ҳар бир шартнома бўйича қоплама тўланганлиги ва бошқа қатор сабабларга боғлиқдир. Суғурта қопламаси тўлови ҳолати юз берадими ёки йўқми бу номаълум бўлсада, суғурталанувчи манфаатининг ҳимояси таъминланган бўлади. Шундай ҳимоя ҳисобига суғурта ташкилоти суғурталанувчидан мукофот ундириб олади ва албатта, бу ундирилган сумма унинг ўз маблағи ҳисобланади.

Энди, ўз маблағларининг бир қисмига нисбатан суғуртачининг эркин тақсимлаш ҳуқуқи чекланганлигига келсак, бу бошқа шахслар манфаатлари шуни талаб этганлигидан келиб чиқади¹.

Суғуртачи асосан суғурта мукофотлари ва инвестиция фаолиятдан даромад олади. Айрим ҳолларда бошқа суғуртачи учун суғурта брокери вазифасини бажариши ҳисобига комисион йиғимларни ундириши ҳам мумкин. Аммо, бу манба унча катта бўлмаганлиги учун суғуртачи даромадида аҳамиятли ўрин тутмайди.

¹Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Т. Ўзбекистон, 1994, XII боб, 54-модда, 33-бет.

Демак, суғуртачи даромадларининг бир қисмини захира учун сақлайди, бошқа қисмидан эса, ўз хоҳишига кўра фойдаланади. Захира бир неча турда бўлиши мумкин, унинг ҳажми махсус ваколатли Давлат органи томонидан белгиланади. Даромаднинг захирага ажратилган қисми солиқ солиш базасидан чиқарилади. Мазкур маблағдан суғуртачига фақат махсус ваколатли Давлат органи томонидан белгиланган қоида асосида фойдаланишга рухсат берилади.

Суғурта захирасининг турлари. Суғурта захирасининг турлари:

- ўз белгиланган муддатига кўра, суғурта хизматини кўрсатиш учун олинган суғурта мукофотлари - захира сифатида. Шартнома шартлари бўйича у суғуртачи ҳисобига ўтказилган бўлсада, унга мувофиқ равишдаги хизмат ҳали кўрсатилмаган бўлиб, бу сумманинг бир қисми «ҳали ишлаб топилмаган» ҳисобланади. Суғурта мукофоти «ишлаб топилгани»дан сўнг, унинг бир қисми огоҳ этиш захирасига ўтказилади, улар белгиланган тартибда даромад(фойда) солиғига тортилади.

- зарарларни қоплаш захиралари. Унинг ҳажми потенциал тўловлар ҳамда 3 фоиз атрофидаги тадбирларни олиб бориш учун ажратилган харажатлар суммасидан иборат бўлади. Суғурта ҳолатига кўра, суғурталанувчининг аризасига биноан, суғуртачи захирадан қоплама суммасини тўлаш учун тайёрлайди, аммо кўрилган зарар сабабларини аниқлаштириш натижасида суғурталанувчининг айби билан суғурта ҳодисаси юз берган бўлса, қоплама тўланмаслиги ҳам мумкин.

- огоҳ этувчи тадбирлар учун захира. Бу захира мақсадли бўлиб, уни харажат қилиш махсус ваколатли Давлат органи томонидан ишлаб чиқилган низомга кўра амалга оширилади. Мазкур тадбирлар суғурталанувчи билан келишилган ҳолда олиб борилади. Бу тадбир суғурталанувчи томонидан бажарилади, суғуртачи эса уни молиялаштиради холос.

Захираларнинг яна бошқа турлари ҳам мавжуддир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суғурта ташкилоти томонидан суғурталаш, ўзаро суғурталаш ва қайта суғурталаш операцияларини амалга оширишда, бошқа иқтисодий фаолиятдан фарқли равишда, суғурта хизмати ўзига хосликка эгадир¹.

Ҳар бир шартнома бўйича суғурта хизмати таннархини аниқлаш имконияти чекланган. Негаки, суғурта ташкилоти ўз фаолиятининг

¹Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 914, 929, 930, 939, 941, 959, 960-моддалар. Т.: Адолат, 1996.

молиявий натижаларини ҳар бир шартномага кўра эмас, балки жами суғурта турлари бўйича амалда бўлган барча шартномаларнинг умумий суммасига асосланиб аниқлайди.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка биноан, суғурта ташкилотлари томонидан бир вақтнинг ўзида ҳаёт суғуртаси ва умумий суғуртани амалга оширишлари, худди халқаро амалиётда бўлгани каби, ман этилган¹. Суғурта шартномаси шартларида қайд этилган суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида кўрилган зарар қопланиши шарт. Бунинг учун суғурта ташкилоти мақсадли захира маблағларидан фойдаланади.

Юқорида баён этилган суғуртанинг назарий-услубий асосларидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, суғуртачининг асосий мақсади айнан захира маблағларидан самарали фойдаланиши орқали даромад олишга қаратилгандир.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда суғуртанинг туб маънода тадбиркорлик фаолиятига айланиши учун қуйидаги маълум шартлар бажарилиши талаб этилади:

- биринчидан, суғурта фаолияти билан шуғулланувчи ихтисослашган ташкилот суғурта хизматини кўрсатиши ҳамда рақобатли муҳитда муваффақиятли ишлаши учун ўз молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаши, филиаллар тармоғини кенгайтириши;

- иккинчидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта захирасини шакллантириш жараёнида бевосита иштирок этиш имкониятларини кенгайтириши, аynи вақтда улар томонидан суғурта хизматиға талабнинг ҳам юқори бўлишиға эришиши;

- учинчидан, турли мулкчилик шаклидаги иқтисодиёт субъектлар, хусусан, давлат (бюджет маблағларини жалб этмаган ҳолда) ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёнида юз бериши эҳтимол бўлган рисклар бўйича, кутилмаган зарар ва йўқотишларни қоплаш механизми сифатида суғурта фаолияти ривожланишидан манфаатдор бўлиши кабилар.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, суғуртаға бўлган талабға хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг табиий эҳтиёжлари сифатида қарамаслик лозим. Бизға маълумки, табиий эҳтиёжлар тўғридан-тўғри англанилади ҳамда ҳар бир субъект уларни ўзи учун намоён этиб, бундай эҳтиёжларини қониқтиришға ҳаракат қилади.

Суғурта ва унинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тадқиқ этиш шуни

¹Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 15-модда.

кўрсатмоқдаки, бошқа субъектлар билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда, уларнинг иштирокчилари ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш) жараёнидаги иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа қатор мажбуриятларни ўз зиммаларига олади. Бу масъулият эса, субъектнинг ўз мулки ёки мулкчиликдаги ҳиссаси бўйича кўриши эҳтимол бўлган риск мавжудлигидан келиб чиқиб, уларнинг суғурта фаолиятига бўлган талабини юзага келтиради. Шунингдек, иқтисодий, технологик, экологик ва бошқа шарт-шароитларнинг мураккаблашуви замирида қўшимча рисклар ҳам намоён бўлади.

Суғурта рискларининг ҳудудларга кўра, кенглиги, даврийлиги ва хилма-хиллиги, шунингдек, уларни олдини олиш ҳамда қоплаш сарф-харажатларининг ўсиб бораётганлиги ҳам суғуртанинг аҳамиятини янада ошириб, унга бўлган талабни орттиради. Айнан шундай талабнинг мавжудлиги суғурта фаолияти натижаси фойдали бўлиши ва унинг истиқболдаги ривож учун зарурий шарт-шароитни юзага келтиради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Суғурта заҳирасини шакллантириш манбасини айтинг?
2. Суғурта заҳирасини шакллантиришдан мақсад нимага қаратилган?
3. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунида суғурта заҳиралари ҳақида нима дейилган?
4. Суғурта заҳирасининг маблағлари қайси йўналишларда фойдаланилади?
5. Суғуртачининг даромадлари қайси манбалар ҳисобидан шаклланади?
6. Суғурта заҳирасининг қандай турларини биласиз?
7. Зарарларни қоплаш заҳираларининг мазмунини гапириб беринг?
8. Огоҳлантирувчи тадбирларни молиялаштириш учун заҳира нима сабабдан ташкил этилади?
9. Суғуртанинг туб маънода тадбиркорлик фаолиятига айланиши учун қандай шартлар бажарилиши талаб этилади?
10. Суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида етказилган зарарлар қандай ҳолатларда қопланади?

4-мавзу: Суғурта фаолиятида рисклар ва рисклар трансфери

1. Суғурта фаолиятида рисклар.

2. Суғурта фаолиятида рисклар трансфери.

Суғурта фаолиятида рисклар. | Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиёт субъектларининг кўпроқ даромад олиш сарф-харажатлари доимо риск билан боғлиқликда кечади. Шу нуқтаи назардан «риск» тушунчаси назарда тутилган ҳолатга нисбатан кутилмаган ҳодиса юз беришини англатади. Иқтисодиёт субъектлари фаолиятига таъсир этиши эҳтимоли бўлган куйидаги рискларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- тадбиркорлик рисклари. Улар субъектнинг даромад ва харажатлари даражасига таъсир этувчи омил саналади ҳамда фаолияти натижаси уларга боғлиқ бўлиб қолади;

- соф рисклар. Улар зарарга олиб келувчи суғурта ҳодисаси юз бериши билан боғлиқдир.


XXI аср бошида янги рисклар ҳам пайдо бўлмоқда. Масалан, истеъмолчиларни ҳимоя қилиш ҳаракати фуқаровий жавобгарлик суғуртасини юзага келтирди. Ишлаб чиқариш оқибатлари ва уларнинг атроф-муҳитга таъсири масаласи билан боғлиқ бўлган экологик рисклар ҳам намоён бўлмоқда. Кейинги йилларда технологик рисклар 15 фоиз атрофида ортганлиги сабабли суғурта ташкилотлари учун кенг имкониятлар айнан уларни суғурталашда кузатилмоқда.

Бу жараёнда суғурта фаолиятининг истиқболи бир томондан, унга талаб ортиб бораётганлигида кўзга ташланса, иккинчи томондан у билан шуғулланиш фойдали тадбиркорлик сифатида қаралаётганлигида намоён бўлмоқда.

Субъектларнинг турли рискларини қайта тақсимлаш орқали «суғурталанувчи - суғуртачи» ўртасида тузилган шартномага биноан суғурталаш амалга оширилади. Бундай қайта тақсимот фақат эҳтимоллик ва тасодикийликка кўра, рискка эга бўлган манфаатлар гуруҳи мавжудлигида юз беради. Агарда шартномага кўра, суғурта муносабатларида қатнашувчи иккала томон ҳам бундай ҳамкорликдан кутилган самарадорликни ўз сарф-харажатларига нисбатан фойдали деб ҳисобласа, риск трансфери¹ юзага келади. Унинг фойдалилигини ҳар бир субъект ўз манфаатдорлиги нуқтаи

¹Трансфер (лот. *transfere*) – кўчирмоқ, оширмақ, сотиш маъносида (бу ўринда суғурталаш назарда тутилган.. – Қаранг: Мюллер В.К. Англо-русский словарь: 53000 слов.-18-е изд. Стереотип. – М.: Рус. яз., 1981.- с. 781.

назаридан баҳолайди. (1-чизма).



1-чизма. Суғурта фаолиятининг рисклар трансфери сифатида томонлар учун фойдалилиги

Суғурталанувчи учун манфаатдорлик суғурта шартномасини тузиши орқали ўз rischi даражасини қанчалик камайтира олганлиги, шартноманинг амал қилиши даврида эса, рискнинг юз бериши оқибатида кўриши эҳтимол бўлган зарарни қоплаш қандай даражада таъминланганлиги билан ўлчанади. Суғурталанувчи томонидан шартномага биноан, суғурта мукофотини шартнома тузилган вақтнинг ўзидаёқ тўлашга тўғри келади.

Суғурта шартномасини тузиш ва унинг амал қилиш даврида мижоз доимо суғуртачининг эътиборида эканлигини, суғурта мукофотлари ҳисобига ўзи учун ишончли ҳимояни сотиб олганлигини, танлаган суғурта ташкилоти самарали бошқарилаётганлиги ҳамда унинг манфаатлари биринчи ўринга қўйилаётганлигини ҳис этиши муҳимдир.

Шу ўринда, субъектив омилларнинг таъсири ортишини қайд этиш лозим. Натижада кўрилиши эҳтимол бўлган бир хил риск бир субъект томонидан суғурталаниши амалга оширилса, айти вақтда шундай риск бошқа бир субъект томонидан суғурталанмаслиги ҳам мумкин.

Суғурта rischi юзасидан эҳтимолликка кўра, суғурта таъминотига бўлган эҳтиёжни юзага келтирувчи қатор омиллар субъектлар томонидан талаб сифатида қўйилиши мумкин. Улар жумласига:

- иқтисодиётда нодавлат тармоғининг кенгайиши;
- уй-жой фондларининг хусусийлаштирилиши;
- аҳоли турмуш даражасининг ошиб бориши каби қатор омиллар

киради.

Шуни таъкидлаш лозимки, мижознинг суғуртага бўлган талаби унинг фаолияти билан узвий боғлиқликда намоён бўлади. Мазкур талаб даражасига айнан:

- мулкчилик шакли ва унинг ҳолати;
- ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ҳажми ва амалга оширилаётган операциялар тури;
- тизимнинг ташкилий-молиявий таркиби, шунингдек, ундаги ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) бирлашмалари сони;
- субъектнинг фаолиятига таъсир этувчи ички ёки ташқи омиллар ҳамда унинг қандай мамлакат ҳудудида амалга оширилаётганлиги;
- бошқарув усули;
- ходимлар таркиби;
- ташкилот мақсади ва унга эришиш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар каби қатор омиллар таъсир этади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган омилларнинг хилма-хиллиги ва ҳар бир субъект томонидан суғуртага бўлган объектив талаб мавжудлиги бу хизматдан фойдаланиш заруратини юзага келтиради.

Субъектнинг суғуртага бўлган талаби бир бутун мажмуа сифатида намоён бўлади. Шундан келиб чиқиб, суғурта ташкилоти биринчидан, сон жиҳатдан чекланган доирадаги кутилган суғурта мукофотлари тушумига эга бўлса, иккинчидан, унда суғуртага қабул қилган рискларини гуруҳлаш имконияти ҳам юзага келади.

Кейинги йилларда, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитнинг ўзгариши, иқтисодиётда янги технологиялар қўлланила бошлаши натижасида, товар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) усуллари янада такомиллаштириш зарурати субъектлардан ўз фаолиятларини янги асосда ташкил этишларини давр талабига айлантирди. Бу ҳолат катта корхоналар даражасида самарадорлик ошишига олиб келса, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг молиявий ресурслари тақчиллиги оқибатида уларнинг иқтисодий аҳволини оғирлаштириши мумкин.

Бу жараёнда субъектларнинг бир томондан, ташкилий-таркибий ўзгартиришларга бўлган интилишлари фаоллашган бўлса, бошқа томондан, уларнинг рисклардан ҳимояланишга бўлган эҳтиёжлари ҳам ортганлиги кузатилди. Бунинг оқибатида субъектларнинг зарарларни қоплаш юзасидан манфаатли диверсификацияга бўлган саъй-ҳаракатлари ҳам кенгайди.

Ўз маркетинг тадқиқотларига асосланиб, қатор суғурта ташкилотлари

асосий фаолиятларини катта корхоналарга қаратганликлари, яъни катта рискларни суғурталашни ўз зиммаларига олишлари кузатилмоқда. Суғуртачи субъектлар қоплама тўловини амалга ошириш имкониятлари орқали ўз таклифлари билан чиққан бўлса, бошқа томонидан, улар махсус лойиҳаларни амалда оширишга ҳам ёрдам кўрсатишлари мумкинлиги манфаатдор томонларнинг ўзаро ҳамкорликка бўлган интилишлари ортишига олиб келди.

Қатор ривожланган мамлакатларда кичик бизнес субъектларининг умумий корхоналар сонидаги салмоғи 80-90 фоизни ташкил этади¹. Таркибий-ташкилий тузилиши ҳамда молиявий ҳолатларига кўра, ушбу тадбиркорлик субъектларининг имкониятлари чеклангандир. Бу чекланганлик маблағ етишмаслигини келтириб чиқариши оқибатида улар турли рисклардан ўз ҳимояларини мустақил равишда таъминлай олмайди. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, суғурта ташкилотлари учун истиқболли имкониятлар очади.

Ҳозирги шароитда кўрилиши эҳтимол бўлган рисклар тадбиркорлик фаолияти йўналишини танлашга таъсир этувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш(иш бажариш, хизмат кўрсатиш)да ҳамкорлик кенгайтиши натижасида экспорт кредитлари суғуртаси объектлари ортиши суғурта фаолиятининг янги объектлари пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Тижорат банклари рискларининг суғуртаси бунга мисол бўла олади.

Бу рискларнинг асосийлари ўзаро узвий боғлиқликда намоён бўлмоқда. Улар жумласига:

- молиявий қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлган рисклар;
- кредит рисклари;
- активларнинг бозор баҳосида тез сотилишга бўлган ишонч сусайиши билан боғлиқ бўлган рисклар;
- қарз фоиз ставкалари даражаси билан боғлиқ бўлган туркум рисклар киради.

Рисклар билан боғлиқ воқеа ва ҳодисаларнинг сони ҳамда сифатини баҳолаш зарурати субъектлардан уларни аниқлаштиришни талаб этмоқда. Масалан, риск катталигига тўхталадиган бўлсак, уни аниқлаш учун йил давомида кўрилиши эҳтимол бўлган зарарнинг энг юқори даражаси ёки эҳтимолликка кўра уни тақсимлаш таъминли қўлланилади.

Ҳисоб-китобларнинг ишончлилиқ даражаси уларни олиб

¹Шамхалов Ф.И. Государство и экономика: (власть и бизнес)/ Отд. экон. РАН; науч. - ред. совет изд-ва «Экономика», М.: ОАО Издательство «Экономика», 1999. с. 40.

борувчиларнинг касбий маҳоратига боғлиқдир. Улар томонидан соф риск билан кўрилиши эҳтимол деб топилган зарарнинг катталиги қандай нисбатда намоён бўлишини олдиндан аниқлаш муҳимдир.

Эҳтимолликка кўра, юз бериши мумкин бўлган риск мавжудлиги шароитида, иқтисодиёт субъектлари уларни ўз ички имкониятлари билан ҳал этишдан манфаатдордир. Суғуртага бўлган талаб риск бўйича қўшимча қоплама олиш зарурати юзага келган ҳолларда ўзини оқлайди.

Субъектда риск мавжудлиги, унинг оқибатида кўрилиши эҳтимол бўлган зарарни ўз маблағлари ҳисобидан мустақил равишда қоплай олмаслиги суғурта ҳимоясини талаб этади, бу эса, ўз навбатида, суғурта фаолияти ривожини учун шарт-шароитни юзага келтиради. Албатта, рисклар бўйича суғурта қопламасини олишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз-ўзидан суғуртадан фойдаланиш ортганлигини англатмайди. Бундай хизматга бўлган талабнинг ортишига бошқа иқтисодий омиллар ҳам таъсир кўрсатади.

Юқоридаги ёндашувдан келиб чиқиб, суғурта ташкилоти фаолиятини рисклар трансфери, трансформацияси ва кўрилган зарарларни қоплаш воситаси сифатида қараш таклиф этилади.

Суғурта фаолиятида | «Риск трансфери» - субъектнинг рискларни
рисклар трансфери. | ишлаб чиқариш омили сифатида намоён этишидир. Бунда ишлаб чиқариш воситалари, шунингдек, ташқи (бошқа) ташкилот ёрдамида алоҳида рисклар суғурталанувчидан суғуртачига ўтказилади, сўнгра бу рисклар қайта кўриб, ўрганиб чиқилади. Бундай хизмат эвазига суғурталанувчидан суғурта мукофоти ундириб олинади.

«Суғурталанувчи-суғуртачи» субъектларнинг ўзаро ўрин алмашишлари жараёнида, суғуртанинг моҳияти тўлароқ намоён бўлади. Дастлаб суғурта мукофоти ундирилади, сўнгра эса, суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, суғурта қопламаси таъминланади. Бизнинг фикримизча, бу жараёнда суғурта рискларини алоҳида тасодифий - даврий шаклда қайд этиш зарурати юзага келади.

Суғурта ҳодисасининг юз бериши эҳтимолликка кўра, тасодифий воқеа ҳисобланади. Бунда эҳтимоллар назарияси асосида суғуртачи субъект риск ҳодисаси юз беришини олдиндан аниқлаштириши мумкин бўлади. Даврий-тасодифий ҳолатлар бир-биридан фаркли равишда намоён бўлишидан келиб чиқиб, ҳар бир суғурта шартномасида рискни суғурталашнинг ўзига хос бўлган алоҳида томонлари ва шартларини қайд этиш лозим. Бу суғурта шартномаси муносабатлари эҳтимолликка кўра,

рискни тахмин ҳамда «бевосита мууроқаба»¹ этишга асосланиб тузилади.

Суғурта шартномаси, биринчидан, ўзида турли рисклар бўйича қопламани амалга ошириш эҳтимоллигини назарда тутса, иккинчидан, у ҳар бир мижоз билан алоҳида тузилади, айтилиши вақтда рискнинг юз бериши эҳтимолига кўра ҳам фарқланади. Мана шундай фарқланиш суғуртани соҳалар бўйича таснифлаш учун асос ҳисобланади.

Риск ҳолатларига кўра, зарар даражаси ва унинг тақсимооти турлича бўлади. Шунга кўра, рискларни суғурталашда, дастлаб уларни алоҳида гуруҳлаш талаб этилади.

Бу жараёнда омишларни аниқлаштириш асосида ҳар бир субъект учун риск намоён бўлишининг ўзига хослигига кўра гуруҳлаш амалга оширилади. Рисклар бўйича суғурта портфели қайтадан таснифланади, яъни улар намоён бўлиш шакли ва ҳолатига кўра тоифаланади. Натижада суғурта фаолияти самарали амалга оширилишини таъминлаш омили сифатида рискларни дифференциациялаш янада аниқлаштирилади.

Суғуртада ҳисобот даври учун зарарларни тақсимлаш шакли турли усуллардан фойдаланиб, аниқланади ва амалга оширилади. Бу жараёнда рисклар, суғурта фаолиятининг истиқболини белгилаш мақсадида, мутаносиб равишда лойиҳалаштирилади. Бу рисклар трансфери жабҳаси бўлиб, у келгусида олиб борилиши керак бўлган илмий тадқиқотлар учун ҳам асосдир.

Рискларни аниқлаштириш - риск трансформацияси² сифатида (2-чизма). икки босқичда, яъни: «суғурталанувчи-суғуртачи-қайта суғурталовчилар» ўртасида амалга оширилади.


Суғурта фаолиятида зарарларни тақсимлаш шакли биринчидан, рискларга кўра, субъект мол-мулки ва даромади (фойдаси)даги башорат қилинган ўзгаришларга биноан ўлчанса, иккинчидан, суғуртачи томонидан масъулият олиниши, рискнинг маълум қисми бошқа суғуртачига, яъни қайта суғурталовчига ўтказилганлигига асосланиб амалга оширилади. Суғуртада зарарнинг умумий тақсимоотини ҳисоблаш имкониятидан келиб чиқиб, унинг умумий аппроксимацияси, яъни меъёрий тақсимооти асосланади.

Суғуртада мавжуд бўлган риск сиёсати назариясида бундай аппроксимация қўлланилишига қандай чеклашлар таъсир этиши алоҳида

¹Тажрибадан ташқари бевосита кузатиш, мулоҳаза йўли билан ҳам ҳақиқатни билиш мумкин деган маънода - изоҳ муаллифники.

²Трансформация (лот. transformatio) - бир шаклдан бошқа шаклга ўтказиш маъносида (бу ўринда қайта суғурталаш назарда тутилган- изоҳ муаллифники.// Қаранг. Мюллер В.К. Англо-русский словарь:53000 слов.-18-е изд. стереотип. - М.: Рус. яз., 1981.- с. 781.

кўрсатиб берилган.



2-чизма. Суғурта фаолиятини самарали ташкил этиш босқичлари

Риск трансформациясининг биринчи босқичида уни қоплаш учун суғурта ташкилотининг маблағлари етарлилиги солиштирилади. Суғуртачи субъектнинг захирага бўлган эҳтиёжи, яъни суғурта захирасининг мутлоқ ликвидлилик учун талаб этиладиган ҳажми аниқланади. Агарда суғурта рисклари ҳажми ундан катта бўлса, риск трансформациясининг иккинчи босқичига ўтилади, яъни умумий зарар таксимои ўзгартирилади ёки суғурта захираси кўпайтирилади. Бу жараёнда қайта суғурталашнинг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади.

Риск трансформациясининг иккинчи босқичида, биринчи суғуртачи ўзининг ликвидлилик даражасидан ортиқча бўлган рискни бошқа суғуртачига жамланган суғурта мукофотларининг мувофиқ равишдаги суммаси билан биргаликда тақдим этади.

Одатда, ҳар доим ҳам суғурта ҳодисаси юз бергунга қадар, суғурта ташкилоти активларининг ҳажми ёпиқ бўлади. Суғуртачи тузилган шартномага кўра, суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, ўз зиммасига олган мажбуриятига биноан, захира капиталидан ёки ундирилган мукофотлар ҳисобидан қоплама тўловини амалга оширади. Бу қоплама бир вақтнинг ўзида ёки ҳаёт суғуртаси бўйича рента тўловлари сифатида белгиланган муддатларда тўланиши мумкин. Суғурта ташкилотининг бу даврдаги

фаолияти - «зарарни қоплаш» деб аталади.

Юқорида келтирилган босқичлар таҳлилига асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, суғурта фаолияти «риск трансфери - риск трансформацияси - зарарни қоплаш» каби алоҳида ўзаро бир-бири билан боғлиқ босқичларни қамраб олади. Бу босқичларда суғуртачининг рискни зиммасига олиши ва уни тадқиқ этиши орқали юз бериши мумкин бўлган суғурта ҳодисаси оқибатида, кўриш эҳтимоли бўлган зарарнинг олдини олиш ёки уни камайтириш саъй-ҳаракатлари занжири таснифланади. Бундай фаолият суғурта шартномаси амал қилиши даврида олиб борилади.

Суғуртачи томонидан амалга оширилган барча саъй-ҳаракат тақдим этилган ҳисоб-китоб ва ҳисоботлар тизимида ҳамда суғурта захирасини бошқаришнинг ўзига хос махсус шаклларида акс эттирилади.

Рисклар трансфери жараёнида ундирилган суғурта мукофоти эвазига суғурта захираси шакллантирилади. Захира маблағлари суғуртачи томонидан асосан ишлаб чиқариш омилларини сотиб олишга сарфланади.

Суғурта вақт-даврий оралиғи билан қатъий боғлиқдир. Бу оралик доимо ҳам молиявий ёки бухгалтерия ҳисоботлари даври билан мос тушавермайди. Амалда бўлган шартномалар бўйича қопламани тўлаш эҳтимолига кўра, суғуртачида доимо унга мувофиқ равишдаги захира маблағлари мавжуд бўлиши талаб этилади.

Шартноманинг амал қилиши даврида суғурта ҳодисаси юз бермаслиги ҳам мумкин. Бу шароитда суғуртачининг захира маблағларини (бўш турган қисмини) инвестицияга йўналтириш имконияти ортади. Суғуртачи шундай имкониятдан самарали фойдаланиш ҳисобига, ҳисобот даврининг охирига келиб, яна қўшимча маблағлар тушишига эришиши мумкин.

Шартноманинг фойдалилик кўрсаткичи суғуртачи учун ундирилган мукофотлар суммаси билан ўлчанса, кўрилиши эҳтимол бўлган зарар эса, суғурта ҳодисаси юз берганда, тўланиши керак бўлган қоплама қийматига боғлиқ бўлади. Суғурталанган рискдан кўрилиш эҳтимоли бўлган зарарга нисбатан, суғурта фаолиятининг даромадлилиги $CM(НС) > CҚ$ кўринишда, яъни суғурта мукофотлари (СМ) нетто-ставка (НС) сифатида суғурта қопламаси(СҚ)дан катта бўлиши муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Бу жараёнда суғуртачи томонидан маълум услубиятларга асосланиб, ҳар бир суғурта шартномаси бўйича жамланган мукофот суммасининг турли омиллар таъсири билан узвий боғлиқ бўлган зарарлилик кўрсаткичи ҳам аниқланади. Бу кўрсаткич синтетик катталиқ бўлиб, суғурта ҳодисаларининг сони ва тақдорланишига, яъни ҳар бир суғурта ҳодисаси

бўйича ўртача зарар даражаси риск катталиги(ҳар бир суғурта ходисаси ва унинг юз бериши оқибатида зарар кўрган объектларнинг сони)га, яъни зарар кўрган объект бўйича суғурта қопламасининг бир шундай объект бўйича ундирилган суғурта мукофоти суммасига ёки суғурта портфели бўйича рискларнинг ўртача суғурта баҳосига нисбатан аниқланади.

Суғуртачининг рискни баҳолаши ҳам субъектив бўлиб, у кўпинча олинган мажбуриятлари эвазига шакллантирилган суғурта портфели таркибига боғлиқ бўлади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар нисбати фойдали деб топилган ҳар қандай рискни суғуртачи ўз зиммасига олиши мумкин. Шунингдек, суғуртачи умумий баҳолаш мезонлари асосида ҳам рискни суғурталаш юзасидан қарор қабул қилиши мумкин. Суғурталаш борасида рискни умумий баҳолаш мезонлари жумласига:

- зарар кўрилишининг тасодифийлиги (эҳтимоллиги);
- зарарни баҳосига кўра, тақсимлаш мумкинлиги;
- ҳар бир алоҳида риск бўйича зарар тақсимотининг ўзаро боғлиқ эмаслиги;
- зарарнинг максимал катталигини баҳолаш мумкинлиги кабилар киради.

Суғуртачининг суғурта рискларини¹ суғурталаш бўйича қарор қабул қилишида зарарнинг тасодифий характерга эга эканлиги муҳим ўрин тутати. Бу нисбийликда риск юз бериши эҳтимоли мавжуд деб топилсада, тасодифийликнинг ўрни аҳамиятли бўлиб қолаверади. Бунга сабаб биринчидан, умумий суғуртада ҳар бир шартномага кўра суғурта ходисаси юз бермаслиги ҳам мумкин, иккинчидан, рискнинг юз бериш вақти номаълумлиги (масалан, ҳаёт суғуртасида) унинг тасодифий характерга эга эканлиги билан изоҳланади. Тасодифийлик эса, доимо ўзида номаълумликни мужассам этади.

Суғурта фаолиятини самарали ташкил этиш учун, ҳар бир суғуртачи ўз зиммасига олган рискларни минималлаштириш вазифасини уддалаши, ўзининг молиявий барқарор бўлишини таъминлаши талаб этилади.

Бу талабдан келиб чиқиб, суғурталанувчилар ўртасидаги рисклар ва маблағларнинг шартнома муддатларига кўра даврий кенгликдаги қайта тақсимоти амалга оширилади. Унга кўра, бир суғуртачи даромадининг маълум қисмини иккинчисига ўтказати. Бу боғлиқлик риск трансфери

¹Суғурта рисклари (халқаро амалиётда «Insurable risks» термини билан ифодаланади) - суғуртада тасодифийлик характеридаги ходиса ёки ходисалар мажмуи бўлиб, улар юз бериши эҳтимолига кўра суғурталаш назарда тутилади - таржима муаллифники. Қаранг: Основы страховой деятельности: Учебник /Отв. ред. проф. Т.А.Федорова. - М.: Издательство БЕК, 1999, с. 371.

жараёнида янада яққолроқ намоён бўлишини таъкидлаймиз.

Суғурта фаолиятининг ўзига хослиги жамият ривожланишининг турли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларида суғурта рисклари мавжудлигида намоён бўлади ҳамда амалда бўлган шартномага мувофиқ суғурталанувчи кўриши эҳтимол бўлган зарарни қоплаш юзасидан суғуртачининг масъулиятини келтириб чиқаради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Риск тушунчасининг маъноси нимадан иборат?
2. Иқтисодиёт субъектлари фаолиятига таъсир этиши эҳтимоли бўлган қандай рискларни биласиз?
3. Риск трансфери қачон юзага келади?
4. Суғурта таъминотида бўлган эҳтиёжни юзага келтирувчи қатор омиллар мавжудлигини нималар билан изоҳлаш мумкин?
5. Риск қандай ҳолатларга кўра турлича бўлади?
6. Риск трансформациясининг қандай босқичлари мавжуд?
7. Рискни умумий баҳолаш мезонлари жумласига нималарни киритиш мумкин?
8. Суғуртада зарарнинг умумий тақсимооти қандай аниқланади?
9. Суғурта фаолиятини самарали ташкил этиш нималарга боғлиқ?
10. Суғуртачининг суғурта рискларини суғурталаш бўйича қарор қабул қилишида муҳим ўрин тутувчи омилни кўрсатинг?

5-мавзу: Суғурта ҳуқуқи

- 1. Суғурта ҳуқуқи тушунчаси.**
- 2. Суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонунлар.**
- 3. Суғурта фаолиятини қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солиш.**

Суғурта ҳуқуқи тушунчаси. | Ҳар қандай жамиятда фуқаролар ва уларнинг жамоаси ўз фаолиятлари жараёнида бир-бирлари билан тегишли ижтимоий муносабатда бўладилар. Ушбу муносабатларни бир қолипга солиш учун уларни тартибга келтириш зарур, яъни фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳатти-ҳаракат қилиш доирасини белгилаш зарур. Баён этилганлар тўлалигача суғуртага ҳам тааллуқлидир. Суғурта ижтимоий-иқтисодий қонуният сифатида ҳуқуқий томондан мустаҳкамланишни талаб

этади. Суғурта фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинади.

Суғурта соҳасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар таркибига киради. Бундай муносабатлар фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, шартнома мажбуриятларини, шунингдек мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солади.

Суғурта соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- фуқаролар ва суғурта ташкилотлари ўртасида шаклланадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар;
- суғурта ташкилотлари ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлар;
- фуқаролар ва махсус давлат органлари ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар;
- суғурта ташкилотлари ва махсус ваколатли давлат органи ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар.

Фуқаролар ва суғурта ташкилотлари ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тегишли шартнома қоидаларига асосланади. Бунда бир томондан суғурта ташкилотининг фуқаро олдида, иккинчи томондан фуқаронинг суғурта ташкилоти олдидаги бурч ва мажбуриятлари пайдо бўлади. Яъни, тузилган шартномага кўра, фуқаро ўз вақтида суғурта мукофотини тўлаши шарт. Суғурта ҳодисаси рўй берганда эса, суғурта ташкилоти суғурта шартномасида қайд этилган шарт ва муддатларда суғурта қопламаси (суммасини) фуқарога тўлаб бериши лозим. Кўриниб турибдики, шартнома–фуқаролик-ҳуқуқий ҳужжат сифатида тарафларнинг ўзаро муносабатини ҳуқуқий тартибга соляпти.

Суғурта ташкилотларининг бир-бирлари ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари суғурта пулини ва қайта суғурта қилиш билан боғлиқ тузилган шартномалар доирасида шаклланади. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, суғурта ташкилоти молиявий барқарорликни таъминлаш, бинобарин, суғурталанувчилар олдида ўз мажбуриятини бажаришини таъминлаш мақсадида суғурта пулида иштирок этиши ёхуд бошқа суғурта ташкилотлари ёки ихтисослашган қайта суғурта ташкилотлари билан шартномавий муносабатларга кириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 959-моддасида «суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи ўз зиммасига олган суғурта товонини ёки

суғурта пулини тўлаш хавфи унинг томонидан тўлиқ ёки қисман бошқа суғурталовчида (суғурталовчиларда) у билан тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин» деб алоҳида қайд этилган.

Қайта суғурта қилиш шартномасига нисбатан, агар қайта суғурта қилиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Фуқаролик кодексининг тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш борасида қўлланиши лозим бўлган қоидалари татбиқ этилади. Қайта суғурта қилиш шартномасини тузган суғурта шартномаси (асосий шартнома) бўйича суғурталовчи кейинги шартномада суғурта қилдирувчи ҳисобланади.

Фуқаролар ва махсус давлат органлари ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар махсус ваколатли давлат органининг суғурталанувчилар бўлган – фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этиш билан боғлиқдир. Амалиётда шундай ҳолатлар бўладики, суғурта ташкилоти суғурталанувчига суғурта ходисаси туфайли кўрилган зарарни қоплашдан асоссиз воз кечиши мумкин. Бундай пайтда ўз манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя этиш мақсадида суғурталанувчи махсус ваколатли давлат органига мурожаат этиши мумкин.

Суғурта ташкилотлари ва махсус ваколатли давлат органи ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Махсус ваколатли органнинг суғурта ташкилотларига нисбатан пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Суғурта фаолияти» тўғрисидаги Қонунда ўз аксини топган. Махсус ваколатли давлат органи қонунда белгиланган тартибда суғурта ташкилотларининг фаолиятини назорат этиб боради. Зарурият бўлганда эса, суғурталанувчиларнинг манфаатини ҳимоя этиш мақсадида ундан суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни чақириб олиш ҳуқуқига эга.

Суғуртани ҳуқуқий тартибга солиш давлат томонидан суғурта муносабати қатнашчиларининг ҳатти-ҳаракатини ҳуқуқий нормалар воситасида амалга оширилади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳар хил олдиндан кўриб бўлмайдиган суғуртавий ҳимоя қилиш учун кўпчилик шахслар томонидан ташкил этиладиган махсус фонд ҳисобидан амалга ошириладиган суғурта фаолияти жараёнида пайдо бўладиган ижтимоӣ муносабатлар мавжуд. Ушбу муносабатларни тартибга соладиган нормалар йиғиндисида суғурта ҳуқуқи дейилади.

Суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонунлар. | Суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини икки турга бўлиш мумкин:

- суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунлар;
- суғурта фаолиятини тартибга солувчи умумий қонунлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йилнинг 5 апрелида қабул қилинган ва шу йилнинг 28 майида амалиётга жорий этилган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, суғурта муносабатларида иштирок этувчи томонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида 1993 йили Олий Мажлис “Суғурта тўғрисида” Қонун қабул қилган эди. Ўтган йиллар мобайнида мазкур қонунга икки марта қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Табиийки, бу қонун ўша пайтда мавжуд бўлган иқтисодий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Бошқача сўз билан айтганда, ушбу қонун суғурта муносабатлари қатнашчилари учун бироз юмшатиш ҳолатида амал қилди. Жумладан, унда суғурта ташкилотлари тугатилган тақдирда уларнинг суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятини бажариш тартиби тўлиқ ёритилмаган. Шунингдек, бу қонунда қонунчилик талабларини бузганлик учун томонларнинг жавобгарлиги ўз аксини топмаган ҳамда давлат суғурта назорати органининг суғурта ташкилотларига нисбатан таъсир қилиш имконияти кескин чегараланган эди.

Баён этилган ҳолатлар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичи талабларини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги “Суғурта тўғрисида”ги Қонунни янгилаш ва такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқарди. Шуни эътиборга олиб, 2002 йилнинг 4-5 апрель кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги янгидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди ва қабул қилинди.

Маълумки, суғурта соҳасини ҳуқуқий тартибга солувчи 2002 йил апрель ойигача амалда бўлган қонун “Суғурта тўғрисида” деб аталади. ҳолбуки, биз фикр-мулоҳаза юритмоқчи бўлган қонуннинг номи эса “Суғурта фаолияти тўғрисида” дейилади ва шубҳасиз, бу ҳолат диққатимизни ўзига жалб этди. Кўпчилик муҳтарам талабаларимизда ҳақли савол тўғилиши мумкин: суғурта ва суғурта фаолияти тушунчалари ўртасида фарқ борми? Саволга жавобан биз мутахассислар айтаемизки: фарқ

бор. Суғуртанинг моҳиятини оддий тил билан ифодалайдиган бўлсак, олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳар хил ҳодисалар рўй бериши оқибатида юридик ва жисмоний шахслар кўрадиган зарарларни суғурта ташкилоти томонидан қоплаш билан боғлиқ муносабат. Шунинг эътиборига эътибор қилиш керак, суғурта ташкилоти ўз хизмати мижозларга тегишли ҳақ - суғурта мукофоти тўлаш эътиборига кўрсатади. Суғурталовчи мижозлардан келиб тушган суғурта мукофотлари ҳисобидан мақсадли пул жамғармаларини ташкил этади ва бу жамғарма маблағлари фақат суғурта ҳодисалари туфайли кўрилган зарарларни қоплайди. Эътибор берган бўлсангиз, суғурта муносабатларида иккита томон иштирок этади: суғурта ташкилоти (суғурталовчи) ва юридик ҳамда жисмоний шахслар (суғурталанувчилар). Энди, суғурта фаолияти тушунчасига келсак, қонунда таъкидланишича, у суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фақатгина суғурталовчи ва суғурталанувчидан иборат эмас. Унда қайта суғурталовчилар, қайта суғурталанувчилар, суғурта брокерлари ва агентлари ҳам иштирок этади.

Янги қонуннинг эътиборига молик томонларидан бири, унда, аниқроқ айтиладиган бўлсак, унинг 4-моддасида суғурталовчиларнинг суғуртани амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмаслиги қайд этилган. Қайд этиш жоизки, суғурта фаолияти ҳам тадбиркорликнинг бир кўриниши. Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари кечаётган ва тадбиркорлик ҳаракатларига кенг йўл очилаётган бир пайтда, тадбиркорлик тизимининг муҳим бўғинларидан бўлган-суғурталовчилар учун бундай чекловнинг қонун йўли билан белгиланишига сабаб нима? Ўтган йиллар тажрибаси шундан далолат берадики, кўпгина суғурта ташкилотлари “суғурталовчи” ниқоби остида турли тижорат операцияларини, хусусан, савдо-воситачилик ишларини амалга оширдилар. Юридик ва жисмоний шахсларни суғурта қилиш ҳисобига келиб тушган суғурта мукофотлари, қандайдаяк кўра, суғурта қопламаларини тўлашга мўлжалланган заҳира жамғармаларини ташкил этишга сарфланмасдан, балки суғурта фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга сарфланган ҳолатлар ҳам бўлган. Суғуртанинг энг асосий принципларидан бири-суғурталовчиларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришни таъминлайдиган суғурта заҳираларига эга бўлишидир. Таассуфки, баъзи суғурталовчиларимиз, бундай заҳираларни шакллантирмаганликлари

оқибатида мураккаб молиявий ҳолатни бошидан кечирганлиги сир эмас. Айниқса, бу кўп минг сонли суғурталанувчилар учун ноқулай вазиятни вужудга келтириши мумкин.

«Суғурта фаолияти тўғрисида» Қонуннинг диққатга сазовор жойларидан яна бири, унинг 10-моддасида суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини аниқ кўрсатиб қўйилганлигидир. Маълумки, қонун ҳужжатларига мувофиқ, акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинганлар. Аммо, узоқ вақт, аниқроғи, 1998 йилнинг биринчи ярмигача суғурта фаолиятини тартибга солиш ваколати берилган давлат суғурта назорати органининг ташкил этилмаганлиги ва илгари Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган ташкилотларнинг фаолияти ҳеч ким томонидан назорат қилинмаганлиги оқибатида янги ташкил этилган суғурта ташкилотларини давлат рўйхатига олишда муаммолар пайдо бўлган.

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун 29 та моддадан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 52-боби суғуртавий ҳуқуқий муносабатларга бағишланган. Унда жами 47 та модда мавжуд. Кодекс суғурта ташкилотлари билан суғурталанувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун суғурта ташкилотлари ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Суғурта фаолиятини қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солиш. | Қонун ости ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари киради.

Мустақиллик даврида суғурта фаолияти билан боғлиқ бир қанча Президент фармонлари қабул қилинган. Улардан бири 1995 йилнинг 26 июлида ташкил этилган «Мадад» суғурта агентлиги фаолияти билан боғлиқ Президент фармонидир. Ушбу фармонга кўра, агентликнинг фаолият йўналишлари кўрсатилган ҳамда уни 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилганлиги таъкидланган. Шу ерда қайд этиш керакки, «Мадад» суғурта агентлигини ташкил этиш билан боғлиқ Президент Фармони ижросини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилган.

Шу билан бир каторда 1997 йил 18 февралда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини, 1997 йилнинг 25 феввалида эса «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш бўйича Президент фармонлари қабул қилинган. Бу фармонларда қайд этилган компаниялар 5 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2002 йил 31 январидида «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу фармон суғурта хизматлари соҳасидаги эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, республикада суғурта бозорини тараққий эттиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, фармонда 2002 йилнинг 1 феввалидан бошлаб, мулкчилик шаклларида қатъий назар, суғурта ташкилотлари 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилиниши ва бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда мазкур ташкилотларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга, минтақаларда кенг тармоқли агентлик шаҳобчаларини ташкил этишга, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, шу жумладан, чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналтирилиши аниқ белгилаб қўйилган.

Шуниси эътиборлики, солиқ олишдан бўшайдиган маблағларни таркибида давлат улуши бўлган суғурта ташкилотлари устав жамғармаларини кўпайтиришга йўналтириш чоғида мазкур маблағлар давлатга тегишли улуш миқдорида қўшиб ҳисоблайди. 2002 йилнинг 1 феввалидан бошлаб тўрт йил мобайнида суғурта ташкилоти тугатилган ёки у суғурта фаолиятини тўхтатган ҳолларда даромад (фойда) солиғининг суммаси ушбу Фармонга мувофиқ берилган бутун имтиёзли давр учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

Фармонда белгилаб қўйилдики, юридик шахсларнинг ихтиёрий суғурта турлари бўйича сарф-харажатлари даромад (фойда) солиғини ҳисоб-китоб қилиш чоғида қонунчиликда белгиланган меъёрлар доирасида солиққа тортиладиган база ҳисобидан чегириб ташланади. 2002 йилнинг 1 феввалидан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар харидорларга хизмат қиладиган банкларнинг кафолатлари ёки экспорт шартномаларининг сиёсий

ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда олдиндан ҳақ олмасдан ва аккредитив очмасдан эркин алмаштириладиган валютага товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишлари мумкин.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг зарурлигини гапириб беринг?
2. Суғуртада фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар қандай шаклланади?
3. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда суғурта шартномасининг ўрни нимада?
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида суғурта муносабатлари ҳақида нималар дейилган?
5. Суғурта ташкилотлари ўртасида қайси ҳолатларда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар шаклланиши мумкин?
6. Суғурта ҳуқуқи деганда нимани тушунасиш?
7. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қачон қабул қилинган?
8. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида суғурталовчилар қайси давлат органида давлат рўйхатига олиниши назарда тутилган?
9. Суғурта фаолиятини тартибга солишга қаратилган яна қандай қонунчилик ҳужжатларини биласиз?
10. Махсус ваколатли давлат органи суғурта фаолиятини қайси жиҳатларини тартибга солиб боради?

6-мавзу: Суғурта ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

1. Суғурта соҳасида давлат монополиясининг тугатилиши.
2. Акциядорлик шаклидаги суғурта ташкилотларининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Хусусий ва бошқа мулк шаклидаги суғурта ташкилотлари.

Суғурта соҳасида давлат монополиясининг тугатилиши.	1991 йил ноябрь ойида “Мол-мулкларни давлат таассаруфидан”
--	--

чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» қонуннинг қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикасида кенг миқёсда давлатга тегишли бўлган корхоналарни ижарага топшириш, уларни акциядорлик жамиятларига айлантириш жараёни бошланди. Иқтисодий ислохотлар кучли ижтимоий сиёсатни уйғунлаштириш орқали босқичма-босқич амалга оширилди.

Маълумки, илгари ҳамма корхоналар давлатнинг ихтиёрида бўлганлиги туфайли, уларни ҳар хил нохуш ҳодисалардан суғурта қилишга эҳтиёж бўлмаган. Сабаби, ушбу корхоналарга суғурта ҳодисалари натижасида зарар етказилса, бу зарарлар давлат маблағлари ҳисобидан бемалол қопланаверар эди. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек, мол-мулкларни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида секторида ўн минглаб корхоналарни пайдо бўлиши, ўз-ўзидан суғурта хизматларига бўлган талабни сезиларли равишда оширди. Негаки, илгариги тажрибадан фарқли ўлароқ, нодавлат секторидаги корхоналар стихияли ҳодисалар туфайли зарар кўрганда, бу зарарлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланмайди.

Юқорида баён этилганларга қўшимча равишда таъкидлаш лозимки, амалга оширилган иқтисодий ислохотлар суғурта тизимини тубдан ўзгартириб юборди. Давлат суғурта ташкилотларига рақобатбардош хусусий секторда мустақил суғурта компаниялари вужудга кела бошлади. Бу шубҳасиз, уларнинг фаолиятини тартибга соладиган махсус қонун қабул қилишни талаб этди. 1993 йилнинг 6 майида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши (ҳозирги Олий Мажлис) «Суғурта тўғрисида» қонун қабул қилди. Ушбу қонун суғуртани ривожлантиришнинг, суғурта бозорини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда суғуртанинг мавқеи ва ўрнини белгилаб беради, фуқаролар ва юридик шахсларнинг суғурта хизматларига бўлган талаблари тўлиқроқ қондирилишини кафолатлайди, суғурта муносабатлари барча иштирокчиларининг манфаатлари ҳимоя қилиниши ва мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди. Шуниси диққатга сазоварки, мазкур қонунда давлат суғуртасининг монополиясига барҳам берилди. Бошқача сўз билан ифодалаганда, давлат суғурта ташкилотлари ва нодавлат суғурта ташкилотлари учун тенг шароитлар яратилди.

1993-1994 йилларда нодавлат суғурта ташкилотлари ичида энг кўп суғурта операцияларини амалга оширган ҳамда энг дастлабки нодавлат секторидаги суғурта компанияларидан бири – «АРК суғурта гуруҳи»дир. Бу компания илк марта 1991 йилнинг 21 феврилида «АСТРОВАЗ» номи билан

россиялик ҳамкорлар ёрдамида ташкил этилди. 1992 йилнинг январь ойида Россиялик ҳамкорлар таъсисчилар сафидан чиқарилди. Шу йилнинг 24 июнида «АСТРОВАЗ» ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди.

«АРК суғурта гуруҳи» билан бир қаторда 1992-1994 йилларда «Умид» ошёр суғурта компанияси ҳам нисбатан фаол суғурта қилиш ишларини амалга оширдилар. Бу компаниянинг асосий таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси хом-ашё биржаси ва Покистон Ислом Республикасидан бўлган ҳамкорлардир. Ушбу компания дастлаб, экспорт-импорт юкларини, транспорт воситаларини суғурталашга ихтисослашган бўлса, кейинчалик кредит рискларини суғурталаш билан шуғулланган.

Акциядорлик шаклидаги суғурта ташкилотларининг ўзига хос хусусиятлари.		Акциядорлик шаклидаги суғурта ташкилотларининг фаолияти «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун билан бир қаторда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳуқуқий тартибга солинади. Акциядорлик суғурта ташкилотлари ёпиқ ва очик турда ташкил этилиши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида бошқа мулк шаклидаги суғурта ташкилотлари билан бир қаторда акциядорлик суғурта ташкилотлари ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатишмоқда. Улар жумласига очик акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган «Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компанияларини, «Мадад» суғурта агенлигини, «Капитал суғурта» очик акциядорлик жамиятларини мисол сифатида келтириш мумкин.
---	--	--

Очик акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган суғурта ташкилотларининг ўзига хос хусусиятларидан бири – улар акцияларининг фонд бозорида эркин савдога қўйилишидир. Ҳозирги кунда ушбу суғурта ташкилотлари томонидан сотувга чиқарилган акциялар тўлиқ инвесторлар ўртасида жойлаштирилган бўлсада, улар иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида олди-сотди объектига айлангани йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, акциядорлик шаклидаги жамиятларнинг, шу жумладан суғурта ташкилотларининг олий бошқарув органи – акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши махсус ваколатига қуйидагилар киради:

- Суғурта ташкилоти низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

- Суғурта ташкилотини қайта ташкил этиш;
- Суғурта ташкилотини тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний балансни тасдиқлаш;
- Суғурта ташкилоти кузатув кенгашининг таркиби ва сонини аниқлаш, унинг аъзолари ва раисини сайлаш;
- Ўзлон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Суғурта ташкилотининг устав капиталини кўпайтириш;
- Суғурта ташкилотининг аудиторини тасдиқлаш;

Шуниси диққатга сазоворки, акциядорларнинг умумий йиғилиши бир йилда камида бир марта чақирилади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши унда қатнашаётган акциядорлар ёки уларнинг вакилларининг камида 60 фоиз овозга эга бўлса, ваколатли деб ҳисобланади.

Суғурта ташкилоти кузатув кенгаши акциядорлар орасидан сайланиб, улар умумий йиғилиш орлағида акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя этади.

Суғурта ташкилоти кузатув кенгаши қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Суғурта ташкилотининг устувор йўналишларини белгилайди;
- Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибини белгилайди;
- Облигациялар ва қимматли қоғозларни жойлаштиради;
- Суғурта ташкилоти филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этади ва тугатади.

Хусусий ва бошқа мулк шакли-даги суғурта ташкилотлари.

Ўзбекистон Республикаси
Фуқаролик кодексининг 16-боби

хусусий мулкка бағишланган бўлиб, унинг 207-моддасида «хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир», деб кўрсатилган. Суғурта ташкилотлари хусусий мулк шаклида ҳам ташкил этилиши мумкин. Шунингдек суғурта ташкилоти масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамият шаклида ҳам ташкил этилади.

Масъулияти чекланган жамият деганда бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти тушунилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида алоҳида қайд этилган. Масъулияти чекланган

жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Биз юқорида суғурта ташкилоти қўшимча масъулиятли жамият шаклида ҳам барпо этилиши мумкин, деб таъкидлаган эдик. Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган хўжалик жамияти қўшимча масъулиятли жамият ҳисобланади.

Юридик ва жисмоний шахслар масъулияти чекланган жамият шаклида тузилган суғурта ташкилотининг иштирокчилари бўлади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари бўлиши мумкин эмас. Таъкидлаш жоизки, масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилган суғурта ташкилоти иштирокчиларининг сони эллик кишидан ошмаслиги лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Суғурта соҳасида давлат монополиясини тугатилишига сабаб бўлган омиллар нима?
2. Суғурта бозорининг қатнашчилари ҳақида сўзлаб беринг?
3. Суғурта ташкилоти қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда барпо этилиши мумкин?
4. Акциядорлик суғурта ташкилотини тузишнинг асосий хусусиятлари нимада?
5. Акциядорлик суғурта ташкилоти кузатув кенгашининг ваколатларини санаб беринг?
6. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги суғурта ташкилотларининг ўзига хослиги?
7. Суғурта ташкилотлари хусусий мулк шаклида тузилиши мумкинми?
8. Акциядорлик суғурта ташкилотлари тузилаётганда устав капиталининг энг кам миқдори қанча суммани ташкил этиши лозим?
9. Ўзбекистон суғурта бозорида масъулияти чекланган жамият шаклидаги суғурта компаниялари фаолият юритиши мумкинми?
10. Сизнингча, суғурта ташкилотлари яна қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилиши мумкин?

7-мавзу: Суғурта тарифи ва унинг таркиби

1. Суғурта тарифи тушунчаси.

2. Суғурта тарифининг таркиби.

Суғурта тарифи тушунчаси. | Рисклар трансферини функционал мазмун-моҳиятига кўра ўзаро узвий боғлиқ бўлган суғурта хизматларини ташкил этиш ҳамда уларни кўрсатиш саъй-ҳаракатлари мажмуаси, деб таъкидлаш мумкин. Мазкур фаолиятнинг асосий мақсади иқтисодиёт субъектларининг талабларига кўра, уларни суғурта рискларидан ҳимоясини таъминлашга қаратилгандир. Бу жараёнда рисклар юз бериши оқибатида кўрилиши эҳтимол бўлган зарарларни қоплашда суғурта тизими барқарорлигини таъминлашнинг аҳамияти ортмоқда.

Шунга кўра, рисклар трансферида тарифларни оптимал даражада белгилаш суғурта тизими барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда.

Рисклар трансферида тарифларни белгилаш қатор услубиятларга, хусусан, эҳтимоллик назариясига биноан суғуртачиларда шакллантирилган маълумотлар базасига асослангандир¹.

Хусусан, тарифларни белгилашда ҳар бир шартнома бўйича қуйидаги:

- суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли;
- суғурта мукофотининг ўртача катталиги;
- тўланиши эҳтимол бўлган суғурта қопламасининг ўртача суммаси каби омиллар эътиборга олинади.

Рисклар трансфери бўйича тарифларни аниқлаш услубиятларида объектларнинг ўзига хослиги тўлиқ акс этмаган. Шунини таъкидлаш керакки, тарифларни белгилашда унга таъсир этувчи қатор омиллар қатъий эътиборга олинган услубиятнинг самараси кутилган даражада бўлиши мумкин. Хусусан, бундай услубият:

- суғурта объектларини таснифлаш (гуруҳлаш);
- ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос томонларини аниқлаштириш;
- ўзига хос хусусиятларни сон жиҳатдан баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш;
- ҳар бир гуруҳ объектларининг умумий томонларини акс эттирган маълумотлар базасини шакллантириш;

¹ См. Теоретические основы построения страховых тарифов// Гинзбург А.И.Страхование. – СПб.: Питер, 2003, сс. 34-42, а также, Цена страховой услуги. Методические основы расчета страховых тарифов// Теория и практика страхования. Учебное пособие – М.: Анкил, 2003, сс. 90-118.

- тарифларини ҳисоблашнинг дастурий таъминотини йўлга қўйиш каби бир қатор саъй-ҳаракатларни амалга оширишни талаб этади.

Суғурта фаолиятида зарарлилик кўрсаткичилари ўзгариши суғуртачининг суғурталанувчилардан ундирган мукофотлари суммаси жамлаши ва уларни инвестициялар бозорида жойлаштириши жараёнидаги воситачи сифатидаги роли билан ҳам изоҳланади.

Инвестицион фаолиятдан олинган фойда суммаси суғурта компаниясининг тариф сиёсатига таъсир этувчи муҳим омил саналади. Қайд этиш лозимки, суғурта операцияларидан кўрилган зарарни инвестиция фаолиятдан олинган фойда ҳисобидан субсидия қилинишига бўлган муносабат ҳам турличадир. Хусусан, бундай фаолият, бир томондан, маблағлар тақчиллигида рақобатга мос бўлган тариф сиёсатини юритиш учун айнан инвестициялар бозорида қулай конъюнктуранинг юзага келиши ҳисобига захирани талаб даражасида шакллантириш имкониятини юзага келтирса, бошқа томондан, айнан шундай фаолиятдан олинган даромад ҳисобига техник натижаларни тенглаштириш учун суғурта фондидан жалб этиладиган маблағлар етарли даражада бўлишини таъминловчи омил сифатида қаралаётганлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозимдир. Мазкур ҳолат суғуртачининг ўз жавобгарлигига қабул қилган риск бўйича назорати сустлашувининг омили бўлмаслиги лозим.

Ҳозирга қадар, суғурта амалиётида мажбуриятлар ҳажми, эркин активларнинг тузилиши ва баҳоси, молиявий кафиллик таъминланганлиги, суғурта портфелининг рационал шаклланиши билан боғлиқ бўлган рисклар тақсимооти, суғурта захиралари шакллантирилиши борасида ягона бир концепция ишлаб чиқилмаган. Шу боис суғурта ташкилотлари бу муаммоларни эмпирик тарзда ҳал этишга мажбур бўлмоқда.

Ҳар қандай суғурта тури бўйича тарифлар ҳисоб-китоби (актуар ҳисоб-китоблар)да аниқ суғурта объектининг қиймати ҳисоблаб чиқилади. Умуман актуар ҳисоб-китоблар ёрдамида суғурта хизматини ҳамда суғуртачи томонидан суғурталанувчига кўрсатиладиган хизматининг қанча туриши аниқланади.

Суғуртани амалга ошириш харажатларини ҳисоблаш «актуар калькуляция» (actuary) деб аталади¹. Унинг ёрдамида шартнома бўйича суғурта мукофотлари ҳамда суғуртачининг иш юритиш харажатлари суммаси, яъни мазкур хизмат таннархи ҳисоблаб чиқилади. Суғурта фаолиятида актуар ҳисоб-китобларнинг ўзига хос томонлари ҳам мавжуд ва

¹Қаранг: Современный финансово-кредитный словарь./Под общ. ред. М.Г.Лапусты, П.С.Никольского. –М.: ИНФРА-М, 1999. с. 13.

улар қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- баҳоланаётган риск доимо эҳтимоллик характериға эға бўлиши;
- айрим йилларда умумий қонуниятға зид туркум тасодифий ҳодисалар юз бериши, уларнинг таъсири, ўз навбатида, суғурта ташкилотидан талаб этиладиган суғурта қопламаси тўлови суммасининг сезиларли ўзгаришини тақозо этиши;
- суғуртачи томонидан кўрсатилаётган хизмат таннарни суғурта муносабатлари йиғиндисидан келтирилиб чиқарилиши;
- суғуртачи ихтиёрида бўладиган махсус захирани ажратиш, унинг оптимал ҳажмини аниқлаш талаб этилиши;
- суғурта шартномалари кўрсаткичларини (инглизча «storno») башорат қилиш ҳамда улар бўйича эксперт баҳоси талаб этилиши;
- қарз (ссуда) фоизлари меъёрларини ва аниқ вақт оралиғида уларнинг ўзгариш анъаналарини тадқиқ этиш тақозо этилиши;
- суғурта ҳодисаси билан боғлиқ ҳолда тўлиқ ёки қисман зарарлар юзаға келиши ҳамда улар катталигининг кенглик ва вақтда тақсимланишиға махсус жадваллар ёрдамида ўзгартиришлар киритиш талаби намоён бўлиши;
- эквивалентлик тамойилиға амал қилиш, яъни суғурта мукофотлари ва суғурта ташкилоти томонидан тариф даврида кўрсатилаётган суғурта таъминоти ўртасида ўзаро тенглик ўрнатилиши тақозо этилиши;
- умумий суғурта доирасида рискларни аниқлаштириш ва уларни гуруҳлаш талаб этилиши кабилар.

Суғурта тўловлари ҳажмининг ҳисоб-китоблари айнан бир мамлакат, алоҳида бир ҳудуднинг ўзига хос томонларини инобатға олган ҳолда, шунингдек риск юз бериши эҳтимолининг вақт ва кенгликдаги хилма-хиллиги асосида аниқланади. Масалан, суғурталанган объектлар сони 100 та, ҳар бир объект бўйича суғурта суммаси 2 млн. сўм бўлса, риск эҳтимоли 2 фоиз даражасида ($0,02 \times 100 \times 2$ млн. сўм) ҳамда зарар суғурта суммасиға тенг ёки ундан катта бўлганида, мазкур умумий суғурта доирасидаги бу суғурта тури бўйича йиллик суғурта қопламаси, яъни нетто-ставка айнан 4 млн. сўмни ташкил этади.

Аниқланган суғурта қопламасини суғурталанган объектлар сонига бўлсак, умумий суғурта захирасиға ҳар бир суғурталанувчи томонидан тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти 40 минг сўм ($0,02 \times 2$ млн. сўм) эканлиги аниқланади. Ҳар бир суғурталанувчи айнан шунча суғурта мукофотини тўлаши керак. Суғурта суммасининг бирлиги сифатида 1000,

100 ёки 1 сўм олиниши мумкин.

Тариф ставкаси ёрдамида ҳар бир суғурталанувчи томонидан суғурта шартномаси бўйича тўлаши керак бўлган суғурта мукофоти аниқланади. Бунинг учун шартномада қайд этилган суғурта суммаси тариф ставкасига кўпайтирилади. Масалан, тариф ставкаси ҳар 100 сўмдан 2 сўм даражасида белгиланган бўлса, шартнома бўйича суғурта суммаси 5 млн. сўмга тенг бўлганда, суғурта мукофотининг катталиги қуйидагича аниқланади:

$$(2 \text{ сўм} \times 5 \text{ млн. сўм}) : 100 \text{ сўм} = 100\,000 \text{ сўм.}$$

Суғурта тарифи ставкаси суғурта суммасига нисбатан фоизларда белгиланади. Унинг тўғри ҳисоблаб чиқилганлиги муҳимдир. Суғуртачи суғурта тарифи асосида ундирилган суғурта мукофотлари ҳисобидан ўз зиммасига олган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлайди, яъни суғурта фаолиятини амалга ошириш харажатларини қоплайди.

Суғурта рисклари сезиларли даражада кам юз берган ёки суғурта ходисаси оқибатида кўрилган зарар кўлами катта бўлмаган йиллар ҳисобига суғуртачининг даромад (фойда) олиш эҳтимоли ортади. Шунинг ҳам назарда тутиш лозимки, аниқ натижалар ҳисоб-китобида ҳисобот даври давомида хабар қилинган, аммо суғурта қопламаси амалга оширилмаган зарар суғурта ташкилоти фаолиятининг молиявий кўрсаткичларига ҳам сезиларли таъсир этади.

Суғурта тарифининг риск юз бериши эҳтимолига нисбатан юқори даражада кўрсатилиши бир томондан, мижоз билан суғурта шартномаси тузилмай қолишига сабаб бўлса, иккинчи томондан, суғуртачининг суғурта бозоридаги рақобатбардошлигига ҳам салбий таъсир этади. Ва, аксинча, тариф ставкасининг паст даражада белгиланиши суғуртачи маблағларининг тақчиллигини келтириб чиқариши оқибатида, суғурталанувчи кўрган зарарнинг суғурта қопламаси амалга оширилмай қолинишига олиб келиши мумкин, аммо, бундай ҳолат амалиётда деярли учрамайди.

Суғурта тарифининг таркиби. | Суғурта мукофотларининг ставкалари тариф даври учун ҳисоблаб чиқилади, яъни тариф ҳисоблари асосида белгиланган давр учун эквивалентлик таъминланади. Шундай қилиб, ҳар қандай суғурта тури бўйича тариф ставкаси брутто-ставка сифатида қаралади ва у икки қисмдан: нетто-ставка (суғурта қопламаси тўловлари учун захира суммаси) ва суғуртачининг фаолият юритиш харажатларидан (одатда у «юк» деб аталади) иборат бўлади. Брутто-ставкада бу иккала қисмнинг нисбати, уларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, турлича фоизларда

белгиланиши мумкин. Нетто-ставка брутто-ставканинг асосини ташкил этади ва унинг ҳиссасига, суғурта турига қараб, 60-95 фоизгача улуш тўғри келиши мумкин. «Юк» ҳисобига эса, шунга мос равишда одатда 5-40 фоиз улуш белгиланади.

Суғурта шартномаси бўйича қанча суғурта тури суғурталанаётган бўлса, нетто-ставка ҳам шунча қисмдан иборат бўлади. Масалан, ҳаётни аралаш суғурталаш бўйича нетто-ставка белгиланган давргача яшаганлиги учун, ўлим ҳолати юз берганлиги учун, меҳнат фаолиятини йўқотиш ҳолати учун каби нетто-ставкалардан ташкил топади.

«Юк»да суғурта ишини олиб бориш харажатлари акс этади. У қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

- маъмурий-хўжалик харажатлари (унинг асосини ташкилот штатидаги ходимларга тўланадиган маошлар суммаси ташкил этади);
- суғурта полисларини жойлаштирганлиги учун ҳақлар;
- суғурта агентлари, менежерлар учун ҳақлар.

Тўлов шакллари, одатда брутто-ставка ёки «юк»ка нисбатан фоизларда аниқланади. Фоиз тўловларидан ташқари рағбатлантиришлар ҳам амалга оширилиши мумкин.

Умумий суғурта қилиш тармоғи класслари бўйича «юк» суғурта ишини юритиш харажатларидан ташқари огоҳлантириш захирасига ажратмалар қилиш ва режалантирилган фойда суммаларини ҳам ўзида акс эттиради. Брутто-ставкани ҳисоблашда, дастлаб нетто-ставка аниқлаб олинади, сўнгра унга «юк» (одатда брутто-ставкага нисбатан фоизларда) қўшиб ҳисобланади. Брутто-ставка қўйидагича аниқланади:

$$МС = \frac{НС}{100 - Ю(\%)},$$

Бу ерда, МС - брутто-ставка;

НС - нетто-ставка;

Ю(%) - юк (фоизларда ифодаланади).

Мажбурий суғурта турлари бўйича тарифлар меъёрий ҳужжатлар билан ўрнатилса, ихтиёрий суғуртада эса, суғуртачи томонидан мустақил равишда аниқланади.

Тарифни аниқлаш услубияти, тариф ставкаси ва унинг дастлабки маълумотлар манбаси, нетто-ставка ва «юк» улушлари кўрсатилган ҳолда тариф ҳисоб-китоблари махсус ваколатли Давлат органига тақдим этилади. Мазкур орган томонидан рухсат берилганидан сўнг суғурта ташкилоти ўзи ҳисоблаб чиққан суғурта тарифини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳар бир

суғурта шартномаси бўйича суғурта тарифининг ҳажми суғурта объектини тавсифловчи қатор ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда томонларнинг ўзаро келишувига кўра белгиланади.

Умумий суғурта қилиш тармоғи класслари бўйича тариф ставкасини аниқлашда нетто-ставка ҳисоб-китоби муҳим ҳисобланади. Айнан унинг ҳисобидан суғурталанувчилар кўрган зарарнинг қоплама тўловлари амалга оширилиши назарда тутилади.

Суғурта ташкилоти мукофот ундирилиши ҳисобига суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида суғурталанувчи кўрган зарарни қоплаш учун етарли миқдордаги суммани жамлаб олиши муҳимдир. Масалан, ҳар йили суғуртага қабул қилинган 1000 хонадондан 6 таси бутунлай ёниб кетиши ҳодисаси рўй беради деб фараз қилсак, ҳар бир хонадоннинг баҳоси 1 млн. сўм бўлса, бу ҳолатда суғуртачи (1 млн. х 6) 6 млн. сўм миқдоридаги пул фондига эга бўлиши талаб этилади. Бу суғурта қопламаси суммасини суғурталанган объектлар сонига бўлиш орқали ҳар бир суғурталанувчига тўғри келадиган ($6 \text{ млн. сўм} : 1000 = 6 \text{ минг сўм}$) суғурта мукофоти аниқланади. Айнан шу сумма аниқ бир суғурта объекти учун ҳисоблаб чиқилган нетто-ставкадир.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари томонидан нетто-ставкани ҳисоблаш амалиётда бирмунча мураккаброкдир¹. Негаки, суғурталанган объектнинг (бир қисми ёки батамом) зарар кўрганлиги даражаси, суғурта ҳодисалари (ёнғин, сув тошқини ва бошқа) сонининг йиллар бўйича тафовути, шунингдек, бошқа қатор далилларни эҳтимолликка асосланиб, башорат қилиш ва ҳисобга олиш керак бўлади. Мол-мулк (бино, уй ҳайвонлари, қишлоқ хўжалиги экинлари)нинг турли суғурта ҳодисалари (ёнғин, касалликлар, совуқ ва шу кабилар) юз бериши оқибатида, зарар кўриши ёки ҳалокатга учраши эҳтимоли турличадир. Шундан келиб чиқиб, объектларнинг шартномада қайд этилиши назарда тутилаётган суғурта ҳодисаларидан суғурталаш бўйича тариф ставкалари ҳам турлича белгиланиши мумкин.

Нетто-ставка икки қисмдан - суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи ва риск «юки»дан шакллантирилади. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи - энг катта эҳтимолликка кўра, суғурталанган объектлар суммасининг тўланган суғурта қопламаси суммаси нисбатидан келиб чиқади. Масалан, бир автомобилнинг нархи 10 млн. сўм, уни

¹Худди Европа мамлакатларидаги каби суғуртачилар иштирокидаги суғурта компаниялари ассоциациялари ва махсус (масалан, «Assamlee Pleniére des Sociéetes d'Assurances Dommages» каби) техник ташкилотлар томонидан суғурта «махсулот»ларини кўрилиши эҳтимол бўлган зарарлар бўйича ишончли даражада тарификациялаш сингари фаолият Ўзбекистонда йўлга қўйилганича йўқ.

таъмирлаш 3 млн. сўм, йўл ҳалокати ҳодисаси доимийлиги коэффиценти (ДАН маълумотига кўра) 0,2 бўлса, суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи ($ССЗК = 3 \text{ млн. сўм} : 10 \text{ млн.} \times 0,2 \times 100 = 6 \text{ сўм ёки } 6 \%$) 6 фоизни ташкил этади.

Риск қопламаси тўловининг катталиги суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоллиги даражасига боғлиқ бўлади. Риск бўйича суғурта мукофоти унинг юз бериш эҳтимоллигининг вақт ва кенгликдаги ҳолатидан келтириб чиқарилади. Ҳаёт суғуртаси тармоғида риск эҳтимоли мижозлар жинси ва ёшига кўп жиҳатдан алоқадор бўлса, умумий суғурта тармоғида эса, нисбатан доимий риск мавжуддир. Аммо маълум вақт оралиғида риск катталиги ўзгариши ҳам кузатилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Суғурта тарифи нима?
2. Суғурта тарифини ҳисоблашга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Суғуртани амалга ошириш харажатларини ҳисоблаш нима асосида амалга оширилади?
4. Суғурта фаолиятида актуар ҳисоб-китобларнинг ўзига хос томонларини ёритиб беринг?
5. Актуарийнинг асосий вазифаси нимадан иборат?
6. Тариф ставкаси ёрдамида нимани аниқлаш мумкин бўлади?
7. Брутто-тариф қандай қисмлардан ташкил топади?
8. Нетто-тарифга юкламани маъносини тушунтириб беринг?
9. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичини тушунтириб беринг?
10. Нетто-ставкани ҳисоблаш амалиёти қандай амалга оширилади?

8-мавзу: Ўзбекистон суғурта бозори

1. Суғурта бозори тушунчаси ва унинг иштирокчилари.
2. Суғурта бозорининг турлари ва уларга умумий тавсифнома.

Суғурта бозори тушунчаси. | Маълумки, ҳар қандай бозорда сотувчи ва харидор бўлади ҳамда улар ўртасида тегишли товарлар (хизматлар) айирбошланади. Худди шундай, суғурта бозорида ҳам сотувчи (суғурталовчи) ва харидор (потенциал суғурталанувчи) иштирок этади. Бу ерда потенциал суғурталанувчи тушунчасини қандай изоҳлаш мумкин,


деган ўринли савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, башарти, потенциал суғурталанувчини тўғридан тўғри суғуртананувчи, деб атасак катта хатога йўл қўйган бўламиз. Негаки, амалдаги қонунларга мувофиқ, суғурта компаниялари билан бевосита шартнома тузган, фуқаролик салоҳиятига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга суғурталанувчилар дейилади. Аксинча, суғурта “маҳсулотини” сотиб олишга эҳтиёжи бор, аммо ҳали суғурталовчилар билан тегишли суғурта муносабатларига киришмаган шахслар потенциал суғурталанувчилар деб аталади. Энди, суғурталовчилар ҳақида гапирадиган бўлсак, суғурталовчи - бу мамлакат ҳудудида суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган ҳамда суғурталаш ўзи учун асосий фаолият тури ҳисобланган юридик шахслардир. Кўриниб турибдики, суғурта компанияси тегишли фаолият юритиши учун ваколатли давлат органининг лицензиясига эга бўлиши ва суғуртага боғлиқ бўлмаган операциялар билан шуғулланмаслиги зарур.

Суғурталовчилар бозорга ўзларини ишлаб чиқарган ўзига хос маҳсулоти - суғурта хизматини таклиф этадилар. Ушбу хизматлар юзлаб, минглаб суғурта компаниялари томонидан сотилиши мумкин. Ўз-ўзидан, бу ҳолат суғурта бозорида потенциал мижозларни жалб этиш учун суғурта компаниялари ўртасида рақобатнинг кучайишига олиб келади ва “маҳсулот”нинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Энг асосийси, потенциал суғурталанувчи ҳар томонлама ўзининг талабини қондирадиган “маҳсулот”га эга бўлади. Баён этилганлар қуруқ гап эмас, балки бугунги кунда иқтисоди тараққий этган мамлакатлар бозорида руй бераётган оддий ҳақиқатдир. Юқорида зикр этилган фикрларни қуйидаги чизмада яққол кўриш мумкин.

Суғурта бозорининг моҳиятини чуқурроқ англаб олиш учун кундалик ҳаётимиздан оддий бир мисол келтирсак мақсадга мувофиқдир.

Ўзимиз ёки болаларимизга кийим-кечак сотиб олиш учун буюм бозорига борамиз. Айтайлик, бирорта кийим, аниқроғи, куйлак сотиб олмоқчимиз. Бозорда куйлакнинг ҳар хили мавжуд, баҳолари ҳам, нархи ҳам турлича. Биз, албатта, сифати яхшисини ва баҳоси арзонини сотиб оламиз. Суғурта бозорида ҳам айнан шу жараён юз беради.

1-чизма



Суғурта компанияси ўз маҳсулотини бозорда сотар экан, зиммасига катта масъулият олганлигини унутмаслиги керак. Чунки, суғурталовчи озгина суғурта мукофоти эвазига йирик микдордаги рискни қабул қилиб олади ва суғурта ҳодисаси руй берганда зиммасидаги суғурта қопламасини тўлаши шарт. Шу ўринда, биз суғурта компаниясига мурожаат қилишни истаган ёки муайян суғурта хизматига эҳтиёж сезган шахсларга суғурта шартномасини тузишдан олдин суғурта компаниясининг молиявий ахволи, баланси билан албатта танишиб чиқишларини маслаҳат қиламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бошқа товарлар ва хизматлар каби, суғурта хизматининг ҳам баҳоси талаб ва таклиф асосида пайдо бўлади ҳамда бу баҳо ўзининг пастки ва юқори чегараларига эга. Суғурта тушумларининг миқдори суғурта тўловлари ва суғурта ташкилотлари харажатлари миқдorigа тенг бўлиши суғурта баҳосининг пастки чегарасини билдиради. Бундай шароитда суғурта компанияси асосий фаолиятдан фойда ололмайди. Кўп ҳолларда суғурта бозоридаги кескин рақобат, суғурта ташкилотларининг потенциал мижозларни жалб этиш мақсадида тариф ставкаларини камайтиришга мажбур этади. Чет мамлакатларда, суғурталовчилар суғурта фаолиятидан зарар кўрганда, бу зарар инвестициядан келадиган даромад ҳисобидан қопланади.

Суғурта хизмати баҳосининг юқори чегараси талаб ҳажми ва банк фоизининг миқдори билан аниқланади. Суғурта хизматининг маълум бир турига етарли даражада талаб мавжуд бўлганда, суғурта ташкилоти мазкур хизмат баҳосини юқори даражада сақлаб туриши мумкин. Лекин, вақт ўтиши билан бозорда суғурта хизмати кўрсатиш турларининг кўпайиши билан, ўз-ўзидан тариф ставкалари камаяди.

Суғурта бозорининг турлари ва уларга умумий тавсифнома. | Суғурта бозори ҳудудий жойлашувига қараб халқаро, минтақавий ва миллий суғурта бозорларига бўлинади. Миллий суғурта бозори бирон-бир мамлакат ҳудудидаги суғурта муассасаларини ва уларни фаолиятини ўз таркибига олади. Жаҳондаги энг йирик миллий

суғурта бозори Америка Қўшма штатларидир. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда йиғиладиган суғурта тушумларининг 43 фоиздан ортиғи АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Бу ерда ҳаётни суғурта қилувчи 2600 дан ортиқ ва бошқа умумий турдаги суғурта хизматларини кўрсатувчи 3800 та компания фаолият кўрсатмоқда. Улардан баъзи бирлари дунё суғурта бозорида ҳам олдинги ўринлардадир. Масалан, “Пруденшиал оф Америка” компанияси мамлакат ички бозорида биринчи ва 1992 йил бошида мавжуд активлари, тўплаган суғурта мукофотлари бўйича учинчи ўринни эгаллади.

Минтақавий суғурта бозори деганда савдо, иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан ўзаро яқин муносабатда бўлган бир нечта мамлакатларнинг ички бозори тушунилади. Европа Иттифоқининг суғурта бозори йирик минтақавий бозордир.

Халқаро суғурта бозори сифатида дунё миқёсида суғурта фаолиятини олиб боровчи алоҳида мамлакатларнинг ички бозори тушунилади. Жумладан, ҳозирги вақтда Япония суғурта бозорининг халқаро даражада муҳим ўрни бор ва кейинги ўн йилликда Япония суғуртачилари дунё бозорида етакчилик қилиб келишмоқда. Маълумотларга қараганда, 1992 йили жаҳондаги энг йирик 20 та ҳаётни суғурта қилувчи компаниялар ичида 9 таси ёки 45 фоизи Японияга тегишлидир. Бу компанияларнинг молиявий салоҳияти 869 млрд. долл. миқдорида баҳоланган.

Суғурта бозорлари ҳудудий бўлиниш билан бир қаторда суғурта турларига қараб ҳам хилма-хил бўлиши мумкин. Иқтисоди ривожланган мамлакатлар амалиётида суғурта бозори иккига бўлинади: 1) Ҳаётни суғурта қилиш билан боғлиқ суғурта хизматлари бозори; 2) Умумий суғурта хизматлари бозори.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Суғурта бозори деганда нимани тушунасиш?
2. Суғурта бозорида рақобат қандай амалга оширилади?
3. Суғурта бозорида хизматларни сотиб олишнинг ўзига хос хусусиятларини курсатинг?
4. Суғурта бозори қатнашчиларига таъриф беринг?
5. Суғурталанувчиларни потенциал суғурталанувчилардан фарқли томонларни кўрсатинг?

6. Суғурта брокери нима ва унинг функциялари хақида тушунтириш беринг?

7. Қайта суғурталовчи компанияларни оддий суғурта компаниялардан қандай фарқ қилиш мумкин?

8. Суғурта бозорини суғурта операциялари турига қараб қандай гурухлаш мумкин?

9. Халқаро суғурта бозори ва унинг қатнашчилари ким?

10. Миллий суғурта бозорини минтақавий суғурта бозоридан қайси хусусиятларига кўра ажратиш мумкин?

9-мавзу: Ўзбекистонда суғурта фаолиятини амалга оширишнинг ҳозирги ҳолати

1. Суғурта мукофотлари тушумининг ЯИМдаги салмоғи динамикаси.

2. Суғурта компанияларини устав капитали ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларига кўра гурухланиши.

3. Суғурта мукофотлари тушуми ва суғурта қопламалари кўрсаткичларининг таҳлили.


4. Суғурта шартномалари ва мажбуриятлари кўрсаткичларининг таҳлили.

Суғурта мукофотлари тушумининг ЯИМдаги салмоғи динамикаси. | Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар субъектларнинг суғуртага бўлган муносабатларини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида суғурта ривожини учун зарурий объектив шарт-шароит юзага келди.

Бугунги кунда, бир томондан, Ўзбекистонда суғурта катта имкониятларни ўзида мужассам этган бўлса, иккинчи томондан, юридик ва жисмоний шахсларнинг суғуртага бўлган талаби ҳам ортиб бормоқда. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Республикада сифатли суғурта хизматини кўрсатишга бўлган талаб сустрек қондирилмоқда. Бунинг далили сифатида 1999-2004 йиллар давомида Ўзбекистонда суғурта хизматлари учун ундирилган мукофотлар суммаси ҳажмининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи ҳамон паст даражада эканлигини қайд этиш мумкин (1-диаграмма).

1-диаграмма.

Суғурта мукофотларининг
Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги сўғурта мукофотлари улуши 1999 йилда 0,23 фоиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2000-2003 йилларда мос равишда 0,26; 0,37; 0,47; 0,58 фоизларни ташкил этган, яъни у барқарор ўсган. 2004 йилда бу кўрсаткич 0,69 фоиз бўлганлиги ёки олдинги йилга нисбатан 11 пунктга ўсганлигига қарамасдан, унинг улуши анча пастлигича қолмоқда.

Халқаро амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, сўғурта мукофотларининг қатор мамлакатлар ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи ҳам турличадир. Масалан, бундай ҳолатни Осиё мамлакатлари мисолида кўришимиз мумкин. Хусусан, Жанубий Корея ва Японияда унинг салмоғи ялпи ички маҳсулот ҳажмида энг юқори 12-15 фоизлар атрофида бўлса, айрим (Саудия Арабистони, Эрон, Қувайт, Покистон, Оман ва бошқа) мамлакатларда у 0,4-2,0 фоизлар даражасидадир.

Осиёнинг айрим мамлакатларида сўғурта фаолияти ривожланиши кўрсаткичларига асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, ҳаёт сўғуртаси бўйича мукофотларнинг энг юқори ўсиши Хитой (12,8%) ва Жанубий Корея (12,1%) каби мамлакатлар ҳисобига тўғри келган бўлса, ҳаёт сўғуртасидан бошқа сўғурта бўйича мукофотларнинг ўртача ўсиши Хитой (25,1%), Индонезия (18,5%), Малайзия (14,0%), Тайвань (12,7%) каби давлатларда бирмунча юқори бўлганлиги кузатилди.

Буюк Британия, Швейцария, Франция, АҚШ, Германия, Канада каби давлатларда сўғурта фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари юқорирок бўлиб, сўғурта мукофотларининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ўртача 6,2-11,3 фоизлар даражасида бўлса, айтилишича Польша, Италия, Венгрия, Чили, Чехия, Бразилия, Россия каби давлатларда бу кўрсаткич 1,3-5,6 фоизларни ташкил этган. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача йиллик

суғурта мукофотлари (АҚШ долл. ҳисобида) Швейцарияда 2894,5; АҚШда 2280,0 долл. миқдорида бўлса, бу кўрсаткич Польшада энг паст, яъни 5,5 долл. даражасида бўлганлигини қайд этиш лозим.

Дунё ҳудудлари бўйича ундирилган суғурта мукофотлар кўрсаткичларига асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, йилларда Европа ва Шимолий Америкада улар барқарор ўсиш анъанасига эга бўлган. Бошқа ҳудудларда, хусусан, Осиёда жамланган суғурта мукофотлари ҳажми нисбатан барқарор бўлмаган.

Суғурта мукофотлари ундирилишига кўра, халқаро суғурта бозоридаги улуш кўрсаткичлари бўйича АҚШ (32,35), Япония (23,0), Буюк Британия (7,48), Германия (6,4), Франция (6,1%) каби давлатлар анъанавий равишда етакчилик мавқеини сақлаб қолмоқда.

Дунёнинг транснационал характердаги энг йирик суғурта компаниялари қатор йиллар давомида мувоффақиятли фаолият кўрсатиб келган бўлсалар, ҳозирги глобаллашув шароитида уларнинг рейтинг кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Шу ўринда, халқаро суғурта соҳаси учун 2001-2002 йиллар энг омадсиз кечганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, 2000 йилда «Forbes Global 500» томонидан қайд этилган 47 суғурта компаниясининг фақат 28 таси 2001 йилда ўз рейтинг кўрсаткичларини сақлаб қола олган. Мазкур рейтинг кўрсаткичларида қайд этилган суғурта компанияларининг умумий даромадлари 783 млрд. дан 689 млрд. га, яъни 94 млрд. долларга ёки олдинги йилга нисбатан 88,0 фоизга камайган.

«Forbes Global 500» маълумотларига асосланиб, 2002 йилда ҳам деярли барча катта суғурта компаниялари даромадларининг камайганлигини таъкидлаш мумкин. Хусусан, Европа суғурта компанияларининг ёзги сув тошқинлари оқибатида кўрилган зарарлар юзасидан катта ҳажмдаги қоплама тўловларини амалга оширишларига тўғри келганлиги уларнинг фаолиятларини такомиллаштириш масаласини долзарб қилиб қўйди.

Мамлакатимизда суғурта фаолиятини ривожлантиришга бўлган талабдан келиб чиқиб, 1996-1997 йиллар давомида кучли суғурта ташкилотларининг юзага келиши, айниқса, давлат капитали иштирокидаги ихтисослашган катта суғурта компанияларининг фаолият кўрсатишларини йўлга қўйиш бу соҳа ривожиди самарали роль ўйнади. Хусусан, экспорт-импорт операциялари – «Ўзбекинвест» ЭИМСК, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари рисклари - «Ўзагросуғурта» ДАСК, кичик ва ўрта

бизнес рисклари «Мадад» СА каби суғурта ташкилотлари томонидан ишончли даражада суғурталанмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июндаги «Суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 286-сонли Қарорида кўйилган вазифалардан келиб чиқиб, суғурта муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Давлат суғурта назорати (Давсуғназорат) инспекцияси томонидан ишлаб чиқилган суғуртани ривожлантириш чора-тадбирлари дастури Молия вазирлиги ҳайъатининг 1999 йил 12 майдаги 3/3-сонли Қарори билан тасдиқланди ҳамда ҳаётга татбиқ этилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда 2002 йил 28 майгача амалда бўлиб келган «Суғурта тўғрисида»ги Қонун чет эллик инвесторлар маблағларини мамлакатимиз суғурта соҳасига жойлаштиришлари учун шарт-шароитни ҳам юзага келтирганлиги ўзининг ижобий самарасини берди. Хусусан, «Ўз-АИГ», «Transinsurance», «ALSKOM» каби суғурта ташкилотлари фаолиятлари бунга мисол бўла олади.

**Суғурта компанияларини устав
капитали ва ташкилий-ҳуқуқий
шаклларига кўра гуруҳланиши.**

Мамлакатимизда фаолият
кўрсатиб келган суғурта
ташкилотларининг 2003 йилнинг

августига қадар устав фонди миқдори ҳам турлича бўлганлигини таъкидлаш лозимдир. Бу масалада мамлакатимизда амалиётга киритилган қонунда «суғурталовчилар устав фондининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Суғурталовчи устав фондининг камида тўқсон фоизи муассисларнинг (иштирокчиларнинг) пул маблағларидан шакллантирилади.

Суғурталовчининг устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Суғурталовчининг устав фонди лицензия олинадиган пайтга қадар суғурталовчининг муассислари томонидан тўланган бўлиши керак»¹лиги таъкидланган.


Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларини устав фонди миқдори йилдан йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2002 йилнинг январь ойи ҳолати бўйича устав фонди катталигига кўра суғурта компаниялари, шартли равишда (2-диаграмма): кичик (10 млн. сўмгача),

¹Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 12-модда.

ўрта катталиқдаги (500 млн. сўмгача) ва катта (500 млн. сўмдан кўп бўлган) учта гуруҳдан ташкил топган эди ҳамда жами компаниялар таркибида мос равишда кичик компаниялар 47,0 ўртача катталиқдаги компаниялар 42,0 катта компаниялар 11,0 фоиз салмоқни ташкил этганлигини таъкидлаш мумкин.

2-диаграмма

Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг устав фонди ҳажмига кўра гуруҳланиш кўрсаткичлари (% да)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.


Мамлакатимиз суғурта компанияларини устав фонди катталигига кўра, гуруҳлашнинг 2003 йил январь ойи кўрсаткичларида мос равишда, кичик компаниялар (устав фонди катталиги 100 млн. дан 500 млн. гача) 70,0; ўртача катталиқдаги компаниялар (устав фонди катталиги 500 млн. дан 1 млрд. гача) 20,0; катта компаниялар (устав фонди катталиги 1 млрд. сўмдан кўп бўлган) 10,0 фоиз бўлганлиги аниқланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда суғурта фаолиятини амалга ошириш борасида молиявий жиҳатдан кучли ҳисобланадиган учинчи гуруҳ компаниялари салмоқли ўринга эга бўлганликлари кўзга ташланди.

Ўзбекистонда 2002 йил май ойигача амал қилиниб келган суғурта қонунчилигида суғурта ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳам тўлиқ баён қилиб берилмаган эди. Бу масаланинг, бизнинг назаримизга кўра, бир томондан, суғуртачи субъектлар учун долзарблигидан, иккинчи томондан, суғурта фаолияти республикамызда тадбиркорлик билан шуғулланаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳам ўзида акс эттиришидан, суғурта ташкилотларининг ўз зиммаларига олган мажбуриятлари тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги эса, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида салбий оқибатларга олиб келиши ҳам мумкинлигиданкелиб чиқиб, янги қонунда суғуртачиларни тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги модда киритилган ва унда «суғурталовчилар

қонунларда назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилади. Суғурталовчиларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади»¹ деб таъкидланган.

Мамлакатимиз суғурта ташкилотларининг ташкилий шакллари ва таъсисчилари таркибини (3-диаграмма) ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, 2003 йилнинг сентябрь ҳолатига кўра, улар акционерлик компаниялар (44,0%), масъулияти чекланган жамиятлар (55,0%) ва бошқа ташкилий шаклларда (1,0%) фаолият юритган, уларнинг устав фондларини шакллантиришда юридик шахсларнинг маблағларидан кенг фойдаланилган.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


Уларнинг таъсисчилари таркибида банклар 62,2; суғурта ташкилотлари 16,7; жисмоний шахслар 4,6 ва бошқа таъсисчилар 16,5 фоиз улушларга эгадир. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, мазкур таъсисчиларнинг иқтисодий ҳолатидаги ўзгаришлар суғурта ташкилотининг аҳволига амалий жиҳатдан салбий таъсир этмаган.

Ўзбекистон суғурта ташкилотлари жами устав фондининг келтирилган йиллардаги ҳолати (4-диаграмма) таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 1999 йилда бу кўрсаткич 6,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2000 йилда олдинги йилга нисбатан қарийб 6,0; 2001 йилда 2000 йилга нисбатан яқин 15,5; 2002 йилда олдинги йилга нисбатан 1,2; 2003 йил якунига кўра, 2002 йилга нисбатан 24,1 фоизга ўсганлигини ёки 1999 йилга нисбатан ўсиш 53,7 фоиздан ортиқроқ бўлганлигини таъкидлаш лозим.

4-диаграмма.

Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг жами устав фондидаги ўсиш кўрсаткичлари (млрд. сўмда)

¹Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 11-модда.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда суғурта ташкилотлари худди банклардаги каби устав фондининг пул кўрсаткичи нисбатининг минимал ҳажмининг аниқ белгилаб қўйиш талабидан келиб чиқиб, Ўздавсуғназорат томонидан қонунчилик лойиҳасини ишлаб чиқиш саъй-ҳаракати натижасида Молия Вазирлиги томонидан 1999 йилнинг 11 майида қабул қилинган 31-сонли ва Адлия Вазирлиги томонидан ўша йилнинг 4 июнида 739-сон билан рўйхатга олинган муваққат (вақтинчалик) Низомга мувофиқ 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб суғурта компанияларининг тез сотиладиган активлари ҳажмининг меъёри 75 минг АҚШ доллариға (ҳисобот муддатида Марказий банк томонидан белгиланган курсға кўра) эквивалент бўлган сўммадан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 413-сонли Қарорида суғуртачи субъектларнинг тармоқлар бўйича ихтисослашуvidан келиб чиқиб, суғурта фаолиятини амалга оширувчи суғуртачиларнинг устав фондининг энг кам миқдори¹ аниқ, яъни 2003 йилнинг 1 августига қадар:

-ҳаётни суғурта қилиш тармоғида ихтисослашаётган суғуртачилар учун - 250 минг АҚШ доллариға;

-умумий суғурта тармоғига ихтисослашаётган суғуртачилар учун - 150 минг АҚШ доллариға;

-қайта суғурта қилиш фаолиятига ихтисослашаётган суғуртачилар

¹Қаранг:Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 413-сонли Қарори.

учун (агар фаолият фақат қайта суғурта қилиш бўлса) - 2 млн. АҚШ доллариغا;


-мажбурий суғурта фаолиятини амалга оширувчи суғуртачилар учун устав фондининг энг кам миқдори 500 минг АҚШ доллариغا тенг миқдордаги суммаларда бўлиши таъминланиши қатъий белгиланганлиги оқибатида суғурта ташкилотларининг сони 1/3 га қисқарди.

Мамлакатимиз суғурта ташкилотлари фаолият кўламларига кўра ҳам ўзаро фарқланади. Бу уларнинг менежмент ва маркетинг бўйича имкониятлари, яъни бозор иқтисодиёти талабларига мослашувчанлиги турлича эканлиги билан изоҳланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, лицензияга эга бўлган суғурта ташкилотларининг 3/5 қисмида устав фонди белгиланган энг кам миқдори даражасида бўлса, уларнинг фақат 1/3 қисми мажбурий суғуртани амалга ошириш имкониятини берувчи капитал миқдорига эгадир. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз суғурта ташкилотларининг капитал таъминотидаги бу кўрсаткичлар, уларнинг ҳажми катта бўлган рискларни суғурталаш имкониятларини чеклайди.

Суғурта мукофотлари тушуми ва суғурта қопламалари кўрсаткичларининг таҳлили.	Суғуртага бўлган талаб даражаси мамлакатнинг иқтисодий ҳолати билан ўзаро боғлиқликда кечадиган жараёндир. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари томонидан суғурта мукофотлари йиғилиши 2000 йилда 1999 йилга нисбатан 74,0 фоиздан кўпроқ миқдорда ортиган бўлса, бу кўрсаткич 2001 йилнинг якунига кўра, 16,2 млрд. сўмни ташкил этганлиги ёки 1999 йилга нисбатан 3,4 баравар ўсганлиги, 2002 йилда олдинги йилга нисбатан ўсиш 33,1 фоизни ташкил этганлиги; 2003 йилда олдинги йилга нисбатан 21,3 фоизга ортиганлиги ёки 26,3 млрд. сўм даражасида бўлганлиги, 2004 йилда эса 32,9 млрд. сўм даражасида бўлганлиги ёки олдинги йилга нисбатан 25,1 фоизга ортиганлиги аниқланди. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, келтирилган йилларда суғурта ташкилотлари томонидан суғурта мукофотларини йиғиш ҳажмининг ўсиши барқарорлик хусусиятига эгадир.
---	---

Суғурта ташкилотлари томонидан 1999-2003 йиллар бўйича жамланган жами суғурта мукофотларининг (5-диаграмма) ўртача 65 фоизидан кўпроғи асосан ихтиёрий мол-мулк суғуртаси ҳисобига туғри келган, яъни уларнинг суғурта портфели асосан ихтиёрий мол-мулк суғуртаси ҳисобига шакллантирилган.

**Суғурта мукофотлари тушуми улушининг ўсиши бўйича
Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари(%)
1999-2004 йй.**



Суғурта тармоқлари	йиллар					
	1999	2000	2001	2002	2003	2004
Ихтиёрий шахсий суғурта	9,3	8,8	6,9	7,4	5,6	5,0
Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси	51,8	60,2	66,3	72,3	77,7	79,8
Ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси	2,8	2,4	5,0	4,4	4,5	4,6
Мажбурий суғурта	36,1	28,6	21,8	15,9	12,2	10,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлар асосида ишлаб чиқилган.

Келтирилган йилларда суғурта мукофотлари тушумининг ўсиш кўрсаткичларида ҳам ихтиёрий мол-мулк суғуртасининг улуши ортган. Бу кўрсаткичнинг 1999 йилда умумий мукофот тушумидаги улуши 51,8 фоиз даражасида бўлганлиги, шунингдек, 1999 йилга нисбатан 2000-2003 йилларда унинг ўсиши мос равишда 16,0; 28,0; 40,0; 50,0 фоизларни ташкил этганлиги ҳамда барқарор ўсганлиги кузатилади.

Суғурта мукофотлари ҳажми бўйича бундай кўрсаткич ихтиёрий мол-мулк суғуртаси ва суғуртанинг бошқа турларида суғурта хизматига бўлган талаб ва таклиф ўртасида анча тафовут мавжудлигини кўрсатади. Масалан, мамлакатимизда турли мулкчиликка асосланган иқтисодиёт равнақи, бир томондан, жисмоний шахслар мол-мулкларини ихтиёрий суғурталашнинг кўлами ортиши, иккинчи томонидан, юридик шахслар учун суғурта ташкилотлари томонидан суғурта хизматининг янги турлари таклиф этилиши ҳисобига ихтиёрий мол-мулк суғуртасининг истиқболли имкониятларини намоён этади.

Ўзбекистонда ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси ҳам ривожланиб бормокда. Мазкур суғуртанинг келтирилган йиллар давомида умумий мукофотлар тушумидаги улуши ортиб бориши уни ривожлантиришнинг катта имкониятларини юзага келтирди. Шу ўринда, айрим касбий (врачлар, судьялар, нотариуслар ва бошқалар) жавобгарлик суғуртасини амалиётга

жорий этиш самарали эканлигини қайд этиш мумкин.

Ихтиёрий шахсий суғурта бўйича шуни қайд этиш мумкинки, унинг мазкур йилларда 1999 йилга нисбатан салмоқ камайиши кузатилди. Шунингдек, келтирилган йиллар давомида мажбурий суғурта бўйича ҳам мукофот тушумлари суммаси камайиб бораётганлиги кўзга ташланди. Бу ҳолат мамлакатимизда суғурта муносабатларининг эркинлашуви жараёнида устуворлик ихтиёрий суғуртани ривожлантиришга қаратилганлиги билан изоҳланади.


Суғуртанинг моҳиятидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, қоплама тўловлари суғурта ҳодисалари юз берган ҳолларда суғурта мукофотларидан шакллантирилган фонд ҳисобидан тўланади. Кейинги йилларда суғуртачиларнинг суғурта портфели асосан зарарли натижаларга олиб келмаганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Суғурта қопламаси тўловлари барча суғурта турлари бўйича келтирилган йилларда мос равишда 1,3; 2,7; 3,3; 2,4; 2,3 млрд. сўмни ташкил этган. Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиши таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, келтирилган йиллар давомида умумий қоплама ҳажмида (6-диаграмма) мажбурий суғурта бўйича тўловлар ўртача 30,9 фоиздан ортиғроқ даражада бўлган. 2003-2004 йиллар кўрсаткичларида ҳам унинг салмоқли ўрни сақланиб қолинганлигини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, 1999-2004 йилларда мамлакатимизда ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича энг катта ҳажмдаги қоплама тўловлари амалга оширилган.

Ўзбекистонда эркин бозор муносабатлари қарор топаётган шароитда ихтиёрий суғурта бўйича суғурта қопламалари тўловларининг салмоғи ўртача 54,8 фоизни ташкил этганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, 2000-2004 йилларда жами суғурта қопламаси тўловлари ҳажмида ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича амалга оширилган қопламалар ўртача 58,0 фоизни ташкил этганлиги таҳлил давомида аниқланди.

6-диаграмма.

**Суғурта қопламаси тўловларидаги улушлар бўйича
Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари (%)
1999-2004 йй.**



Суғурта тармоқлари	йиллар					
	1999	2000	2001	2002	2003	2004
Ихтиёрий шахсий суғурта	6,0	6,0	5,9	12,7	15,5	17,2
Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси	40,7	58,4	42,2	71,0	61,6	61,5
Ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси	5,3	2,3	4,4	6,6	6,7	7,2
Мажбурий суғурта	48,0	33,3	47,5	9,7	16,2	14,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлар асосида ишлаб чиқилган.

Суғурта шартномалари ва мажбуриятлари кўрсаткичларининг таҳлили.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг суғурта

шартномалари бўйича кўрсаткичларига (7-диаграмма) тўхталадиган бўлсак, келтирилган йилларда уларнинг сони мос равишда 9,5; 11,5; 12,1; 6,6; 5,3 млн.ни ташкил этган.


Жами шартномалар сонининг 1999 йилда 60,6; 2000 йилда 51,0 фоизи ёки энг кўп сони мажбурий суғурта ҳисобига тўғри келган. Аммо, 2001-2004 йилларда мажбурий суғуртанинг шартномалар сонидagi салмоғи камайиб бораётганлиги кузатилди. Хусусан, унинг ҳисобига 2001 йилда 48,7 фоиз улуш тўғри келган бўлса, 2002-2004 йилларда суғуртанинг бу шакли бўйича шартномалар сони кескин камайганлиги, яъни мос равишда 7,2; 8,9; 8,6 фоизни ташкил этганлиги аниқланди.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг истиқболли шакли ихтиёрий суғурта ҳисобланди. 1999-2003 йилларда суғуртанинг бу шакли бўйича жами шартномалар сонидagi салмоқ ўзгаришларига мос равишда 23,2; 27,1; 27,7; 49,8; 44,4 фоизи - ихтиёрий шахсий суғурта, 16,1; 21,9; 23,5; 42,7; 44,0 фоизи - ихтиёрий мол-мулк суғуртаси ҳисобига тўғри келганлиги ҳамда 1999-2001 йилларда амалдаги шартномалар сонининг ўртача 0,1; 2002 йилда 0,3; 2003 йилда эса 2,7 фоизи ихтиёрий жавобгарлик

7-диаграмма.

Амалдаги шартномалар сони бўйича Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари (%)

1999-2003 йй.



Суғурта тармоқлари	йиллар				
	1999	2000	2001	2002	2003
Ихтиёрий шахсий суғурта	23,21	27,1	27,7	49,8	44,4
Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси	16,11	21,9	23,5	42,7	44,0
Ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси	0,04	0,1	0,1	0,3	2,7
Мажбурий суғурта	60,64	51,0	48,7	7,2	8,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

суғуртаси бўйича тузилганлиги шундан далолат беради. Мамлакатимизда ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича шартномалар сони кам эканлиги унинг ривож топмаганлиги билан изоҳланади.

1999-2003 йиллар давомида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларининг мажбуриятлари ҳажмида асосан ихтиёрий мол-мулк суғуртасининг салмоғи ўртача 58,5 фоизни ташкил этганлиги кузатилди.


Эркин бозор муносабатлари қарор топаётган шароитда мажбурий суғурта бўйича суғурта мажбуриятларининг ҳажм жиҳатдан жами суғурта мажбуриятларидаги улушининг 1999-2003 йиллар бўйича мос равишда 41,9; 41,5; 9,7; 17,7; 7,5 фоизларни ташкил этганлиги тадқиқот давомида аниқланди. Мазкур суғурта шаклининг ўрни аста-секинлик билан камайиб бораётганлиги кузатилди. Бу - ижобий ҳолатдир.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари томонидан суғурта шакллари бўйича зиммаларига олган мажбуриятлари ҳажмида (8-диаграмма) асосан ихтиёрий суғурта етакчилиikka эгадир. 1999-2003 йиллар бўйича суғуртанинг бу шакли зиммасига жами олинган мажбуриятлар ҳажмининг мос равишда 58,1; 58,5; 90,3; 82,3; 92,5 фоиз улушлари тўғри келганлиги шундан далолат беради.

8-диаграмма.

Суғурта мажбуриятлари ҳажми бўйича Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари (%)

1999-2003 йй.



Суғурта тармоқлари	йиллар				
	1999	2000	2001	2002	2003
Ихтиёрий шахсий суғурта	5,2	13,6	5,2	15,5	9,0
Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси	48,8	34,0	83,3	63,0	80,9
Ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси	4,1	10,9	1,8	3,8	2,6
Мажбурий суғурта	41,9	41,5	9,7	17,7	7,5



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Шу ўринда, мажбурий суғурта бўйича мажбуриятлар ҳажмининг камайиши эркин бозор муносабатлари шароитида ихтиёрий суғуртанинг ўрни ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Бу кўрсаткичларни ихтиёрий мол-мулк суғурта мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, жами шартномалар сонига нисбатан унинг улуши учинчи ўринда бўлган бўлса, суғурта ташкилотлари томонидан 1999-2003 йилларда жамланган жами суғурта мукофотлари суммасининг ўртача 62,6, барча тўланган қопламалар ҳажмининг ўртача 53,1 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келган. Бу кўрсаткичлар ихтиёрий шахсий суғурта, ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича анча пастдир.

Суғурта ташкилотининг даромад манбаларидан яна бири унинг инвестиция фаолияти ҳисобланади. Суғуртачиларнинг 1999-2000 йилларда умумий инвестиция жойлаштирувлари жабҳалари (9-диаграмма) ичида банк депозитлари ҳисобига мувофиқ равишдаги 56,5; 61,0 фоиз улушлар тўғри келган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 29,5 фоизни ташкил этган.

9-диаграмма.

Инвестиция ҳажми ўсиши бўйича Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари (%)



Манба: Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги маълумотлари асосида
ишлаб чиқилган.

Суғуртачилар томонидан банк депозитларига инвестиция жойлаштируви кўрсаткичларидаги улуш 2002 йил 73,7; 2003 йилда 67,1 фоиз бўлганлиги бу фаолиятнинг истиқболли эканлигидан далолат беради. Суғуртачиларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолликлари таҳлил этилган йилларда ортиб бораётганлиги кўзга ташланди. Бу кўрсаткичнинг суғуртачилар томонидан умумий инвестиция жойлаштирувидаги улуши 1999 йилда 34,6 фоизни ташкил этган, 2000 йилда у ўтган йилга нисбатан 1,1 фоизга ортган, 2001 йилда унинг кескин ўсиши ҳодисаси кузатилган, яъни у 68,8 фоиздан ортганлигини қайд этиш лозим.

Бундай натижа асосан, қарз муносабатларини ифодаловчи қимматли қоғозлар ҳисобига юзага келган. Аммо, 2002 йил якунига кўра, бу кўрсаткич 22,8 фоизни ташкил этган ёки олдинги йилга нисбатан 3 мартага камайганлиги кузатилди. 2003 йил якунига кўра, қимматли қоғозларга жойлаштирилган маблағлар улуши 27,8 фоизни ёки олдинги йилга нисбатан 21,9 фоизга ортганлиги аниқланди.

Суғуртачилар томонидан инвестиция жойлаштирувининг бошқа жабҳаларидаги фаолликлари бирмунча пасайиши ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Масалан, суғуртачиларнинг 1999-2003 йилларда берган кредитлари мувофиқ равишда 1,8; 0,4; 0,7; 0,3; 0 фоизларни ташкил этган ёки 1999 йилга нисбатан унинг умумий улушдаги кўрсаткичларида барқарорлик анъанаси кузатилмаган, шунингдек, корхоналар низом капиталидаги улушлар ҳам 2002 йилда 1999 йилга нисбатан 3,2 мартага яқин камайган, 2003 йилда бу кўрсаткич олдинги йилга нисбатан 0,1

пунктга ортиган бўлсада, унинг салмоғи суғуртачиларнинг инвестиция жойлаштириш соҳалари бўйича ҳамон паст даражада қолаётганлигини қайд этиш лозим.

Суғурта ташкилоти фаолиятининг натижаси суғурта мукофотлари суммаси, шунингдек, вақтинчалик бўш турган маблағларини инвестицияга жалб этилган қисмидан олинган даромадлари суммасига тенгдир. У суғурта қопламаси ва захирасининг меъёрий ўсиши суммасига камайтирилади. Бу тизимда суғуртанинг ялпи ишлаб чиқарган «махсулоти» олинган даромад ва суғурта ҳодисаси юз беришига кўра, амалга оширилган қоплама тўловлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Бу ҳисоб-китоблар нисбатида ялпи суғурта махсулотини ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида мамлакатимизда суғурта фаолиятининг хусусийлаштирилиши жараёни бир томондан, ташаббускорлик негизида суғурталаш турлари ортишига имкон яратиб, жавобгарлик суғуртаси, молиявий рисклар суғуртаси ва шу каби янги суғурта турлари қўлланишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан, иқтисодиётни янада эркинлаштириш шароитида суғурта ташкилотларининг кучсиз томонлари ҳам кўзга ташланиб қолди. Бу айниқса, суғуртачиларнинг потенциал мижозлар кетидан қувиши оқибатида улар томонидан ўз зиммаларига олган суғурта жавобгарлиги паст даражада қолаётганлигида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг мажбурий суғурта бўйича кўрсаткичлари 2002 йилда 1999 йилга нисбатан суғурта мукофотлари суммасидаги улушлар нисбатида 20,2, амалдаги суғурта шартномалари сонига нисбатан 53,4, суғурта мажбуриятлари ҳажмида 24,2 пунктга камайганлиги аниқланди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мажбурий суғуртанинг жами суғурта қопламасидаги улуш кўрсаткичлари 1999-2002 йилларда ўртача 34,1 фоиз даражасида бўлган. Бу ҳолат бизнинг назаримизга кўра, бир томондан, унинг ўзига хос ўрни мавжудлигини кўрсатса, бошқа томондан ихтиёрий суғурта субъектларнинг суғурта рисклари бўйича жавобгарликни мижозлар кутаётган даражада ўз зиммасига олишга тайёр эмаслиги билан ҳам изоҳланади.

Мамлакатимизда суғурта ҳимоясини таъминлаш бўйича маблағларни шакллантириш асосан суғурта мукофотлар ҳисобига амалга оширилмоқда. Суғурта турлари таркибидаги ўзгаришлар асосан ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича мукофотлар тушуми умумий кўрсаткичдаги салмоғи

ўсиши ҳисобига 2001 йилда 1999 йилга нисбатан 34,3 фоизга ортганлиги ҳамда унинг 2002 йил якунига кўра, суғурта мукофотлари суммасидаги улуши 72,3 фоизга етганлиги ёки 1999 йилга нисбатан 37,4 фоизга ортганлиги кузатилди. 1999-2004 йиллар давомида суғурта фаолияти ҳажмида ихтиёрий суғурта ҳиссаси ортиб бораётганлиги аниқланди.

Ихтиёрий шахсий суғурта бўйича умумий мукофотлар тушуми 1999 йилдагига нисбатан 2001 йилда 3,2 фоизга камайганлиги аниқланган бўлса, 2002 йилда эса, олдинги йилга нисбатан 7,2 фоизга ортганлиги кузатилди.

Бугунги кунда ихтиёрий суғуртанинг таркиби ўзгариб, у энг кўп қўлланилаётган суғурта шаклига айланиб бормоқда. Аммо унинг жами суғурта мукофотлари ҳажмидаги улуши ортиб бораётганлиги кузатилган бўлса-да, унинг салмоғи бугунги кунда ҳам кутилган даражага чиқа олмаганлигини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда 1999-2002 йиллар давомида, ихтиёрий мол-мулк суғуртасининг мунтазам ўсиб борганлиги тадқиқот ишида амалга оширилган таҳлиллар асосида аниқланди. Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича суғурта мукофотлари ҳажми жами мукофотлар суммасига нисбатан ўсиши юқори бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда мажбурий суғуртанинг кўлами 1999-2003 йиллар давомида бирмунча камайиб борганлиги қайд этилди. Унинг аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, у бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилганлиги сабабли давлат учун қўшимча инвестициялаш билан шуғулланиш имконини яратмайди. Мажбурий суғурта бўйича қоплама тўловлари 1999 йилга нисбатан 2001 йилда 0,5 фоизга, 2002 йилда яқин 4,7 мартага камайган бўлса, 2003 йилда ҳам унинг салмоғи камайганлиги кузатилди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. 1999-2004 йиллар давомида Ўзбекистонда суғурта мукофотларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ўзгариши қандай тусга эга бўлган?
2. Суғурта мукофотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ривожланган мамлакатларда ўртача неча фоизни ташкил этади?
3. Суғурта компанияларини устав капитали миқдори жиҳатдан қандай гуруҳларга бўлиш мумкин?
4. 1999-2004 йилларда суғурта ташкилотлари устав капитали ўсиш кўрсаткичи қандай тенденцияга эга бўлган?

5. 1999-2004 йилларда суғурта мукофотлари таркибида қайси суғурта турларининг улуши юқори даражада бўлган?

6. 1999-2004 йилларда суғурта қопламалари таркибида қайси суғурта турларининг улуши юқори даражада бўлган?

7. 1999-2004 йилларда суғурта шартномалари таркибида қайси суғурта турларининг улуши юқори даражада бўлган?

8. 1999-2004 йилларда суғурта мажбуриятлари таркибида қайси суғурта турларининг улуши юқори даражада бўлган?

9. 1999-2003 йилларда суғурта компаниялари инвестиция фаолиятида қандай таркибий ўзгаришлар рўй берган?

10. Ушбу мавзуда келтирилган маълумотлар сизга қандай фойда келтирди, деб ўйлайсиз?

10-мавзу: Ўзбекистондаги айрим йирик суғурта компаниялари фаолиятининг таҳлили

1. Йирик суғурта компанияларида суғурта мукофотлари тушуми ва суғурта тўловларини тўлаш кўрсаткичлари таҳлили.

2. Йирик суғурта компанияларида суғурта шартномалари сони ва суғурта мажбуриятлари кўрсаткичлари таҳлили.

Йирик суғурта компанияларида суғурта мукофотлари тушуми ва суғурта тўловларини тўлаш кўрсаткичлари таҳлили. Мамлакат суғурта ташкилотларининг суғурта мукофотлари тушумлари бўйича улуш кўрсаткичлари (1-жадвал) таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, келтирилган йиллар давомида тадқиқот объектлари бўлган 4 та суғурта ташкилотлари томонидан ундирилган мукофотларининг салмоғи йилдан-йилга ортиб борганлиги кўзга ташланди. Хусусан, мажбурий суғурта бўйича 1999-2002 йиллар давомида мос равишда 99,9; 100,0; 99,0; 100,0 фоиз улушлар улар ҳисобига тўғри келган.

1-жадвал

Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг суғурта мукофотлари тушумлари бўйича улуш кўрсаткичлари (%)

Суғурта ташкilotларининг номи	И х т и ё р и й			Мажбурий суғурта
	шахсий суғурта	мол-мулк суғуртаси	жавобгарлик суғуртаси	
	й и л л а р б ў й и ч а			

	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002
«Ўзбекинвест» ЭИМСК	1,1	2,5	8,5	8,9	47,2	55,0	76,9	65,1 6	6,2	17,4	41,2	41,4	9,2	16,6	13,9	27,1
«Ўзагросуғурта» ДАСК	46,1	39,0	43,0	43,7	36,3	27,4	15,3	13,9	1,1	1,7	1,0	4,2	68,8	64,2	69,1	49,8
«Кафолат» ДАСК	28,4	27,5	24,2	17,0	5,9	4,9	3,6	3,7	0,3	2,7	2,2	6,1	21,0	16,5	12,9	16,8
«Мадад» СА	2,4	1,7	3,6	1,2	3,6	0,3	0,2	0,04	64,5	29,0	13,0	22,5	0,9	2,7	3,1	6,3
Бошқа суғурта ташкилотлари	22,0	29,3	20,7	29,2	7,0	12,4	4,0	17,2	27,9	49,2	42,6	25,8	0,1	0,0	1,0	0,0

Манба: Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари ҳисоботлари асосида тайёрланган.

Мажбурий суғуртани амалга оширишда етакчи ўрин «Ўзагросуғурта» ДАСК ҳисобига, мос равишда 68,8; 64,2; 69,1; 49,8 фоиз улушларда тўғри келган. Бунга унинг зиммасига мажбурий суғуртани амалга ошириш юклатилганлиги сабабдир. Суғуртанинг бу шаклини амалга оширишда «Ўзбекинвест» ЭИМСК 1999-2002 йиллар бўйича мос равишда 9,2; 16,6; 13,9; 27,1; «Кафолат» ДАСК 21,0; 16,5; 12,9; 16,9 ёки бу икки суғурта ташкилотига келтирилган йилларда 30,2; 33,1; 26,8; 44,0 фоиз улушлар тўғри келган.

Таҳлил давомида, мажбурий суғуртани амалга оширишда «Мадад» СА ҳам ўзига хос ўринга эга бўлиб бораётганлиги кузатилди. Унинг бу шакл бўйича суғурта мукофотларидаги улуши келтирилган йилларда мос равишда 0,9; 2,7; 3,1; 6,3 фоизларга тенг эканлиги шундан далолат беради.

Суғуртанинг ихтиёрий шакли бўйича 4 та асосий суғурта ташкилотлари турлича кўрсаткичларга эга эканликлари тадқиқот давомида аниқланди. Таъкидлаш лозимки, 1999-2002 йилларда ихтиёрий суғурта бўйича мукофот тушуми кўрсаткичларида «Ўзагросуғурта» ДАСК ҳисобига энг кўп улуш, яъни мос равишда 46,1; 39,0; 43,0; 43,7 фоиз тўғри келган бўлса, «Кафолат» ДАСК томонидан ҳам маълум саъй-ҳаракатлар амалга оширилганлиги натижасида, мос равишда 28,4; 27,5; 24,2; 17,0 фоиз улушидаги мукофотлар жамланишига эришилган.

Бошқа суғурта ташкилотлари ҳам мукофот жамланишида сезиларли улуш кўрсаткичларига эга бўлганликларини қайд этиш лозим. Улар томонидан 1999 йилда ихтиёрий шахсий суғурта бўйича жами мукофот тушумларининг 22,0 фоизи жамланган бўлса, бу кўрсаткич 2000-2002 йилларда мос равишда 29,3; 20,7; 29,2 фоизга тенг бўлган. Келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ихтиёрий шахсий суғурта ўзида катта имкониятларни мужассам этган.

Мамлакатимизда кейинги йилларда турли иқтисодиёт субъектларининг мол-мулклари таркиби сон жиҳатдан ортиб бормоқда. Шу

боис, ихтиёрий мол-мулк суғуртасини амалга оширишга бўлган талаб ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Хусусан, ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича жамланган суғурта мукофотлари тушумларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 1999-2002 йилларда жами ундирилган мукофотлар суммасидаги улуш нисбати тадқиқот объектлари бўлган 4 та суғурта ташкилотлари ҳисобига мос равишда 93,0; 87,6; 96,0; 82,8 фоизни ташкил этган. Шуни қайд этиш мумкинки, ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича 1999-2002 йиллардаги мукофотлар тушумида энг кўп улуш мос равишда 47,2; 55,0; 76,9; 65,2 фоиз даражасида «Ўзбекинвест» ЭИМСК томонидан жамланган. Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси мукофотлари тушумида «Ўзагросуғурта» ДАСК ҳам сезиларли ўринга эга бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Суғурта ташкилотлари томонидан келтирилган йилларда ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича ҳам мукофот тушумлари ортиб бораётганлиги кузатилди. Хусусан, бу борада энг кўп мукофот ундирилуви «Ўзбекинвест» ЭИМСК ҳисобига, яъни келтирилган йилларда мос равишда 6,2; 17,4; 41,2; 41,4 фоиз улушларда бўлганлиги аниқланди. Ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича бошқа суғурта ташкилотлари томонидан (тадқиқот объектлари бўлган 4 та суғурта ташкилотларидан ташқари) ҳисобига келтирилган йилларга мос равишда 27,9; 49,2; 42,6; 25,8 фоиз суғурта мукофотлари жамланишига эришилган.

Суғурта ташкилотлари томонидан иқтисодиёт субъектларининг рисклардан ишончли ҳимоясини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Шу нуктаи назардан, мамлакат суғурта ташкилотларининг қоплама тўловлари даражаси (2-жадвал) албатта, потенциал мижозларнинг суғуртага бўлган талаби ортиши ёки аксинча, пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

1999-2002 йилларда мамлакат суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилган қоплама тўловлари ортиб борганлигини қайд этиш мумкин. Хусусан, мажбурий суғурта бўйича юз берган суғурта ҳодисаси оқибатида субъектларнинг кўрган зарарларини қоплаш учун тўланган жами қоплама суммасидаги энг катта улуш «Ўзагросуғурта» ДАСК ҳисобига тўғри келган ва келтирилган 4 йил бўйича у ўртача 90,4 фоиздан юқори даражада бўлган.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бошқа суғурта ташкилотлари (тадқиқот объектлари бўлган 4 та суғурта ташкилотларидан ташқари) томонидан келтирилган йилларда мажбурий суғурта бўйича қоплама тўланмаган.

Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг 1999-2002 йилларда ихтиёрий суғурта бўйича жами қоплама тўловлари суммасида ихтиёрий шахсий суғурта ва ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича етакчи ўрин, мос равишда 60,5; 50,8; 57,3; 58,5 ҳамда 81,8; 78,3; 91,7; 83,9 фоизларда «Ўзагросуғурта» ДАСК томонидан амалга оширилган. Ихтиёрий шахсий суғурта бўйича «Кафолат» ДАСК ҳам келтирилган йилларда 26,3; 15,0; 19,3; 12,7, шунингдек, бошқа суғурта ташкилотлари (4 та номлари келтирилганларидан ташқари) ҳам 12,2; 29,5; 17,2; 12,9 фоиз улушларда қоплама тўловларини амалга оширганлиги эътиборга моликдир.

2-жадвал.

**Мамлакат суғурта ташкилотларининг суғурта қопламалари
тўловлари бўйича улуш кўрсаткичлари (%)**

Суғурта ташкilotларининг номи	Ихтиёрий												Мажбурий суғурта			
	шахсий суғурта				мол-мулк суғуртаси				жавобгарлик суғуртаси							
	й и л л а р б ў й и ч а															
	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002
«Ўзбекинвест» ЭИМСК	0,6	4,3	6,0	15,7	13,6	0,2	4,8	10,7	0,2	6,4	0,1	0,3	0	0,1	1,1	14,4
«Ўзагросуғурта» ДАСК	60,6	50,8	57,3	58,5	81,8	78,3	91,7	83,9	0	91,6	0,2	0,0	97,0	97,5	96,9	70,3
«Кафолат» ДАСК	26,3	15,0	19,3	12,7	3,4	21,0	1,0	1,89	0	0,8	0,2	0,3	0	2,4	1,1	11,4
«Мадад» СА	0,3	0,4	0,2	0,2	0,1	0,1	0,1	0,01	63,0	0,2	84,0	92,0	3,0	0	0,9	3,9
Бошқа суғурта ташкilotлари	12,2	29,5	17,2	12,9	1,1	0,4	2,4	3,5	36,8	1	15,5	7,4	0	0	0	0

Манба: Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари ҳисоботлари асосида тайёрланган.

Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича келтирилган йилларда жами қоплама тўловларининг мос равишда 13,6; 0,2; 4,8; 10,7 фоиз улушлари «Ўзбекинвест» ЭИМСК ҳисобига тўғри келган. Тадқиқ этилган йилларда ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича «Кафолат» ДАСКнинг улуш кўрсаткичлари мос равишда 3,4; 21,0; 1,0; 1,9 фоизларни ташкил этган ёки бошқача айтганда, 2001 йилда 1999 йилга нисбатан кўрсаткичнинг энг кўп, яъни 2,4 фоизга пасайганлиги кузатилди. Бу борада «Мадад» САнинг улуш кўрсаткичлари 1999-2001 йиллар давомида ўзгаришсиз, 0,1 фоиз даражасида қолганлиги аниқланди. Ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича 1999-2002 йилларда қоплама тўловлари ҳам турлича улушларда амалга оширилганлиги кўзга ташланди. Хусусан, тадқиқот натижалари 1999 (63,0), 2001 (84,0) ва 2002 йилда (92,0 фоиз) бирмунча кўпроқ қоплама суммалари «Мадад» СА томонидан тўланганлиги, 2000 йилда жами тўланган қопламаларнинг 91,6 фоизи «Ўзагросуғурта» ДАСК ҳисобига тўғри келганлигини кўрсатди. «Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг келтирилган йилларда қоплама тўловларидаги улуши 2000 йилдан (6,4 фоиз) ташқари

сезиларли бўлмаганлиги қайд этилди.

Мамлакатда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари томонидан жамланган суғурта мукофотлари ҳажми сезиларли ортган бўлишига қарамасдан, қоплама тўловлари суммаси ҳамон паст даражада қолмоқда.

Йирик суғурта компанияларида суғурта шартномалари сони ва суғурта мажбуриятлари кўрсаткичлари таҳлили. Суғурта ташкилотларининг амалдаги шартномалар сони бўйича улуш кўрсаткичларининг (3-жадвал) 1999-2002 йиллардаги таҳлилига асосланиб, шуни қайд этиш мумкинки, суғурта шакллари бўйича энг кўп шартномалар сони «Ўзагросуғурта» ДАСК ҳисобига, яъни келтирилган йилларда мажбурий суғурта бўйича 92,6; 97,4; 92,7; 76,8; ихтиёрий шахсий суғурта бўйича 67,2; 50,8; 75,5; 40,5; ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича 78,3; 91,6; 86,3; 88,5; ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича 46,4; 0; 68,1; 72,8 фоиз улушлари тўғри келган.

3-жадвал.

Мамлакат суғурта ташкилотларининг амалдаги суғурта шартномалари сони бўйича улуш кўрсаткичлари (%)

Суғурта ташкilotларининг номи	Ихтиёрий												Мажбурий суғурта			
	шахсий суғурта				мол-мулк суғуртаси				жавобгарлик суғуртаси							
	й и л л а р б ў й и ч а															
	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002
«Ўзбекинвест» ЭИМСК	0,7	4,3	0,3	0,1	0,2	6,4	0,1	0,1	23,5	0,6	1,2	8,0	0,2	0,1	0,2	2,0
«Ўзагросуғурта» ДАСК	67,2	50,8	75,5	40,5	78,3	91,6	86,3	88,5	46,4	0	68,1	72,8	92,6	97,4	92,6 495	76,8
«Кафолат» ДАСК	25,3	15,0	18,2	8,4	21	0,8	13,545	11,3	0,8	0,1	10,6	10,2	7,1	2,4	7,1	20,7
«Мадад» СА	0,2	0,4	0,2	0,1	0,1	0,2	0,005	0,001	27,8	98,8	16,1	7,4	0,1	0	0,05	0,5
Бошқа суғурта ташкilotлари	6,6	29,5	5,8	50,9	0,4	1	0,05	0,099	1,5	0,5	4,0	1,6	0	0,1	0,00 05	0,0

Манба: Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари ҳисоботлари асосида тайёрланган.

Бошқа барча суғурта ташкилотларининг шартномалар сони бўйича кўрсаткичлари турлича бўлиб, келтирилган йилларда мажбурий суғурта бўйича 7,4; 2,6; 7,4; 23,2 фоиз; ихтиёрий шахсий суғурта бўйича 33,8; 49,2; 24,5; 59,5 фоиз; ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича 21,7; 7,4; 13,7; 11,5 фоиз; ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича 53,6; 10,0; 31,9; 27,2 фоиз улушларидаги шартномалар сони тўғри келган.

Мамлакат суғурта ташкилотларининг суғуртавий жавобгарлик бўйича улуш кўрсаткичлари таҳлили (4-жадвал) шуни кўрсатмоқдаки,

**Мамлакат суғурта ташкилотларининг суғуртавий жавобгарлик
бўйича
улуш кўрсаткичлари (%)**

Суғурта ташкilotларининг номи	Ихтиёрий												Мажбурий суғурта			
	шахсий суғурта				мол-мулк суғуртаси				жавобгарлик суғуртаси							
	й и л л а р б ў й и ч а															
	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002
«Ўзбекинвест» ЭИМСК	3,7	17,6	0,9	2,1	63,8	80,7	97,1	39,7	65,8	69,8	4,0	9,0	15,2	28,6	27,8	49,2
«Ўзагросуғурта» ДАСК	48,1	55,0	23,6	34,7	23,6	10,8	1,3	15,0	0,3	0,5	0,3	2,5	69,0	58,0	56,6	30,7
«Кафолат» ДАСК	44,1	22,2	8,8	8,5	5,6	3,0	1,0	5,8	0,2	0,2	0,6	4,6	14,5	9,7	8,9	12,5
«Мадад» СА	2,8	2,3	0,4	0,4	0,6	0,6	0,03	0,04	14,6	12,7	9,4	6,1	1,3	3,7	5,3	7,6
Бошқа суғурта ташкilotлари	1,3	2,9	66,3	54,3	6,4	4,9	0,57	39,46	19,1	16,8	85,7	77,8	0	0	1,4	0,0

Манба: Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари ҳисоботлари асосида тайёрланган.

мажбурий суғурта бўйича келтирилган йилларда, мос равишда, «Ўзагросуғурта» ДАСК 69,0; 58,0; 56,6; 30,7, «Ўзбекинвест» ЭИМСК 15,2; 28,6; 27,8; 49,2, «Кафолат» ДАСК 14,5; 9,7; 8,9; 12,5, «Мадад» СА 1,3; 3,7; 5,3; 7,6 фоиз улушларга эгадир. Бу етакчилик ҳолати уларнинг фаолият йўналишларидаги ўзига хосликнинг ўрни билан изоҳланади.

Суғуртавий жавобгарликнинг ихтиёрий шакли бўйича шуни қайд этиш мумкинки, келтирилган йилларда унинг кўлами ортган.

Хусусан, ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича суғуртавий жавобгарликнинг энг кўп улушлари келтирилган йилларда 63,8; 80,7; 97,1; 39,7 фоизларда «Ўзбекинвест» ЭИМСК ҳисобига, бошқа суғурта ташкилотлари («Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» ДАСК ҳамда «Мадад» САлар билан биргаликда) ҳисобига, унинг мос равишда 36,2; 19,3; 2,9; 60,3 фоиз улушлари тўғри келган. Бу кўрсаткич бошқа суғурта ташкилотларининг бу борадаги улушлари 2001 йилда 1999 йилга нисбатан 12 мартага камайганлигини кўрсатади. Бунинг сабаби «Ўзагросуғурта» ДАСКнинг 2001 йилдаги улуш кўрсаткичлари 1999 йилга нисбатан 18, «Кафолат» ДАСКники 6 мартага камайиб кетганлигидир. 2002 йилда бу борада катта ижобий силжиш бўлганлиги кузатилди. Хусусан, 2001 йилга нисбатан «Ўзагросуғурта» ДАСК 11,5; «Кафолат» ДАСК 5,8; (тадқиқот объекти бўлган 4 та суғурта ташкилотларидан ташқари) бошқа суғурта ташкилотлари ҳисобига 65,8 мартага ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича жавобгарлик ҳажми ортганлигини таъкидлаш лозим. Шундай натижаларга эришилганлиги сабабли, «Ўзбекинвест» ЭИМСКдан ташқари, бошқа

суғурта ташкилотларининг умумий жавобгарлик ҳажмидаги улушлари 60,3 фоизни ташкил этганлиги кузатилди.

2002 йил маълумотлари таҳлилидан келиб чиқиб, шуни қайд этиш лозимки, мол-мулкни рисклардан суғурталашга талаб ортиб бораётган ҳозирги вақтда, ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича суғурта ташкилотларининг суғуртавий жавобгарликни («Ўзбекинвест» ЭИМСКдан ташқари) таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари фаоллашиб бормокда.

Ўзбекистон суғурта ташкилотлари томонидан ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича жавобгарлик ҳажмининг ортиши тадбиркорлик рисклари суғуртаси билан узвийликда кечадиган жараён бўлиб, бу борада «Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг 1999 йилда 65,8; 2000 йилда 69,8 фоиз улуши бўлган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 2000 йилдагига нисбатан 17 мартага камайган, 2002 йилда олдинги йилга нисбатан 2,2 мартага ортганлигига қарамасдан, у ҳамон 2000 йилдагига нисбатан 12,9 мартага камдир. Бу борада «Мадад» СА ҳам 1999 йилда 14,6; 2000 йилда 12,7 фоиз улушларига эга бўлган бўлса, 2001-2002 йиллардаги унинг бу кўрсаткичи олдинги йилга нисбатан ўртача 35 фоизга камайганлиги кузатилди. Бу ҳолат улар ўз ўринларини бошқа суғурта ташкилотларига бўшатиб бераётганликларини кўрсатади.

Бошқа суғурта ташкилотларининг 1999 йилдаги жами улуш кўрсаткичлари 19,1; 2000 йилда эса, у 16,8 фоиз бўлган ёки олдинги йилга нисбатан 2,3 пунктга камайган. 2001 йилда бошқа суғурта ташкилотларининг ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича кўрсаткичлари 85,7 фоизни ташкил этган ёки 2000 йилдагига нисбатан 5,1 мартага кескин ўсиши, 2002 йилда 2001 йилга нисбатан 7,9 пунктга камайиши кузатилган. Тадқиқот натижаларига асосланиб, шуни таъкидлаш лозимки, мамлакат суғурта ташкилотларининг суғуртавий жавобгарлик бўйича улуш кўрсаткичларида барқарор ўсишга эришишлари долзарб бўлиб қолмокда.

Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг ихтиёрий шахсий суғурта бўйича мукофот тушумларидаги кўрсаткичлари динамикаси таҳлили уларнинг келтирилган йилларда мос равишда ўсиб бораётганлигини кўрсатди. Хусусан, «Ўзбекинвест» ЭИМСК 2000 йилда олдинги йилга нисбатан яқин 2,3; 2001 йилда 1999 йилга нисбатан 7,7; 2002 йилда эса 15,9 мартадан ортиқроқ суммадаги мукофотлар тушумига эга бўлган. Аммо «Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» ДАСКлар, «Мадад» СА ва бошқа суғурта ташкилотлари томонидан барқарор равишда мукофот тушумлари ўсишига эришилмаган ёки мукофот суммалари бирмунча камайишига ҳам йўл

қўйилган. Масалан, «Кафолат» ДАСК бўйича 2000 йилда олдинги йилга нисбатан 3,2; 2001 йилда 1999 йилга нисбатан 14,8 фоиз мукофот тушумлари кам жамланганлиги аниқланди. 2002 йилда компаниянинг бу борадаги кўрсаткичи 55,9 фоиз ўсганлиги кузатилди.

Ихтиёрий шахсий суғурта бўйича қоплама тўловларидаги улуш кўрсаткичлари ўсиши «Ўзбекинвест» ЭИМСК ҳисобига 2000 йилда олдинги йилга нисбатан яқин 7,2; 2001 йилда 1999 йилга нисбатан 10; 2002 йилда 41,1 мартадан кўпроқ суммадаги тўловлар тўғри келган.

«Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» ДАСКлар, «Мадад» СА томонидан 1999 йилга нисбатан 2001 йилда амалга оширилган қоплама тўловлари суммасининг фоиз кўрсаткичлари камайганлиги кузатилди. Масалан, «Кафолат» ДАСК томонидан 2001 йилда 1999 йилга нисбатан бу кўрсаткич 36,6 фоизга камайган. 2002 йилда «Мадад» СА бўйича 1999 йилга нисбатан 4,6 мартага қоплама тўловлари ортган бўлса, «Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» ДАСКлар томонидан қоплама олдинги йилларга нисбатан кўпроқ тўланганлигини қайд этамиз.

Ихтиёрий шахсий суғурта бўйича келтирилган йилларда амалда бўлган шартномалар сонидagi ўсишлар турлича бўлган. Хусусан, 2001 йилда 1999 йилга нисбатан амалда бўлган шартномалар сони «Ўзбекинвест» ЭИМСКда 60,9; «Кафолат» ДАСКда 28,1; бошқа суғурта ташкилотлари бўйича 11,7 фоизга камайган. 2002 йилда шартномалар 1999 йилга нисбатан «Кафолат» ДАСК томонидан 47,1; «Мадад» СА томонидан 72,2 фоизга кам тузилган. Бу ҳолат, асосан, якка тартибда тузилган шартномалар сони камайиши ҳисобига юз берганлиги билан изоҳланади.

Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича суғуртавий жавобгарлик улушидаги ўсишлар фақат «Ўзбекинвест» ЭИМСК ҳисобига 1999 йилга нисбатан 2000 йилда 126,5; 2001 йилда 152,2 фоизга, 2002 йилда яқин 5,6 мартага ортганлиги кузатилди. 2001 йилда «Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» ДАСКлар ҳамда «Мадад» СА бўйича суғуртавий жавобгарликлар ҳажми кескин камайган. Масалан, «Ўзагросуғурта» ДАСКда 94,5; «Мадад» САда 94,3 фоиз миқдорида камайганлиги кузатилди. 2002 йилда «Ўзагросуғурта» ДАСК бу борада кескин ўсишга эришганлиги аниқланди.

Мамлакат суғурта ташкилотларининг ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича мукофот ундирилишидаги улуш кўрсаткичлари 1999-2002 йиллардаги ўсишининг таҳлилига асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, «Ўзбекинвест» ЭИМСК томонидан бу борада самарали фаолият олиб борилганлиги натижасида 2000 йилда олдинги йилга нисбатан 16,5; 2001

йилда 1999 йилга нисбатан 62,9 фоизга, 2002 йилда бу кўрсаткич базис йилига нисбатан 8,7 мартага ортганлиги аниқланди. «Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» ДАСКларнинг кўрсаткичлари, мос равишда 2000 йилда олдинги йилга нисбатан 24,5; 16,9; 2001 йилда эса, 1999 йилга нисбатан 57,8; 39,7 фоизга камайганлиги кузатилган бўлса, бу кўрсаткичлар 2002 йилда 2,4; 3,5 мартага ортганлиги аниқланди. 1999-2001 йиллар нисбатида «Мадад» САнинг кўрсаткичлари кескин камайган, яъни 2000 йилда олдинги йилга нисбатан 91,7; 2001 йилда 1999 йилга нисбатан 94,7 фоиз мукофот кам жамланган. 2002 йилда эса, бу кўрсаткич 1999 йилга нисбатан 37 пунктга пасайган. Бу кўрсаткич агентлик учун 2001 йилга нисбатан ижобий ҳисобланса-да, бу борада у ўз фаолиятини такомиллаштириши лозимлиги кўзга ташланди.

Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилган қоплама тўловларидаги улуш кўрсаткичларининг ўсиши 1999 йилга нисбатан 2000 йилда «Кафолат» ДАСКда яқин 6,2 марта кўп бўлган бўлса, «Ўзагросуғурта» ДАСК ҳисобидан тўланган қоплама суммалари 4,3 фоизга камайган, «Мадад» СА томонидан 1999-2001 йилларда амалга оширилган қоплама ҳажми ўзгаришсиз қолган бўлса, 2002 йилда олдинги йилларга нисбатан қоплама суммаси 32,9 фоиз кам тўланган.

«Ўзбекинвест» ЭИМСК томонидан 1999 йилга нисбатан 2000 йилда 98,5 фоиз; 2001 йилларда 64,5 фоиз даражасидаги қоплама тўловлари суммаси миқдорларга тўланган. 2002 йилда компания томонидан қоплама тўловлари 1999 йилга нисбатан 4,1 мартага кескин ортган. Бошқа суғурта ташкилотлари ҳисобидан 2000 йилда олдинги йилга нисбатан қопламалар 63,6 фоизда амалга оширилган. 2001 йилда 1999 йилга нисбатан қоплама яқин 2,2 мартага кам тўланган бўлса, бу кўрсаткич 2002 йилда 11,8 мартага ортганлиги аниқланди. Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, 1999-2002 йилларда мамлакатимизда фаолият кўрсатган суғурта ташкилотлари турлича суммаларда қоплама тўловларини амалга оширган. Эҳтимолликка кўра, қоплама тўловлари суммасини олдиндан аниқлаштириб бориш орқали рисклар даражаси ва кўламига мос равишда суғурта захирасини шакллантириш суғурта ташкилотлари фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда.

Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси шартномалари сонидagi ўсишлар кўрсаткичига асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, 1999-2002 йилларда «Ўзагросуғурта» ДАСК томонидан 1999 йилга нисбатан 2000 йилда 17,0;

2001 йилда 10,2; 2002 йилда 27,0 фоизга сон жиҳатдан кўпроқ шартномалар тузилишига эришилган. Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича шартномалар тузишда 2000 йилда олдинги йилга нисбатан «Ўзбекинвест» ЭИМСК 32,0; «Мадад» СА 2,0; бошқа суғурта ташкилотлари 2,5 марта сон ўсишига эришган бўлса, бу кўрсаткич «Кафолат» ДАСКда 96,2 фоизга камайган. 2001 йилда «Ўзагросуғурта» ДАСКдан бошқа барча суғурта ташкилотларида шартномаларнинг сон кўрсаткичларида камайиш анъанаси кузатилган бўлса, 2002 йилда «Ўзбекинвест» ЭИМСК 26,5; «Ўзагросуғурта» ДАСК 27,2 фоиз даражасидаги ўсишга эришилган.

Суғурта ташкилотлари томонидан 1999-2002 йилларда ихтиёрий шахсий суғурта бўйича суғуртавий жавобгарликнинг ўсиш кўрсаткичлари 2000 йилда, асосан «Ўзбекинвест» ЭИМСКда 4,7 марта; «Ўзагросуғурта» ДАСКда 14,3 фоизга; бошқа суғурта ташкилотларида («Кафолат» ДАСКда ва «Мадад» САдан ташқари) яқин 2,3 мартага ортганлиги кузатилди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. 1999-2001 йилларда қайси суғурта компанияси мулкий суғурта бўйича кўп суғурта мукофоти йиғишга эришган?
2. 1999-2001 йилларда қайси суғурта компанияси мулкий суғурта бўйича кўп суғурта қопламалари тўлашга эришган?
3. 1999-2001 йилларда қайси суғурта компанияси мулкий суғурта қилиш бўйича кўп суғурта шартномалари тузишга эришган?
4. 1999-2001 йилларда қайси суғурта компанияси шахсий суғурта бўйича кўп суғурта мукофоти йиғишга эришган?
5. 1999-2001 йилларда қайси суғурта компанияси шахсий суғурта бўйича кўп суғурта қопламалари тўлашга эришган?
6. 1999-2001 йилларда қайси суғурта компанияси шахсий суғурта қилиш бўйича кўп суғурта шартномалари тузишга эришган?
7. 1999-2001 йилларда қайси суғурта компанияси жавобгарликни суғуртаси бўйича кўп суғурта мукофоти йиғишга эришган?
8. 1999-2001 йилларда қайси суғурта компанияси жавобгарликни суғуртаси бўйича кўп суғурта қопламалари тўлашга эришган?
9. 1999-2001 йилларда қайси суғурта компанияси жавобгарликни суғуртаси қилиш бўйича кўп суғурта шартномалари тузишга эришган?
10. Энг йирик суғурта компанияларидан қайси бири мажбурий суғурта бўйича суғурта мукофотлари тўплашга эришган?

11-мавзу: Суғурта бозори инфратузилмаси

1. Суғурта бозори инфратузилмаси тушунчаси ва унинг вазифалари.

2. Суғурта бозори инфратузилмасининг таркиби.

Суғурта бозори инфратузилмаси | Ўзбекистон Республикасида
тушунчаси ва унинг вазифалари. | иқтисодий ислохотлар сифат
жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Бу жараёнда суғурта фаолияти ҳам
ривожланиб, равнақ топмоқда.

Суғурта институти бозор инфратузилмасининг таркибий қисми сифатида унинг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан, суғурта фаолиятида рисклар трансфери ҳам ўз навбатида, бозор инфратузилмасининг ривожланганлик даражасига боғлиқдир.

Шу ўринда, «инфратузилма» тушунчаси иқтисодий илмий луғатларда турлича: масалан, «асосий ишлаб чиқариш соҳалари ва аҳолига хизмат кўрсатувчи иқтисодий тармоқлар йиғиндиси» ёки «маълум тармоққа хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқарувчи ва ноишлаб чиқарувчи тармоқлар мажмуаси»¹ каби маъноларда қўлланилишини қайд этиш мумкин. Хусусан, суғурта бозори инфратузилмасининг мазмун-моҳиятини очиқ беришда, иқтисодиёт субъектининг самарали фаолият юритиши учун кафолатли шарт-шароит яратувчи фаолият турлари мажмуаси назарда тутилади. Маълумки, суғурта маҳсулоти сотилишининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд ва бу жараён:

- суғурта rischi ҳақида ахборот тўплаш ва уни аниқлаштириш;
 - суғурта шартномасини имзолаш ва унинг амал қилишини таъминлаш
- каби босқичларни ўз ичига олади.

Суғурта фаолиятида рисклар трансферининг мазкур босқичлари ўзига хос билимни талаб этади. Айни вақтда объектив ва субъектив сабабларга кўра, маълум қисқа давр оралиғида талаб этилаётган мутахассис компаниянинг штатлар бирлигига киритилиши иқтисодий жиҳатдан самарасиз ҳисобланиши ҳам мумкин. Шунинг учун компания ўз фаолиятида, одатда бошқа соҳа мутахассислари хизматидан фойдаланади. Демак, таъкидлаш мумкинки, суғурта бозори инфратузилмаси унинг профессионал иштирокчилари ва бошқа соҳа мутахассислари ўртасидаги ўзаро муносабатлар сифатида суғурта фаолиятида рисклар трансферининг самарадорлигини таъминловчи омил саналади.

¹Под. ред. Турбиной К. Е. «Теория и практика страхования», Учебное пособие, М.: «Анкил», 2003., с. 173.

Суғурта бозори инфра-тузилмасининг таркиби.

Суғурта бозори инфратузилмасининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, шуни қайд этиш мумкинки, унинг таркибига суғурта воситачилари, суғуртачилар уюшмаси, авария комиссари, сюрвейер, актуарий, суғурта аудитори, махсус ихтисослашган маслаҳатчилар ҳамда баҳоловчи фирмалар каби субъектлар киради (1-чизма). Шу ўринда, Лондон суғурта бозори инфратузилмаси таркибига суғурта андеррайтерлари ҳам киритилганлигини қайд этиш мумкин.

1-чизма



актуарий суғурта хизматлари нархини аниқлашда қатнашувчи субъект саналади. Бунда, у катта сонлар ва эҳтимоллик қонунлари, шунингдек, статистик маълумотлардан фойдаланади. Ривожланган мамлакатларда суғурта ташкилотлари актуарий фаолиятисиз суғурта хизматларига иқтисодий асосланган нархларнинг белгиланишини таъминлай олмайди. Актуарий суғурта фаолиятини стратегик режалаштириш, суғурта соҳалари, класс(тур)лари, шунингдек, компания бўйича суғурта портфели таркиби ва сифатининг таҳлили каби жараёнларда иштирок этади. Айрим давлатларда

суғурта ташкилотининг ҳисоботи унинг ваколатли шахсларидан ташқари актуарий томонидан ҳам тасдиқланиши талаб этилади.

Суғурта бозори инфратузилмасининг яна бир асосий субъекти бу авария комиссаридир. У суғурта ҳодисаси юз берганидан сўнг шартнома шартларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятда иштирок этади. Таъкидлаш мумкинки, авария комиссари суғурта ташкилоти билан тузган шартномаси асосида фаолият юритади. У суғурта ташкилотининг вакили сифатида суғурта ҳодисаси оқибатида зарар кўрган мулкни кўриқдан ўтказди, унинг кўлами ва сабабларини аниқлайди ҳамда авария сертификатини тузади. Баъзи мамлакатларда суғурта ташкилоти томонидан авария комиссарига маълум лимит доирасида йўқолган мулкни қидириш харажатларини амалга ошириш ҳуқуқи ҳам берилиши мумкин.

Мамлакатимизда аксарият ҳолларда суғурта ташкилотининг ўзи ёки ҳодисанинг турига қараб тегишли ташкилот (йўл патрул хизмати, баҳоловчи ташкилот ва бошқа)лар томонидан авария комиссарининг вазифаси бажарилмоқда. Бу ҳолат, албатта суғурта хизматининг сифатига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон суғурта бозори жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Мазкур жараёнда авария комиссари фаолиятининг йўлга қўйилиши ва ривожлантирилиши турли субъектларнинг суғуртага бўлган ишончлари ортишига омил бўлади.

Суғурта бозори инфратузилмасида авария комиссари билан «ёнма-ён» сюрвейер ва диспашерлар каби субъектлар ҳам фаолият кўрсатади. Сюрвейер - бу махсус эксперт бўлиб, у суғурта объектларини суғурта ташкилоти сўровига асосан кўриқдан ўтказувчи субъект саналади. У суғурталанувчи томонидан объектни кўриқдан ўтказиш учун жалб этилиши ҳам мумкин. Таъкидлаш лозимки, унинг авария комиссари билан ўзаро ўхшаш ҳамда ўзига хос фарқли томонлари ҳам мавжуд. Бундан ташқари сюрвейернинг ихтисослашганлик даражаси одатда авария комиссарига нисбатан юқори саналади. Шунинг учун авария комиссари ҳам баъзан сюрвейер хизматидан фойдаланади.

Суғурта бозорида авария комиссари ва сюрвейер билан биргаликда диспашер ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. Мазкур фаолият денгиз суғуртаси билан боғлиқлиги сабабли асосан денгиз бўйи давлатларида ривожланган. Мол-мулк ёки бошқа объектлар денгиз орқали манзилга етказилиш жараёнида юз бериши эҳтимол бўлган, турли рисклардан суғурталанади. Маълумки, денгиз транспортда бир неча субъектларнинг

мол-мулки юкланган ҳамда улар суғурталанган бўлиши мумкин. Денгизда суғурта ходисаси юз бериши оқибатида мулкларнинг зарарланиши умумий авария деб номланади.

Умумий авария ҳолатида ҳар бир мулк эгаси қанча зарар кўрганлигини аниқлаш лозим бўлади. Айнан шундай фаолиятни диспашер амалга оширади, ҳамда у кўрилган зарарни ҳисоблаш ва уни ҳолисона тақсимлаш билан шуғулланувчи мутахассис ҳисобланади. Зарарнинг ҳисоби бўйича тузилган ҳужжат диспаша деб номланади.

Суғурта бозори инфратузилмасида суғурта воситачилари профессионал иштирокчилар сифатида ўзига хос ўринни эгаллайди. Улар суғуртачи ва суғурталанувчи ўртасида воситачилик фаолиятини амалга ошириш борасида муҳим субъектлар ҳисобланади. Суғурта воситачиларининг таркибига суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари каби субъектлар киради. Хусусан, суғурта агенти бу суғурта ташкилотининг номидан ёки унинг топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва унинг ижро этилишини ташкил этувчи юридик ёки жисмоний шахсдир. Суғурта брокери эса суғурталанувчининг номидан ёки унинг топшириғига асосан шартномани тузиш ва унинг амал қилиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс ҳисобланади. Суғурта воситачилари суғурта маҳсулотини сотиш бўйича махсус тизимга эга бўлиб, суғурта бозорининг ўзига хос инфраструктурасини ташкил этади.

Суғуртачилар уюшмаси унга аъзо бўлган субъектларнинг манфаатларига хизмат қилиш мақсадида (масалан, 1985 йилдан бошлаб фаолият кўрсатаётган Британия суғуртачилар ассоциацияси сингари) ташкил этилиши мумкин бўлган суғурта бозори инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми саналади. Мазкур уюшма(ассоциация)нинг вазифаси кенг кўламли бўлиб, у суғурта соҳасига оид билимларни оммалаштириш, махсус буклетлар, статистик маълумотларни нашр этиш каби йўналишларда фаолият кўрсатади.

Суғурта бозори инфратузилмасида аудиторлик ташкилотлари ҳам ўзига хос ўринга эга. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ суғурта ташкилотлари ҳам аудиторлик текширувидан ўтишлари мажбурий қилиб белгилаб қўйилган. Аудиторлик текшируви суғурта ташкилотининг сўровига асосан амалга оширилади. Унинг натижасига кўра, аудитор суғурта ташкилотининг молиявий аҳволи юзасидан ўз хулосасини беради. Мазкур хулосада суғурта ташкилотининг молиявий ҳолати акс эттирилади.

Суғурта ташкилоти аудитор тақдим этган хулосадан келиб чиқиб, ўзининг молиявий ҳолатини яхшилаш стратегиясини ишлаб чиқади ҳамда уни амалга оширади.

Суғурта фаолияти ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлиб, махсус (масалан, тижорат банклари бухгалтерияси каби) бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини ишлаб чиқишни талаб этади.

Шуни қайд этиш лозимки, суғурта фаолиятини текширувчи аудитор бу соҳа юзасидан махсус билимга эга бўлмаса, томонлар ўртасида келишмовчилик юзага келиши мумкин. Шу сабабдан, суғурта фаолиятини ривожлантиришда унинг ўзига хос бўлган бухгалтерия ҳисобини юритиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан ташқари махсус ихтисослашган маслаҳатчилар ҳам суғурта бозори инфратузилмасининг субъекти сифатида фаолият юритишлари мумкин. Мазкур субъектлар жумласига ихтисослашган ва кенг қамровли маслаҳат бюrolари, адвокатлик ҳамда баҳоловчи фирмаларни киритиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда маслаҳатчилик хизматининг ривожланганлик даражаси ҳозирда юқори эмас ва мазкур мутахассислар суғурта фаолиятида деярли иштирок этишмаяпти.

Ўзбекистонда 2004 йилнинг якунига кўра, суғурта мукофотлари 32,9 млрд. сўмга яқин суммани ташкил этди. 2005 йил бу кўрсаткичнинг янада ортиши кутилмоқда. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон суғурта бозорининг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганидан далолат беради. Мамлакатимизда суғурта бозорини янада ривожлантириш унинг хизматлари кўламини кенгайтиришни ҳамда уларнинг сифатини оширишни тақозо этади.

Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бозор инфратузилмаси суғурта бозори инфратузилмасини шакллантириш билан бир бутунликда кечадиган жараёндир. Ўзбекистонда суғурта бозори инфратузилмасининг шакллантирилиши бирмунча ўзгача тарзда кечмоқда.

Суғурта бозори инфратузилмасида алоҳида мустақил фаолият кўрсатиши лозим бўлган суғурта воситачилари, аудиторлари, суғурта объектларини баҳоловчи(эксперт)лар ҳамда бошқа субъектлар, хорижий амалиётдагидан фарқли равишда, мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта ташкилотларининг ўзига бириктирилган. Гарчи, суғурта бозори инфратузилмасининг ривожланиши суш кечаётган бўлсада, суғурта ташкилотларининг ўз инфратузилмасини ривожлантиришга бўлган ҳаракатлари кўзга ташланмоқда. Хусусан, бу борада «Ўзбекинвест»

ЭИМСКнинг етакчи бўлаётганини, унинг қошида «Суғурта олами» номли суғурта бизнесини ўқитиш ва «Инновация ва суғурта хизматларини ривожлантириш» марказлари, «Ўзбекинвест Эксиминформ» маркетинг ҳамда «Ўзбекинвест Ассистанс» сервис агентликлари «Ўзбекинвест Сармоялари» инвестицион компания шунингдек, бошқа шўъба корхоналар самарали фаолият кўрсатаётганлигини қайд этиш мумкин.

Суғурта бозори инфратузиласини шакллантириш ва унинг субъектлари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш Ўзбекистонда суғурта бозори тараққиётини янги ривожланиш босқичига олиб чиқади. Хусусан, мамлакатимизда суғуртачилар уюшмасини ташкил этиш, актуарий, сюрвейер каби субъектларнинг фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу жараён суғурта бозори инфратузилмаси субъектларининг алоҳида ихтисослашувини ҳамда уларнинг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Суғурта бозори инфратузилмаси деганда нимани тушунаси?
2. Суғурта бозори инфратузилмасига қандай ташкилотлар киради?
3. Суғурта бозорида актуарийларнинг вазифаси нимадан иборат?
4. Суғуртачиларнинг уюшмаси суғурта бозори инфратузилмасида қандай ўрин тутади?
5. Ўзбекистон суғурта бозорида инфратузилма таркибига кирувчи қандай ташкилотларни биласиз?
6. Қандай вазифаларни бажарувчи шахсларга диспашерлар дейилади?
7. Ихтисослашган маслаҳат ташкилотлари суғурта ташкилотларига қандай хизмат кўрсатади?
8. Аудиторлик ташкилотларининг суғурта бозори инфратузилмасидаги ўрни қандай?
9. Хорижий мамлакатлар суғурта бозорида мавжуд, аммо Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмасида ҳали ўз ўрнини топмаган ташкилотлардан қайсиларини биласиз?
10. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ва бозор инфратузилмаси субъектлари ўртасида қандай боғлиқ жиҳатлар кўзга ташланади?

12-мавзу: Суғурта бозорида воситачилар фаолияти

1. Суғурта агенти, унинг асосий вазифалари.
2. Суғурта брокери ва унинг бозордаги ўрни.

Суғурта агенти, унинг асосий вазифалари. | Мамлакатимизда суғурта агентларининг фаолияти “Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” қонуни ва ”Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2003 йил 28 январдаги 19-сон буйруғига асосан тасдиқланган ҳамда 2003 йилнинг 1 феввалида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1213-сон билан рўйхатга олинган “Суғурта агентлари тўғрисидаги Низом”га мувофиқ тартибга солинади. Суғурталовчининг номидан ва унинг топшириғига мувофиқ суғурта шартномаларини тузиш ҳамда унинг ижросини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларга суғурта агенти дейилади.

Суғурта агенти – суғурталовчи номидан ва унинг топшириғига кўра берилган ваколатлар доирасида иш юритувчи жисмоний ва юридик шахслардир. Суғурта агенти ва суғурта ташкилоти ўртасидаги муносабатлар агентлик битимига асосланади. Агентлик битими - томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, жавобгарлигини ҳамда улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартибини белгиловчи юридик ҳужжат.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда руйхатдан ўтган ва ўз фаолиятини амалга оширувчи ҳар қандай юридик шахс ва фуқаролик салоҳиятига эга бўлган жисмоний шахслар суғурта агенти сифатида фаолият кўрсатишлари мумкин. Суғурта агенти лавозимида ишбилармонлик қобилиятига ва тегишли касбий маълумотга эга бўлган жисмоний шахслар қабул қилинади. Суғурта агенти фуқаролар билан муомала қилиш кўникмасига эга бўлиши ва суғурта ишининг асосларини билиши зарур. Суғурта агенти суғурта компаниясининг штатдаги ходими бўлиши мумкин ёки суғурта агенти лавозимини ўриндошлик асосида компаниянинг ҳар қандай ходими амалга оширишлари мумкин. Бундай ҳолатда суғурта агентининг функцияси, ҳуқуқи ва мажбуриятлари суғурталовчининг лавозим йуриқномалари асосида белгиланади. Агар, суғурта агенти штатдан ташқари ходим бўлса, унинг суғурталовчи билан бўладиган ўзаро муносабати, улар ўртасида тузиладиган агентлик битими билан белгиланади.

Суғурта агенти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- потенциал суғурталанувчиларга суғурталовчи тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш.

- суғурталанувчилар билан суғурта шартномасини тузиш учун зарур бўладиган ҳужжатларни (суғурта қилиш Қоидалари, суғурта операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида Йуриқномалар, шартномалар, суғурта полислари ва ҳоказо) суғурталовчидан олиш.

- суғурталовчи номидан суғурта полисларини ёзиш.

- суғурталовчининг топшириғига мувофиқ, суғурта ҳодисалари туфайли кўрилган зарарни аниқлаш.

- суғурта қилинган мол-мулкни сақлаш ва ҳолатини назорат қилиш. Суғурта қилинган мол-мулкни нобуд бўлиши ёхуд зарарланишига олиб келувчи омиллар аниқланган тақдирда, бу ҳақда тегишли чора кўриш учун суғурталанувчига хабар қилиш.

Суғурта агентининг мажбуриятлари:

- суғуртанинг моҳиятини ва суғурта шартномаларини тузиш тартибини билиш.

- Суғурта шартномасини тузиш чоғида ихтиёрий суғуртани тегишли тури бўйича Қоидалар билан суғурталанувчини таништириш.

- Қўшимча миқдорларни жалб этиш юзасидан суғурта бозорининг ҳолатини ўрганиш.

- Суғурта қилиш имконияти тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида суғурта объектини кўриқдан ўтказиш.

- Суғурта шартномаларини тўғри тузиш ва уни янги муддатга расмийлаштириш, суғурта ҳужжатлари ва ундаги реквизитларни пишиқ ва аниқ тўлдирган ҳолда, ушбу ҳужжатларда бўяш, ўчириб ёзиш ва хатони тўғрилаш ҳолатларига йўл қўймаслик.

- белгиланган тартибдаги суғурта агентининг шахсий варақасини паспорт нусхасини илова қилган ҳолда расмийлаштириш.

Суғурта агентларига тўланадиган воситачилик ҳақи суғурталовчининг ёки унинг филиалининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушган суммага нисбатан фоизларда ҳисобланади. Суғурта агенти-жисмоний шахс бўлган тақдирда, унга воситачилик ҳақи компания ёки унинг филиали кассасига нақд пул шаклида топширилган суғурта мукофотида нисбатан фоизларда ҳисобланади.

Суғурта брокерлари ва уларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.	Чет мамлакатларда, айниқса иқтисоди тараққий этган
--	---

мамлакатлар суғурта тизимида брокерлар муҳим ўрин эгаллайди. Мустақиллик туфайли ва иқтисодиётда рўй бераётган таркибий ўзгаришлар суғурта соҳасида ҳам брокерларни фаолият кўрсатишига замин яратди. Тан олиш зарурки, ҳозирги пайтда ўзбекистонда суғурта брокерлари унчалик ривожланган эмас. Мавжуд маълумотларга кўра, 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакатимизда битта суғурта брокери фаолият юритиш учун тегишли лицензия олган. Шуниси эътиборлики, ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Суғурта тўғрисида»ги Қонунининг (ҳозир ўз кучини йўқотган) 7-моддаси «Суғурта вакиллари ва суғурта брокерлари» деб аталиб, унда шундай дейилган эди: «Суғурталовчилар суғурта фаолиятини суғурта вакиллари ва суғурта брокерлари орқали амалга оширишлари мумкин. Суғурта вакиллари ўзларига берилган ваколатларга мувофиқ суғурталовчи номидан ва унинг топшириғи асосида иш кўрадиган жисмоний ёки юридик шахслардир».

Суғурта брокерлари белгиланган тартибда тадбиркор сифатида рўйхатга олинган, суғурталанувчи ёки суғурталовчининг топшириғи асосида суғурта бўйича ўз номидан воситачилик фаолиятини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахслардир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл суғурта ташкилотлари номидан суғурта шартномаларини тузиш билан боғлиқ воситачилик фаолиятини амалга оширишга, башарти, Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги давлатлараро битимларда ўзга қоидалар назарда тутилмаган бўлса, йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолият тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасида суғурта воситачилари, шу жумладан суғурта брокери суғурта фаолиятининг субъекти сифатида қайд этилган. Шу қонуннинг 7-моддаси «Суғурта брокери» деб аталади. Ушбу моддада «суғурта брокери» тушунчасига шундай таъриф берилган: «Суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс суғурта брокери ҳисобланади». Таъкидлаш керакки, суғурта брокерининг фаолияти суғурта соҳасидаги бошқа фаолият турлари билан қўшиб олиб борилиши мумкин эмас.

Халқаро тажрибанинг гувоҳлик беришича, суғурта ташкилоти ва қайта суғурта қилиш ташкилоти ўртасида воситачилик вазифасини бажарувчи қайта суғурта брокерлари ҳам фаолият кўрсатишлари мумкин. Шундан келиб чиқиб, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунда қайта суғурта қилувчи брокер тушунчасига алоҳида эътибор берилган. Унга

мувофиқ, қайта суғурта брокери – ўз номидан ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи тариқасида иштирок этувчи суғурталовчининг топшириғига биноан қайта суғурта қилиш шартномаси тузилишини ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик шахс қайта суғурта брокери ҳисобланади. Бундай брокерларни ташкил этиш қонунда назарда тутилган бўлсада, уларни фаолиятини тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Суғурта агенти тушунчасига таъриф беринг?
2. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунида суғурта агентига қандай таъриф берилган?
3. Суғурта агентининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?
4. Агентлик битими нима мақсадда тузилади?
5. Суғурта агентининг воситачилик ҳақи қандай ҳисобланади?
6. Суғурта агентига нисбатан қандай талаблар белгиланиши мумкин?
7. Суғурта агентининг суғурта брокеридан фарқи нимада?
8. Суғурта брокерининг вазифасини айтиб беринг?
9. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунида суғурта брокерига қандай таъриф берилган?
10. Қайта суғурта брокери жисмоний шахс бўлиши мумкинми?

Мавзу №13. Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш

1. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг объектив зарурлиги ва шакллари.
2. Давлат суғурта назорати: унинг функция ва вазифалари.
3. Суғурта фаолиятини лицензиялаш тартиби.

Суғурта фаолиятини давлат Суғурта ташкилотларининг томонидан тартибга солишнинг фаолияти бошқа турдаги объектив зарурлиги ва шакллари. хужалик субъектлари фаолиятидан кескин фарқ қилади. Чунки, улар ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашда ва суғурта ҳодисалари рўй берганда етказилган зарарни қоплаш учун хизмат қиладилар. Бу ҳолат, суғуртачилар


зиммасига алоҳида масъулият юклайди ва шунинг учун, улар давлат томонидан назорат остига олинмоғи зарурдир.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакллари. Суғурта фаолиятини давлат томонидан назоратга олишни шартли равишда учга булиш мумкин (1-чизмага қаранг).

Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг барчасида суғурта бозори давлатнинг ваколатли идоралари томонидан тартибга солиб борилади.

1-чизма

Суғурта фаолиятини назорат қилиш шакллари



Масалан, Буюк британияда суғурта ишини Савдо ва саноат департаменти, Японияда Молия вазирлигининг суғурта булими, АҚШда эса махсус суғурта комиссариатлари назорат қилиб боради. Давлат, бундай назорат ишини олиб борар экан, аввало, мамлакатнинг суғурта соҳасига тааллуқли қонунларига ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларига асосланади. Суғурта ва қайта суғурталаш компаниялари, суғуртага ихтисослашган воситачилар давлат суғурта назоратининг объектлари ҳисобланади.

Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш турли шаклларда, хусусан, махсус қонунлар қабул қилиш, солиқ солиш, алоҳида ҳукумат қарорлари билан мажбурий суғурталашни жорий қилиш ва ваколатли суғурта назорати хизматини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Суғурта билан шуғулланувчи ташкилотларга лицензиялар (рухсатномалар) бериш суғурта назорати хизматининг энг асосий вазифаларидан биридир. Лицензия (рухсатнома) бериш жараёнида суғурта назорати суғуртачининг бўлажак фаолиятини дастлабки текширувдан ўтказди. Яъни, низом жамғармаси ва ўз маблағларининг ҳолати ҳамда бу

маблағларнинг ташкилот зиммасидаги мажбуриятларига ўзаро муносабати кўриб чиқилади. Суғурта фаолиятига лицензия (рухсатнома) беришнинг зарурияти суғуртанинг ўз моҳиятидан келиб чиқишини унутмаслик керак. Чунки, суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси юз берган вақтда суғурталанувчига шартномада кўрсатилган маблағни ўз вақтида тўлаши лозим. Суғурта фаолиятини назорат қилувчи органнинг бу борадаги ишлари нафақат суғурталанувчилар манфаатига мос тушади, балки бутун давлатнинг манфаатлари йўлида ҳам хизмат қилади.

Эътироф этиш лозимки, бугунги кунда мамлакатда суғурта фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия (рухсатнома) бериш тартиби ишлаб чиқилган. Суғурта ташкилотига бериладиган лицензия (рухсатнома) суғурталашнинг ҳар бир тури ёки бир-бирига яқин бўлган суғурта турлари гуруҳлари учун берилади. Чунки, баъзи суғурта турлари бўйича операцияни амалга ошириш суғурталовчида етарли даражада молиявий маблағлар бўлишини талаб этади. Бундан ташқари, суғурта компанияси ишлаб чиққан бизнес-режада суғурта тарифи ставкаларини тўғри ҳисобланишига алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Негаки, нотўғри ҳисоб-китоб қилинган тариф, пировард натижада, суғурта ташкилотини молиявий барқарорликсизга ёки тўлов қобилиятини ёмонлашувига олиб келади. Назаримизда, фақат суғурта компанияларини эмас, балки, қайта суғурталашга ихтисослашган ташкилотлар ва воситачилик идораларини ҳам фаолиятини лицензиялашни киритилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Биз мамлакатимизда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш йўллари ҳақида ўйлар эканмиз, яқин қўшни мамлакатлар, хусусан, Россия Федерациясида бу соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида бироз тўхтасак, фойдадан холи бўлмайди.

Бугунги кунда, Россия Федерациясида 1500 дан ортиқ суғурта ташкилоти фаолият кўрсатмоқда ва уларнинг аксарияти суғурта фаолиятини назорат қилувчи Федерал хизматнинг лицензияларига эга. Суғурта фаолиятини назорат қилувчи бу ташкилот 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, у Россия суғурта бозорини тартибга келтириш бўйича етарли тажрибага эга бўлди, ўнлаб меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқди. Улардан энг муҳимлари “Россия ҳудудида фаолият кўрсатувчи суғурта ташкилотларига лицензиялар бериш тартиби”, “Суғурта заҳираларини жойлаштириш тартиби” ва ҳоказолардир. Мазкур ташкилот ўзини қаттиққўллиги ва бошқа ҳаракатлари туфайли Россия ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта нуфузга

эгадир. Энг асосийси, суғурта назорати хизмати ҳар йили Россия ҳудудида фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларининг етарли даражада кучлиларини рейтинг асосида аниқлаб, кенг халқ оммасига маълум қилиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, суғурта ташкилотлари суғурталанувчи олдадаги мажбуриятини бажара олмай қолганда, давлат суғурта назорати хизмати, мижозларнинг манфаатини кўзда тутадиган чоралар кўриши керак. Бозорда кўплаб суғурта ташкилотлари фаолият кўрсатади, табиийки, бу ҳолат потенциал мижозларни жалб қилиш учун улар ўртасидаги рақобатни ҳам кучайишига олиб келади. Натижада, рақобатга бардош бермаган баъзи суғурта компаниялари “суғурта майдонидан” чиқиб кетади. Бунга жаҳон тажрибасидан ҳам мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, 1993 йил бошида АҚШда 103 та фуқаролар ҳаётини суғурталашга ихтисослашган компаниялар тўлов қобилиятини йўқотган, деб эълон қилинди. Қизиғи шундаки, бу компаниялар ичида молиявий жиҳатдан ишончли бўлган “Экзекутив Лайф Иншуэрэнс” компанияси ҳам бор. Мутахассислар томонидан унинг активи бир неча миллиард АҚШ доллариға баҳоланган. Бу ерда, шундай ўринли савол туғилиши мумкин. Хўш, халқаро суғурта бозорида кузатилган юқоридагидек ҳолат рўй бермаслиги учун, давлат қандай чора-тадбирлар кўриши мумкин?

Биринчидан ҳукумат ўзининг тегишли назорат органи орқали, суғурта компаниялари томонидан “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини қатъий бажарилишини, шу жумладан, суғурта захираларини тўғри жойланишини назорат қилиб бориш муҳимдир. Иккинчидан, энди шаклланаётган Ўзбекистон суғурта бозорига молиявий жиҳатдан мустаҳкам хорижий суғурта компанияларининг кириб келишини тартибга солиш керак. Негаки, бу ҳолат маҳаллий суғурта компанияларининг рақобат бардошлигига салбий таъсир кўрсатиб, уларни банкрот бўлишиға олиб келиши мумкин.

Суғурта ташкилотлари ўз зиммасига олган мажбуриятлари ҳажмиға қараб, маълум фоиз ажратиш йўли билан марказлашган суғурта жамғармасини ташкил этсалар, мақсадға мувофиқдир. Ушбу жамғарма маблағлари қийин ҳолатға тушиб қолган суғурта ташкилотларига бериладиган ёки улар банкрот деб эълон қилинганда мажбуриятларини бажариши учун хизмат қилади. Бизнингча, бу жамғарма ташкил этилажак

давлат суғурта назорати хизмати томонидан, суғурталовчилар уюшмаси вакиллари жалб қилган ҳолда бошқарилиши лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги нимади?
2. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг қандай шакллари биласиз?
3. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда махсус ваколатли давлат органининг вазифалари нималардан иборат?
4. Суғурта ташкилотлари фаолиятини солиқ орқали тартибга солишнинг зарурлигини тушунтириб беринг?
5. Суғурта фаолиятини мажбурий суғурта турларини жорий этиш воситасида тартибга солишга муносабатингиз қандай?
6. Хорижий мамлакатларда ҳам суғурта фаолияти назорат қилинадими?
7. Суғурта компаниялари банкрот бўлишини олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар кўриш мумкин?
8. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини давлат томонидан назорат этувчи орган қачон ташкил этилган ва қайси вазирлик тасарруфида жойлашган?
9. Россия Федерациясининг суғурта фаолиятини назорат қилиш бўйича федерал хизмати томонидан қандай меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган?
10. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунида суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш юзасидан қандай нормалар белгиланган?

14-мавзу: Суғурта ташкилотнинг даромад ва харажатлари

1. Суғурта ташкилотининг даромадлари ва уларнинг гуруҳланиши.
2. Суғурта ташкилотининг харажатлари ва уларнинг таркиби.
3. Суғурта ташкилотларида молиявий натижани шаклланиши.

Суғурта ташкилотининг даромадлари ва уларнинг гуруҳланиши.	Суғурта ташкилоти ҳаётни суғурта қилиш борасида
---	--

тузилган ҳар бир шартномада турли даражадаги суғурта тарифини қўллаши ёки даромадлилик меъёрини ҳар бир шартнома бўйича мустақил равишда ҳисоблаб чиқиши ва белгилаши мумкин. Ҳаётни суғурта қилиш класслари бўйича даромадлилик меъёрлари катъий белгиланган бўлиши, унинг тариф ставкаларига ўзгаришлар киритиш эса, давлатнинг ваколатли органи билан келишилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Суғурта ташкилотларида асосий даромад ва харажатлар ҳисоби ўзига хослиги билан фарқ қилади. Суғуртани амалга ошириш, қонунчиликда ман этилмаган бошқа фаолият билан шуғулланиш натижасида ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағларининг жами унинг даромади ҳисобланади.


Суғурта ташкилоти даромадларини гуруҳлашнинг турли вариантлари мавжуд. Улар ичида манбаларга кўра, олинган даромадларни уч гуруҳга бўлишга асосланган вариант кенг қўлланилади (1-чизма):

а) суғурта фаолиятдан олинган даромадлар. Суғурта операцияларини амалга оширишдан олинган даромадлар суғуртачи даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади.

Бу даромадларнинг асосий қисми суғурта шартномалари бўйича ундирилган мукофотлар ҳисобига шакллантирилади. Суғурта ташкилотининг мукофот тушумлари ҳажмига суғурта мажбуриятлари портфелининг таркиби ва тузилиши, тариф сиёсати, маркетинг стратегияси ҳамда бошқа қатор омиллар ўзаро боғлиқликда таъсир этади. Масалан, ишлаб чиқилган маркетинг стратегиясини унга мос бўлган тариф сиёсатисиз амалга ошириб бўлмайди, ўз навбатида, муваффақиятли амалга оширилган маркетинг стратегияси суғурта портфели баланслашувини таъминлайди ва аксинча.

1-чизма

Суғурта ташкилотлари даромадларининг манбалари ва таркиби



Суғурта ташкилотининг мукофот тушумларига бозор конъюнктураси, инфляция суръати, меъёрий қонунчилик базаси, амалдаги солиққа тортиш тизими, суғурта бозорининг монополлашганлик даражаси, кредит ғоизи динамикаси, мамлакатдаги ижтимоий ҳимоянинг ҳолати ва бошқа қатор омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Юқорида санаб ўтилган омиллар таъсирининг қандайлигидан қатъий назар амалиётда суғурта ташкилотининг мукофот тушумлари оқими ортиши ёки камайиши ҳодисаси кузатилади.

Ўзаро келишув шартномасига мувофиқ суғурта ташкилоти суғурта рискининг маълум улуши бўйича масъулиятни ўз зиммасига олади. Бу жараёнда у суғурта операцияларини биргаликда суғурталаш механизми орқали суғурта мукофотининг мос бўлган қисми ўз ҳисобига ўтказилишидан ҳам даромад олиши мумкин.

Суғурта ташкилотининг яна бир даромад манбаи қайта суғурта тизимида қатнашиш орқали мукофотлар улушини ундиришдир. Бу улушнинг қандай катталиқда бўлиши қайта суғурталашнинг ривожланганлик даражаси, унга бўлган талаб, қайта суғурталовчиларнинг касбий етуклиги каби омиллар ҳамда бирламчи суғурта бозори кўлами, суғурта рискларининг ҳажми кабиларнинг таъсирига боғлиқликда кечади.

Суғурта ташкилоти қайта суғурталашни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлса, у суғурта ҳодисаси юз берганда шартнома шартларига биноан қайта суғурталашга ўтказилган рисклар бўйича зарар қопламасидаги улушини ҳам ундириб олади.

Суғурта ташкилоти воситачилик вазифасини ҳам бажариши мумкин. Масалан, рискни қайта суғурталашга ўтказиш жараёнида суғуртачи воситачилик ҳақини ундириб олади. Суғурта ташкилоти айрим ҳолатларга кўра, рискни бошқа суғуртачига сийлов этиши орқали воситачилик ва брокерлик рағбатлантиришларини олишдан ҳам даромад кўриши мумкин.

Тенг улушдаги қайта суғурталаш шартномасида қайта суғуртачига танъем тўловлари ҳам назарда тутилиши суғуртачининг қайта суғурталовчининг фойдасида ўз улушига эга бўлиши шаклидир.

Б) инвестиция жойлаштирилуvidан олинган даромадлар. Суғурта ташкилотининг ушбу фаолияти тўғридан-тўғри суғурта фаолияти билан боғлиқ эмас. Суғуртачининг инвестиция жойлаштириш имконияти суғурта мукофотлари ҳисобидан юзага келади. Одатда, суғурта мукофотлари маълум вақт оралиғида суғуртачи ихтиёрида бўлиши даврида амалдаги меъёрий қоидаларга асосланиб, даромад активларига жойлаштирилиши унга инвестиция даромадларини келтиради. Инвестиция имкониятлари бўйича узоқ муддатга ҳаётни суғурталаш захиралари кўпроқ манфаатлидир.

Суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятидан оладиган даромадлари таркиби:

- банк жамғармалари фоизлари;
- акциялардан дивиденд фоизлари;
- қимматли қоғозлардан даромадлар;
- кўчмас мулкдан олинган даромадлар кабилардан иборат бўлади.

Бу фаолиятнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, суғуртачи ўз миждозларига бонус тўловларини айнан инвестиция жойлаштирилуvidан оладиган манбалари ҳисобидан тўлайди.

Инвестиция бозорлари ривожланган мамлакатларда ушбу фаолиятдан суғуртачининг олган даромадлари айрим суғурталаш турлари бўйича суғурта операцияларини амалга оширишда юзага келган зарарларни қоплаш имкониятини бермоқда.

Шу нуқтаи назардан суғурта ташкилоти инвестиция фаолиятини самарали олиб бориши унинг даромад манбалари таркибида муҳим аҳамият касб этади.

В) суғурта ташкилотининг бошқа даромадлари. Суғуртачи суғурта операцияларини амалга ошириши ва инвестиция жойлаштирилуvidан ташқари бошқа фаолиятдан ҳам даромад олиши мумкин.

Бундай даромаднинг манбалари:

- депо мукофотлар ҳисобига ўтказилган фоиз суммалари;
- регресс тартибида олинган суммалар;
- асосий фондлар, моддий бойликлар ва бошқа активларни сотишдан олинган фойда;
- ижарачилик фаолиятидан олинган даромадлар;
- суғурта захираларининг қайтим суммалари;

- ўқитиш, маслаҳат ишларини олиб бориш бўйича ундирилган тўловлар ҳисобланади.

Суғуртачининг суғурта хизматларини сотувидан ташқари олган даромадлари асосан ўз филиалларига иш қоғозларини (ҳисобот бланклари ва шу кабиларни) тайёрлаб бериш, уларнинг янги «маҳсулот»ини реклама қилиш кабилар ҳисобига олинади. Айрим ҳолларда улар ижара муносабатлари орқали ҳам шакллантирилади. Суғуртачининг сотувдан ташқари даромадларини ҳажми суғурта ташкилотининг катталигига боғлиқдир.

Сотувдан ташқари даромадларни олиш учун амалга оширилган харажатларни суғурта фаолиятига ёки суғуртадан бошқа фаолиятга тааллуқли эканлигини аниқлаш мураккаб кечади. Шунингдек, суғурта ташкилоти маълум бир суғурта тури бўйича суғурталашни амалга оширмаётган бўлса-да, уни йўлга қўйиш юзасидан харажатларни сотувдан ташқари даромадлари ҳисобига бажаради.

Маълумки, суғуртада рисклар трансформацияси жараёнида ҳамда бош ташкилот ва филиаллар (якуний молиявий натижа баланси ёки ҳисоб рақамига эгаллигига кўра) ўртасида масъулият тақсимотининг механизми турличадир.

Суғурта фаолияти – суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида суғурталанувчининг зарарини қоплаш билан боғлиқ бўлган ўзига хос иқтисодий фаолият туридир. Суғурта ҳодисаси юз бериши ёки бермаслигига кўра қоплама тўлашнинг илмий асосланганлик (ўрганилган, ҳисобланган, аниқланган) меъёрини белгилаш ва кўрилган зарарни суғурта ташкилотининг захира фондидан тўлаш мақсадга мувофиқдир.

Суғурта ҳодисасининг йиллар бўйича юз бериши эҳтимоллиги турличадир. Айрим аниқ бир йилда бу ҳодисаларнинг сони кўп бўлиши ҳам мумкин. Айнан шу йил бўйича суғурта ташкилотининг фаолияти зарар билан тугаши мумкин. Захира фондининг маблағи етишмаслиги ҳолатида суғурта ташкилотида қолган даромад ҳисобидан унинг ҳар йилги захира фондига ажратма меъёрини қайта кўриб чиқиш зарур. Статистик маълумотларга асосланиб, қайд этиш керакки, суғуртанинг кўп турлари бўйича амалга оширилган суғурта қопламаси ундирилган мукофотлари суммасига нисбатан паст фоизларни ташкил этади. Шунга асосланиб, тарифларни ошириш эмас, балки унинг таркибини ўзгартириш мантиқан тўғри бўлади.

Қайта суғурталаш шартномасини тузишда қайта суғурталовчи

(халқаро терминда «цедент») қайта суғурталаш мукофотининг маълум қисмини ёки ҳаммасини депонентга ўтказиши назарда тутилиши мумкин. У шартнома даври тугаши ҳамда суғурта ҳодисаси юз бермаган тақдирда мазкур мукофотлар ҳисобидан олинган депо фоизлари билан биргаликда қайта суғурталовчи ҳисобига ўтказилади. Унинг ҳажми (фоизда) шартномада қайд этилган бўлади.

Шундай кафолат берилиши қайта суғурталаш мукофотларини молиявий захира сифатида ишлатиш имкониятини оширади.

Фуқаролик қонунчилигига биноан суғурта ташкилоти ўз мижози манфаатларини ҳимоя қилувчи вакил сифатида суғурта ҳодисасига сабабчи бўлган айбдор шахсга регресс даъво қилиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Одатда регресс тартибидаги сумма суғуртачи ўз кафиллигини бажариб бўлганидан кейин ундирилади. Бундай фаолият натижасида ундирилган сумма суғурта ташкилотининг суғурта таъминоти тўловлари бўйича харажатларини қоплаш учун манба ҳисобланади.

Суғурта ташкилоти хўжалик юритувчи субъект сифатида ўз фаолиятида фойдаланилаётган асосий фондларини сотиш ҳуқуқига эгадир. Шунда фаолият бўйича суғуртачининг фойдаси асосий фондни сотишдан олган тушум суммаси билан мулкнинг баланс (қолдиқ) баҳосида ҳисобдан чиқариш суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Суғурта ташкилотининг мулки ижарага берилиши мумкин. Масалан, кўчмас мулк объектлари ҳамда асосий фондлардан айрим ҳолларда ижара объекти сифатида фойдаланилади. Бу фаолият натижасида ундирилган ижара тўлови ҳам суғуртачининг даромади ҳисобланади.

Суғурта ташкилотининг яна бир даромад манбаи ўқитиш, маслаҳат ишлари учун ундирилган тўловлар суммаси, шунингдек, риск-менежмент бўйича хизматлар кўрсатиши, дастур «махсулот»ларини ўрнатиб бериши кабилар ҳисобланади. Бу даромадлар суғуртага тўғридан-тўғри дахлдор бўлмаса-да, аммо у билан узвий боғлиқликда шаклланади.

Суғурта ташкилоти даромадининг шаклланиш механизми, таркиби ва тузилишини ўрганиш унинг ўзига хос фаолият тури эканлигини намоён этади.

Суғурта ташкилотининг харажатлари ва уларнинг таркиби.	Суғуртачининг жами маблағлар сарфи суғурта «махсулот»и
--	---

таннархини ташкил этади. У амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади ҳамда суғуртачи харажатларнинг таркибини белгилаши учун асос ҳисобланади. Солиққа тортиш базасини аниқлашда суғуртачининг жами

харажатлари ва уларнинг таркибини аниқлаштириш ҳам талаб этилади.

Суғурта ташкилоти харажатларининг таркиби ҳам хилма-хилдир (2-чизма). Суғурта ташкилотининг харажатлари саккиз турдан иборат бўлиб, ҳар бир тур ўз навбатида, асосий ва мақсадли фаолият ҳамда харажатларнинг амалга оширилиши вақтига қараб гуруҳланади. Суғурта ташкилоти харажатларининг турларига тўхталадиган бўлсак, улар ўз аҳамиятига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) суғуртани амалга ошириш харажатлари. Бу харажатлар суғуртачи фаолиятини молиялаштириш учун амалга оширилади. Суғурта ташкилоти фаолиятини таҳлил этишда мазкур харажатлар таркибини маълум белгиларига кўра гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Суғуртачининг фаолияти жараёнида маблағлар сарф этилиши юзасидан белгиланган вазифаларга кўра, суғурта ташкилоти даромади ва зарарлари ҳақидаги ҳисоботига мос равишда суғурта ишини юритиш харажатлари таркибини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- шартномаларни тузиш ва бажариш харажатлари;
- инвестиция фаолияти бўйича харажатлар;
- бошқарув харажатлари.

Б) суғурта ишини юритиш харажатлари сарфланишига кўра қуйидагича бўлиш мумкин:

- иш ҳақи тўловлари;
- давлат фондларига ажратмалар, ходимларни тайёрлаш харажатлари, реклама ҳамда маркетинг харажатлари, хўжалик харажатлари ва бошқалар;

Суғурта ишини юритиш харажатларининг юзага келиши даврига кўра, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

2-чизма

Суғурта ташкилоти харажатларининг турлари ва уларнинг таснифланиши

т/р	Харажат турлари	Харажатларнинг таснифи		
		Асосий фаолият бўйича	Мақсадли фаолият бўйича	Амалга оширилиш вақтига кўра
1	Маъмурий-хўжалик юритиш харажатлари	Суғурталаш билан тўғридан тўғри боғлиқ бўлмаган харажатлар	Шартномани амалга ошириш харажатлари	Шартномани амалга ошириш жараёнида
2	Воситачилик тақдирлашлари ни ундириш харажатлари	Суғурта операцияларини амалга ошириш харажатлари	Шартномани тайёрлаш ва тузиш харажатлари	Шартномани амалга ошириш жараёнида
3	Реклама ва	Суғурталаш билан	Шартномани	Шартномани

	маркетинг хизмати харажатлари	тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган харажатлар	тайёрлаш ва тузиш харажатлари	тузишга қадар
4	Махсус иш қоғозларини тайёрлаш харажатлари	Суғурта операцияларини амалга ошириш харажатлари	Шартномани тайёрлаш ва тузиш харажатлари	Шартномани тузишга қадар
5	Суғурта захираларига ажратмалар	Суғурта операцияларини амалга ошириш харажатлари	Шартномани бажариш харажатлари	Шартномани амалга ошириш жараёнида
6	Қайта суғурталаш харажатлари	Суғурта операцияларини амалга ошириш харажатлари	Шартномани бажариш харажатлари	Шартномани амалга ошириш жараёнида
7	Инвестиция жойлаштирилуви харажатлари	Суғурталаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган харажатлар	Шартномани бажариш харажатлари	Шартномани амалга ошириш жараёнида
8	Суғурта қопламаси харажатлари	Суғурта операцияларини амалга ошириш харажатлари	Шартномани бажариш харажатлари	Суғурта ҳодисаси юз берганда

- суғурта шартномасини тузиш учун олдиндан қилинган (иш қоғозларини тайёрлаш, статистик маълумотларни йиғиш, тариф ҳисоб-китоблари ва шу каби) харажатлар;

- суғурта шартномаси тузиш даврида қилинган (халқаро терминда «acquisition») харажатлар;

- суғурта шартномаси амал қилиш даврида қилинган (масалан, рискни қайта суғурталашга ўтказиш бўйича) харажатлар;

- суғурта ҳодисаси юз берганда (сабабларини ўрганиш ва унинг оқибатларини тугатиш учун) қилинадиган харажатлар.

Суғурта ишини юритиш харажатларини, шунингдек, айрим суғурта тури ёки шартномасига дахлдор бўлган ўзгарувчан ва барча тузилган суғурта шартномалари портфелига алоқадор бўлган доимий каби гуруҳларга ҳам бўлиш мумкин¹.

Халқаро амалиётда суғурта ташкилотининг харажатлари аквизиция (оммавий-ташкилий комплекс тадбирлар), инкассация (суғуртанинг айрим турлари бўйича мукофотларнинг нақд пулларда қабул қилиниши), ликвидация (суғурта ҳодисаси юз берганлиги юзасидан суғурталанувчи аризасида баён қилинган талабларнинг қондирилиши) ва бошқарувга оид

¹Каранг: Дубровина Т.А., Сухов В.А., Шеремет А.Д. Аудиторская деятельность в страховании. Учебное пособие под ред. проф. Шеремета А.Д.-М.: ИНФРА-М, 1997. с. 160.

каби турлардан иборатдир¹.

Суғурта ташкилоти даромад ва харажатларини суғурта фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги ўрни ва ролига қараб таснифлаш кўпроқ мақсадга мувофиқдир. Улар қуйидагичадир:

- суғурта ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ бўлган (суғурта операциялари ҳамда инвестиция жойлаштирилуви бўйича) даромад ва харажатлар;

- суғурта ҳимояси билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган бошқа даромад ва харажатлар.

Суғурта ташкилотининг даромад ва харажатлари таркиби ҳамда уларни ҳисоблаш кўп жиҳатдан миллий суғурта қонунчилиги меъёрларига ҳам боғлиқдир. Шунингдек, суғурта ташкилотининг даромад ва харажатларига амалдаги солиқ қонунчилигига биноан тўланадиган даромад(фойда) солиғининг солиқ базасини аниқлаш услубияти ҳамда ставкалари даражаси ҳам таъсир этади.

**Суғурта ташкилотларида молия-
вий натижани шаклланиши.** | Суғурта ташкилотининг даромад
ва харажатлари таркиби бўйича
юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб, уни аниқлаш бўйича
қуйидаги услубиятни таклиф этамиз:

$$CM = CM_c + CM_{kc} + \dot{UMZ}\ddot{y} \quad (1),$$

Бу ерда: CM - ишлаб топилган суғурта мукофотлари суммаси;

CM_c – бевосита суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари суммаси;

CM_{kc} – қайта суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари суммаси;

$\dot{UMZ}\ddot{y}$ – ўзлаштирилмаган мукофотлар захирасининг ўзгариши.

$$UN_z = N_z + N_{vt} \quad (2),$$

Бу ерда: UN_z – қўрилган зарарнинг умумий нетто қисми;

N_z – қўрилган зарарнинг нетто қисми;

N_{vt} – қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловларининг нетто қисми.

$$N_z = CM - CK_c - (CK_{kc} - CK_{kck}) \quad (2.1),$$

¹Қаранг: Страховое дело. Учебник. Под ред. Рейтмана Л.И.-М.: Банковский и биржевой научно-консультационный центр, 1992. с. 333.

Бу ерда: СКс – тўланган суғурта қопламалари;
 СКқс – қайта суғурталаш бўйича тўланган суғурта қопламалари;
 ТСҚқсқ – қайта суғурталаш шартномаларига кўра, қайта
 суғурталовчилар томонидан тўланган суғурта қопламалари.

$$Нвт = ВТқс + ВСқс (2.2),$$

Бу ерда: ВТқс – қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловлари;
 ВСқс – қайта суғурталаш бўйича воситачилик сийловлари.

$$Тсх = УНз - (Юк + СМқсрр + СКс + ВТқс + Зм + СКқс) (3)$$

Бу ерда: Тсх – суғурта хизматларининг таннари.
 Юк – суғурта ишини юритиш харажатлари;
 СМқсрр – қайта суғурталаш ва ретроцессияга ўтказилган рисклар
 бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари;
 ВТқс- воситачилик тўловлари ва брокерлик сийловлари, қайта
 суғурталаш тантъемлари ва йиғимлари;
 Зм – захира фондига ўтказилган маблағлар.

$$ЯД(З) = Д(З)аф \pm Д(З)бф (4),$$

Бу ерда: ЯД(З) – ялпи даромад ёки зарар (солиқ тўлангунга қадар
 бўлган даромад ёки зарар);

Д(З)аф- асосий фаолиятдан олинган даромад ёки зарар;
 Д(З)бф – бошқа фаолиятдан даромад ёки зарар.

$$Д(З)аф = Нс \pm Нз \pm Нвт \pm Юк - ДХ (4.1),$$

Бу ерда: Нс – суғурта мукофотларининг нетто қисми;
 ДХ – давр харажатлари.

$$Д(З)бф = Дбф - Хбф (4.2),$$

Бу ерда: Дбф – бошқа фаолиятдан даромадлар;
 Хбф – бошқа фаолиятни амалга ошириш учун қилинган
 харажатлар.

Суғурта ташкилоти даромади(фойдаси)ни аниқлашнинг келтирилган
 услубиятини жорий этиш масаласига (7-жадвал) тўхталадиган бўлсак, бу
 борада суғурта ишини амалга ошириш харажатларига киритилган суғурта

хизматларни ташкил этиш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги янги Низомни ишлаб чиқиш зарурияти юзага келади.

Таклиф этилаётган услубиятга кўра, келтирилган маълумотларда ишлаб топилган суғурта мукофотлари суммаси 1232223,0 бўлган бўлса, шундан 910786,8 бевосита суғурталаш мукофотлари, 6741,1 қайта суғурталаш бўйича мукофотлари ва ниҳоят, 314695,1 сўмини ўзлаштирилмаган мукофотлар суммаси ташкил этган.

Тўланган суғурта қопламалари 1188750,1 қайта суғурталаш шартномаларига биноан қоплама тўловлари бўйича зарарлар 506,3; кўрилган зарарларнинг нетто қисми 1189256,4; қайта суғурталашга қабул қилинган шартномалар бўйича ҳисобланган воситачилик тўловлари 840,8; қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловларнинг нетто қисми 840,8; суғурта ишини юритиш харажатлари 5136,5; ҳисобланган воситачилик ҳамда брокерлар сийловлари, қайта суғурталаш тантъемлари ва йиғимлари 321,4; зарарларни қоплаш захирасига ўтказилган маблағлар 1153961,8 минг сўмни ташкил қилган.

Келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда суғурта хизматини кўрсатишдан тушган ялпи фойдани аниқлаш учун ишлаб топилган мукофотларнинг нетто қисми (1232223), кўрилган зарарларнинг нетто қисми (1189256,4), қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловларнинг

1-жадвал

Суғурта ташкилотлари даромад ва харажатларини ҳисоблаш:

(сўм ҳисобида)	
(+) Бевосита суғурталаш бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари	910786.8
(+) Қайта суғурталаш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари	6741.1
(+) Ўзлаштирилмаган мукофотлари захирасини ўзгартириш	314695.1
(=) Ишлаб топилган мукофотлар	1232223
(-) Тўланган суғуртавий қопламалар	1188750.1
(-) Қайта суғурталаш шартномаларига биноан қилинган қоплама тўловлари бўйича зарарлар	506.3
(+) Қайта суғурталашга тақдим этилган шартномаларга кўра, қайта суғурталовчилар томонидан қилинган қопламалар бўйича зарарлар	-
(=) Кўрилган зарарларнинг нетто қисми	1189256.4
(+) Қайта суғурталашга тақдим этилган шартномаларга кўра ҳисобланган қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловлари	-
(+) Қайта суғурталашга қабул қилинган шартномалар бўйича ҳисобланган воситачилик тўловлари	840.8
(=) Қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловларининг нетто қисми	840.8
(-) Суғурта ишини юритиш харажатлари	5136.5
(-) Қайта суғурталаш ва ретроцессияга ўтказилган рисклар бўйича	-

ҳисобланган суғурта мукофотлари	
(-) Бевосита суғурталаш бўйича суғуртавий тўловлари (суғурта қопламалари)	-
(-) Ҳисобланган воситачилик ва брокерлар сийловлари. Қайта суғурталаш тантъямлари ва йиғимлари	321.4
(-) Зарарларни қоплаш захирасига ўтказилган маблағлар	1153961.8
(-) Қайта суғурталашга қабул қилинган рисклар бўйича қилинган қоплама тўловларнинг улуши	-

Бунда суғурта хизматини кўрсатиш(сотиш)дан тушган ялпи фойда қуйидагича ҳисобланади:

(=) Ишлаб топилган мукофотларининг нетто қисми	1232223
(+) Кўрилган зарарларнинг нетто қисми	1189256.4
(+) Қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловларнинг нетто қисми	840.8
(-) Суғурта ишини юритиш харажатлари	5136.5
(-) Давр харажатлари	226235.7
(-) Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжалик харажатлари	-
(=) Асосий фаолиятдан олинган фойда	189246.4
(+) Операцион. Инвестицион ва молиявий фаолиятдан олинган даромад	214343.3
(+) Операцион. Инвестицион ва молиявий фаолият учун қилинган харажат	-
(=) Солиқ тўлангунга қадар бўлган даромад(фойда) ёки зарар	25096.9
Манба: «Ўзагросуғурта» ДАСКнинг 2002 йил кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.	

нетто қисми (840,8) йиғиндисидан суғурта ишини юритиш харажатлари (5136,5), давр харажатлари (226235,7), хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжалик харажатлари жамисини айириш орқали асосий фаолиятдан олинган фойда (189246,4 минг сўм) ҳисоблаб топилади. Шундан сўнг, инвестицион-молиявий фаолиятдан олинган даромад ва харажатлар йиғиндисини қўшиш орқали балансдаги (25096,9 минг сўм) фойда суммаси аниқланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Суғурта ташкилотининг даромадлари қайси манбалар ҳисобидан ташкил топади?
2. Суғурта ташкилоти даромадларини ташкил топишига кўра нечта гуруҳга бўлиш мумкин?
3. Суғурта фаолиятидан олинган даромадни ва инвестиция фаолиятидан олинган даромаддан нима фарқи бор?

4. Суғурта ташкилотининг харажатлари таркибини тушунтириб беринг?
5. Суғурта ташкилотининг харажатлари қандай гуруҳларга бўлинади?
6. Суғурта ташкилотининг иш юритиш харажатлари деганда нимани тушунаси?
7. Суғурта ташкилотларида молиявий натижа қандай шаклланади?
8. Суғурта хизматини кўрсатишдан ялпи фойда қандай тартибда ҳисобланади?
9. Суғурта ташкилотларида молиявий натижани шаклланиш тартибини бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқи нимада деб уйлайсиз?
10. Суғурта ташкилотларининг операция харажатларини санаб беринг?

15-мавзу: Мажбурий суғурта турлари ва уларни ўзига хос хусусиятлари

- 1. Мажбурий суғурта тушунчаси ва унинг жорий этилиш шартлари.**
- 2. Мажбурий суғурталашнинг асосий тамойиллари.**
- 3. Ихтиёрий суғурта турларини ҳуқуқий тартибга солиш.**

Мажбурий суғурта тушунчаси ва унинг жорий этилиш шартлари. | Ўзбекистон Республикаси
Фуқаролик кодексининг
922-моддасида мажбурий суғурта ҳақида алоҳида кўрсатиб ўтилган. Хусусан, унда шундай дейилади: «Қонунда қуйидагиларни суғурта қилиш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин:

- қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулки уларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб;
- бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига зарар етказилиши ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий жавобгарлиги хавфи».

Суғурта қилдирувчи бўлиш мажбурияти қонун билан унда кўрсатилган шахслар зиммасига юкланади. Қонунда мажбурий суғуртанинг бошқа турлари ҳам белгиланиши мумкин. Фуқарога ўз ҳаёти ёки соғлигини суғурталаш мажбурияти қонун билан юклатилиши мумкин эмас. Қонунда назарда тutilган ҳолларда ёки унда белгиланган тартибда хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида давлатга қарашли мол-мулкка эга

бўлган юридик шахсларга бу мулкни суғурталаш мажбурияти юкланиши мумкин.

Мол-мулкни суғурта қилиш мажбурияти қонундан келиб чиқмайдиган, балки мол-мулкнинг эгаси билан тузилган шартномага ёки мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланувчи юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига асосланган ҳолларда, бундай суғурта ушбу модданинг маъноси жиҳатидан мажбурий.

Мажбурий суғурта бундай суғурта қилиш мажбурияти юкланган шахс (суғурта қилдирувчи) суғурталовчи билан суғурта шартномаси тузиши воситасида амалга оширилади. Мажбурий суғурта суғурта қилдирувчи ҳисобидан амалга оширилади, йўловчиларни мажбурий суғурталаш бундан мустасно бўлиб, бу суғурта қонунда назарда тутилган ҳолларда уларнинг ўз ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Мажбурий суғурталаниши лозим бўлган объектлар, улар суғурталанишга сабаб бўладиган хавфлар ва суғурта пулининг энг кам миқдорлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Фуқаролик кодексининг 924-моддасида мажбурий суғурта тўғрисидаги қоидаларни бузиш оқибатлари кўрсатиб ўтилган. Қонун бўйича фойдасига мажбурий суғурта амалга оширилиши лозим бўлган шахс, агар суғурта амалга оширилмагани унга маълум бўлса, суғурта қилдирувчи сифатида зиммасига суғурталаш мажбурияти юкланган шахс уни амалга оширишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Агар суғурта қилдирувчи сифатида суғурталаш мажбурияти зиммасига юкланган шахс уни амалга оширмаган бўлса ёки суғурта шартномасини наф олувчининг аҳволини қонунда белгиланган шартларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларда бузган бўлса, у суғурта ҳодисаси юз берганида башарти тегишлича суғурталанган тақдирда суғурта товони тўлашга асос бўлиши керак бўлган шартларда жавобгар бўлади.

Мажбурий суғурталашнинг Ўзбекистон Республикасида мажбурий асосий тамойиллари. суғуртанинг қуйидаги турлари мавжуд:

- транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш;
- йўловчиларни мажбурий суғурта қилиш;
- Давлат мажбурий суғуртаси.

Шу ерда таъкидлаш лозимки, юқорида кўрсатилган мажбурий суғурта турлари ҳукумат қарорлари асосида жорий этилган. Унда суғурталанувчилар гуруҳи, суғурта қилиш шартлари, суғурта тарифи

ставкалари ва суғурта копламалари миқдорлари кўрсатилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмлар эгалари фуқаролик жавобгарлигининг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида» 1994 йил 30 декабрдаги 632-сонли қарорига кўра, 1995 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг давлат мажбурий суғуртаси жорий этилган. Ушбу қарор билан белгилаб қўйилганки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчиликнинг барча шаклларидаги транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг давлат мажбурий суғуртасига жалб қилинади.

Фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ва давлатнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида қонунда ҳаёт, соғлиқ ва мол-мулкнинг мажбурий давлат суғуртаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Мажбурий давлат суғуртаси ана шу мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Мажбурий давлат суғуртаси бевосита суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида унда кўрсатилган давлат суғурта ташкилотлари ёки давлатнинг бошқа ташкилотлари (суғурталовчилар) томонидан амалга оширилади.

Фуқаролик кодексининг қоидалари, агар суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ва суғурта бўйича мавжуд муносабатлар моҳиятидан келиб чиқмаса, мажбурий давлат суғуртасига нисбатан қўлланилади

Ихтиёрий суғурта турларини ҳуқуқий тартибга солиш.

Ихтиёрий суғурта кўпроқ мол-мулк
суғуртасига тааллуқлидир.

Мулкий суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Мулкий суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар суғурталаниши мумкин:

- муайян мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфи;

- фуқаролик жавобгарлиги хавфи – бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек шартномалар бўйича жавобгарлик хавфи;

- тадбиркорлик хавфи - тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятдан қутилган даромадларни ололмаслик хавфи.

Гайриқонуний манфаатларни суғурталашга йўл қўйилмайди.

Қимор, лотериялар ва гаров ўйинларида иштирок этишда кўриладиган зарарни суғурталашга йўл қўйилмайди.

Гаровга олинганларни озод қилиш мақсадида шахс мажбуран қилиши мумкин бўлган харажатларни суғурталашга йўл қўйилмайди.

Мол-мулк унинг асралишидан қонун ҳужжатларига ёки шартномага асосланган манфаатга эга бўлган шахс (суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи) фойдасига, унинг мулкдори, мол-мулкка нисбатан бошқа ашёвий ҳуқуқга эга бўлган шахс, ижарачи, пудратчи, сакловчи, воситачи ва бошқа шу кабилар фойдасига суғурта шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин.

Суғурталанган мол-мулкнинг асралишидан суғурта қилдирувчида ва наф олувчида манфаат бўлмаган пайтда тузилган мол-мулкнинг суғурта қилиш шартномаси ҳақиқий эмас.

Наф олувчи фойдасига мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси наф олувчининг исми ёки номи кўрсатилмасдан тузилиши мумкин. Бундай шартнома тузилганда суғурта қилдирувчига эгасининг номи кўрсатилмаган полис берилади. Бундай шартнома бўйича ҳуқуқларни амалга оширишда бу полисни суғурталовчига тақдим этиш зарур.

Шахсий суғурта шартномаси бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти ёки соғлигига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақт-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади.

Шахсий суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган

бўлса, ўша шахс суғурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар шартномада наф олувчи сифатида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, шахсий суғурта шартномаси суғурталанган шахс фойдасига тузилган ҳисобланади. Бошқа наф олувчи кўрсатилмаган шартнома бўйича суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, суғурталанган шахснинг меросхўрлари наф олувчилар деб тан олинади.

Суғурталанган деб ҳисобланмайдиган шахс фойдасига, шу жумладан суғурталанган шахс ҳисобланмайдиган суғурта қилдирувчи фойдасига шахсий суғурта шартномаси фақат суғурталанган шахснинг ёзма розилиги билангина тузилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда, шартнома суғурталанган шахснинг даъвоси бўйича, бу шахс вафот этган тақдирда эса, унинг меросхўрлари даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг қайси моддаси мажбурий суғуртага бағишланган?
2. Мажбурий суғурта деганда қайси суғурта турини тушунасиз?
3. Қонунда баъзи мулкӣ ва шахсий манфаатларни суғурта қилишга мажбур этилиши мумкинми?
4. Мажбурий суғуртани қандай турларини биласиз?
5. Ихтиёрий суғурта қандай тамойилларга асосланади?
6. Мол-мулкни ихтиёрий суғуртаси қандай тартибда амалга оширилади?
7. Мажбурий суғуртани ихтиёрий суғуртадан фарқ қилувчи жиҳатлари нимада деб ўйлайсиз?
8. Мажбурий ва мажбурий давлат суғуртасини бир-биридан фарқ қилувчи томонларини айтинг?
9. Ҳозирги пайтда мажбурий давлат суғурта турларини амалга ошириш ҳуқуқига қайси суғурта ташкилоти ҳақли?
10. Ўзбекистонда мажбурий ва ихтиёрий суғурта ўртасидаги нисбат қандай бўлиши зарур?

16-мавзу: Қайта суғурта

1. Қайта суғурта ҳақида тушунча.

2. Қайта суғуртанинг турлари ва шакллари.

Қайта суғурталаш ҳақида тушунча. | Қайта суғурталаш - суғурталашга рискни қабул қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими (рискларни бирламчи жойлаштириш). Суғурталовчи мувозанатлашган суғурта портфелини яратиш ва суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини ўзаро келишилган ҳолда бошқа суғурталовчига бериши (рискни иккиламчи жойлаштириш). Қайта суғурталаш операциялари билан бир қаторда асосан, ихтисослашган қайта суғурталаш компаниялари амалга оширади. Қайта суғурталаш актив (рискни бериш) ва пассив (рискни қабул қилиб олиш) кўринишида бўлади. Бундан ташқари қайта суғурталаш нисбий ва нонисбий шаклда бўлади.

Айрим ҳолатларда қайта суғурталаш операциялари қайта суғурталовчи брокер - иккита томон, яъни суғурта компанияси ва қайта суғурталовчи компанияси ўртасидаги воситачидир.

Қайта суғурта қилиш шартномалари бир томондан суғурта компаниялари ўртасида ўзаро тузилиши ёки иккинчи томондан, суғурта компанияси ва ихтисослашган қайта суғурта қилиш компанияси ўртасида тузилиши мумкин. Бу ерда шартнома ўзи нима деган савол тўғилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 354 - моддасида "икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади" – деб кўрсатилган. Дастлаб, суғурта компанияси ўзининг молиявий қобилиятини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини бошқа суғурта компаниясида ёки ихтисослашган қайта суғурта қилиш компаниясида суғурталаш тўғрисида қарор қабул қилади. Ушбу қарорни ижросини таъминлаш мақсадида суғурталовчи ихтисослашган суғурта компаниясига мурожаат қилади. Агар қайта суғурталовчи компания рискни қайта суғурта қилишга розилик билдирса, улар ўртасида қайта суғурталаш шартномаси тузилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, шартнома шартларида, унда иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, олинган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан жавобгарлик, шартномани кучга кириши, амал

қилиш ва бекор этилиши қоидалари мужассам бўлиши керак. Шунингдек, шартномада қайта суғурталаш мукофоти миқдори ва жавобгарлик ҳажми кўрсатилиши зарур. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, қайта суғурта қилишда суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш учун асосий суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчи олдида ушбу шартнома бўйича суғурта компанияси жавобгар бўлиб қолаверади. Бироқ асосий суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчи ҳисобланган суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси юз беришидан олдин тугатилган тақдирда, унинг ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларининг қайта суғурта қилинган қисми қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчига ўтади.

Қайта суғурта қилиш шартномалари бир қатор ўзига хос белгиларга эгаки, бу ушбу шартномаларни савдо ва бошқа турдаги шартномалардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам қайта суғурта қилиш соҳасини назарий жиҳатдан қайси суғурта тармоғига киритиш ёхуд уни мустақил суғурта соҳаси сифатида қараш анча баҳс мунозарани талаб қилади.

Агар суғурта ҳодисаси руй берса, бу ҳақда суғурта компанияси қайта суғурталовчи компанияга дарҳол хабар қилиши керак. Ўз навбатида, қайта суғурталовчи компания шартномада кўзда тутилган қопламани тўлаши шарт. Қайта суғурта қилиш компанияси шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўла-тукис бажарса, у ҳолда шартнома ижро этилган ҳисобланади.

Қайта суғурталаш билан боғлиқ тушунча ва атамалар. | Цедент атамаси рискни иккиламчи жойлаштиришни амалга оширувчи, яъни рискни қайта суғурталаш учун берувчи суғурта компанияси. Иккиламчи цедент ретроцедент деб аталади. Бундан қайта суғурталашда цессия атамаси ҳам кенг қулланилади. Цессия – суғурта рискин қайта суғурталашга бериш жараёнидир.

Қайта суғурталовчи сифатида суғурта компанияси ҳам бўлиши мумкин. Жаҳондаги энг йирик суғурталовчилар гуруҳига Мюнхен қайта суғурталаш жамияти, Швейцария қайта суғурталаш жамияти, Кёльн қайта суғурталаш жамиятлари киради.

Қайта суғурталаш ишида унинг бир неча турларини учратиш мумкин. Жумладан, факультатив, облигатор ва факультатив-облигаторли қайта суғурталашдир. Факультатив қайта суғурталаш - нисбий қайта суғурталаш шартномасининг тури. Факультатив қайта суғурталашда ҳар бир

берилаётган риск буйича алоҳида шартнома тузилади. Цедент ҳар бир риск буйича қайта суғурталаш зарур ёки зарур эмаслик масаласини мустақил кўриб чиқади. Ўз навбатида, қайта суғурталовчи ҳам цедентнинг таклифини қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги ҳам мумкин.

Облигаторли қайта суғурталаш халқаро амалиётда икки хил маънони билдиради:

1) қайта суғурталашнинг мажбурий шакли. Айрим мамлакатлар қонунчилигига кўра, ушбу мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта компаниялари қабул қилган рискларини бир қисмини мажбурий равишда қайта суғурталаш компаниясига беради. Бу чора қайта суғурталаш орқали чет элга валюта чиқиб кетишини олдини олади;

2) суғурта компанияси (цедент) маълум бир суғурта тури буйича рискни қайта суғурталовчига беришини ва ўз навбатида, қайта суғурталовчи, рискни қабул қилишни назарда тутувчи қайта суғурталаш шартномаси. Факультатив-облигатор шартномаси - цедент қайта суғурталовчи билан келишган тоифадаги ҳар қандай суғурта рискин бериши, қайта суғурталовчи эса уларни қабул қилиши шарт эканлиги ҳақидаги қайта суғурталаш шартномаси.

Қайта суғурта қилиш операциялари нисбий ва нонисбий шаклда амалга оширилади. Нонисбий қайта суғурта қилишга нисбатан нисбий қайта суғурталаш анча илгари пайдо бўлган. Шу нуқтаи назардан қараганда нисбий қайта суғурталашни, баъзан, анъанавий қайта суғурталаш ҳам деб аташ қабул қилинган.

Нисбий қайта суғурта қилишнинг асосий моҳияти шундаки, қайта суғурталовчи компаниянинг рискни тақсимлашдаги улуши суғурта компанияси аниқлаган нисбат асосида олдиндан аниқланади. Ушбу нисбатга қараб, қайта суғурталаш мукофотининг ва суғурта компаниясининг тегишли улуши аниқланади. Нисбий қайта суғурта қилишнинг принципи "қайта суғурталовчи цедентнинг рискин бўлади" деган фикрдан иборат.

Суғурта иши амалиётида нисбий қайта суғурталашнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- * Квотали қайта суғурта қилиш;
- * Эксцедент қайта суғурта қилиш;
- * Квотали-эксцедент қайта суғурта қилиш.

Нонисбий қайта суғурта қилишда қайта суғурталовчининг суғурта мукофоти ва қопламасидаги фоизлардаги иштироки принципи

қулланилмайди. Нисбий қайта суғурта қилишда томонларнинг манфаати бир-бирига мос келади.

Қайта суғурта қилиш шартномасига хос бўлган белгилардан бири қайта суғурта қилиш буйича суғурта мукофотларини қайтариб олиш характериға эға эканлигидир. Қайта суғурта қилиш муносабатларининг узок йиллик ривожланиши жараёни давомида халқаро ва миллий даражаларда фойдаланиладиган қайта суғурта қилиш шартномаларининг бир неча хиллари шаклланган. Улар қуйидагилардир:

- * факультатив қайта суғурта қилиш;
- * облигаторли қайта суғурта қилиш;
- * факультатив-облигаторли қайта суғурта қилиш;

Юқорида қайд қилинган қайта суғурта қилиш шартномаларидан энг оммавийси ва узок йиллардан бери қўлланиб келинаётгани - бу факультатив қайта суғурта қилиш шартномаларидир. Мазкур шартноманинг ижобий томони шундаки, бунда рискни қайта суғуртаға берувчи – суғурта компанияси ҳам ва қайта суғурталовчи компания ҳам қанча миқдордаги рискни ўзига олиб қолиш ёки қабул қилиб олиш масалаларини мустақил ҳал қиладилар. Аксинча, облигаторли қайта суғурта қилиш шартномалари буйича суғурта компанияси қабул қилиб олинган ҳар бир рискнинг тегишли қисмини қайта суғурта компаниясига бериши шарт.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Қайта суғурта қилишнинг моҳиятини тушунтиринг?
2. Қайта суғурталаш жараёнида қайси субъектлар иштирок этади?
3. «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунда қайта суғурталаш ҳақида нима дейилган?
4. Қайта суғурталаш шартномасида нималар кўрсатилади?
5. Қайта суғурталаш жараёнида воситачилар иштирок этиши мумкинми?
6. Цедент тушунчаси нимани англатади?
7. Суғурта компанияларининг молиявий барқарор фаолият кўрсатишида қайта суғуртанинг ролини тушунтириб беринг?
8. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда қайта суғуртанинг ҳолати қандай?
9. Ретроцессия тушунчасининг маъносини тушунтириб беринг?
10. Факультатив қайта суғурталаш билан облигаторли қайта суғурталашнинг фарқи нимада?

17-мавзу: Шахсий суғуртанинг мазмуни ва турлари

1. Шахсий суғуртанинг моҳияти ва ривожланиш тарихи.
2. Шахсий суғуртанинг турлари.
3. Фуқароларни бахтсиз ҳодисадан суғурта қилиш.

Шахсий суғуртанинг моҳияти ва ривожланиш тарихи. | Шахсий суғурта – бахтсиз ҳодисалар ёхуд табиий ҳодисалар рўй бериши оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига шикаст етказилиши билан боғлиқ уларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоялашга қаратилган суғуртанинг мустақил тармоғи. Шахсий суғурта фуқаролар бошига кулфат тушганда уларни моддий жихатдан қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу маънода, шахсий суғурта ижтимоий ҳимоянинг ҳаётий тажрибада синалган ишончли шаклидир.

Шахсий суғуртанинг, хусусан унинг ажралмас бўғини бўлган фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғуртасининг жорий этилиши бир неча асрлик тарихга эга. 1541 йилда Европада мавжуд бўлган денгиз ҳуқуқи қоидаларига кўра, кема эгалари шу кема капитанларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталашлари шарт бўлган.

Шахсий суғуртанинг баъзи белгилари қадимги римликларга ҳам маълум бўлган. Ўша пайтда Диана ва Антони мухлисларининг диний жамияти бўлган. Унга аъзо бўлиб кирган шахслар аъзолик бадалини тўлашган. Жамият аъзоларидан вафот этганда уни кўмиш билан боғлиқ харажатлар жамият ҳисобидан амалга оширилган ва ҳатто, пул маблағларининг муайян қисми вафот этган шахснинг меросхўрларига берилган.

1699 йил Англияда шахсий суғурта билан шуғулланадиган дастлабки суғурта ташкилоти барпо этилган ва у аввало бева аёллар ҳамда етим болаларни суғуртасини амалга оширган. Бу жамиятнинг номи “Экватебл” деб аталган. XVIII асрда эса Германияда суяк синиши ҳолатларидан ҳимоялаш бўйича ўзаро ёрдам уюшмалари ташкил этилган. 1849 йили Англияда темир йўлларда бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича дастлабки «Railway Death Rascengers Company» номли суғурта компанияси тузилди.

Шахсий суғурта бўйича суғурталанувчи сифатида ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Шахсий суғурта – бу инсон ҳаётига, унинг меҳнат қобилияти ва

саломатлигига таҳдид соладиган турли хавф-хатарлардан ҳимояланишнинг муҳим шакли.

Ҳозирги пайтда шахсий суғурта суғурта фаолиятининг йирик тармоғи сифатида жаҳон амалиётида кенг қўлланилади. Ривожланган хорижий давлатларда шахсий суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари бошқа суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотларига нисбатан юқори салмоққа эга. Масалан, АҚШда жами йиғилган суғурта мукофотлари ҳажмида шахсий суғуртанинг ҳиссаси 50,0 фоиздан юқоридир.

Ўтган асрнинг бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида Россия суғурта ташкилотларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатган ва улар аҳолига шахсий суғурта хизматларини кўрсатишган.

1917 йилдан 1990 йилгача мамлакатимизда шахсий суғурталаш ишлари давлат суғурта органлари (Госстрах) томонидан амалга оширилган. Ана шу даврда суғурта шартлари, қоидалари ва тарифлари марказда-Москвада ишлаб чиқилар ва аксарият ҳолларда маҳаллий шарт-шароитлар ва хусусиятлар ҳисобга олинмас эди.

1991 йилда Ўзбекистоннинг ўз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини қўлга киритиши ҳаётимизнинг барча жабҳалари қаторида суғурта соҳасини ҳам бозор муносабатлари тамойилларига мос равишда ривожланиши учун шароит яратди. Тўғри, мустақилликнинг дастлабки йилларида иқтисодиётда рўй берган кескин ўзгаришлар қисқа муддат бўлсада пулнинг қадрсизланишига, пировардида, аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишига олиб келди. Шубҳасиз, бу ҳолат шахсий суғуртанинг аҳоли ўртасидаги оммавийлигига путур етказди. Натижада, бу суғурта турлари бўйича суғурта шартномалари сони ва суғурта мукофотлари миқдори камайди. Масалан, 1993 йилда шахсий суғуртанинг алоҳида тури бўлган ҳаёт суғуртаси бўйича жами 1770356 донга шартнома тузилган ҳолда бу кўрсаткич 1994 йилда 406864 донга камайган.

Бундай салбий вазиятни олдини олиш ва аҳолининг шахсий суғуртага бўлган ишончини тиклаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг омонотлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида” 1995 йилнинг 20 декабрида ПФ № 1327-сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонга мувофиқ, 1996 йилдан бошлаб аҳолининг 1992 йил 1 январгача бўлган ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган Давлат суғурта бош бошқармаси муассасаларида турган ҳаётни, болаларни

суғурта қилиш, никоҳ қунида бериладиган узоқ муддатли суғурта шартномалари тўловларини босқичма-босқич индексация қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Давлат суғурта муасасалари томонидан 1996 йилнинг 1 январидан 1 июлигача бўлган муддатда фуқароларнинг 400,0 мингдан зиёд шартномалари индексация қилинди.

Ўзбекистон Республикасида шахсий суғуртани амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари Фуқаролик кодексининг 921-моддасида акс эттирилган. Унга кўра, шахсий суғурта шартномаси бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақт-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади. Шунингдек, кодексда шахсий суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс суғурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади, деб кўрсатилган.

Шахсий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

- суғурталанган шахс тўғрисида;
- суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;
- суғурта пули миқдори тўғрисида;
- суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;
- шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Тарафларнинг келишувига биноан шартномага бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Агар суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф оловчи ҳисобланган фуқаронинг аҳволини қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларни ўз ичига олса, шартноманинг ана шу шартлари ўрнига қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари қўлланилади.

Шахсий суғуртанинг турлари. | Суғурталанувчининг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қobiliяти билан боғлиқ мулкӣ манфаатлари шахсий суғуртанинг объекти ҳисобланади. Суғурталовчи ва суғурталанувчилар ҳамда

суғурталанган шахслар шахсий суғурта субъектларидир.

Шахсий суғурта, одатда, фуқароларни қуйидаги хавф-хатарлардан ҳимояланишини назарда тутади:

- суғурталанувчининг ёки суғурталанган шахснинг вафот этиши;
- меҳнат қобилиятини вақтинчалик йўқотиши;
- нафақа ёшига етиши билан фуқаронинг фаол меҳнат фаолиятини тугаши.

Юқорида қайд этилган ҳамма ҳолатларда суғурта ҳодисасини рўй бериши суғурталанувчининг ёки суғурталанган шахснинг даромадини камайишига сабаб бўлади.

Илмий-иқтисодий адабиётларда шахсий суғурта турлича таснифланади. Мутахассислар ўртасида кенг тарқалган фикрларга кўра, шахсий суғурта 2 та кичик тармоққа бўлинади:

- ҳаёт суғуртаси;
- соғлиқни суғурталаш;

Соғлиқни суғурталаш, ўз навбатида, 2 та гуруҳга бўлинади:

- бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;
- тиббий суғурта.

Шахсий суғуртани ҳаёт суғуртасига ва соғлиқни суғуртасига бўлинишига асосий сабаб суғурта суммаларини жамғарилиб борилишидир. Ҳаёт суғуртаси узоқ муддатли бўлиб, унда шартнома бўйича белгиланган суғурта суммаси ҳар йили жамғарилиб боради.

Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталашда суғурта суммалари жамғарилмайди, муддати 1 йилдан ошмайди.

2002 йилнинг 28 майидан эътиборан “Суғурта фаолияти тўғрисида” қонуннинг қабул қилиниши билан суғурта 2 та тармоққа бўлинди:

- ҳаёт суғуртаси;
- умумий суғурта.

Қонунга асосан суғурталовчиларнинг фаолияти суғуртанинг қайси тармоғига ихтисослашганлигига қараб алоҳида лицензияланадиган бўлди. Ҳаёт суғуртасини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган суғурталовчилар умумий суғурта турларини ўтказишга ҳақли эмас ёки аксинча.

Шахсий суғурта ихтиёрий ва мажбурий шаклларда амалга оширилади.

Ихтиёрий шахсий суғурта турларига қуйидагилар киради:

- ҳаёт суғуртаси;
- фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;

- фуқароларнинг соғлиғини ва касалликлардан суғурталаш;
- фуқарони маълум ёшгача етишиш суғуртаси;
- вафот этиш ҳолатидан узоқ муддатли суғурта;
- тиббий суғурта;
- чет элга кетувчиларни касалликлардан суғурта;
- мактаб ўқувчиларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш.

Мажбурий тарзда амалга ошириладиган шахсий суғурта турларига қуйидагилар кириди:

- йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан мажбурий суғурталаш;
- солиқ органлари ходимларини бахтсиз ҳодисалардан мажбурий давлат суғуртаси;
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларини бахтсиз ҳодисалардан мажбурий давлат суғуртаси.

Мажбурий давлат суғуртасини 2003 йил 1 январдан бошлаб “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ўтказиб келмоқда. Ушбу суғурта турлари бўйича суғурта тарифи бир суғурталанувчига бир йилга энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида белгиланган. 2005 йил 1 февраль ҳолатига бу сумма 1306 сўмни ташкил этади (2004 йил 1 августдан энг кам иш ҳақи 6530,0 сўм миқдорида белгиланган). Суғурта мукофотлари суғурталанувчи учун республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари, асосан, қуйидаги суғурта турларини амалга оширишади:

- бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;
- ихтиёрий тиббий суғурта ва касал бўлиш ҳолатидан суғурта;
- чет элга кетаётган шахсларни суғуртаси;
- ҳаёт суғуртаси.

Юқорида қайд этилган суғурта турлари ичида бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш кенг тарқалган бўлиб, улар “Ўзбекинвест” ЭИМСК, “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниялари, “Мадад” суғурта агентлиги каби бир қатор суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

2006 йил 1 январь ҳолатига мамлакатимизда 25 та суғурта ташкилоти фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксарияти бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, 9 таси ихтиёрий тиббий суғурта ва касал бўлиш ҳолатидан

суғурталаш, 9 таси чет элга чикувчиларни суғуртаси ва фақат 2 таси ҳаёт суғуртаси бўйича тегишли лицензияларга эга.

2003 йил якунлари бўйича шахсий суғурта бўйича келиб тушган жами суғурта мукофотлари 1627,2 млн.сўмни ташкил этган ва бу ўтган йил кўрсаткичларидан 25,4 млн.сўмга кўпдир. 2003 йилда шахсий суғурта турлари бўйича жами 380,1 млн.сўм миқдорида суғурта қопламалари тўланган. Бу кўрсаткич 2002 йилда 316,7 млн.сўмга тенг бўлган. 2003 йилда шахсий суғурта турлари бўйича жами 2592992 дона суғурта шартномалари тузилган бўлиб, у 2002 йилга нисбатан 695103 донага камдир.

Шуниси диққатга сазоворки, 2003 йилда Ўзбекистон бўйича тўпланган жами суғурта мукофотлари 27062,6 млн.сўмни ташкил этган бўлиб, уларнинг 1627,2 млн.сўми ёки атиги 6,0 фоизи шахсий суғурта ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткич шахсий суғурта ҳали миллий суғурта бозорида ўз ўрнини тўлиқ топмаганлигини ва келгусида уни ривожлантириш бўйича катта имкониятлар борлигини кўрсатади. Агар бу ҳолатни компаниялар мисолида кўрадиган бўлсак, вазият турлича эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, “Ўзбекинвест” суғурта компаниясида 2003 йил якунлари бўйича шахсий суғурта турларидан 229,5 млн.сўм суғурта мукофотлари келиб тушган ва у компания бўйича йиғилган жами суғурта мукофотларининг атиги 1,8 фоизини ташкил этган. “Кафолат” суғурта компаниясида бу кўрсаткич - 18,7 фоизга тенг бўлган.

Шахсий суғуртанинг ихтиёрий турлари бўйича тариф ставкалари суғурта ташкилоти томонидан бозордаги талаб ва таклиф, мижознинг ёшини ҳисобга олган ҳолда актуар ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилади. Шахсий суғуртанинг мажбурий турлари бўйича тариф ставкалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳукумат томонидан белгиланади.

Суғурта бозорида мижозларни жалб этиш бўйича рақобат бўлганлиги туфайли ихтиёрий шахсий суғурта турлари бўйича тариф ставкалари турличадир. Масалан, “Ўзбекинвест” компаниясида 20-25 ёшлардаги шахсларни 100,0 минг сўмга суғурталаш учун тариф ставкаси ана шу суғурта суммасига нисбатан 1,125 фоизни, ёши 55-60 да бўлган фуқаролар учун эса тариф ставкаси 1,575 фоизни ташкил этади. “Ўзагросуғурта” суғурта компаниясида мактаб ўқувчиларини бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш бўйича тариф ставкаси суғурта суммасига нисбатан 0,2 фоиз миқдорида белгиланган.

“Кафолат” суғурта компаниясида талабаларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғуртаси бўйича тариф ставкаси суғурта суммасига нисбатан

0,5 фоизни ташкил этади.

Фуқароларни ҳодисалардан суғурта қилиш.	бахтсиз	Шахсий суғурта турлари таркибида фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш алоҳида ўринга эга. Шу боис, биз ушбу суғурта тури билан яқиндан танишамиз. Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш бўйича шартнома қонунга кўра юридик ва жисмоний шахсларни ёзма аризаси асосида тузилади. Шартнома тузишдан олдин суғурта ташкилоти ўз мижозларига суғурта хизматини таклиф этади. Юридик ва жисмоний шахслар суғурта шартномаси тузишдан олдин албатта суғурталовчининг молиявий ҳолати, лицензияси мавжудлиги билан қизиқиши лозим.
--	----------------	--

Суғурта шартномаси тузишдан олдин суғурта ташкилоти вакили суғурталаётган шахсларни фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш қоидалар билан таништириши лозим. Мазкур суғурта тури бўйича фуқароларни бахтсиз ҳодиса рўй бериш натижасида соғлиғи ва ҳаётини сақлаш билан боғлиқ манфаат суғурта объекти ҳисобланади. Суғурталовчи, одатда, асаб ва рухий касалликка дучор бўлган, фалаж, кўзи ожиз шахслар, эшитиш қобилияти заиф бўлган ва ногирон шахслар билан суғурта шартномасини тузмайди.

Суғурталанган шахснинг ҳаётига ва соғлиғига қуйидаги бахтсиз ҳодисаларни рўй бериши натижасида шикаст етганда ва тасдиқланганда суғурта суммалари берилиши мумкин:

- жароҳат олганда;
- суякларни синиши, чиқиши;
- ички органларни зарарланиши;
- куйиши;
- тери қатламларини совуқ уриши;
- элект токи таъсирида жароҳатланиши;
- кимёвий моддалар ва зарарли ўсимлик таъсирида зарарланиши;
- тиш синиши.

Бундан ташқари юқорида қайд этилган ҳолатлар натижасида ўлим ҳолати юз берганда ҳам суғурта суммаси тўланади.

Қуйидаги ҳодисаларни рўй бериши оқибатида суғурталанган шахснинг ҳаёти ва соғлиғига шикаст етказилса ёхуд ўлимга олиб келса суғурта суммаси тўланмайди:

- ядро портлаши;

- радиация ва нурланиш;
- суғурталанган шахснинг атайин ҳатти-ҳаракати натижасида бахтсиз ҳодисалар юз берганда, ўз жонига қасд қилганда ва жиноий ҳаракатлар натижасида рўй бериши.

Суғурта мукофоти суғурта ташкилотининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушгандан сўнг у шартномада кўрсатилган муддат ичида фуқароларга суғурта полисини бериши шарт. Агар суғурта полиси йўқотилган тақдирда суғурта ташкилоти суғурталаган шахсга унинг дубликатини беради.

Суғурталанувчиларнинг ҳуқуқлари:

- суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталанган шахс суғурта ташкилотидан суғурта масалалари бўйича маслаҳатлар олиши;
- суғурта полиси йўқотилганда унинг дубликатини олиш.

Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталашда суғурталанган шахслар яна қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин:

- суғурта суммасини олишда низолар пайдо бўлганда мустақил экспертни жалб этиш;
- суғурталанувчи билан келишилган ҳолда амалдаги суғурта шартномасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;
- суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасини муддатдан олдин бекор қилиш.

Суғурталанувчи мажбуриятлари:

- суғурта шартномасида кўрсатилган муддат ва шартларда суғурта мукофотларини тўлаш;
- суғурталанган шахсларга суғурта шартномаси шартлари тўғрисида маълумотлар бериш.

Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

- суғурта ҳодисалари суғурталовчи томонидан тан олинмаганда суғурта суммаларини тўламаслик;
- суғурта шартномасида кўрсатилган муддатда суғурта мукофоти тўланмаса суғурта шартномасини бекор қилиш.

Суғурталовчининг мажбуриятлари:

- фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш қоидалари ва суғурта шартномаси шартлари билан суғурталанувчини таништириш;
- суғурта шартномасида кўрсатилган муддатда суғурта полисини бериш;
- суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта суммасини тўлаш;

- суғурта суммасини тўлашдан воз кечилганда, у ҳолда 10 кун муддатда суғурталанувчига ёзма равишда хабар бериш.

Суғурта ҳодисаси рўй берганда бу ҳақида суғурталанган шахслар қисқа муддатда суғурталовчига хабар бериши лозим. Бахтсиз ҳодиса рўй берганда суғурталанган шахслар суғурталовчига куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

- суғурта полиси;

- даволаш профилактика муассасидан бахтсиз ҳодиса натижасида суғурталанган шахснинг даволанганлигини тасдиқловчи маълумотнома.

Зарурият бўлганда суғурталовчи суғурта суммасини тўлаш масаласини ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни сўрашга ҳам ҳақли.

Бахтсиз ҳодисалар рўй бериш натижасида ўлим ҳодисаси рўй берганда куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- суғурта полиси;

- ФХДЁ бўлимидан ўлим ҳолати рўй бергани тўғрисида маълумотнома;

- меросхурлик ҳукуқини тасдиқловчи ҳужжат;

агар ўлим ҳодисаси йўл-транспорти натижасида рўй берган бўлса, йўл ҳаракати хавфсизлиги органидан олинган маълумотнома

- шахсни тасдиқловчи ҳужжат.

Суғурталовчи зарурият бўлганда юқоридаги ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатларни сўрашга ҳам ҳақли.

Суғурталовчи томонидан суғурта суммасини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинганда суғурта суммаси шартномада кўрсатилган муддат ичида тўлаб берилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Шахсий суғуртанинг моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Шахсий суғуртани тарихий ривожланишини сўзлаб беринг?
3. Шахсий суғуртанинг қандай мажбурий турлари мавжуд?
4. Шахсий суғурта қандай гуруҳларга бўлинади?
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида шахсий суғурта хусусида нималар дейилган?
6. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда мажбурий давлат суғурта турларини қайси суғурта компанияси амалга оширади?
7. Ихтиёрий тиббий суғуртанинг аҳамиятини тушунтириб беринг?

8. Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталашнинг зарурияти нимада?

9. Қандай фуқароларга нисбатан бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича шартнома тузилмайди?

10. Ўзбекистонда шахсий суғуртани амалга ошириш юзасидан қандай муаммолар мавжуд?

18-мавзу: Юридик шахслар мол-мулкани суғурта қилиш

1. Умумий суғурта тармоғининг мол-мулкларни суғурталашга оид класслари.

2. Юридик шахслар мол-мулкани суғуртасида иштирок этаётган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3. Суғурта ҳодисаси юз берганда томонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш.

Умумий суғурта тармоғининг мол-мулкларни суғурталашга оид класслари. | Юридик шахсларнинг мол-мулкани суғурталаш

Суғурта ташкилотлари томонидан “Суғурта фаолияти классификатори”га мувофиқ, умумий суғурта тармоғининг 8-класси - “Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш”да қайд этилган шартларда, яъни ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқнинг чўкиши, емирилиш, ер ости сувлари, сел, яшин уриши, зилзила, ядро энергияси таъсири натижасида мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари асосида амалга оширилади. Шунингдек, мазкур классификаторнинг 9-класси ҳам мол-мулкларни суғурта қилишга оид бўлиб, у “Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш” деб аталади. 9-класснинг мазмуни 8-классда кўрсатилмаган дўл, қалин қор ёғиши ёки қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш ва бошқа воқеалар натижасида мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жамидан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юридик шахсларнинг мол-мулкани суғурта қилиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 8 ва 9-класслар бўйича лицензия олган барча суғурта ташкилотлари ҳақлидир.

Юридик шахсларнинг мол-мулкани суғурта қилиш суғурталовчилар билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Суғурта шартномаси - томонларнинг аниқ юридик ва молиявий муносабатларини белгилаб берувчи хужжатдир. Шартномада франшиза қўлланилиши мумкин. Франшиза-юридик шахслар кўрган зарарнинг муайян қисми бўлиб, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта ташкилоти ана шу қисм доирасида жавобгар бўлмайди ва у тўланиши керак бўлган суғурта қопламасидан чегириб ташланади.

Суғурталовчи юридик шахсларга тегишли мол-мулкларни ёнғин, зилзила, тошқин, сув босиши, кўчки, бўрон, ер чўкиши, ички санитария техникаси тизимлари бузилиши натижасида тўлиқ ёки қисман нобуд бўлганда суғурта қопламасини, суғурталанувчи бўлган юридик шахслар эса суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаш ва шартноманинг бошқа шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Мана шу қайд этилган ҳолатлар суғурта ташкилоти ва юридик шахслар ўртасида мол-мулкни суғурталаш бўйича тузилган шартноманинг предметини ташкил этади.

Суғурталовчининг мажбуриятлари суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушган пайтдан эътиборан кучга киради. Сўнг суғурта полиси суғурталанувчига шартномада кўрсатилган муддат ичида берилади.

Юридик шахслар мол-мулкни суғуртасида иштирок этаётган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.	Юридик шахсларнинг ҳамда суғурталовчи ўртасида тузилган суғурта шартномасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилади.
---	---

Суғурталанувчи бўлган юридик шахсларнинг мажбуриятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Суғурта объектини кўздан кечириш учун имконият яратиб бериш;
- Суғурта мукофотларини ўз вақтида тўлаш;
- Шартнома тузилаётганда суғурталовчига суғурта таваккалчилигини баҳолаш учун аҳамият касб этувчи ўзига маълум барча ҳолатлар ҳақида, шунингдек мазкур суғурта объекти бўйича тузилган ёки тузилажак ҳамма суғурта шартномалари тўғрисида маълумот бериш;

- Суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталанган мулкка зарар етказилишининг олдини олиш ва зарарни камайтириш учун зарур чораларни кўриш ва суғурталовчига суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақида суғурта шартномасида кўрсатилган муддатларда хабар бериш.

Юридик шахслар суғурталанган мулкни кўздан кечириш учун суғурталовчига тақдим қилиши ёки мулкнинг барча зарарланган

қисмларининг фотосурати ёки видео суратини олдириши ва тиклаш ишлари бошлангунга қадар ўзи қиладиган ишларни суғурталовчи билан келишиб олиши керак.

Юридик шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин:

- бутун мулкни ва айрим объектларни томонларнинг қўшимча келишуви ёки янги суғурта шартномаси шартлари асосида қўшимча суғурталаш;

- суғурта ҳодисаси содир бўлганда мустақил экспертиза ўтказилишини талаб қилиш;

- суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчидан суғурта масалалари борасида маслаҳатлар олиш;

- суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.

Юридик шахслар олдида суғурта шартномасига мувофиқ суғурта ташкилоти қуйидаги мажбуриятларга эга бўлади:

- шартномада белгиланган муддатларда суғурта полисини бериш ва шартнома тузишда асосланилган суғурталаш қоидалари билан таништириш;

- суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисалари юз берганда суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақидаги далолатнома асосида суғурта қопламаси тўлаш;

- суғурталанувчи билан бўладиган муносабатларда махфийликни таъминлаш.

Шу билан бир қаторда суғурта ташкилотининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- агар суғурта ҳодисаси:

- а) суғурталовчининг суғурта ҳодисасини келтириб чиқариш учун атайлаб қилган ҳатти-ҳаракатлари натижасида юз берган бўлса;

- б) суғурталанувчи таваккалчиликдаги жиддий ўзгаришлар ҳақида суғурталовчини бохабар қилган бўлмаса;

- в) суғурталанувчи суғурта ҳодисаси тўғрисида суғурталовчига хабар бермаган ёки етказилган зарар тафсилотлари, тури ва миқдорини аниқлашда суғурталовчи ёхуд унинг вакили иштирок этишига тўсқинлик қилган бўлса;

- г) суғурталанувчи зарарни аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса, суғурта товони тўлашни рад этиш;

- суғурта шартномасининг муддати мобайнида суғурталанган мулкнинг аҳволи ва қийматини, шунингдек суғурталанувчи ўз мулки ҳақида маълум қилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш;

- суғурталанувчидан суғурта ҳодисаси ҳақида хабар келишини кутиб ўтирмасдан, суғурта ҳодисаси етказган зарарни кўздан кечириш ва баҳолашга киришиш;

- суғурта ҳодисаси юз бериш хавфининг даражасини ифодаловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиб олиш.

Суғурталанувчи бўлган юридик шахслар суғурта мукофотини шартномада кўрсатилган муддатда тўламаганда шартнома юридик кучини йўқотиши мумкин.

Агар суғурталанган мулкнинг йўқолиши ёки зарарланишига қуйидагилар сабаб бўлса суғурта ташкилоти суғурта жавобгарлигидан озод этилиши мумкин:

- а) суғурталанувчининг мажбуриятлари кучга киргунга қадар мулкда мавжуд бўлган ҳамда суғурталанувчи ёки унинг вакилларига маълум бўлган камчилик ва нуқсонлар;

- б) суғурталанган мулкдан фойдаланиш қоидаларининг суғурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан бузилиши натижасида зарар етказилиши;

- в) суғурталанувчининг ёки унинг шартнома бўйича суғурталанган мулк ишониб топширилиши мумкин бўлган ходимларидан, вакилларида ёки бошқа шахслардан бирининг эҳтиётсизлиги, виждонсизлиги, носамимийлиги, шунингдек мулкка мулкдорлик ёхуд эгалик ҳуқуқининг қаллоблик йўли билан бошқа шахсга ўтказилиши;

- г) доимий таъсир кўрсатувчи фойдаланиш омиллари (эскириш, занглаб чириш) ва об-ҳаво омиллари таъсирида ёхуд суғурталанган нарсалардан фойдаланмаслик оқибатида аста-секин зарарланиш;

- д) суғурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши;

- е) енгил алангаланадиган модда ва материалларни сақлаш ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши;

- з) суғурталанувчи зарарланган нарсаларни ёки уларнинг қолдиқларини суғурталовчига кўрсатишдан бош тортган тақдирда, бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлган нарсалар бундан мустаснодир;

- и) уруш ёки уруш ҳаракатлари (уруш эълон қилингани-қилинмаганидан қатъи назар), ғалаён, инқилоб, кўзғолон, исён, фитна, иш ташлаш, ноқонуний йўл билан ҳокимиятни қўлга олиш, суиқасд, қўпоровчилик ҳаракати, амалда ёки қонуний мавжуд бўлган ҳукуматнинг ёки бирор ҳокимият органининг фармойиши билан мусодара қилиш, реквизиция, бузиш ёки зарарлантириш, ядро реакцияси, ядро нурланиши ёхуд

радиоактив зарарланиш.

Ички санитария техникаси тизимлари бузилганда қуйидаги:

а) агар фалокат суғурталанувчининг эҳтиётсизлиги ёки ношуд ҳатти-ҳаракатлари туфайли юз берган;

б) башарти фалокат учинчи шахсларнинг атайлаб қилган ёки атайлаб қилмаган ҳатти-ҳаракатлари оқибатида юз берган ҳолларда суғурта ташкилоти етказилган зарар учун жавоб бермайди.

Суғурта ҳодисаси юз берганда томонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш.	Суғурта қопламаси суғурта- ланувчининг зарарни қоплаш тўғрисидаги ёзма аризаси,
--	---

шунингдек, ваколатли органлардан олинган тегишли ҳужжатлар асосида тўланади. Бундай ҳужжатларнинг тақдим этилмаслиги суғурталовчига ушбу ҳужжатлар билан тасдиқланмаган зарар учун товон тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.

Суғурталанувчи суғурта ҳодисаси содир бўлгани ҳақида ариза бергач, комиссия тузилиб, унинг таркибига суғурталанувчининг, суғурталовчининг, зарур ҳолларда эса ваколатли ташкилотларнинг ҳам вакиллари киритилади.

Комиссия муайян муҳлат ичида зарарланиш сабаблари ва миқдорини аниқлайди. Комиссия суғурта ҳодисасини эътироф этган тақдирда йўқотиш ва зарарлар миқдори, шунингдек тўланиши лозим бўлган суғурта қопламасининг миқдори аниқланади. Томонлар буни далолатномада қайд этадилар.

Мазкур далолатнома суғурталанувчига суғурталовчи томонидан сутурта товони тўланиши учун асос бўлади.

Зарар сабаблари ва миқдори хусусида томонлар ўртасида низолар пайдо бўлган ҳолларда мустақил экспертиза ўтказилиши мумкин.

Суғурталанувчи зарарни қоплаш ҳақидаги аризасида қуйидагиларни кўрсатиши шарт:

- суғурта ҳодисаси юз берган сана ва унинг тавсифи;
- суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурталанувчи қилган ишлар;
- зарар миқдори ва суғурталанувчи даъво қилаётган суғурта товонининг миқдори. Бунда тегишли рўйхат ва сумма кўрсатилиши керак;
- зарарни қоплаш учун учинчи шахслардан олинган товон миқдори.

Мабодо зарар тўлиқ қопланган бўлса ёки суд қарорига кўра зарар айбдор шахс томонидан қопланадиган бўлса суғурталанувчи суғурта товони олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Қуйидаги ҳолларда суғурта товони тўланмайди:

-агар суғурталанувчи зарар етказилишига олиб келувчи ҳатти-ҳаракатларни атайлаб ёки қўпол эҳтиётсизлиги туфайли содир этган ёки уларга йўл қўйган бўлса;

-башарти зарар келиб чиқишига олиб келган ҳолатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан текширилаётган бўлса, текширув тамом бўлгунга қадар.

Мабодо суғурталанувчи ёки наф олувчи шахс зарар учун айбдор ёки учинчи шахслардан товон олган бўлса, суғурталовчи суғурта шартларига кўра тўланиши лозим бўлган пул билан айбдор ёхуд учинчи шахслардан олинган пул ўртасидаги фарқнинг ўзини тўлайди.

Шартнома имзолагандан сўнг таваккалчилик даражасида рўй берган ва суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини оширадиган барча ўзгаришлар суғурталовчига суғурта шартларини ўзгартириш ҳамда қўшимча суғурта мукофоти тўланиши талаб қилиш ҳуқуқини беради. Суғурталанувчи қўшимча суғурта мукофотини тўлашдан бош тортган тақдирда мазкур шартнома юридик кучини йўқотади, тўланган суғурта мукофоти эса қайтариб берилмайди.

Шартномада келишилган зарарларни қоплаш учун суғурталовчи томонидан амалга оширилган ҳар бир тўлов мажбуриятлар чегарасини ана шу тўлов микдорида, аммо агар масъулият чегарасини қайта тиклаш учун қўшимча суғурта мукофоти тўланмаса, далолатномада қайд этилган зарар микдоридан кўп бўлмаган ҳажмда камайтиради.

Шартнома томонлар унда курсатилган мажбуриятларини бажармай қўйгунларига қадар кучда бўлади.

Томонлардан бирининг камида 30 кун олдин бериладиган ёзма аризасига биноан шартнома исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

Агар суғурталанувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилишини маълум қилса, суғурта мукофоти унга қайтарилмайди.

Суғурта шартномаси бекор қилинишини суғурталовчи талаб этган тақдирда:

а) суғурталанувчига суғурта мукофоти муддати тамом бўлмаган даврга мутаносиб микдорда қайтарилади, бунда ўтган даврда қилинган харажатлар суғурта мукофотидан ушлаб қолинади;

б) башарти суғурта шартномаси бекор қилинишининг талаб этилишига ушбу шартномада келишилган шартларнинг суғурталанувчи томонидан бузилиши сабаб бўлса, фақат суғурта мукофоти муддати тамом бўлмаган даврга мутаносиб микдорда қайтарилади.

Суғурта товони тўлаш ҳақида далолатнома тузилгандан кейин суғурталанувчининг зарар етказилиши учун жавобгар шахсларга нисбатан бўлган ҳуқуқлари тўланган пул микдорида суғурталовчига ўтади. Бунда суғурталанувчи айбдор шахслардан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни суғурталовчига бериши шарт.

Суғурталанувчи зарар етказган шахсга бўлган даъвосидан ёки унга нисбатан бўлган талабларнинг амалга оширилишини таъминловчи ҳуқуқларидан воз кечганда, шунингдек регресс талабни қўйиш учун зарур бўладиган ҳужжатларни суғурталовчига беришдан бош тортганда суғурталовчи суғурта товони тўлашдан озод бўлади.

Шартномага киритиладиган ҳамма қўшимча ва ўзгартиришлар, шунингдек пролонгация, бекор қилиш ёки тўхтатиш томонларнинг розилиги билан ўзаро хабар берилган ҳолда ёзма равишда амалга оширилмоғи даркор.

Суғурта шартномасидан келиб чиқувчи барча низо ва келишмовчиликлар томонларнинг музокара олиб бориши йўли билан ҳал этилади, келишувга эришиб бўлмаган тақдирда эса тегишли муддат ичида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қараб чиқиш учун хўжалик судига оширилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Юридик шахслар мол-мулкни суғуртасида суғурта объекти бўлиб нима хизмат қилади?
2. Юридик шахслар мол-мулкни суғурталаш бўйича шартнома нима асосида тузилади?
3. Юридик шахсларнинг мол-мулки қандай ҳодисаларнинг рўй бериши натижасида етказилган зарардан суғурта қилинади?
4. Мол-мулкларни суғурта қилиш суғурта фаолияти классификаторининг қайси классларида кўрсатилган?
5. Юридик шахслар мол-мулкни суғуртаси бўйича тузилган суғурта шартномасига мувофиқ суғурталанувчи қандай ҳуқуқларга эга?
6. Юридик шахслар мол-мулкни суғуртаси бўйича тузилган шартнома қайси ҳолатларда бекор этилиши мумкин?
7. Юридик шахслар мол-мулкни суғуртасида суғуртачининг суғурта қопламасини тўлаш бўйича мажбурияти қачон бошланади?
8. Суғурта ҳодисаси рўй берганда корхона қандай чора-тадбирларни амалга оширади?

9. Суғурта қопламаси юридик шахсга қайси ҳужжатлар асосида тўланади?

10. Юридик шахслар мол-мулкини суғуртасини ривожлантириш муаммолари ҳақида сўзлаб беринг?

19- мавзу: Автотранспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғуртаси

1. Автотранспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурталашнинг зарурлиги ва аҳамияти.

2. Автотранспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурташнинг асосий шартлари ва суғурта тарифи.

3. Хорижий автотранспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғуртаси.

**Автотранспорт воситалари эгаларининг
учинчи шахслар олдидаги фуқаролик
жавобгарлигини суғурталашнинг
зарурлиги ва аҳамияти.**

Бозор муносабатлари
шароитида юридик ва
жисмоний шахсларнинг
учинчи шахслар манфаатига

Зарар етказиш хавфи кучаяди. Бу хавфнинг рўй бериши натижасида етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарар етказган шахсларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш мамлакатимизда ўз ривожини топмоқда. Ана шундай жавобгарликни суғурта қилишнинг кенг тарқалган турларидан бири – транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахсларга зарар етказиш фуқаролик жавобгарлигини суғурталашдир.

Маълумки транспорт юқори хавфни келтириб чиқарувчи манбалардан бири ҳисобланади.

Траспорт ҳайдовчиси транспорт воситасини бошқариш жараёнида учинчи шахсларнинг муайян манфаатларига, соғлиғига зарар етказиши мумкин.

Йўл транспорт ҳодисаси натижасида зарар кўрган шахслар, кўп ҳолатларда айбдорлардан зарарни ундириб ололмайдилар. Ғайри қонуний ҳаракат туфайли юридик ёки жисмоний шахсларнинг соғлиғи, ҳаёти ёки мол-мулкига етказилган айбдор шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Қонун ҳужжатларида зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга юклатилиши мумкин. Зарар етказган шахс агар зарар ўз айби билан етказилмаганлигини исботласа зарарни тўлашдан озод этилиши

мумкин.

Бугунги кунда аҳоли турмуш даражасининг доимо ошиб бориши транспорт воситаларининг янада такомиллашиши жаҳонда автомобиллар сонининг мунтазам ўсишига олиб келаяпти. Ўзбекистон Республикасида 1,5 млн.дан ортиқ автотранспорт воситалари бўлиб 2005 йилга келиб уларнинг сони айрим ҳисоб-китобларга кўра 3 млн.га етиши кутилмоқда. Шубҳасиз бу “UZDEWOO АВТО” автомобиль заводи томонидан ва яқин ҳамда узок ҳориж мамлакатларидан ҳалқаро стандартларга мос келадиган автомобилларнинг келиши ҳисобга эришилади.

Афсуски транспорт воситалари сонининг кўпайиши салбий оқибатларга олиб келади. Яъни, йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар кўпайиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги йўл ҳаракат хавфсизлиги бошқармасининг маълумотларига қараганда биргина 2000 йилларнинг 9 ойи мобайнида 1981 та йўл транспорт ҳодисаси рўй берган бўлиб унда 150 киши ҳалок бўлган¹.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмлар эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси тўғрисида” 1994 йил 30 декабрда қабул қилган 632-сонли қарорига (бу қарорга Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган) мувофиқ, 1995 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчиликнинг барча шаклларидаги транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртасига жалб қилинадилар.

Ушбу фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртасини жорий этилганлиги йўл-транспорт иштирокчилари манфаатларини ҳимоя этишга ва улрани ижтимоий муҳофаза этишга қаратилгандир.

**Автотранспорт воситалари
эгаларининг учинчи шахслар
олдидаги фуқаролик жавобгарлигини
суғурташнинг асосий шартлари ва
суғурта тарифи.**

Қуйидаги жадвалда транспорт
воситалари эгаларининг
фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш
бўйича транспорт воситаси

¹ “Халқ сўзи”, 2000 йил 12 ноябрь.

бирлигидан бир йилда бир марта ундириладиган суғурта суммаси ҳажмидан суғурта мукофотлари тарифлари миқдорлари келтирилган (1-жадвал).

Юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарни ундириш учун суғурта суммаларининг чекланган миқдорлари:

мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун (ҳар бир зарар етказилиши ҳолати бўйича) - Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида;

ўлимга олиб келган зарарни қоплаш учун (ҳар бир жабрланган бўйича) - энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорида.

2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб, Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақи миқдори 9400 сўм миқдорида белгиланган. Демак, юридик ёки жисмоний шахсларнинг мол-мулкига суғурталанувчи томонидан зарар етказилганда суғурталовчи 188000 сўмгача суғурта қопламаси тўлаб беради. Айни пайтда фуқаронинг ўлимига олиб келган зарарни қоплаш учун 282000 сўм миқдорида суғурта қопламаси берилади. Ҳозирги пайтда “Автофуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси” бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Биз ушбу қонун лойиҳасида кўрсатилган жавобгарлик ҳажмини янада ошириш мақсадга мувофиқдир.

Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг анча қисми жавобгарликни суғурталаш бўйича шартномага эга эмас. Бунини шу билан изоҳлаш мумкинки, кўпгина автотранспорт ҳайдовчиларимиз суғуртани иккинчи даражали кераксиз бир восита сифатида тушунишади. Хатто йўл автотранспорт ҳодисалари рўй берганда суғурта ташкилотларига мурожат қилишни ҳам унутишади.

Вазиятнинг бундай салбий ҳолатда эканлигини шу билан тушунтириш мумкинки, ҳанузгача бизда “Автофуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси тўғрисида” Қонун қабул қилинмаган. Биз ушбу қонунни қисқа муддатларда қабул қилишни таклиф этамиз.

Автотранспорт ҳайдовчиларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ихтиёрий тартибда ҳам ўтказилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу суғурта турини амалга ошириш бир томондан транспорт ҳайдовчиси учун иккинчи томондан эса йўл транспорт ҳодисаси натижасида зарар кўрган жабрланувчи учун ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки транспорт ҳайдовчисида жабрланувчига моддий ёрдам кўрсатиш учун маблағ бўлмаслиги мумкин. Агар у учинчи шахсларга зарар келтириш жавобгарлигини суғурталаш бўйича шартномага эга бўлса суғурта

қопламаса суғурта ташкилоти томонидан қопланади.

1-жадвал

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича транспорт воситаси бирлигидан бир йилда бир марта ундириладиган суғурта суммаси ҳажмидан суғурта тарифлари ставкалари¹

(фоизларда)

Транспорт воситалари	Суғурта суммаларининг қабул қилинган ҳажмидан суғурта мукофотлари тарифлари (қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдори)	
	Юридик шахслар	Жисмоний шахслар
Енгил автомобиллар, автобуслар	1,5	1
Юк автомобиллари	2	1,5
Троллейбуслар, трамвайлар	1	-
Тракторлар, комбайнлар ва бошқа ўзи юрар машина ва механизмлар	1	1
Махсус енгил автомобиллар ва микроавтобуслар	1	1
Мототранспорт	0,5	0,5

Автотранспорт ҳайдовчиларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бунда суғурта ташкилоти ва суғурталовчидан ташқари учинчи шахс ҳам иштирок этади.

Аммо фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси бўйича шартнома суғурталовчи ва суғурталанувчи (транспорт воситаси ҳайдовчиси) ўртасида тузилади. Учинчи шахс эса шартномада иштирок этмайди, аммо шарнома унинг фойдасига тузилади.

Тажриба шуни кўрсатадики автотранспорт ҳайдовчиларига нисбатан суд орқали белгиланган жабрланувчига тўланиши лозим бўлган зарар миқдори ҳайдовчининг бир йиллик иш ҳақининг ярмидан кўпини ташкил этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ва бошқа ўзинюрар машина ҳамда механизмлар эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси тўғрисида” 1994 йил 30 декабрда қабул қилган 632-сонли қарори (мазкур қарорга Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарори билан кўшиимча ва ўзгартиришлар киритилган).

**Хорижий автотранспорт
воситалари эгаларининг
учинчи шахслар олдидаги
фуқаролик жавобгарлигини
суғуртаси.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг “Хорижий авто-
транспорт воситаларининг Ўзбекистон
Республикаси божхона ҳудудида
бўлишининг қўшимча шартлари

тўғрисида” 2000 йил 12 январь 11-сонли қарорига биноан, Қозоғистон Республикаси ва Туркменистоннинг транспорт воситалари, бошқа ўзиюрар машина ва механизмларининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига кириб келишига тегишли лицензияга эга бўлган суғурта ташкилотларининг ҳайдовчиларнинг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик мажбурияти суғурталанганлиги тўғрисидаги полиси мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади. Давлат божхона кўмитаси Ўзбекистон Республикасининг суғурта ташкилотлари билан биргаликда божхона постларида транспорт воситалари, бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлиги суғуртасини амалга оширади. Бу жавобгарлик суғурта турини жорий этишга асосий сабаб шуки, чегарадош мамлакатлар томонидан бир томонлама тусда қўйидаги чоратадбирлар жорий қилинган: Қозоғистон Республикасида - ташувчининг йўловчи олдидаги фуқаролик, ҳуқуқий жавобгарлиги учун турли автотранспорт воситаларидан суғурта йиғимлари қўлланилаётганлиги; Туркменистонда - Туркменистон ҳудудига кириб келаётган автотранспорт воситалари эгаларидан Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган йиғимларга тенг бўлмаган йиғимлар белгиланган.

Шуни эътиборга олган ҳолда 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб, Қозоғистон ва Туркменистон Республикаларидан кириб келадиган транспорт воситалари учун автофуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси жорий этилди. Қўйида ана чегарадош мамлакатлар ҳудудидан кириб келган транспорт воситалари ҳайдовчилардан ундириладиган суғурта мукофотлари миқдори келтирилган (2-жадвал).

Суғурта суммаси миқдори Қозоғистон Республикаси автотранспорти учун:

- мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун - 400 АҚШ доллари;
- ўлим ҳолатига олиб келган зарарни қоплаш учун - 600 АҚШ доллари.

2-жадвал

**Транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги
фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномалари
бўйича бир ойгача муддатга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига
кирадиган битта автотранспорт воситасидан ундириладиган суғурта
тариф ставкалари¹**

(фоизларда)

т/р	Транспорт турлари	Суғурта жавобгарлиги миқдоридан суғурта тариф ставкалари (фоизларда)	
		1000 АҚШ доллари (Қозоғистон)	3000 АҚШ доллари (Туркменистон)
1.	Юк автомобиллари	1,0	2,5
2.	Автобуслар	0,8	2,0
3.	Енгил автомобиллар	0,5	1,5
4.	Тракторлар, комбайнлар ва бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмлар	0,4	1,0
5.	Мототранспорт	0,2	0,7

Туркменистон автотранспорти учун:

-мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун - 1000 АҚШ доллари;
-ўлим ҳолатига олиб келган зарарни қоплаш учун - 2000 АҚШ
долларида белгиланган.

Суғурта мукофотлари божхона органлари томонидан бевосита божхона постларида эркин алмаштириладиган валютада ундирилади, маблағлар кейинчалик шартнома асосида суғурта ташкилотларининг ҳисоб рақамларига ўтказилади. Суғурта мукофоти тўлангандан сўнг хорижий транспорт воситаси ҳайдовчиларига суғурта полиси берилади.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига кириб келаётган хорижий транспорт воситалари ҳайдовчиларининг учинчи шахслар (жисмоний ва юридик шахслар)нинг соғлиғига ва мол-мулкига етказилган зарар учун фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилиш объекти ҳисобланади. Бундай тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тожикистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг учинчи шахслар олдида Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жавобгарлиги тўғрисида” 2000 йил 18 февралдаги 59-сон қарорига (мазкур қарорга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.11.2002 й. 413-сон қарорига мувофиқ

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида бўлишининг қўшимча шартлари тўғрисида” 2000 йил 12 январь 11-сонли қарори.

ўзгартиришлар киритилган) мувофиқ, Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари учун ҳам жорий этилган (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

**Транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги
фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномалари бўйича
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига 1 ойгача муддатга кириб келаётган
бир автотранспорт воситасидан ундириладиган суғурта тариф
ставкалари¹**

т/р	Транспорт турлари	Суғурта жавобгарлиги ҳажмига нисбатан суғурта тариф ставкалари (фоизларда) 3000 АҚШ доллари (Тожикистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси)
1.	Юк автомобиллари	2,5
2.	Автобуслар	2,0
3.	Микроавтобуслар	1,8
4.	Енгил автомобиллар	1,5
5.	Тракторлар, комбайнлар ва бошқа ўзинорар машиналар ва механизмлар	1,0
6.	Мототранспорт	0,7

Транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига 1 ойгача муддатга кириб келаётган бир автотранспорт воситасидан ундириладиган суғурта тариф ставкалари юқоридаги жадвалда ўз аксини топган.

Тожикистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси автотранспорти учун суғурта суммалари миқдорлари:

- 1000 АҚШ доллари мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун;
- 2000 АҚШ доллари ўлимга олиб келган зарарни қоплаш учун.

Ҳорижий транспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан учинчи шахсга етказилган зарарнинг суғурталовчи томонидан тўланишини назарда тутувчи воқеа ёки тасодиф суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

Уларга қуйидагилар киради.

- Фуқароларнинг соғлигига, ҳаётига зарар етказилиши;
- транспорт воситасининг, шунингдек мол-мулкнинг шикастланиши, нобуд бўлиши.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тожикистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг учинчи шахслар олдида Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жавобгарлиги тўғрисида” 2000 йил 18 февралдаги 59-сон қарори (Мазкур қарорга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.11.2002 й. 413-сон қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

Зарар миқдориға шикастланган транспорт воситасини энг яқин жойдаги техник хизмат кўрсатиш станциясигача етказиш ва уни тузатиш харажатлари ҳам киритилади.

Суғурта қопламаси, агар йўл-транспорт ҳодисаси ёки бахтсиз воқеа оқибатида:

- жабрланувчи майиб бўлса ёки унинг соғлигига бошқа шикаст етказилса;
- жабрланувчи вафот этса;
- учинчи шахсларнинг мол-мулки нобуд бўлса, йўқ қилинса ёки шикастланса суғурталовчи томонидан тўланади.¹

Транспорт воситасининг ҳаракатланиши натижасида етказилган зарарларга, шунингдек:

- транспорт воситасига йўловчилар чиқариш ёки тушириш пайтида;
- транспорт воситаси йўлда тўхтаб турган ёки тузатилаётган вақтда келиб чиққан зарарлар ҳам киритилади.

Суғурталовчи:

- айбдор шахснинг транспорт воситасида бўлган юкка;
- йўл-транспорт ҳодисаси натижасида атроф-муҳитга;
- ёнғин келиб чиқиши туфайли ўрмонларга, дарахтзорларга ва боғларга етказилган зарар учун;
- нақд пул, қимматли қоғозлар, ҳар қандай турдаги ҳужжатлар, шунингдек, филателистик, нумизматик ва бошқа коллекциялар ва бойликлар йўқолганлиги учун жавоб бермайди.

Агар жабрланувчи томонидан қасддан жиноят содир этилган бўлса, суғурта товони тўланмайди. Зарар миқдори суд орқали аниқланади.

Шахсга етказилган зарар учун суғурта суммаси жабрланувчига, унга бошқа суғурта шартномалари бўйича тўланадиган суммалардан қатъий назар, тўланади.

Жабрланувчининг соғлигига етказилган зарар учун товон миқдори даволаш-профилактика муассасасининг тегишли ҳужжатида кўрсатиб ўтилган зарар даражасига қараб ёки вафот этганлик тўғрисидаги далолатнома асосида белгиланади.

Саломатликка етказилган зарар учун товон суғурта суммасига мутаносиб равишда, бироқ унинг жами миқдорининг 60 фоизидан (вафот этган тақдирда) кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

¹ Келтирилган жумлалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида бўлишининг қўшимча шартлари тўғрисида” 2000 йил 12 январь 11-сонли қароридан олинган.

Учинчи шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилганлиги ёки нобуд бўлганлиги учун суғурта қопламаси суғурта суммасига мутаносиб равишда, бироқ унинг жами миқдорининг 40 фоизидан (мол-мулк тўлиқ нобуд бўлган тақдирда) кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

Мол-мулкка етказилган зарар учун ёки жабрланувчиларнинг соғлигига зиён етказганлик учун суғурта тўлови ҳар бир аниқ, суғурта ҳодисаси бўйича бир вақтда тўланади.

Суғурта қопламасини суғурталовчи барча зарур ҳужжатлар олингандан сўнг 72 соат мобайнида тўлайди. Суғурта қопламасини тўлаш суғурталовчининг айби билан кечиктирилса, у ҳар бир кечиккан кун учун ҳисоблаб чиқилган суғурта товони суммасининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

Йўл-транспорт ҳодисаси (бахтсиз ҳодиса) рўй берган тақдирда суғурталанувчи:

- йўл-транспорт ҳодисаси (бахтсиз ҳодиса) юз берган жойда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли чоралар кўришга, воқеа оқибатларини енгилаштириш, шунингдек, мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш чораларини кўришга;

- имкони борича зарарнинг кўпайишини бартараф этишга;

- жабр кўрган шахсларга фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномасини тузган суғурталовчи тўғрисида зарур маълумотлар беришга;

- воқеа рўй берган жойдаги суғурталовчини дарҳол хабардор қилишга ёки воқеа рўй бергандан кейинги иш кунидан кечиктирмай суғурталовчига зарур ахборот ва тушунтириш хати тақдим этишга мажбурдир.

Транспорт воситаси эгаси, ҳайдовчи ёки даъво қилувчи шахс суғурта ташкилотига йўл-транспорт ҳодисаси (бахтсиз ҳодиса)га тааллуқли мавжуд далилларни тақдим этиши ҳамда суғурталовчининг юз берган воқеа тафсилотларини ва етказилган зарар миқдорини аниқланишини таъминлаши, шунингдек, суғурталовчи томонидан йўл-транспорт ҳодисаси (бахтсиз ҳодиса) айбдорларига қарши даъволарни текширишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Йўл-транспорт ҳодисаси (бахтсиз ҳодиса) тўғрисида хабар олингандан сўнг суғурталовчи зарар миқдорини, ҳодисанинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш мақсадида ҳаракат қилади ҳамда суғурта далолатномасини ва манфаатдор шахслар иштирокида белгиланган намунадаги ҳисоб-китоб сметасини тузади.

Суғурталовчи транспорт воситаси эгасини ва даъво қилувчи шахсни

тўланадиган зарар миқдорини аниқлаш учун қандай ҳужжатлар тақдим этиш зарурлиги ҳақида хабардор қилади.

Жабрланувчи ёки унинг топшириғига кўра ваколатли шахс транспорт воситаси томонидан етказилган зарар тўғрисида суғурталовчини хабардор қилади.

Агар зарар номаълум транспорт воситаси томонидан етказилган бўлса, у ҳолда жабрланувчи милицияга ёки ДАНга, суғурталовчига дарҳол хабар бериши ва зарар номаълум транспорт воситаси томонидан етказилганлиги тўғрисида тергов органларининг хулосасини олиши шарт.

Жабрланувчи томонидан ушбу шартлар бажарилмаган тақдирда суғурталовчи воқеанинг муҳим ҳолатлари аниқланмай қолганлиги учун товлон тўлашга мажбур эмас.

Қуйидаги ҳайдовчи:

- учинчи шахсга зарар етказилишини қасддан юзага келтирган;
- транспорт воситасини алкоғолли ичимлик ичиш ёки гиёҳванд модда истеъмол қилиш натижасида маст ҳолатда бошқарган ва бу билан суғурта воқеасини юзага келтирган;
- транспорт воситасини бошқаришга рухсатномаси бўлмаган;
- транспорт воситасидан унинг эгасининг раъйига қарши фойдаланган ва ушбу транспорт воситаси билан зарар етказган ҳайдовчи тўланган суғурта қопламасини суғурталовчига қайтаришга мажбурдир.

Агар суғурталанувчи суғурталовчига зарар етказилганлиги тўғрисида хабар бермаса ёки ўз вақтида хабар бермаса, у ҳолда суғурталовчи бундай хабар бермаслик ёки ўз вақтида хабар бермаслик оқибатида келиб чиққан қўшимча харажатлар ва суд чиқимларини қоплаш юзасидан суғурталанган шахсга нисбатан даъво қўзғатиши мумкин.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурий тарзда ўтказиладими ёки ихтиёрий?
2. Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш қимларни ҳимоя этишга қаратилган?
3. Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурий суғурта қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қачон жорий этилган?
4. Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини

суғурта қилишда тариф ставкалари нимага асосланган ҳолда тадбиқ этилади?

5. Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаларига кўра фуқаро саломатлигига шикаст етказилганда суғурта суммаси қанча миқдорни ташкил этади?

6. Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаларига кўра юридик ёки жисмоний шахслар мол-мулкига зарар етказилганда қанча миқдорда суғурта суммаси тўланади?

7. Автотранспорт воситаси эгаларига суғурта полиси қачон тақдим этилади?

8. Хорижий автотраспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш нима сабабдан жорий этилган?

9. Хорижий автотраспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича суғурта тариф ставкалари қандай ҳисобланади?

10. Хорижий автотраспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишда тўланадиган суғурта суммалари миқдори Қозоғистон Республикаси учун қанча миқдорда белгиланган?

11. Хорижий автотраспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишда фуқароларга саломатлигига етказилган зарар жами суғурта суммасининг (Қозоғистон Республикаси учун) неча фоизини ташкил этади?

20-мавзу: Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш

1. Касбий жавобгарликни суғуртаси ҳақида тушунча.

2. Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш бўйича шартнома тузиш.

3. Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғуртаси бўйича суғурта тарифини аниқлаш ва суғурта даъволарини кўриб чиқиши.

Касбий суғуртаси ҳақида тушунча.	жавобгарликни		Касбий жавобгарликни суғурталаш суғуртачининг суғурта объектига келтирилган зарарни тўлиқ ёки қисман қоплаш миқдорида суғурта тўловлари бўйича мажбуриятларни кўзда тутувчи суғурта турларини ифода
---	----------------------	--	--

этади.

Бунда жисмоний шахснинг мулкӣй манфаатлари суғурта объекти ҳисобланади. Ушбу объектни суғурта қилиш тўғрисида фуқаролик қонунчилиги томонидан белгиланган тартибда жисмоний шахснинг учинчи шахс томонидан суғурталанган касбий фаолиятни амалга ошириш муносабати билан етказилган зарарни қоплаш мажбуриятлари билан боғлиқ суғурта шартномаси тузилади. Касбий фаолиятга талаблар ва уни амалга ошириш тартиби тегишли қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатлар томонидан белгиланади.

Касбий жавобгарликни суғурталаш касбий фаолиятни амалга оширишда учинчи шахсга зарар етказиши мумкин бўлган турли шахслар тоифаларининг мулкӣй манфаатларини суғурта қилиш турларини бирлаштиради. Кўпинча шифокорлар, нотариуслар, баҳоловчилар, экспертлар, қўриқчилар, адвокатлар ва бошқаларнинг касбий жавобгарлиги суғурта қилинади.

Касбий жавобгарликни суғурталашда бошқа суғурта турларидан фарқли улароқ суғурта ҳолатининг бошланиши ташқи омилларга (табиий офатлар ва кесин ўзгаришлар, учинчи шахс ҳаракатлари ва ҳоказолар) эмас, балки муайян касбий фаолиятни амалга оширадиган шахс малакасига боғлиқ. Суғуртачи суғурта шартномаси тузганидан сўнг касбий фаолият билан шуғулланувчи шахс эҳтиёткорлик билан иш тутиши ва касбий кўникмаларни намоён этиши лозим.

Кўпчилик ҳолатларда суғурта ҳолатининг бошланиши суднинг мутахассиснинг миждозга моддий зарар етказганлиги ва унинг миқдори учун мулкӣй жавобгарлигини белгиловчи қарори қонуний кучга киргандан кейин тан олинади. Бундан ташқари, суғуртачининг учинчи шахсга эътирозларни судгача ҳал этишда етказган зарари учун жавобгарлигининг белгиланиши ҳам фақат суғуртачи томонидан етказилган зарар аниқ исботланганда суғурта ҳолати сифатида тан олиниши мумкин. Бунда суғурта шартномасида суғуртачи жавобгарлигининг пайдо бўлиши асосли эканлигини тан олиш ва зарарни қоплаш миқдорини аниқлаш суғуртачи ёки ваколатли вакили иштирокида амалга оширилиши келишиб олинади.

Касбий жавобгарликни суғурталашнинг ҳар бир тури маълум бир касбнинг ўзига хос хусусиятлари билан асосланган ўз хусусиятларига эга. Ҳар бир маълум касбнинг ўзига хос хусусиятлари касбий жавобгарликни суғурталаш шартномасини тузишда ҳисобга олинади. Бу борада суғуртачининг ўз касбий мажбуриятларини бажаришга виждонан, мулоҳаза

билан ва асосли ёндошуви касбий жавобгарликни суғурталашда умумий принцип саналади. Акс ҳолда суғуртачи суғурта қилиш шартномаси бўйича ўз жавобгарлигидан озод этилиши мумкин.

Хорижий амалиётда касбий жавобгарликни суғурталашнинг айрим турлари мажбурий асосда амалга оширилади, яъни юридик ёки жисмоний шахслар (масалан, шифокорлар, риэлтерлар, баҳоловчилар, нотариуслар ва бошқалар) касбий жавобгарликни суғурталаш полисисиз маълум бир касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас.

Бу борада суғурталанувчи - касбий фаолиятни амалга оширадиган юридик ёки жисмоний шахс, суғуртачи - суғурта фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган ҳамда корхонанинг касбий жавобгарликни суғурталаш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга юридик шахс суғурта ҳуқуқий муносабат субъекти ҳисобланади. Ушбу суғурта субъектлари суғурта мажбуриятларининг асосий томонлари, яъни суғурта шартномаси томонларидир. Бундан ташқари, жабр кўрган шахс (суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган) ҳам касбий жавобгарликни суғурталаш субъектлари сирасига киради. Одатда, жабр кўрган шахс, агарда суғурта шартномасида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, етказилган зарар миқдорида суғурта тўлови олишга ҳаққи бор.

Касбий жавобгарликни суғурталаш шартномасини тузишда жабр кўрганлар (фойда олувчилар) суғурталанувчига ҳам суғуртачига маълум қилинмайди. Ушбу ҳолатда суғурта шартномасида бу шартнома кимнинг фойдасига тузилганлиги айтилмаган ёки у суғурта қилувчи ёхуд бошқа шахс фойдасига тузилган бўлсада, суғурта тўлови олиш ҳуқуқига фойда олувчи фақатгина суғурта қилувчи унинг олдида жавобгар бўлган шахсина (ёки унинг меросхўри) ҳисобланади.

Касбий жавобгарликни суғурталаш шартномаси шартларида суғуртачининг суғурталанувчи ёки унинг ходими ваколатига нисбатан кафолатлари кўзда тутилмаган.

Суғуртачи учинчи шахсга суғурталанувчи томонидан қонуний ва меъёрий ҳужжатлар бузилиши, суғурталанувчининг атайин ҳаракатлари натижасида зарар етказилса суғурталанувчи мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланмайди. Суғурталанувчининг ҳаракатларидаги ниятни исботлаш суғуртачи зиммасига юклатилади. Суғурталанувчининг нияти суднинг қонуний кучга кирган қарори, ҳукми билан аниқланади. Агарда суғурталанувчига нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, суғурта

мукофоти тўғрисидаги масала суд қарори ва ҳукмигача тўхтатилади.

**Нотариусларнинг касбий
жавобгарлигини суғурталаш
бўйича шартнома тузиш.**

Ўзбекистон Республикасининг
“Нотариат тўғрисида”ги қонунининг
20-моддасига биноан шахсий амалиёт

билан шуғулланувчи нотариус ўз фаолияти суғурта қилиш шартномасини тузишга мажбур. Нотариус ўз мажбуриятларини суғурта шартномасини тузмасдан туриб бажариш ҳуқуқига эга эмас.

Нотариуснинг қонунчилик томонидан белгиланган тартибда учинчи шахсга нотариал фаолиятни амалга оширишда етказилган зарарни қоплашга доир мажбуриятлари билан мулк манфаатлари суғурта объектлари ҳисобланади.

Нотариусларнинг касбий жавобгарликни суғурталаш шартномаси шартларига мувофиқ суғурта қилувчи суғурталанувчи томонидан суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта мукофотини тўлаганидан кейин суғурталанувчига суғурта шартномасининг амал қилиниш даврида аҳамиятга эга бўлган нотариал ҳаракатларни қонунга ҳилоф равишда амалга оширишган (ёки керакли нотариал ҳаракатлари бажармаган) суғурта қилувчи ўз касбий мажбуриятларини тегишли тарзда бажармагани оқибатида юзага келган эътирозлар бўйича зарарни қоплаш мажбуриятларини қабул қилади.

Суғурта қилувчининг зарарни қоплаш мажбурияти нотариус мижозларига нотариус томонидан ўзининг касбий мажбуриятларини амалга оширишдаги эътиборсиз ҳаракатлари, хатолари ёки керакли нотариал ҳатти-ҳаракатларни бажарилмаслиги натижасида юзага келган зарар етказилган ҳолатларда пайдо бўлади. Суғуртачи одатда амалдаги қонунчиликка номувофиқ тарзда амалга оширилган нотариал ҳаракатлар ёки суғурталанувчининг ғаразли ниятида керакли нотариал ҳаракатларни бажармаслик натижасида етказилган зарарни қопламайди. Нотариуснинг ғараз нияти суднинг қонуний кучга кирган қарори ва ҳукми билан аниқланади. Бунда суғурталанувчининг ҳаракатларида ғараз ният борлигини исботлаш суғуртачи зиммасига юкланади.

Суғурта ҳолати суғурталанувчининг зарарни қоплаш мажбурияти белгиланган пайдан бошланади. Одатда суғурта ҳолати нотариусга учинчи шахсга у томонидан бажарилган ноқонуний нотариал ҳаракатлар, хатолар ёки керакли нотариал ҳаракатларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашни юклайдиган суд органининг қарори кучга киргач,

бошланган ҳисобланади. Суғурта шартномасида суғурта ҳолатини белгилаш ва миждознинг нотариусга зарарни қоплаш талаби билдирилган эътирози асосли бўлганда, уни суғурта йўли билан тўлаш мажбурияти кўзда тутилади. Суғурта ҳолатини аниқлаш суғурта шартномасида аниқ баён этилиши шарт.

Нотариуснинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномаси бўйича энг кам суғурта суммаси Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонунининг 20-моддасига мувофиқ бегиланган энг кам иш ҳақининг юз барабар миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Нотариуснинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномаси нотариуснинг ёзма аризаси асосида тузилади. Аризада одатда нотариус ҳақида суғурта хавфи даражасини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга маълумотлар, яъни касбий жавобгарлиги суғурта қилинаётган шахснинг исми шарифи, касби, касбий фаолияти бошланган сана, шахсий нотариал амалиёт билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш санаси ва рақами, почта манзили, телефон, факс, телекс кўрсатилади. Ариза бериш пайтида нотариус фаолияти суғурталангани, аввал тузилган суғурта шартномаси тўхталиши нимага боғлиқлиги, нотариуснинг касбий фаолиятига таалукли хатолар, эҳтиётсизлик ёки камчиликлар билан боғлиқ эътироз билдирилган маълумотлар кўрсатилади.

Нотариуснинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномаси нотариус касбий фаолиятини амалга оширишда ўз ҳаракатлари учун жавоб бергандагина, шахслар фойдасига тузилаган ҳисобланади. Суғурта шартномасини тузишда фойда олувчилар суғурталанувчи ёки суғуртачига маълум қилинмайди. Шундай бўлсада, суғурта шартномасида у кимнинг фойдасига тузилгани айтилмаган бўлса ёки шартнома нотариус ёхуд бошқа шахс фойдасига тузилган бўлса ҳам суғурта тўлови олиш ҳуқуқига эга фойда олувчи фақатгина нотариус унинг олдида жавобгар бўлган шахс бўлиши мумкин.

Суғурта шартномаси одатда бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилади. Суғурта шартномаси агарда шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, суғурталанувчи томонидан суғурта мукофотлари тўланганидан кейин кучга киради.

Суғурта шартномасининг амал қилиниши шартномада кўрсатилган муддатда ёки суғурталанувчи томонидан суғурта суммаси тўлиқ тўланган ёхуд суғурталанувчи томонидан суғурта манфаатини йўқотган ҳолатда тўхтатилади. Суғурталанувчининг суғурта манфаатдорлиги нотариус

ваколатини тўхтатганда йўқотилган саналади. Ушбу ҳолатда суғурталанувчи суғуртачига бу ҳақда ёзма билдиришнома ва суғурта манфаатдорлик йўқолганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади. Шартномани суғурталанувчининг суғурта манфаатдорлиги йўқотганлиги натижасида муддатида олдин тўхтатилиши суғуртачи суғурталанувчига суғурта мукофоти суғурта шартномасининг бекор қилинишининг ҳақиқий санасидан унда кўрсатилган амал қилиш санасигача қолган муддатга мутанносиб тарзда қайтаради.

Одатда суғурта шартномасида суғурталанувчининг қуйидаги мажбуриятлари кўзда тутилади: суғурта ҳолати сабаблари, унинг бориши ва оқибатларини аниқлаш учун барча имкони бор ва мақсадга мувофиқ чоратадбирларни қабул қилиш; суғуртачини унга суғурта ҳолати муносабати билан билдирилаётган барча эътироз ҳақида кечиктирмасдан (суғурта шартномасида келишилган муддатда) хабардор қилиш; суғуртачига суғурта ҳолати сабаблари, унинг бориши ва оқибатлари, етказилган зарар хусусиятлари ва миқдори ҳақида муҳокама қилиш имконини берадиган барча ахборотлар ҳамда ҳужжатларни тақдим этиш.

Суғурта шартномасига мувофиқ суғуртачи унга суғурталанувчи номидан зарарни ундириш тўғрисида талаб қайд этилган эътирозлар билдирилган ҳолатда музокаралар олиб бориши ва етказилган зарарни қоплаш ҳақида битим тузиш, суғурта ҳолати ҳолатлари ва сабабларини ёки суғурталанувчининг розилигини кутмасдан зарар миқдорини аниқлаш учун чоралар кўриш, шунингдек, суд ва бошқа ваколатли органларда суғурталанувчи номидан ҳамда топшириғи бўйича иш юритиш ҳуқуқига эга.

Агарда нотариус рози бўлмаса ёки бошқа тарзда қайд этилган ҳаракатларни амалга оширишга тўсқинлик қилса, суғуртачи суғурта тўловини тўлашдан бош тортиши мумкин.

Нотариуснинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномасида суғурта мукофотини тўлаш муддатлари аниқланади. Суғурта мукофотининг миқдори суғурта шартномасига мувофиқ белгиланади ва суғурта суммаси миқдorigа боғлиқ бўлади.

Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғуртаси бўйича суғурта тарифини аниқлаш ва суғурта даъволарини кўриб чиқиши.	Суғурта мукофоти тариф ставкаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва танланган суғурта суммасига боғлиқ бўлади. Суғурта
---	---

тарифлари статистика маълумотлари, суғурта бозори конъюктураси, таваккалчилик даражаси, суғурта қилиш муддати ва суғурта суммаси миқдори ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Бундан ташқари, суғурта мукофоти миқдори нотариус томонидан касбий ҳаракатларнинг амалга оширилиши ва амалга оширилаётган нотариал ҳаркатлар турлари муносабати билан эътирозларни қонунда белгиланган тартибда қондириш тўғрисида маълумотлар аниқлигига боғлиқ бўлади. Нотариус ижро хатларини амалга ошириш чоғида суғуртачи оширувчи коэффицентларни қўллаши мумкин.

Ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофоти суғурталанувчи томонидан бир йўла ёки қисман нақд ёхуд нақдсиз йўли орқали шартнома тузилган кундан бошлаб келишилган муддат ичида тўланиши мумкин. Суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган ҳолатда эса суғурта суммаси суғурта мукофотининг тўланган қисмига мутаносиб равишда камаяди.

Нотариусга эътирозлар у билан шартнома муносабатидан бўлган мижоз ва у билан шартнома муносабатида бўлмаган, бироқ етказилган зарар сабабли эътироз билдириш ҳуқуқига эга шахслар томонидан билдирилиши мумкин.

Суғурта ҳолати содир бўлган чоғда суғурталанувчи суғурта шартномасида белгиланган муддатда бу ҳақда суғуртачига ёзма равишда хабар беришга мажбур.

Суғурта ҳолати содир бўлган чоғда суғурталанувчи суғуртачига суғурта ҳолати содир бўлганини исботловчи барча керакли ҳужжатларни тақдим этади. Бунда суғурталанувчи суғуртачига суғурта ҳолати билан боғлиқ унга маълум бўлган ёки пайдо бўлган маълумотлар ва вазиятларни хабар қилиши шарт. Суғуртачи тақдим этилган ҳужжатлар ҳақиқийлигини текшириш ҳуқуқига эга.

Суғурта тўлови суғуртачи томонидан суғурта шартномасида белгиланган муддат давомида суғурталанувчидан содир бўлган суғурта ҳолати ҳақида барча керакли ҳужжатларни олганидан кейин тўланади. Суғурта тўлови миқдори суғурта полисида кўрсатилган суғурта суммасидан ошмаслиги керак. Суғуртачи агарда суғурталанувчи суғурта шартномаси шартларини тегишли равишда бажармаса, суғурта тўлови суммасини камайитириш ҳуқуқига эга. Суғурта тўлови миқдори зарар ва эътироз билдирувчи томонидан қилинган сарф-ҳаражатлар, шунингдек, нотариус томонидан суғуртачининг ёзма равишдаги розилиги билан қилинган сарф-ҳаражатлар миқдори суммаси каби аниқланади. Бироқ суғурта шартномаси

суғуртачининг ҳар бир суғурта ҳолати ва жабр кўрган киши томонидан билдирилган эътироз бўйича жавобгарлиги лимитини белгилаши мумкин. Агарда нотариусга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, суғурта тўловини тўлаш ҳақида масалани ҳал қилиш тўхтатилади.

Нотариуснинг бир йўла бир қанча мижозларининг зарарини қоплашда агарда унинг миқдори суғуртачи жавобгарлигининг умумий лимитидан ошса (суғурта суммасининг суғурта шартномаси бўйича миқдори), суғурта тўлови ҳар бир жабрланувчига етказилган зарар суммасига нисбатан суғуртачи жавобгарлигининг умумий лимитига мутаносиб равишда тўланади.

Шунингдек, суғурта шартномасида нотариус томонидан қопланиши лозим бўлган зарар миқдори - франшиза кўзда тутилиши мумкин. Ушбу ҳолатда компания нотариус томонидан франшиза миқдорида қопланиши лозим бўлган суммадан ошадиган зарарни қоплаш мажбуриятини қабул қилади.

Нотариус ҳаракатига билдирилган эътирозлар, шикоятлар, аризаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд ёки бошқа сарф-ҳаражатлар, агарда ушбу сарф-ҳаражатлар суғурталанувчи зиммасига юклатилган бўлса, суғуртачи томонидан суғуртачи жавобгарлиги лимити доирасида қопланади.

Суғурталанувчи суғурта шартномасига амал қилиш бекор қилинганидан кейин суғуртачи ундан суғурта шартномасига амал қилиш даврида суғурта ҳолати тўғрисида эътироз (билдириш) олган бўлсагина, суғурта суммасини олиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Пул маблағлари суғуртачининг ҳисобрақамидан суғурталанувчи ҳисобрақамига ўтказилган кун суғурта суммаси тўлаш куни ҳисобланади.

Суғуртачи қуйидаги ҳолларда суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга: агарда суғурталанувчи сохта маълумотлар тақдим этган ва улар асосида суғурта шартномаси тузилган бўлса; агарда зарар суғурталанувчи айби билан етказилган бўлса; агарда зарар суғуртачи ёки унинг мижозининг бевосита ғаразли нияти сабабли етказилган бўлса; агарда суғурталанувчи нотариал ҳаракатларни қонуний муддатлардан ташқари амалга оширган бўлса (лицензияни чақириб олиш, лицензиянинг амал қилиш муддати тугаши); агарда суғурталанувчи суғуртачининг суғурта шартномасида кўзда тутилган ҳаракатларни амалга оширишига рози бўлмаса ёки бошқача йўл билан тўсқинлик қилса; агарда суғурталанувчи суғуртачига суғурта ҳолати содир бўлгани тўғрисида ўз вақтида хабар бермаса.

Агарда суғурта тўлови тўланганидан кейин ушбу тўлов нотариус ёки бошқа манфаатдор шахслар томонидан ғаразли ҳаракатлар натижасида қалбаки йўллар билан олинганлиги аниқланса, тўланган маблағнинг ҳаммаси уни тўлаган суғуртачига қайтарилади. Суғуртачи ва суғурталанувчи ўртасида юзага келадиган барча тортишувлар музокаралар йўли билан, ўзаро келишувга эришилмаса, судда ҳал этилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурталашнинг зарурлигини тушунтириб беринг?
2. Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонунида нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш ҳақида нималар дейилган?
3. Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш бўйича шартномани тузишда суғурталовчи қандай ҳужжатларни талаб этиши мумкин?
4. Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш бўйича шартномаси қачон кучга кириди?
5. Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш бўйича шартномада қандай реквизитлар бўлиши талаб этилади?
6. Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурталашда суғурта суммаси қандай аниқланади?
7. Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш бўйича шартнома қайси ҳолатларда бекор этилиши мумкин?
8. Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномасига кўра суғурталовчи қандай ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин?
9. Суғурта ҳодисаси рўй бериши деганда нимани тушунаси?
10. Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш бўйича шартноманинг бошқа суғурта шартномалардан фарқи нимада?

21-мавзу: Аудиторнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш

1. Аудиторнинг касбий жавобгарлигини суғурталашнинг зарурлиги.
2. Аудиторнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш бўйича суғурта шартномасини тузилиши.

3. Аудиторнинг касбий жавобгарлигини суғуртаси бўйича суғурта тарифларини аниқлаш ва суғурта даъволарини кўриб чиқиши.

Аудиторнинг касбий жавобгарлигини суғурталашнинг зарурлиги. Республикамизнинг қатор суғурта компаниялари айти пайтда аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилишни амалга оширмоқда. Ушбу ҳолатда қуйидагилар суғурталанувчилар ҳисобланади: аудиторлар - белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга аудиторлик фирмалари.

Суғурталанувчининг миждо олдидоги аудиторлик текширувини ўтказиш учун улар ўртасида тузилган шартнома ва амалдоги қонунчиликдан келиб чиқадиган мулкый жавобгарлиги суғурта объекти ҳисобланади. Суғуртачи суғурта шартномасига мувофиқ суғурталанувчига амалдоги қонунчиликка мос келмайдиган аудиторлик ҳаракатларни амалга оширишда (ёки керакли аудиторлик ҳаракатларни амалга оширмаган) суғурталанувчининг ўз касбий мажбуриятларини тегишли равишда бажармаганлиги ёки ўз лавозим мажбуриятлари доирасида фаолият юритаётган суғурталанувчининг ёхуд у профессионал хизмат кўрсатиш учун хизматларидан фойдаланган бошқа шахсларнинг эҳтиётсизлиги, хатолари, камчиликлари туфайли билдирилган эътирозлар бўйича зарарни қоплаш мажбуриятини қабул қилади. Бундан ташқари суғуртачи томонидан суғурталанувчининг эътирозларни ҳал қилиш бўйича барча сарф-ҳаражатлари ҳам қопланиши мумкин.

Суғуртачининг зарарни қоплаш мажбуриятлари аудитор миждолари ёки бошқа учинчи шахсга аудитор томонидан ўз касбий мажбуриятларини амалга оширишда эътиборсиз ҳаракатлар, хатолар, камчиликлар, шунингдек, керакли аудиторлик ҳатти-ҳаракатларни бажармаслик натижасида зарар етказилган ҳолатларда пайдо бўлади. Суғуртачи одатда амалдоги қонунчиликка мос келмайдиган аудиторлик ҳаракатларни ёки керакли аудиторлик ҳаракатларни суғурталанувчининг ғаразли нияти борлигида бажармаслик натижасида етказилган зарарни қопламайди. Аудиторнинг ғаразли нияти суднинг қарори, ҳукми қонуний кучга киргач, аниқланади. Суғурталанувчининг ҳаракатларида ғаразли ниятлар борлигини исбот қилиш суғуртачи зиммасига юклатилади.

Одатда суғурта ҳолати ваколатли давлат органларининг сифатсиз ўтказилган аудит ёки суғурталанувчининг аудиторлик ҳисоботи ёки ҳулосасида акс эттирилган атайлаб йўл қўйилган хатолар оқибатида

суғурталанувчи билан аудиторлик тикширув ўтказиш учун шартнома тузган учинчи шахсга жарима ёхуд бошқа моддий санкциялар юклаш қарори, шунингдек, аудиторнинг зиммасига у томонидан амалга оширилган ноқонуний аудиторлик ҳаракатлар, хатолар, камчиликлар ёки керакли аудиторлик ҳаракатларни амалга оширилмагани сабабли учинчи шахсга етказилган зарарни қоплашни юклайдиган суд органи қарори кучга киргач, содир этилган ҳисобланади.

Бундан ташқари, суғурта ҳолати бажарилган ишлар (хизматлар) сифатсизлиги учун суғурталанувчининг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлиги суғурталанувчи томонидан суғуртачининг олдиндан розилиги билан ихтиёрий тан олинганда, содир этилган ҳисобланади.

Агарда суғурта шартномасида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, суғуртачи суғурта ҳолати форс-мажор вазиятлар, яъни қонунлар, қарорлар, идора ва ишлаб чиқариш қоидалари, йўриқномалар, бошқа меъёрий ҳужжатлар бузилганда, ишлаб чиқаришда иштирок этишга ваколати йўқ ёки инструктаж, қайта тайёрланиш вақтини ўтказиб юборган ходимларнинг, шунингдек, руҳий хасталиклар, тутқаноқ ва ишга лаёқатлигини чекловчи бошқа касалликларга дучор бўлган шахсларнинг ишлаб чиқаришда иштироки (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш), суғурталанувчи ёки унинг ваколатли вакилига маълум бўлган, бироқ суғуртачига маълум қилинмаган суғурта ҳолати таваккалчилигини оширувчи ҳолатлар оқибатида содир этилганда суғурта тўловини тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, суғурта шартномасида суғуртачини суғурта тўловидан озод этишнинг бошқа ҳолатлари ҳам кўзда тутилган бўлиши мумкин.

Одатда суғурта ҳолати томонидан учинчи шахсларнинг тадбиркорлик таваккалчилиги билан боғлиқ ва улар томонидан аудиторлик хулосаси ёки ҳисоботи асосида амалга оширилган хўжалик операциялари натижасида уларга етказилган зарар тан олинмайди. Суғурта шартномаси бўйича суғурта маблағи миқдори томонларнинг келишувига биноан суғурталанувчининг аудиторлик хизматлар кўрсатиш бўйича ялпи маблағ айланмасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Томонларнинг келишувига биноан суғурта шартномасида барча суғурта ҳолатлари ёки битта ҳолат бўйича тўловлар тўлашнинг энг кам суммаси белгиланиши мумкин. Суғуртачи тузилган суғурта шартномасига кўра шартномада кўрсатилган суғурта маблағи доирасида жавобгар ҳисобланади. Бир қанча суғурта ҳолатлари бўйича тўловларнинг умумий суммаси суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта суммасидан ошмаслиги керак.

Шартномада шартли ёки шартсиз франшиза (зарарнинг қопланмаган қисми) маблағини белгилаш масаласи келишиб олинishi мумкин. Агарда шартномада франшиза белгиланган бўлса, суғуртачи франшиза қийматидан ошмайдиган зарар учун жавобгарликдан озод этилади. Агарда зарар миқдори франшиза қийматидан ошса, уни тўлиқ қоплаши шарт (суғурта маблағи доирасида). Шартли франшизада суғуртачи франшизанинг белгиланган қийматидан ошмайдиган зарарни қоплашдан озод этилса, франшизадан ошадиган зарарни эса тўлиқ қоплайди.

Шартсиз франшизада зарар барча ҳолатларда белгиланган франшизадан ташқари тўлиқ қопланади.

**Аудиторнинг касбий жавобгарлигини
суғурталаш бўйича суғурта
шартномасини тузилиши.**

Суғурта шартномаси одатда суғурталанувчининг ёзма аризаси асосида тузилади.

Суғурта шартномасини тузишда суғурталанувчи суғуртачига талаб этилган суғурта суммасининг асослилигини тасдиқловчи ва суғурта таваккалчилиги даражасини аниқлаш имконини берувчи барча керакли ахборотни тақдим этиши шарт. Суғуртачи суғурта таваккалчилиги даражасини аниқлаш учун суғурталанувчи ва мижоз ўртасида тузилган аудиторлик текширувини ўтказиш шартнома нусхасини талаб қилиши мумкин.

Суғурта шартномаси аудиторлик текширувини ўтказишни бошлашдан олдин тузилади. Суғурта шартномаси ҳар бир аниқ аудиторлик текшируви учун тузилади. Суғурталанувчидан олинган маълумотлар асосида суғуртачи суғурта шартномасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ушбу шартнома томонларнинг ягона шартномани имзолаш ёки суғурталанувчига суғурта полисини бериш йўли билан тузилади.

Аудиторнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномаси шундай шахслар фойдасига тузиладик, бунда аудитор касбий фаолиятини амалга оширишда ўз ҳаракатлари учун улар олдида жавобгарликни зимасига олади. Суғурта шартномасини тузиш чоғида фойда олувчилар суғурталанувчига ҳам суғуртачига ҳам маълум қилинмайди. Шундай эсада, ушбу шартномада у кимнинг фойдасига тузилганлиги айтилмайди ёки шартнома аудитор ёхуд бошқа шахс фойдасига тузилган бўлса ҳам суғурта тўлови олиш ҳуқуқига эга фойда олувчи аудитор фақат унинг олдида жавобгар бўлган шахсина бўлиши мумкин.

Келишилган даврда ичида суғурта компанияси билан узлуксиз суғурта шартномаларини тузган суғурталанувчига суғурта шартномасини тузиш

учун бир ойлик имтиёзли давр берилиши мумкин. Имтиёзли даврда берилган янги полис (тўлов тўланган кунидан қатъи назар) янгиланган ҳисобланади ва олдинги полиснинг амал қилиш муддати тугаган пайтдан бошлаб кучга киради. Агарда имтиёзли давр ичида суғурта ҳолати юз берса ва янги суғурта шартномаси тузилмаган бўлса, тўлов охирги суғурта полиси бўйича амалга оширилади.

Томонлардан бирининг тузилган шартноманинг бирон-бир шартини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Суғурта шартномасига киритиладиган ўзгартишлар ёзма равишда тузиладиган қўшимча келишув билан расийлаштирилади.

Суғурта шартномаси унга амал қилиш муддати тугаганидан кейин бекор қилинади, яъни: суғуртачи томонидан шартнома бўйича суғурталанувчи олдидаги мажбуриятлар тўлиқ бажарилганда; суғурталанувчи томонидан шартномада белгиланган муддатда суғурта мукофотлар тўланмаганда; юридик шахс ҳисобланган суғуртачини тугатиш ёки жисмоний шахс ҳисобланган суғуртачининг вафот этганда; суғуртачи қонунчиликда белгиланган тартибда тугатилганда; суд томонидан суғурта шартномасини кучга эга эмаслигини тан олиш ҳақидаги қарор қабул қилинса; агарда суғурта ҳолатининг содир этилиш имконияти йўқолса ва суғурта таваккалчилиги тўхтатилса ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

Шу билан бирга суғурта шартномаси томонлар ташаббуси билан муддатидан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин. Суғурталанувчи суғурта шартномасини хоҳлаган пайтида бекор қилиш ҳуқуқига эга. Шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда суғуртачига тўланган суғурта мукофоти агарда шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, қайтарилмайди.

Суғуртачи талаби бўйича суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилишда у суғурталанувчига суғурта мукофотларини тўлиқ қайтаради: агарда суғуртачининг талаби суғурталанувчи томонидан суғурталаш қоидалари бажарилмагани билан боғлиқ бўлса, у суғурталанувчига шартноманинг тугаган муддати учун кетган сарф-харажатлардан ташқари суғурта мукофотларини қайтаради.

Суғурта шартномаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Суғурта шартномаси давомида суғуртачи қуйидаги ҳуқуқларга эга: суғурталанувчи бераётган маълумотни текшириш; шартномада ёки амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш; суғуртачига зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларни ўз ичига оловчи эътироз билдирилган ҳолатда суғурталанувчи номидан музокара олиб бориш, суғурта ҳолати аҳволи ва сабабларини аниқлаш учун чоралар кўриш, суғурталанувчининг розилигини кутмасдан зарар миқдорини аниқлаш; суғурта ҳолати бўйича суғурталанувчи номидан ва топшириғи билан суд ва ваколатли органларда иш юритиш.

Суғуртачи суғурталанувчини суғурта қилиш қоидалари билан таништириши, белгиланган муддатда суғурта полисини бериши, суғурта ҳолати содир этилганда суғурта тўловини белгиланган муддатда тўлаши, суғурталанувчи билан муносабатнинг сирлилигини таъминлаш, суғурта шартномасига амал қилиш даврида барча суғурта масалалари бўйича бепул маслаҳат бериши шарт.

Суғурталанувчи суғуртачидан суғурталанувчи томонидан суғурта қоидаларида келишилган керакли ҳатти-ҳаракатлар бажарилганидан сўнг суғурта полисини олиш, суғурта полисига амал қилиш даврида барча суғурта масалалари бўйича бепул маслаҳат олиш, суғурта ҳолати содир этилганда суғурта суммаларини олиш, суғурта шартлари ва қоидалари билан батафсил танишиш, суғуртачидан унинг тижорат сири ҳисобланган молиявий барқарорлиги тўғрисида маълумотни олиш, агарда суғуртачи суғурталанувчидан полисга амал қилиш муддати ичида эътироз олса, полисга амал қилиш муддати тугаганидан кейин суғурта тўловини олиш ҳуқуқига эга.

Суғурталанувчи суғурта шартномасини тузишдан олдин суғурта қилувчига ўзига маълум бўлган ва суғурта таваккалчилигини баҳолашда аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни (масалан, эътирозлар статистикаси, суғурта ҳолатлари, ходимларнинг малакасини ошириш ва ҳоказо) маълум қилиши, аудиторлик текширувини ўтказишнинг қоидалари ва меъёрлари бузилишига йўл қўймаслик бўйича унга боғлиқ бўлган чораларни кўриши, кечиктирмасдан суғурта шартномасида белгиланган муддатда дам олиш ва байрам кунларини истисно қилган ҳолда, унга суғурта ҳолати содир этилгани тўғрисида маълум бўлганини суғуртачига ёзма равишда хабар бериши, суғуртачига суғурта ҳолатининг сабаблари, оқибатларини, етказилган зарар хусусиятлари ва миқдорини муҳокама этиш имконини берадиган барча маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиши,

суғурталанувчига суғурта ҳолати муносабати билан қуйилган мулкый хусусиятга эга талабларни суғуртачининг ёзма розилигисиз тан олмаслиги, суғуртачи билан муносабатнинг сирлилигини таъминлаши, қайта тузиш ёки тугатиш ҳолатларида бу ҳақда суғуртачига тезлик билан хабар бериши шарт.

**Аудиторнинг касбий жавобгарлигини
суғуртаси бўйича суғурта
тарифларини аниқлаш ва суғурта
даъволарини кўриб чиқиши.**

Суғурта шартномаси бўйича
суғурта мукофоти миқдори
суғурта суммаси миқдоридан
келиб чиққан ҳолда

суғуртачининг тариф ставкаси бўйича ҳисобланади. Суғурта тарифлари статистика маълумотлари, суғурта бозори конъюктураси, таваккалчилик даражаси, суғурталанувчи фаолияти турини суғурта қилиш муддати, танланган таваккалчилик ва таваккалчилик даражасига таъсир қилувчи бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Суғурта мукофоти аудиторлик хизматларни амалга оширишга доир режалаштирилаётган айланма маблағ асосида белгиланади. Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати ёки шартномада белгиланган бошқа даврнинг тугаши билан одатда суғурта пули ва суғурта мукофоти миқдори суғурталанувчи фаолиятининг натижалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ҳисобланади.

Суғурта мукофотини тўлаш тартиби томонлар келишуви бўйича белгиланади: бир йўла ёки қисман суғуртачининг ҳисобрақамига нақд пулсиз ўтказиш йўли билан. Суғурта мукофоти суғурталанувчи томонидан суғурта шартномасида келишилган муддат ичида шартнома имзоланган кундан бошлаб тўланади. Суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган ҳолатда суғурта пули суғурта тўловининг тўланган қисмига мутаносиб равишда камаяди.

Шартномани бир йилдан кам муддатга тузилганда суғурта мукофоти йиллик суғурта мукофоти суммасидан фоиз ҳисобида ажратилади. Суғурта шартномасига тўлиқ бир ой амал қилинмаган ҳолатда ҳам суғурта мукофоти тўлиқ тўланади. Шартномани бир йилдан ошиқ муддатга тузишда суғурта тўлови имтиёзли тариф ставкалари бўйича ҳисобланади.

Суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган ҳолатда суғурта полисида суғурталанувчи томонидан ҳақиқатдан ҳам тўланган суғурта мукофоти ва унга тегишли суғурта пули кўрсатилади.

Суғурталанувчи суғуртачига ёзма равишда суғурта шартномасига амал қилиш муддати ичида таваккалчилик даражасидаги ўзгаришлар ҳақида

хабар қилиш шарт. Агарда таваккалчилик даражасининг ошиши суғурта мукофоти миқдорини ошириш заруратини юзага келтирганда суғуртачи суғурталанувчига қўшимча суғурта мукофоти учун ҳисоб билан бирга суғурта шартномасига киритилган тегишли қўшимчаларни ҳам жўнатади. Суғурталанувчи қўшимча суғурта мукофотини тўлаши ва мукофот учун ҳисобни ҳамда шартномага қўшимча матнини олган кундан бошлаб суғурта шартномасига келишилган муддат ичида қўшимчани имзолаши ёки суғурта шартномасини бузишни талаб қилиши мумкин.

Агарда суғурталанувчи кўрсатилган ҳатти-ҳаракатларни бажармаса, суғуртачи суғурта шартномасини бекор қилишни ва шартномани бекор қилиш орқали етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Суғурта шартномасини амал қилиш даври тугагандан кейин ва у бўйича суғурта ҳолати содир этилмаса суғурталанувчига шартнома бўйича тўланган суғурта мукофотининг бир қисми қайтарилади.

Суғурталовчининг жавобгарлиги унинг ҳисобрақамига суғурта мукофоти келиб тушган кундан бошланади, суғурта тўловини тўлаш бўйича суғуртачи жавобгарлигининг кучга кириши одатда суғурта полиси билан тасдиқланади. Суғурта полиси суғурталанувчига суғурта мукофотини суғуртачининг ҳисобрақамига суғурта шартномасида келишилган муддат ичида келиб тушган кундан бошлаб берилади.

Суғурта ҳолати содир этилганда ёки унинг бошланишига сабаб бўлувчи ҳолатларда, шунингдек, учинчи шахсдан эътирозлар келиб тушганда суғурталанувчи суғурта ҳолати сабаблари, унинг бориши ва оқибатларини аниқлаш учун керакли чораларни, зарарнинг олдини олиш ёки камайтириш, зарар етказилган шахслар ҳаёти ва мулкани сақлашга оид барча имкони бор ва мақсадга мувофиқ чораларни кўриши, қисқа муддат ичида суғурта қилувчига ушбу ҳолатнинг содир этилгани ҳақида хабар бериши ва унга ушбу ишга таалукли барча ҳужжатларни юбориши, суғурта қилувчига унинг оқибатлари, судда ишни кўриш ва ушбу ишга таалукли бошқа фактлар ҳақида маълумот бериши, агарда суғурталанувчи суғурта ҳолати бўйича суғуртачи ва суғурталанувчининг манфаатларини судда ҳамда суддан ташқари тартибда ҳимоя қилиш учун ўз адвокатини ёки бошқа ваколатли шахсни тайинлаш керак деб ҳисобласа унга бу борада имкони борича ёрдам бериши, зарарни тўламаслиги, суғурта ҳолати бўйича суғурталанувчига билдирилган талабларни қисман ёки тўлиқ тан олмаслиги, бундай талабларни бартараф этиш бўйича суғурта қилувчининг розилигисиз ҳеч қандай мажбуриятларни қабул қилмаслиги, суғурталанувчи имкони

борича суғурта қилувчининг зарар етказилган мүлкни кўздан кечириш ва етказилган зарар миқдорини белгилашда иштирок этишини таъминлаши, суғурта ҳолатида етказилган зарар учун жавобгар бўлган учинчи шахсга нисбатан тескари талабларни таъминлашга оид барча чораларни кўриши, агарда суғурталанувчида зарарни мунтазам тўлашни тўхтатиши ёки унинг миқдорини қисқартириш имкони пайдо бўлганда, бу ҳақида суғуртачига хабар бериши ва бундай тўловларни тўхтатиш ёки уларнинг миқдорини камайтириш бўйича барча чораларни кўриши шарт.

Суғуртачи суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчининг суғурта ҳолати сабабли юзага келган мулкӣ йўқотишларининг ўрнини тўлдиради. Агарда шартномага амал қилиш даврида аҳамиятга эга бўлган суғурта ҳолати суғурта қилиш бошлангунга қадар аҳамиятга эга бўлган ёки таъсир қилишни бошлаган сабабларга кўра содир этилса, зарар суғурталанувчига шартномани тузиш пайтида ушбу суғурта ҳолатининг бошланишига сабаб бўлган сабаблар ҳақида унга маълум бўлмаганда тўланиши лозим.

Агар суғурта тўлови суғурта суммаси миқдорида тўланган бўлса, суғурта полисига амал қилиш тўлов тўланган пайтдан бошлаб бекор қилинади. Суғурта пули миқдорида тўлиқ тўланмаган суғурта тўлови тўланадиган суғурта полиси ўз кучини унга амал қилиш муддати охиригача суғурта суммаси ва тўланган сумма ўртасида фарқ миқдорида сақлаб қолинади.

Суғурта тўлови суғуртачи томонидан суғурта шартномасида белгиланган муддат ичида суғурталанувчидан содир этилган суғурта ҳолати тўғрисидаги барча керакли ҳужжатлар олингандан кейин тўланади. Суғурта тўлови суғурталанувчининг исботланган жавобгарлиги миқдорида суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулидан ортиқ бўлмаган ҳолда тўланади.

Суғуртачининг ҳисобрақамидан суғурталанувчининг ҳисобрақамига пул ўтказилган кун суғурта тўлови тўланган кун ҳисобланади.

Суғуртачи агарда суғурталанувчи суғурта шартномаси шартларини тегишли равишда бажармаса, суғурта тўлови миқдорини камайтириш ҳуқуқига эга.

Суғурталанувчи суғурта шартномасига амал қилиш бекор қилинганидан сўнг суғуртачига суғурта шартномасига амал қилиш даврида ундан суғурта ҳолати тўғрисида эътироз билдирилгандагина суғурта тўловини олиши мумкин.

Суғуртачи агарда суғурталанувчи атайлаб сохта маълумотлар тақдим этган ва улар асосида суғурта шартномаси тузилган бўлса, зарар

суғурталанувчи айби билан етказилмаган бўлса, зарар суғурталанувчи ёки корхонанинг бевосита ғаразли нияти оқибатида етказилган бўлса, суғурталанувчи текширувларни қонунда белгиланган муддатдан ташқари муддатда амалга оширган бўлса (лицензияни чақириб олиш, лицензияга амал қилиш муддатининг тугаши), аудиторлик текширувига малака шаҳодатномаларига эга бўлмаган ва аудиторларнинг касбий реестрига киритилмаган шахслар жалб қилинган бўлса, суғурталанувчи томонидан имзоланган ва белгиланган тартибда муҳр билан тасдиқланган аудиторлик хулосаси бўлмаса, суғурталанувчи суғуртачига суғурта шартномасида кўзда тутилган ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишга рози бўлмаса ёки бошқача йўл билан тўсқинлик қилса, суғурталанувчи ўз вақтида суғуртачига суғурта ҳолатининг содир этилгани тўғрисида хабар бермаган бўлса, суғурта тўловини тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга.

Суғурта ҳолати туфайли етказилган зарар ҳажми суғурталанувчига суғурта ҳолати бўйича етказилган зарар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Зарар ҳажми махсус тайинланган давлат органи ёки суднинг жарима ёки бошқа моддий санкциялар қийматидан ёхуд суд томонидан қондирилган даъво талабаларидан келиб чиққан ҳолда қарор чиқарилганда, эътирозлар учинчи шахсга етказилган зарар қийматидан келиб чиққан ҳолда ихтиёрий қондирилганда аниқланади.

Қопланаётган зарар суммасига суғурта ҳолатида зарарнинг олдини олиш ёки камайтириш учун мақсадга мувофиқ сарф-ҳаражатлар ҳам киритилиши мумкин, бироқ тўловларнинг умумий қиймати суғурта шартномаси бўйича суғурта пулидан ошмаслиги керак.

Суғурта тўловини тўлаган суғуртачига тўланган маблағ доирасида суғурта тўловини олган суғурталанувчига бошқа шахс етказилган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан эга бўлган талабларни талаб қилиш ҳуқуқи ўтади. Суғурталанувчи суғуртачига ўзидаги барча ҳужжатлар ва далилларни бериши ҳамда ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун керакли барча расмий ишларни бажариши керак. Агар қайд этилган шахслар етказилган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки ушбу ҳуқуқни уларнинг айби билан (ҳужжатларни тақдим этмаслик ва ҳоказолар) амалга оширишнинг иложи бўлмаса, суғуртачи суғурта тўловларини тўлашдан озод этилади. Агарда ушбу тўловлар тўланган бўлса, қайд этилган шахслар суғуртачига олинган маблағларни уни олган кундан бошлаб қонунчиликда белгиланган фоизлар билан қайтариши шарт.

Суғурталанувчи суғуртачига Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

томонидан белгиланган даъво муддати ичида қонун ёки суғурта шартномаси бўйича суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш учун асос бўлган ҳолатлар аниқланганда, тўланган пулни қайтаришга мажбур.

Агарда суғурта ҳолати содир этилган пайтда суғуртачи томонидан суғурталанган объект бўйича суғурталашнинг бошқа шартларига амал қилинган бўлса, суғурта тўлови суғурта маблағларига нисбатан мутаносиб равишда тақсимланади ва ушбу маблағлар учун аудитор жавобгарлиги ҳар бир суғурта қилувчи томонидан суғурталанган, ҳар бир суғурта қилувчи эса ўз улушига тўғри келадиган зарарнинг бир қисмини тўлайди, холос.

Суғурталанувчи ёки учинчи шахснинг суғурта ҳолати содир этилишига қаратилган ғаразли хатти-ҳаракатлари, суғурталанувчи ёки учинчи шахс томонидан суғурта ҳолати билан бевосита сабабли алоқада бўлган жиноятнинг атайин содир этилиши, суғурталанувчининг суғуртачига атайлаб суғурта объекти бўйича сохта маълумотларни бериши, суғурталанувчи томонидан зарарни етказишда айбдор бўлган шахсдан унинг ундирилиши, суғурталанувчи томонидан суғуртачига тузилган суғурта шартномаси бўйича таваккалчилик даражасининг ошганлиги тўғрисида маълум қилинмаслиги ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолатлар суғуртачининг суғурта тўловини тўлашдан бош тортишига асос ҳисобланади. Суғурта шартномаси шартларида суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш учун қўшимча асослар ҳам кўзда тутилган.

Суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш ҳақидаги қарор суғуртачи томонидан қабул қилинади ва суғурта ҳужжатини тузиш учун белгиланган муддатда ёзма равишда бош тортиш сабаблари кўрсатилган ҳолда маълум қилинади. Суғурталанувчи ва суғуртачи ўртасида юзага келадиган барча баҳслар музокалар йўли билан, агарда ўзаро келишувга эришилмаса, судда ҳал этилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аудиторларнинг касбий жавобгарлиги қачон юзага келади?
2. Аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш кимлар учун наф келтириши мумкин?
3. Аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномасини тузишда нималарга эътибор қаратилади?
4. Аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномаси тузиш учун берилган аризада аудитор нималарни кўрсатиши зарур?

5. Суғурта шартномасини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйиладими?

6. Суғурта шартномасига мувофиқ аудиторлик ташкилоти қандай мажбуриятларни бажариши керак?

7. Суғурта шартномасига мувофиқ аудиторлик ташкилоти қандай ҳуқуқларга эга?

8. Суғурта шартномаси қандай ҳолатларда бекор этилади?

9. Аудиторлик ташкилотига тўланадиган суғурта суммаси шартномада кўрсатилган суммадан ошиб кетишига йўл қўйиладими?

10. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда томонлар ўртасидаги муносабат қандай тартибга соланади?

22-мавзу: Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда банк рискин суғуртаси

1. Банк депозитларини суғурталашнинг зарурлиги.

2. Фуқароларнинг банкдаги омонатларини суғурталаш механизми.

3. Хорижий мамлакатларда банк омонатларини суғуртаси.

Банк депозитларини суғурталашнинг зарурлиги.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йилнинг 21 мартда қабул қилинган Фармони га асосан, “Омонат-ҳимоя” суғурта Жамғармаси негизида устав фонди 500,0 млн.сўм миқдорида бўлган аҳоли жамғармалари жамоа суғурта Жамғармаси ташкил этилди. Ушбу Фармонда бу Жамғарманинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди: ¹
---	--

- аҳолининг молия ва банк тизимида ишончини ошириш;
омилкор ва самарали суғурта тизимларини ишлаб чиқиб, жорий этиш
негизида банкларнинг аҳоли омонатлари бўйича жавобгарлигининг етарли
суғурта ҳимоясини таъминлаш;

- маблағларни ишончли юқори ликвидли давлат ва корпоратив
қимматли қоғозлар ҳамда банк депозитларига инвестиция қилишнинг энг
мақбул стратегиясини амалга ошириш.

1998-2001 йиллар давомида фуқароларнинг банкдаги омонатларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 21 мартдаги Фармони. – «Халқ сўзи», 2000 йил 24 март.

суғурта қилиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кутилган натижаларни бермади. Тижорат банклари томонидан мазкур суғурта жамғармасига нисбатан муносабат салбийлигича қолди. Омонатларни суғуртавий ҳимоя қилиш банкларга аҳоли омонатларини жалб этишда кўмак беради ва омонатлар ҳажми кескин кўпаяди, деган фикр-мулоҳазалар мавжуд эди. Баъзи банк раҳбарлари, бизнинг банкимиз умуман банкрот бўлмайди, шу боис жисмоний шахсларнинг банкдаги омонатларини суғурталашга ҳожат йўқ, деб ҳисоблашса, айримлари бу суғурта ташкилотига ҳайрихоҳ бўлдилар. Жумладан, “Ипак йўли” банки, “Ҳамкорбанк”лар банк омонатларини суғурта қилиш бўйича шартнома туздилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2002 йилнинг 5 апрелида “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида” Қонун қабул қилди. Ушбу Қонунни қабул қилишдан асосий мақсад, тижорат банклари банкрот бўлган ҳолларда фуқароларнинг банкдаги омонатларини қайтарилишини кафолатлашдан иборат. Маълумки, муқаддам фақат давлат-тижорат “Халқ банки” омонатчилари учун давлат кафолати мавжуд эди. Бошқа тижорат банклари банкрот бўлган тақдирда уларнинг омонотчиларига омонотни қайтиб бериш бўйича ишончли кафолат механизми яратилмаган эди.

“Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида” Қонунни ижро этилишини таъминлаш нуқтаи назаридан, 2002 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Фуқароларнинг банклардаги омонотларини кафолатлаш фонди ўз фаолиятини юрита бошлади. Бу фонд ўзига хос суғурта фонди эканлигини унутмаслик лозим. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкдан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни чақириб олгандан сўнг Фонд банкрот бўлган банкнинг омонатчиларига маблағ тўлаш мажбуриятини олади. Ушбу Қонуннинг 4-моддасида “Фонднинг мол-мулки банкларнинг мажбурий бадаллари, маблағ қўйилишидан олинган даромадлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан шакллантирилади”, деб кўрсатилган¹.

Фуқароларнинг омонатларини суғурталаш механизми. Фондига таркиби	банкдаги Ўзбекистон Республикаси	Фуқароларнинг омонатларини банкдаги кафолатлаш Вазирлар Маҳкамаси
---	---	--


¹ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган.

томонидан аниқланадиган кузатув кенгаши умумий раҳбарлик қилади. Жорий фаолиятга эса Кузатув кенгаши томонидан тайинланган Директор раҳбарлик қилади. Фонд молиявий ёрдам кўрсатиши ва хайрия фаолияти билан шуғулланиши ҳамда юридик шахсларнинг муассиси бўлиши мумкин эмас. Биз қуйидаги чизмада Фонд маблағларининг шаклланиш манбаларини кўрсатиш ҳаракат қиламиз.

Ҳар бир тижорат банки Фонд билан шартнома тузиши ва қонунда белгиланган миқдорлардаги бир маротаба ва мунтазам тўлаб бориладиган мажбурий бадалларни тўлаши шарт. Тижорат банклари томонидан бир маротаба тўланадиган мажбурий бадал миқдори ушбу тижорат банкининг амалда шаклланган устав капиталининг 0,1 фоизи миқдорида белгиланган. Масалан, акциядорлик-тижорат “Пахтабанк”нинг устав капитали 8,0 млрд.сўм ва демак, бу банк 8,0 млн.сўм миқдорида бир маротабалик бадални Фондга ўтказиши керак.

1-чизма

Фуқароларнинг банкдаги омонатларини кафолатлаш фонди маблағларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш йўналишлари



Календарь бадал тижорат банкларининг чорак якунлари бўйича фуқароларнинг муддатли омонатлари қолдиғига нисбатан кўпи билан 0,5 фоизни ташкил этади. Календар бадалларнинг тўланган суммаси фуқароларнинг банкдаги омонатлари қолдиғи умумий суммасининг 5 фоизига етганда банклар томонидан календарь бадални тўлаш тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкидан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия чақириб олинган сўнг Фонд ушбу банкда пул маблағларини сақлаган

омонатчиларга ҳақ тўлашни бошлайди. Бунда омонатчиларнинг қуйидаги миқдорлардаги омонатлари қайтарилиб берилади:

Агар фуқаро банкка энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдоридаги пул маблағларини омонатга қўйган бўлса, бундай ҳолда Фонд бу суммани тўлиқ қоплайди. 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам ойлик иш ҳақи 9400 сўм миқдорида белгиланган. Демак, фуқаролар банкка энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида, яъни 940,0 минг сўм омонат сифатида қўйишган бўлса, тўлиқ олади. Омонат миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан 250 бараварига бўлса, 100 баравари тўлиқ қопланган ҳолда, ундан ошган қисмининг 250 бараварини 90 фоизи қопланади.

1-жадвал

Фуқароларнинг банкдаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш шартлари¹

минг сўмда

Т / р	Омонат суммаси	Энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари	Энг кам ойлик иш ҳақининг 250 баравари	Қопланадиган сумма
1	940,0	940,0	-	940,0 (тўлиқ)
2	1000,0	940,0	54,0	940,0 + 54,0
3	2000,0	940,0	954,0	940,0+954,0

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, фуқароларнинг банкдаги омонатларини ҳимоялаш фонди, асосан, банкка унча катта миқдорда бўлмаган пул маблағларини қўйган омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган. Агар фуқаро банкка 940,0 минг сўм пул қўйса, тўлиқ олади. Чунки, қонунда энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдоридаги омонатлар 100 фоиз кафолатланиши, ундан ошган қисмининг энг кам ойлик иш ҳақини 250 бараваригачаси 90 фоиз миқдорида қопланиши кўрсатилган. Демак, маълумотларни таҳлил этиш натижасида хулоса қилиш мумкинки, фонд кам миқдорда омонатга эга омонотчиларга пул маблағларини қайтариб бериш имкониятига эга.

Бизнинг фикримизча, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини тиклаш мақсадида Фонд томонидан банкрот бўлган тижорат банклари омонатчиларига тўланадиган қоплама миқдорларини камида энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баравари миқдорида белгилаш лозим.

Банк депозитларини суғурта қилиш ёки кафолатлаш биринчидан, банкка кичик миқдорда омонат маблағларини қўйган шахсларни

¹ Жадвал муаллиф томонидан тузилган

химоялашга қаратилган бўлса, иккинчидан банк тизимини барқарорлигини таъминлайди. Аммо шу билан бир қаторда таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда кўпчилик давлатларда банкларнинг банкрот бўлиши омонатларни банкдан ёппасига олиш эвазига эмас, балки тижорат банклари томонидан хавфли операцияларни амалга ошириш туфайли юз бермоқда. Банк депозитларини суғурталаш тизими айни чоғда йирик молиявий воситачи ва давлат бюджетини молиялаштиришнинг ишончли воситаси сифатида ҳам ажралиб туради. Яъни суғурта фондининг вақтинча бўш турган маблағлари пул ресурсларига эҳтиёж сезилган соҳаларга инвестиция қилиниши, масалан, давлатнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш орқали бюджет тақчиллигини молиялаштиришда иштирок этиши мумкин. Кўп ҳолатларда депозитларни суғурталаш фонди маблағлари мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлмайди ва бу ўз навбатида ҳукуматдан қўшимча маблағлар ажратилишини тақоза этади. Шунинг учун Давлат бюджети тақчиллиги катта бўлган мамлакатларда ушбу фондни ташкил этишда эҳтиёткорлик билан ёндошиш зарур. Айрим хорижлик мутахассисларнинг, хусусан Р.Хелфернинг фикрига кўра: “депозитларни суғурталаш, бир томондан етарли даражада банк назорати бўлмаган ва иккинчидан, жиддий банк инқирози бўлган шароитда ҳам ўз мажбуриятини бажариш имкониятига эга бўлмаса, бу тизим банкротликка дучор бўлади”¹. Банк депозитларини суғурталаш тизимини жорий этилиши банклар ва улар омонатчиларининг масъулиятини сезиларли камайтириш эҳтимоли мавжуд. Гап шундаки, банклар ўз депозитлари суғурталанганлигини эътиборга олиб, сунъий операцияларни амалга оширишлари мумкин.

Халқаро тажрибанинг гувоҳлик беришича, банк депозитларига тўлиқ кафолат бериш банк тизими барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Айнан, шу туфайли кейинги икки йилда қатор банк инқирозларининг вужудга келганлиги кўпчиликка маълум.

Хорижий мамлакатларда банк омонатларини суғуртаси.

Жаҳонда дастлабки депозитларни суғурта қилиш 1934 йилда АҚШда амалга оширилган. 1933 йилларда АҚШда бўлиб ўтган инқироз кўплаб банкларни банкрот бўлишига олиб келди. АҚШ Ҳукумати банкларни банкрот бўлиш ҳолатидан сақлаш мақсадида 1934 йилда Депозитларни суғурта қилиш бўйича Федерал корпорация ташкил этган. Бу корпорация АҚШ Конгресси ва Федерал ҳукуматга бўйсунган ҳолда уни

¹Helfer R.T. What Deposit Insurance Can and Can not Do. – Finance and Development. Vol.36 №1 1999.

беш кишидан иборат бўлган Директорлар кенгаши бошқаради. Корпорациянинг ташкил этилиши кейинчалик кўпгина банкларни банкротликдан сақлаб қолган. Масалан, 1930-1933 йилларда умумий депозитлар ҳажми 6530,0 млн.долл. бўлган 9000 дан ортиқ банк банкрот бўлган бўлса, кейинги тўрт йил давомида (1934-1937й.) ўз фаолиятини тўхтатган банклар сони 246 тани ташкил этган¹. Депозитларни суғурталаш бўйича Федерал корпорация Федерал захира тизими, Пул муомаласини назорат қилиш бошқармаси ва жамғарма муассасалари устидан назорат қилиш бўйича бошқарма билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Шуниси диққатга сазоварки, 1934 йилда ссуда-жамғарма уюшмаларини суғурталаш бўйича ҳам Федерал корпорация ташкил этилган эди. 1989 йилда қабул қилинган “Молия муассасаларини соғломлаштириш, назорат ва ислоҳ қилиш тўғрисида” Қонунга мувофиқ, ссуда-жамғарма уюшмаларини суғурталаш бўйича Федерал корпорация депозитларни суғурта қилиш бўйича Федерал корпорацияга бирлаштирилди. Агар, 1934 йилда битта омонат бўйича белгиланган лимит 2500 долл.ни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу крсаткич 100,0 минг долл.га тенгдир. Демак, АҚШ тижорат банкига 100,0 минг долл.гача омонот қўйган фуқаролар тўлиқ олишади.

Кўпгина хорижий мамлакатларда депозитларни суғуртаси давлатга қарашли ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Назарий жиҳатдан қараганда, депозитларни суғурта қилишни етарли даражада молиявий имкониятга эга бўлган хусусий суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилиши анча самаралироқ бўлиши мумкин. Таассуфки, хусусий суғурта ташкилотида депозитларни тўлаш бўйича маблағ етмай қолган тақдирда, барибир давлат аралашуви рўй беради. Бундан ташқари, депозитларни суғурталаш бўйича хусусий суғурта ташкилоти устидан қаттиқ назорат ўрнатилиши лозим. Амалий жиҳатдан, санаб ўтилганларни ҳаммаси депозитларни хусусий суғурта йўли билан ҳимоялаш самарадорлигини камайтиради.

Депозитларни суғурталаш тизимини яратиш ҳақида гап борар экан, уни мавжуд давлат органларидан мустақил равишда ташкил этиш керакми ёки Марказий банк таркибида бўлиши мақсадга мувофиқми, деган масалани ҳал этиш керак. Бизнинг республикамизда 2002 йилда ташкил этилган фуқароларнинг банкдаги омонотларини кафолатлаш фонди мустақил молия ташкилоти бўлиб, у Марказий банкка ёки бошқа давлат органларига

¹ Аникин А.В. Защита банковских вкладчиков: российские проблемы в свете мирового опыта. – М.: изд. “Дело” 1997 г. стр.63.

бўйсунмайди. Аммо, Фонднинг юқори органи бўлмиш - кузатув кенгаши аъзолари таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланади ва тасдиқланади. Кўпгина мамлакатларда депозитларни суғурталаш бўйича ташкилотлар бошқа давлат органларидан мустақил равишда фаолият кўрсатишади. Аммо шу билан бир қаторда Ирландия ва Филиппин каби давлатларда депозитларни суғурталаш функцияси банк тизимини назорат қилувчи ва тартибга солувчи давлат органи зиммасига юклатилган.

2-жадвал маълумотларини таҳлил этиш шундан гувоҳлик бермоқдаки, деярли барча иқтисоди тараққий этган мамлакатларда депозитларни суғурта қилиш тизими жорий этилган (2-жадвалга қаранг). Депозитларни суғурталаш тизими, дастлаб, 1934 йилда АҚШда ташкил этилган бўлса, кейинчалик Японияда (1971 й.), Германияда (1966 й.) ва Францияда (1980 й.) ташкил этилган. Шуниси эътиборлики, суғурта ҳодисаси рўй берганда, яъни тижорат банки банкрот деб эълон қилинганда депозитларни суғурталаш фондидан

2-жадвал

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида омонатларини суғурталаш тизими¹

Мамлакат	Ташкил этилган йили	Давлатнинг иштирок этиши	Қопламаларнинг энг кўп миқдори	Йиллик бадал (%)
АҚШ	1934	+	100000 долл.	0,0-0,27
Япония	1971	+	71000 долл.	0,048-0,036
Канада	1967	+	40770 долл.	0,33 гача
Германия	1966	+/-	20000 евро	0,03
Франция	1980	+	20000 евро	-
Италия	1987	+	20000 евро	0,4-0,8
Бельгия	1974	+	20000 евро	0,02
Швейцария	1984	-	20000 евро	-

тўланадиган қоплама миқдорлари турличадир. Масалан, жадвал маълумотларини таҳлил этадиган бўлсак, энг кўп суғурта суммаси Италияда тўланишини аниқлаб олиш қийин эмас. Италияда битта омонотчига тўланадиган суғурта қоплама миқдори 125,0 минг долл.га тенгдир. Бу кўрсаткич Японияда 71,0 минг долл.ни, Канадада эса 40,7 минг долл.ни ташкил этади.

Тижорат банкларидаги омонат қолдиғига нисбатан ҳисобланадиган ва депозитларни суғурталаш фондига ўтказиладиган йиллик мажбурий суғурта

¹ [www. Allinshrans.RU](http://www.Allinshrans.RU).

бадаллари ҳам ҳар хил. Жумладан, Бельгияда йиллик бадал миқдори омонат қолдиғига нисбатан 0,02 фоизни ташкил этса, бу кўрсаткич АҚШда 0,27 фоизгачани ташкил этади. Энг юқори кўрсаткич Италияда бўлиб, у 0,4-0,8 фоизни ташкил этади.

1999 йил ҳолатига Японияда жами депозитларнинг 78,8 фоизи суғурта ҳимоясига олинган бўлса, Италияда 83,0 фоизи суғурталанган. Афсуски, жадвалдаги бошқа мамлакатлар бўйича маълумотларнинг берилмаганлиги самарали таҳлил этиш имкониятини бермайди (3-жадвал).

3-жадвал

Ривожланаётган давлатларда омонатларни суғурталаш тизими¹

Мамлакат	Ташкил этилган йили	Давлатнинг иштирок этиши	Қопламаларнинг энг кўп миқдори	Йиллик бадал (%)
Чехия	1994	+	11756	0,0-0,27
Венгрия	1993	+	4564	0,048-0,036
Польша	1995	+	4400	0,33 гача
Руминия	1996	+	3600	0,03
Украина	1998	+	250	-
Қозоғистон	2000	+	Шкалага мувофиқ	0,4-0,8
Ўзбекистон	2002	+	1278 долл.	0,5 гача

Энди биз депозитларни суғурталаш механизми айрим шарқий Европа ва МДХ мамлакатларида қандай йўлга қўйилганлиги билан танишиб чиқамиз(3-жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, баъзи Шарқий Европа мамлакатларида, хусусан, Чехия, Венгрия, Польша, Руминия каби давлатларда депозитларни суғурталаш фондлари, асосан, 1991 йилдан кейин, яъни социалистик тузум тугатилгандан кейин ташкил этилган. Таҳлил этилаётган мамлакатлар таркибида энг кўп миқдорда суғурта қопламалари Чехияда тўланади, яъни бу ерда банк банкрот деб эълон қилинганда депозитларни суғурта қилиш фондидан тўланадиган пул маблағлари миқдори 11756,0 долл.ни ташкил этади. МДХ мамлакатларида биринчилардан бўлиб, жисмоний шахсларнинг банкдаги омонатларини ҳимоялаш бўйича фонд Белоруссияда ташкил этилган. Шуниси диққатга сазоварки, жисмоний шахсларнинг омонотларини ўз вақтида аҳолига қайтаришни кафолатлаш Белоруссия Республикасининг Конституциясида ўз аксини топган. Кафолатлаш фонди Белоруссия Миллий банкида ташкил этилган бўлиб, банк тўлов қобилиятини йўқотган тақдирда битта омонотчининг 2000 долл.гача пул маблағи қайтарилиши кафолатланади.

¹ [www. Allinshrans.RU](http://www.Allinshrans.RU).

Тижорат банклари ҳар ойда кафолат фондига омонатларнинг қолдиғига нисбатан 0,1 фоиз миқдорида мажбурий бадал тўлаб борадилар. Кафолат фондининг пул маблағлари ҳажми жами омонат қолдиқ суммасининг 5 фоизи миқдорида белгиланган.

Ўзбекистонда фуқароларнинг банкдаги омонатларини кафолатлаш фонди 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, банклар банкрот бўлганда тўланадиган қоплама миқдори энг кам иш ҳақининг 100 бараваригачани ва ундан ошган сумманинг энг кам иш ҳақининг 250 бараваригача 90 фоизи қопланиши қонун ҳужжатларида баён этилган. Энг кам иш ҳақининг 100 баравари 940,0 минг сўмга тенг бўлиб, у 2006 йилнинг 17 январь ҳолатига биржадан ташқари валюта курси бўйича 792,8 долл.ни ташкил этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Банк рискларини махсус тури сифатида депозит рискларини суғуртаси нима мақсадда қўлланилади?
2. Ўзбекистонда фуқароларнинг банкдаги омонатларини суғуртаси қачон жорий этилган?
3. Фуқароларнинг банкдаги омонатларини ҳимоялаш фонди Ўзбекистонда қачон ташкил этилган?
4. Фуқароларнинг банкдаги омонатларини ҳимоялаш фондининг пул маблағлари нима ҳисобидан ташкил этилади?
5. Тижорат банклари банкрот бўлган тақдирда омонатчиларга тўланадиган сумма қанчага тенг?
6. Чет давлатларда фуқароларнинг банкдаги омонатлари неча фоизгача суғурталанган?
7. Тижорат банклари фуқароларни банкдаги омонатларини ҳимоялаш фондига ҳар чоракда неча фоиздан бадал ўтказиб боради?
8. АҚШда фуқароларнинг банкдаги омонатларини суғурталаш тизими қандай ташкил этилган?
9. МДХ мамлакатлари ва Ўзбекистонда депозитларни суғурталаш тизимини фарқли томонларини кўрсатинг?
10. Омонатларни суғуртаси аҳолини банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлайди деб уйлайсизми?

23-мавзу: Буюк Британиянинг суғурта тизими

1. Буюк Британия иқтисодиётида суғуртанинг тутган ўрни ва аҳамияти.

2. Буюк Британия суғурта компаниялари амалга оширадиган асосий суғурта турлари.

3. Буюк Британияда суғурта тизимини давлат томонидан тартибга солиниши.

4. “Ллойд” суғурта корпорацияси ва унинг ташкилий тузилиши, функцияси.

5. Буюк Британия бозорида суғурта брокерларининг асосий вазифаси.

Буюк Британия иқтисодиётида суғуртанинг тутган ўрни ва аҳамияти.	Буюк Британия жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига киради. Кейинги ўн йил мобайнида жаҳон иқтисодиёти ривожланишига Буюк Британия саноатининг қўшаётган ҳиссаси сезиларли даражада камайган, унинг товарларининг халқаро бозорларидаги рақобатдошлиги тушиб кетган бўлсада, Буюк Британиянинг молия-кредит тизими ҳамон дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.
--	---

Буюк Британия молия институтлари биринчи навбатда суғурта компаниялари, саноат корхоналарининг йирик миқдордаги акцияларга эга ва бу ҳолат суғурта ва саноат капиталининг бирлашишига олиб келмоқда. Айрим маълумотларга қараганда, суғурта компанияларининг қарийб 30% активи йирик саноат компанияларининг акциясига тўғри келади. Фақат бугина эмас. Бугунги кунда, Буюк Британияда аҳоли ва корхоналарининг вақтинча бўш маблағларини иқтисодиётга жалб этишда суғурта компаниялари ўзига хос мавқега эга. Масалан, 1958-1962 йилларда суғурта компаниялар ва нодавлат нафақа фондлари орқали 50 фоизга яқин шахсий омонатлар йиғиб олинган бўлса, 2005 йилларда ҳам бу кўрсаткич деярли ўзгармаган. Шунинг учун ҳам, Буюк Британияда суғурта компанияларини “Молиявий воситачилар” ёки “йирик институционал инвестор” сифатида баҳолашади.

Бозор муносабатлари асосида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари Буюк Британия иқтисодиётининг муҳим стратегик соҳаси ҳисобланади. 2004 йилда суғурта компаниялари томонидан йиғилган

суғурта мукофотлари умумий 157,5 млрд.фунт стерлингдан ошиб кетди. Бу ялпи ички маҳсулотнинг 12,5 фоизини ташкил этади. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, йиғиб олинган суғурта мукофотларининг деярли 45 фоизини суғурта компанияларининг чет мамлакатларда олиб борган суғурта операцияларига тўғри келади. Буюк Британия тўлов баланси структурасини таҳлил қиладиган бўлсак, валюта тушумларининг 50 фоизи суғурта мукофотлари ҳисобига тўғри келганлигини кўрамиз. Буюк Британия суғурта компаниялари жаҳоннинг 43 та мамлакатда суғурта операцияларини муваффақиятли амалга оширмоқда.

Буюк Британияда суғурта ишини фаол ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир қилган, десак муболаға бўлмайди. Биринчидан, бу ерда тадбиркорликни эркин юритиш учун Ҳукумат ёки қонунчилик томонидан энг кам назорат тизими жорий қилинган. Бу ҳолат, сўзсиз Буюк Британияда фаолият кўрсатаётган хорижий суғурта компаниялари учун ҳам тадбиқ этилади. Ҳозирги пайтда, Буюк Британия суғурта бозорида хорижий мамлакатларнинг 150га яқин компаниялари суғурта операцияларини амалга оширмоқда. Иккинчидан, жаҳон миқёсида эришилаётган тижорат битимларининг анчагина қисми Англия ҳиссасига тўғри келади. Агар, тузилган битимларнинг ижроси бўйича эътирозлар келиб чиқадиган бўлса, суғурта компаниялари дарҳол бунга суғурта қопламасини тўлашади. Бу, ўз навбатида, бизнесни халқаро даражада ривожланиши учун шарт-шароитлар яратади.

Ўнлаб йиллар давомида Буюк Британияда, ҳамма учун қулай бўлган солиққа тортиш тизими шаклланган. Амалдаги солиққа тортиш тизими йирик миқдордаги захира жамғармаларини шакллантиришини ва уларни инвестиция қилишни рағбатлантиради.

Буюк Британия миллий суғурта компаниялари ўзларининг чет мамлакатлардаги бўлим ва филиаллари орқали халқаро суғурта бозорларида иштирок этмоқда. Хорижий мамлакат суғурта компанияларини Буюк Британия бозорларига интилиши, Лондонда халқаро аҳамиятга молик суғурта операцияларини амалга ошириш ва трансмиллий компанияларга хизмат кўрсатиш каби қизиқишлари билан боғлиқ. Юқорида қайд этганимиздек, суғурта компаниялари йиғган суғурта мукофотларининг катта қисми, уларнинг чет мамлакатларда олиб борган операциялари ҳисобидан шаклланади. Масалан, “Ройял Иншуранс” компанияси суғурта мукофотларининг 68,4 фоизи ташқи манбалардан келиб тушган. Шунингдек, “Коммерциал Юнион” ва “Женерал экцидент”

компанияларининг 60 фоизга яқин суғурта мукофотлари хорижий мамлакатлардан келиб тушган. Бу маблағларни асосий қисми АҚШ ва Канададан келиб тушади.

Суғурта компаниялари вақтинча бўш бўлган маблағларни, асосан саноат, транспорт, савдо ва бошқа акциядор компанияларни ривожланишига йўналтирадilar, 1995 йил маълумотларига қараганда Буюк Британия суғурта компаниялари Лондон Фонд биржасида рўйхатда тушган жами акциядорлик компанияларнинг 22 фоиз акцияларини сотиб олган. Суғурталовчиларнинг ўз маблағларини бу инвестиция объектига катта миқдорда сарф этишини шу билан тушунтириш мумкин-ки, акциялар юқори даражада фойда келтирадilar ҳамда суғурта компанияни акциядорлик компаниясининг йирик миқдордаги акциясини сотиб олиб, ушбу компания устидан назорат ўрнатиши мумкин. Аммо, шу билан бир қаторда, акциянинг курси пасайиб кетиши билан, суғурта компаниялари катта зарар кўриши мумкин.

Кейинги йилларда Буюк Британия суғурталовчилари каттагина хажмдаги ўз маблағларини кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларни молиялаштиришга юбормоқда. Ҳозирги пайтда кўчмас мулкка инвестиция жами инвестицияларнинг 15 фоизини (узoқ муддатли суғурта шартномалари бўйича) ташкил этмоқда. Кўчмас мулкка инвестиция қилишнинг ижобий хусусиятлардан бири шундан иборатки, кўчмас мулк пулнинг қадрсизланиш жараёнидан ишончли ҳимояланган. Аммо, бу инвестиция объектининг ҳам бир қанча салбий томонлари мавжуд. Масалан, амалиётда кўчмас мулкларни қисқа муддатда фойдали нархда сотиш анча мушкулдир.

Буюк Британия суғурта компаниялари ўзларининг вақтинча бўш маблағларини ипотека кредит ресурси сифатида ишлатиши ёхуд банкка депозит сифатида сақлаши мумкин. 2005 йилда суғурта компанияларини инвестицияга сарфлаган пул маблағлари 260 млрд.фунт стерлингни ташкил этди. Кўриниб турибдики, суғурта компаниялари иқтисодиётни ривожланишига муҳим ҳисса қўшмоқдалар.

Буюк Британия суғурта компаниялари амалга оширадиган асосий суғурта турлари.	Баъзи маълумотларга қараганда, Буюк Британияда 830га яқин суғурта компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, суғурта компаниялари алоҳида суғурта турлари ва тоифалари бўйича операцияларни амалга ошириш учун,
---	---

савдо ва саноат департаментининг махсус лицензиясини олишлари зарур. Белгиланган классификацияга асосан, 7 та муддати суғурта турлари ва 18 та умумий суғурта турлари (мулк, фуқаролик жавобгарлиги ва бахтсиз ҳодисалардан) мавжуд. Ҳозирги пайтда, Буюк Британия авиация суғурта бозорининг асосини ташкил этадиган 300 та компания самолётларни суғурта қилиш, 433 та компания эса денгиз кемаларини суғурта қилиш билан шуғулланмоқда.

Умуман олганда, Буюк Британия суғурта бозори икки қисмга бўлинган:

- ҳаётни суғурта қилиш бозори;
- умумий суғурта бозори.

2004 йилда йиғиб олинган суғурта мукофотларининг 103,5 млрд.фунт стерлинги ёки 65,7 фоизи ҳаётни суғурта қилиш бозори, 54,0 млрд.фунт стерлинги ёки 34,3 фоизи эса умумий суғурта бозори турларига тўғри келади. ҳаётни суғурта қилиш операциялари ушбу суғурта турларини амалга оширишга ихтисослашган компаниялар томондан олиб борилади. ҳаётни суғурта қилиш бозорида, асосан, қуйидаги суғурта турлари бўйича шартномалар тузилади: ҳаётни индивидуал суғурталаш, нафақа ва аннуитетлар, соғлиқни узлуксиз суғурталаш, ҳаётни ва нафақани гуруҳлаб суғурталаш. Ҳаётни индивидуал тартибда суғуртаси бўйича солиқ имтиёзларини мавжудлиги, ушбу суғурта тури бўйича катта миқдорда суғурта бадалларини йиғиш имконини беради. Айтиш керакки, суғурта компаниялари ҳаётни суғуртаси бўйича катта миқдорда суғурта қопламалари ҳам тўламоқда. Масалан, 2004 йилда ҳаётни индивидуал суғуртаси бўйича суғурталанувчиларга жами 17,6 млрд. фунт стерлинг маблағ тўлаган.

Буюк Британияда аҳолига ва бошқа потенциал миждозларга суғурта хизмати кўрсатиш шу даражада ривожланганки, бунда ҳар бир оила ва фуқаронинг даромади ва манфаати ҳисобга олинади. Ҳозирги пайтда 12 та суғурта компанияси даромади унча катта бўлмаган шахслар учун ҳаёт суғуртасини жорий этган. Бу суғурта турининг ўзига хос хусусияти шундаки, суғурта мукофотлари 2 ойда бир марта йиғилади. Суғурта мукофотлари агентлар томонидан йиғилади ва уларнинг сони 35000 га яқин.

2004 йилда Буюк Британия суғурта компаниялари умумий суғурта турлари бўйича 54,0 млрд. фунт стерлинг миқдорида суғурта мукофотларини йиғиб олишган. Бу маблағларнинг асосий қисми ёнғиндан ва бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш бўйича келиб тушган.

Буюк Британияда расмий рўйхатдан ўтган суғурта компаниялари таркибига келсак кема эгаларининг жавобгарлигини ўзаро суғурталаш клублари ҳам киради. Ҳозирги пайтда 6 та клуб фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг энг йириклари “Юнайтед Кингдом” ва “Британия”дир. Клуб, кема эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириш жавобгарлигини суғурталайди. Бундан ташқари, юкка етказилган зарар учун жавобгарлик, кемаларнинг бир-бирига тўқнашиши жавобгарлиги, денгизни нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш жавобгарлигини суғуртасини ҳам клублар амалга оширади. Кема эгаларининг клуб суғурта фоизига тўлайдиган суғурта бадаллари кеманинг юк кўтариш қобилиятига, классига ва бошқа техник параметрларига нисбатан белгиланади.

Юқорида қайд этилганлар билан бир қаторда, Буюк Британия суғуртасининг қуйидаги турлари мавжуд:

- ҳаётни вақтинчалик суғурта қилиш. Бу суғурта ўлим ҳодисасига тегишли муддатга суғурта қилади. Ушбу суғурта тури бўйича бадал миқдори нисбатан камдир. Масалан, Англия фуқароси бир йил муддатга 10000 фунт стерлингга суғурта қилинса, суғурта мукофоти миқдори бир ойга 2 фунт стерлингни ташкил этади. Суғурта мукофотининг миқдори суғурталанувчининг ёшига ва суғурта муддатига боғлиқ.
- боқувчисини йўқотиш ҳодисасидан ҳаётни умрбод суғурта қилиш. Боқувчисини йўқотиш ҳодисасидан оиланинг даромади суғурта қилинади. Суғурталувчи дастлаб катта миқдорда суғурта мукофоти тўлайди. Масалан, 35 ёшдаги суғурталанувчи 5000 фунт стерлинг миқдорида 30 йил муддатга ўз оиласига даромадни кафолатлаш учун 330000 сўмга суғурта қилинади.
- умрбод ҳаётни суғуртаси. Суғурта компанияси, суғурталанувчи қилган тақдирда, унинг оиласига ёки суғурта полисида кўрсатилган шахсга тегишли суғурта суммасини тўлаш мабуриятини олади. Суғурта мукофоти суғурталанувчининг бутун ҳаёти давомида ёки кейинги 15-20 йил ичида тўланиши мумкин.
- аралаш суғурта. Суғурталанувчи суғурта мукофотини ҳар ойда ёки йилда бир марта тўлайди. Суғурта суммаси шартнома муддати тугаши билан тўланади ва унга тегишли мураккаб фоизлар воситасида ҳисобланган фоиз ҳам қўшиб берилади. Агар, суғурталанувчи вафот этган тақдирда суғурта мукофоти тўлиқ тўланганлиги ёки тўланмаганлигидан қатъий назар суғурта суммаси суғурталанувчининг қонуний меросхўрига тўланади.
- рента суғуртаси (аннуитетлар). Суғурталанувчи суғурта мукофотини суғурта компаниясига бир вақтни ўзида тўлиқ миқдорда ёки бир неча

йиллар давомида тўлаши мумкин. Суғурталанувчинг ўзи тўлаган суғурта мукофоти суммасини бутун умр давомида тўлаб бориладиган тўловлар билан бирга қайтариб олиши мумкин. Бошқача сўз билан ифодаланганда, суғурталанувчи 60 ёшида ўзи тўлаган суғурта мукофотларини тўлиқ қайтариб олади ва ундан кейин унга мунтазам равишда даромад тўлаб борилади. Масалан, агар фуқаро 65 ёшида 1000 фунт стерлинг миқдорида суғурта мукофоти тўлаган бўлса, у қолган умри давомида ҳар йили 118дан 140 фунт стерлинггача даромад олади.

- соғлиқни узлуксиз суғурта қилиш. Суғурталанувчи ҳар хил касалликлар ёки бахтсиз ҳодиса туфайли соғлиғини йўқотганда суғурта компанияси қоплама тўлайди. Суғурта мукофоти суммаси суғурта қопламасига нисбатан жуда кам. Масалан, 25 ёшли суғурталанувчи ҳар ойда 15 фунт стерлингдан бадал тўласа, унга суғурта ҳодисаси рўй берган ҳолатда, ҳар йили 1000 фунт стерлингдан суғурта қопламаси тўланади.

- денгиз суғуртаси. Кемалар, кемадаги юклар денгиз фалокати ёки авария ҳодисалардан суғурта қилинади.

- муҳандислик суғуртаси. қурилиш-монтаж рискларини суғуртаси, эксплуатация жараёнидаги техник қурилмаларини суғуртаси.

- ишлаб чиқариш-хўжалик рискларини суғуртаси. Корхоналарда ишлаб чиқаришни тўсатдан тўхтаб қолиши, ёлланма ишчиларнинг суистеъмол қилиши, ҳамкорларнинг шартнома бўйича мажбуриятларини бажара олмаслиги оқибатида зарар кўриш rischi суғурталанади.

- фуқаролик жавобгарлигини суғуртаси. Суғурталанувчиларнинг учинчи шахс олидаги мулкый жавобгарлигини ҳимоя қилади. Масалан, тадбиркорликни ёлланма ишчилар олдидаги жавобгарлигини суғурталаш. Бунда ёлланма ишчиларга суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда суғурта қопламаси тўланади.

- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати учун ишлаб чиқарувчининг жавобгарлигини суғурталаш. Суғурталанувчининг учинчи шахс олдидаги мулкый жавобгарлигини ҳимоя қилади.

- касбий жавобгарликни суғурталаш. Бир қатор тоифа ходимларнинг (меъморлар, муҳандислар, адвокатлар, аудиторлар, шифокорлар, нотариуслар ва хоказолар) касбий мажбуриятини сифатли бажарилмаслиги натижасида етказилиши мумкин бўлган зарари суғурта қилинади.

**Буюк Британияда суғурта тизимини
давлат томонидан тартибга солиниши.**

Бошқа вожланган давлатлар
каби Буюк Британияда

ҳам суғурта компанияларининг фаолияти тегишли давлат оранлари томонидан назорат этилади. Биринчи маротаба, бу мамлакатда, суғурта компаниялар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш 1870 йилда қабул қилинган ҳаётни суғурта қилувчи компаниялар тўғрисидаги қонун билан жорий қилинган эди.

Бугунги кунда Буюк Британияда суғурта компаниялари устидан назоратни амалга ошириш савдо ва саноат департаментига юклатилган. Унинг таркибида махсус суғурта назорати органи мавжуд. Савдо ва саноат департаменти Буюк Британия ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта компанияларига ушбу фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия беради. Одатда, лицензия суғуртанинг айрим турлари бўйича шуғулланиш ҳуқуқини беради. Европа Иқтисодий Ҳамжамияти директиваларига мувофиқ, 1978 йилнинг 1 январидан узоқ муддатли суғуртанинг 7 турига ва умумий суғуртанинг 18 турига лицензия берилади. Суғуртанинг у ёки бу тури бўйича лицензия беришдан олдин, савдо ва саноат департаменти ишонч ҳосил қилиши керак, суғурта компанияси ушбу суғурта тури бўйича операция ўтказа оладими? Шунинг учун, лицензия олишга талабдор компания савдо ва саноат департаментига ариза билан бир қаторда бошланғич капитал, амалга ошириши мўлжалланаётган суғурта операциялари, суғурта полислари, суғурта мукофоти ставкаси, операция харажатлари тўғрисидаги маълумотларни бериши керак. Шунингдек, ташкил этилаётган суғурта компаниясининг раҳбари ва бош бухгалтери тўғрисидаги маълумот ҳам савдо ва саноат департаментига тақдим этилади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, Буюк Британияда фаолият кўрсатаётган барча суғурта компаниялари ҳисобот йили тугаганидан сўнг 6 ой муддатда амалга оширилган операциялар тўғрисидаги ҳисоботни матбуотда эълон қилишлари ҳақида савдо ва саноат департаментига тақдим қилинишдан олдин, мустақил аудиторлар томонидан текширилиб тасдиқланиши мажбурий ҳисобланади. Суғурта компанияларининг ҳисоботи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- компаниянинг баланси;
- фойда ва зарарлар счёти;
- суғурта мукофотлари динамикасининг таҳлили;
- узоқ муддатли суғурта фоизи бўйича рўй берган ўзгаришлар тўғрисида маълумот;

Савдо ва саноат департаменти суғурта компанияларининг тўлов қобилияти даражасига алоҳида эътиборни қаратадилар. Барча суғурта

компаниялари тўлов қобилияти даражасини қонунчилик талабларига мувофиқ бўлишлари учун 1977 йилда Европа Иқтисодий Ҳамжамияти директивалари ва суғурта компаниялари тўғрисидаги қонун билан белгиланган иқтисодий нормативларга, яъни актив ва мажбуриятлар ўртасидаги ўзаро мутаносибликка қатъий риоя этишлари керак. Шуниси эътиборлики, ушбу талаблар Европа Иқтисодий ҳамжамияти ҳудудида жойлашган компаниялар учун алоҳида, марказий офиси Европа иқтисодий ҳамжамияти ҳудудидан ташқарида жойлашган компаниялар учун алоҳида белгиланган.

1981 йилда қабул қилинган қонун ҳужжатларига кўра, Европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатларида рўйхатдан ўтган барча суғурта компаниялари умумий суғурта операциялари бўйича тўлов қобилияти даражасини, ушбу компания жойлашган давлат томонидан белгиланган талабларга мувофиқлаштириши лозим. Европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатларида суғурта компаниясининг активи ва мажбурияти ўртасидаги мутаносиблик даражаси ҳаётни суғурта қилишга ихтисослашган компаниялар учун алоҳида умумий суғурта турларини амалга оширувчи компаниялар учун алоҳида белгиланган.

Савдо ва саноат департаменти суғурта компаниялари томонидан белгиланган суғурта мукофоти ставкасини назорат қилади. Суғурта компанияси, агар миқдори топса, истаган юқори ставкаси бўйича суғурта қилиши мумкин, Айрим ҳолларда, суғурта компанияси ставкани пасайтириб, ўзининг тўлов қобилиятини мураккаблаштириши мумкин. Департамент бундай компанияларга нисбатан чора кўради ва суғурта бадали ставкасини оширишни талаб қилади.

Савдо ва саноат Департаменти суғурталанувчиларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида суғурта компанияларининг жорий фаолиятига аралаштишга ҳақлидир. Агар, суғурта компаниялари Департаментга нотўғри маълумотлар тақдим қилса, бу ҳолда у мазкур компанияларга нисбатан жазо чораларини қўллаши мумкин. Департамент суғурта компаниясининг фаолияти бўйича камчиликлар топса, ушбу камчиликларни тугатиш юзасидан суғурта компаниясига кўрсатма беради. Агар, мазкур кўрсатма бир ой муддатда бажарилмаса, компанияга янги суғурта шартномаларини тузишга ҳамда инвестиция фаолиятини амалга оширишга йўл қўйилмайди. Энг асосийси, агар суғурта компанияси ўз зиммасидаги мажбуриятларни бажара олмаса ёки компанияда бухгалтерия ҳисоби белгиланган тартибда олиб борилмаса, Департамент ушбу компанияни тугатиш тўғрисида қарор

қабул қилади.

Буюк Британияда суғурта иши шунчалик ривожланганки, буни мамлакат парламенти томонидан қабул қилинган айрим қонунлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, “Суғурталанувчиларнинг манфаатини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги. Қонун суғурта компанияси билан суғурта шартномасини тузган ҳар бир Буюк Британия фуқаросини ҳар қандай ҳолатда ҳимоя қилишни кафолатлайди. Бу ўз навбатида суғурталанувчиларни ишонч билан суғурта полисларини сотиб олишга ундайди. Юқорида қайд қилинган қонун талабларига мувофиқ, суғурта компанияси тугатилган тақдирда, унинг суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятларини бажариш суғурталанувчиларнинг манфаатини ҳимоя қилиш бўйича Кенгашга юклатилади. Дастлаб, суғурта компанияси тугатилишидан олдин, Кенгаш компанияни молиявий ҳолатини соғломлаштириш юзасидан махсус тадбирларни амалга оширади.

Буюк Британияда суғурта тизимини давлат томонидан тартибга солишда солиқ сиёсатининг муҳим ўрни бор. Гап шундаки, узоқ йиллардан бери узоқ муддатли ҳаётни суғурта қилиш бўйича шартномаларни тузган суғурталанувчиларга даромад солиғини тўлашда имтиёзлар берилган. Масалан, умрбод ҳаётни суғуртасида суғурта мукофоти 10 йилдан кам бўлмаган муддатда тўлаб борилса, суғурта суммаси миқдори жами тўланган суғурта мукофотининг 75 фоиздан кам бўлмаган миқдорини ташкил этса, суғурталанувчи тўлайдиган даромад солиғи ставкаси 15 фоизга камайтирилади.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, суғурта компаниялари корпорация солиғини тўлашда катта имтиёзга эга. Агар, тадбиркорликнинг бошқа тузилмалари 35 фоизли ставка билан фойда солиғи тўласа, суғурта компанияларининг фойдасига солинадиган солиқ ставкаси 30 фоизни ташкил қилади.

“Ллойд” суғурта корпорацияси ва унинг ташкилий тузилиши, функцияси.		Буюк Британия суғурта тизимида “Ллойд”
--	--	--

корпорациясининг ўзига хос ўрни бор. “Ллойд”нинг ташкилий тузилмаси суғурта компанияларининг ташкилий тузилмасидан тубдан фарқ қилади. “Ллойд” Лондон шаҳрининг марказида жойлашган ва бу ерда суғурта операцияларини унинг аъзолари амалга оширади. Баъзи маълумотларга кўра, “Ллойд”нинг 33532 та аъзолари бўлиб, улар йиғган суғурта мукофотининг ҳажми 10 млрд. ф.ст.дан ошади. “Ллойд”га аъзо ҳар бир

андеррайтер суғурта операциясини ўзининг имконияти даражасида амалга оширади ва корпорациянинг бошқа аъзоларини мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Суғурта компанияларидан фарқли ўлароқ, “Ллойд” корпорацияси аъзоси тузилаётган шартномалар бўйича чекланмаган мажбуриятларни ўз зиммасига олиши мумкин. “Ллойд” аъзолари суғурта операцияларини амалга ошириши учун махсус синдикатларга бирлашган. Ҳозирги пайтда корпорациянинг 150 дан ортиқ тармоқ синдикатлари мавжуд бўлиб, улардан 100 яқини денгиз суғуртаси, 34 таси авиация суғуртаси, 27 таси автомобиль суғуртасига ихтисослашган синдикатлардир. Синдикатларга “Ллойд” андеррайтерлари бошчилик қилади ва у ушбу синдикатга аъзо бўлган бошқа андеррайтерлар номидан суғурта операцияларини амалга оширади. Потенциал мижозларни жалб қилиш бўйича синдикатлар ўзаро қаттиқ рақобат курашини олиб борадилар. Шу нуктаи-назардан “Ллойд”ни ўзига хос суғурта бозори деб аташ мумкин. “Ллойд”да барча суғурта операциялари брокерлик фирмалари воситачилигида амалга оширилади. Ҳозирги пайтда “Ллойд”да рўйхатдан ўтган брокерлар 300 дан ортиқ. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам айрим суғурта компаниялари ва суғурта брокерлари “Ллойд” корпорацияси билан мустаҳкам алоқа ўрнатишган.

“Ллойд” корпорацияси доирасида йиғиб олинadиган суғурта бадалларининг 30 фоизи денгиз суғуртаси ҳиссасига тўғри келади. Негаки, Буюк Британияни деярли уч томондан океан ва денгизлар қуршаб олган ва бу ерда азалдан савдо-сотиқлар денгиз ва океанлар орқали амалга оширилган. Айрим манбаларга кўра, Англияда дастлабки суғурта шартномалари, бундан тахминан 300 йиллар олдин, айнан, денгизда ташиладиган юклар ва кемалар билан боғлиқ бўлган.

“Ллойд” суғурта корпорациясининг ташкилий тузилмасига андеррайтер, синдикат ва брокерлардан ташқари, аъзолик ва депозитлар бўйича, чет мамлакатларда кўрилган зарарни тўлаш бўйича бўлимлар ҳам киради. Шунингдек, “Ллойд”да марказий бухгалтерия, маслаҳат-аудиторлик ва бошқа бир қатор бўлимлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, “Ллойд”нинг бутун дунё бўйлаб 1000 дан ортиқ агентлари бор ва улар, асосан, жойларда суғурта ҳодисалари рўй берган тақдирда авария комиссарларини тайинлайди ва суғурта операциялари юзасидан эътирозларни тартибга солишда иштирок этади.

“Ллойд” корпорациясининг ўзига хослиги ҳисобга олиниб, унинг фаолиятини тартибга солиш “Ллойд” кенгашига юклатилган. Кенгаш

16 аъзо ва 8 та штатда бўлмаган аъзодан иборат бўлиб, улар Кенгаш Раиси ва унинг 2 ўринбосарини тайинлайди. Кенгаш “Ллойд” суғурта корпорациясини бошқариш ва назорат қилиш каби муҳим функцияларни бажаради. Шунингдек, Кенгаш синдикатларнинг тўлов қобилятини ҳам назорат қилиб боради. “Ллойд”да ўзини ўзи тартибга солиш механизми ишлаб чиқилган ва бу қуйидаги йўналишларда назорат қилишни ўз ичига олади:

-корпорацияга аъзо бўлиб кираётганларга нисбатан қўйиладиган талаблар;

-айрим синдикатларнинг тўлов қобиляти мураккаблашган тақдирда, унинг суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятларини бажариш;

-”Ллойд”га аъзо суғурта брокерларининг фаолиятини назорат қилиш.

Юқорида қайд этилган биринчи талабнинг маъноси шуки, “Ллойд”га аъзо бўлиб кирмоқчи бўлган ҳар бир даъвогар шахс, “Ллойд”да амалда аъзо бўлиб турган камида 5 та кишидан ёзма тавсиянома олиши ва у керакли миқдорда молиявий ресурсларга эга бўлиши зарур. 1990 йилдан эътиборан, “Ллойд”га аъзо бўлиб кирмоқчи бўлган даъвогарлар камида 100000 ф.ст.дан то 250000 ф.ст.гача капиталга эга бўлиши лозим.

Суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда суғурта қопламасини оператив тўлаш мақсадида, “Ллойд” корпорацияси вақтинча бўш маблағларини қатъий фоизлар тўланадиган активларга инвестиция қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, “Ллойд” нинг ҳар бир аъзоси ҳар йили амалга оширган суғурта операциялари, суғурта мажбуриятлари тўғрисида корпорация аудиторида ҳисобот тақдим қилади. Аудитор, ҳисоботни текшириш натижасида камчиликларни аниқласа, уни дарҳол андеррайтерга хабар қилади ва бу, ўз навбатида андеррайтерни эҳтимол тутилган молиявий тангликка тушиб қолишдан сақлайди. “Ллойд”га аъзо бўлган синдикатнинг тўлов қобиляти ёмонлашганда, уни суғурталанувчилар олдидаги мажбурияти, корпорацияда ташкил этилган махсус заҳира фонди ҳисобидан бажарилади. Бу заҳира фонди синдикатлар ажратган маблағлар ҳисобига шаклланади.

Буюк Британия бозорида суғурта брокерларининг асосий вазифаси.		Буюк Британияда суғурта операцияларининг 60 фоизга
---	--	--

яқини суғурта брокерлари ёрдамида амалга оширилади. Бу хусусият ушбу мамлакат суғурта тизимини бошқа мамлакатлар суғурта тизимидан тубдан

фарқ қилади. Шунини айтиш жоизки, айрим ривожланган давлатларда, хусусан, Японияда суғурта брокерлари институти умуман йўқ.

Буюк Британияда потенциал суғурталанувчилар, асосан, суғурта брокерлари ёрдамида суғурта шартномаларини тузадилар. Мижозлар у ёки бу компаниялар билан суғурта шартномасини тузишга хоши билирса, брокерлар уларга ковернота ҳужжатини топиради. Ковернота - ўзига хос ҳужжат бўлиб, потенциал суғурталанувчининг маълум бир суғурта компанияси билан суғурта шартномасини тузишга аҳд қилганлигини билдиради ва бунда ҳеч қандай суғурта жавобгарлиги кўзда тутилмайди. Суғурта брокерлари компанияларнинг манфаатидан кўра, кўпроқ суғурталанувчиларнинг манфаатини ҳимоя қилади. Одатда, суғурта брокерлари ўнлаб суғурта компанияларининг суғурта шартномалари, молиявий ҳолати ва суғурта бадали ставкалари ҳақидаги маълумотларга эга бўлади. 2004 йил ҳолатига кўра, Буюк Британияда 1000 дан ортиқ суғурта брокерлари рўйхатга олинган. Брокерлар нисбатан, авиация, денгиз ва автомобиль суғурталарида фаол иштирок этадилар. Уларнинг асосий вазифаси суғурта компанияси ва суғурталанувчи ўртасида воситачилик қилиш ва бу хизмати учун суғурталовчилардан комиссия ҳақини олишдир. 2000 йил бошларида, Буюк Британияда суғурта брокерлари асосий фаолият юзасидан 8,0 млрд. долл.дан ортиқ комиссия ҳақи олишган. Бу рақам ҳам суғурта брокерларининг нуфузи ниҳоятда баланд эканлигидан далолат беради. Ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган энг йирик брокерлар қаторига “Сейжвик груп”, “Виллис Фабер” ва “Александр Хауден груп”лар киради.

Буюк Британия суғурта тизимида брокерлар муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, 1977 йилда мамлакат парламенти “Суғурта брокерларини рўйхатга олиш тўғрисида” қонун қабул қилган. Ушбу қонунга мувофиқ, суғурта операцияларини амалга оширишда воситачи ҳисобланган барча суғурта брокерлари мажбурий тартибда давлат рўйхатидан ўтиши шарт. Уларни рўйхатга олишни, ҳукумат томонидан тайинланадиган 12 та брокер ва 5 та аъзодан иборат Кенгаш амалга оширади. Кенгашнинг асосий вазифаси суғурта бозорида қатнашаётган барча суғурта брокерларининг фаолиятини назорат қилишдан иборат. Бу назоратнинг мақсади суғурта бозорида фақат соҳани яхши тушунадиган юксак малакали мутахассислар ишлашига қаратилган.

Мамлакатда фаолият кўрсатаётган барча суғурта брокерлари ўзларининг профессионал уюшмаларига бирлашган. Суғурта брокерлари уюшмасига аъзо бўлган брокерлар жами брокерлик операцияларининг

95 фоизини амалга оширмоқда. Уюшма ўз аъзоларининг манфаатларини ҳукумат ва суғурта компаниялари олдида ҳимоя қилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Буюк Британияда суғурта тизимини ривожланишининг асосий сабаблари нимада?
2. Нима учун Буюк Британия суғурта компанияларини «молиявий воситачилар» деб аташади?
3. Ҳаётни суғурта қилиш ва умумий суғурта турларини қайси жиҳатларига кўра фарқлаш мумкин?
4. Буюк Британия суғурта бозорида нечта чет эл компанияси мавжуд?
5. Буюк Британия суғурта компанияларини халқаро бозорлардаги мавқеи қандай ва унга таъсир этувчи омилларни кўрсатинг?
6. Суғурта компанияларини инвестиция фаолияти ҳақида нима фикрларни билдирасиз?
7. Буюк Британия суғурта компаниялари қайси суғурта операцияларини амалга оширади?
8. Суғурта операцияларини туркумлаш мезонлари?
9. Буюк Британияда суғурта компанияларини давлат томонидан назорат қилишнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
10. Буюк Британия савдо-саноат Департаментининг асосий функцияси нима?
11. Буюк Британияда суғурта компанияларини лицензиялаш тартиби?
12. «Ллойд» суғурта корпорациясини Буюк Британия суғурта бозорида тутган ўрни ва аҳамиятини ёритиб беринг?

24-мавзу: Америка Қўшма Штатларида суғуртанинг ривожланиши

1. Халқаро суғурта бозорида Америка Қўшма Штатларининг тутган ўрни.
2. Америка Қўшма Штатларида суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.
3. Америка Қўшма Штатларидаги йирик суғурта компанияларига умумий тавсифнома.

Халқаро суғурта бозорида Америка Қўшма Штатларининг тутган ўрни.

Иқтисоди ривожланган
мамлакатларнинг молия - кредит

тизимда суғурта компаниялари энг муҳим бўғинлардан бири ҳисобланади. Айрим маълумотларга кўра, 2004 йилда жаҳон миқёсида суғурта компаниялари томонидан йиғиб олинган жами суғурта мукофотлари миқдори, тахминан 1,1 трл.доллардан ошиб кетди. Бунинг асосий сабаби шундаки, ишлаб чиқаришнинг гуркираб ривожланиши, барқарор иқтисодий ўсиш, пировардида бу мамлакатларда оддий аҳоли турмуш даражасининг фаровонлиги суғурта ишини тараққий этиши учун замин яратди. Буни биз биргина бугунги кунда жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидан бири бўлган - Америка Қўшма Штатлари мисолида кўришимиз мумкин.

2004 йил статистик маълумотларига кўра, Америка Қўшма Штатларида ҳосил қилинган ялпи ички маҳсулотнинг 9,4 фоизини суғурта мукофотлари ташкил этган. Бу кўрсаткич Франция, Канада, Италия каби тараққий этган мамлакатларнинг тегишли кўрсаткичидан сезиларли даражада юқоридир. Америка диёрида суғурта ишини нечоғли ривожланганлигини нафақат юқорида қайд этилган макроиқтисодий кўрсаткич орқали эмас, балки бошқа кўрсаткич орқали ҳам билиб олишимиз мумкин. Жумладан, 2004 йилда йиғиб олинган суғурта мукофотларини аҳоли жон бошига тақсимлаганда, бир АҚШ фуқароси ўзини ва ўзига қарашли мол-мулкларни суғурталашга бир йилда 3790,2 доллар сарфлаган. Юқорида кўрсатилган маблағнинг 2072,1 доллари умумий суғурта, 1718,1 доллари эса ҳаётни суғуртасига тўғри келади.

XX асрнинг сўнгги ўн йили мобайнида суғурта фаолияти Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва Германия каби давлатларда жадал ривожланиб боришига қарамасдан, Америка суғурта компаниялари жаҳонда ўзининг етакчилик мавқеини йўқотган эмас. 2004 йилда Америка Қўшма Штатлари Канада билан биргаликда ер шарида йиғиб олинадиган суғурта мукофотларининг қарийб 36,2 фоизини тўпладилар. Кўриниб турибдики, бу жуда юқори кўрсаткич ва бу мамлакатларда суғурта иши кундалик ҳаётнинг ажралмас элементи эканлигидан дарак беради.

2004 йил маълумотларига мурожаат қиладиган бўлсак, Америкада 6000 мингга яқин суғурта компаниялари мавжуд бўлиб, уларда 2,6 млн.га яқин ходимлар ишлашяпти. 2000 йиллар бошида америкалик фуқаролар умумий суммаси 6,6 трл. доллардан ортиқ бўлган 450 млн. суғурта полисига эга бўлишган.

АҚШда суғурта бизнеси ривожланишининг энг муҳим

йўналишларидан бири, унинг янада байналминаллашувидир. Америкалик экспертларга кўра, бу жараён келгуси 10 йилликда янада кучаяди. Буни биз Ўзбекистон мисолида ҳам кўришимиз мумкин. 1991 йилда Ўзбекистон ўз мустакиллигини кўлга киритиши ва бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиши муносабати билан, Ўзбекистонга ривожланган давлатларнинг, шу жумладан Америка Қўшма Штатларининг қизиқиши ошди.

1994 йилда мамлакатимизда Американинг энг йирик суғурта компанияси бўлмиш - “Америкэн Интернейшнл Групп” суғурта корпорацияси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан ҳамкорликда “УзАИГ” ўзбек-америка суғурта компаниясини ташкил этди. Бу қўшма суғурта компаниясининг Устав капиталида америкалик компаниясининг улуши 51 фоизни, яъни 1,1 млн.долл.ни ташкил этади. Аммо, халқаро бозорларда Америка суғурта компаниялари жиддий рақобатга дуч келишмоқда. Америка суғурта компанияларининг халқаро бозорларда фаол фаолият кўрсатишининг асосий сабабларидан бири шундаки, Америка савдо-саноат монополиялари, транснационал корпорациялари тобора жаҳон бозорини ишғол қилмоқда. Табиийки, бу монополия ва корпорациялар чет мамлакатлар иқтисодиётидаги ўз иштирокларини таркибий тузилмаларидан бири бўлган суғурта компанияларисиз амалга оширишмайди.

Америка Қўшма Штатларида суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.	Барча давлатларда бўлгани каби Америка Қўшма Штатларида ҳам суғурта компаниялари фаолияти
---	---

устидан давлат назорати мавжуд. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, қайси давлатда ва иқтисодий тарақиёт қай даражада ривожланмасин, барибир, суғурта компаниялари миллионлаб мижозлари олдида олган мажбуриятларини ҳалол ва виждонан бажаришлари учун масъулиятга эгадирлар.

Шуниси диққатга сазоварки, АҚШда суғурта компаниялари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш марказлашган шаклда ягона Федерал бошқарув органи томонидан назорат қилинмасдан, балки штат даражасида назорат қилинади. Ҳар бир штатда суғурта операцияларини назорат қилиш бўйича махсус бўлимлар мавжуд бўлиб, улар суперинтендант ёки комиссарлар томонидан бошқарилади. Бу шахслар штат губернаторлари томонидан тайинланади ва одатда, раҳбарлик муддати губернаторлар сайлов муддатига тенг. Айрим штатларда суғурта

операциялари ҳажмининг ниҳоятда катталиги махсус бўлимда етарли миқдорда ходимлар ишлашини талаб этади. Аммо, шундай бўлишига қарамасдан бу назорат бўлимлари доимо малакали мутахасислар ва зарур даражадаги маблағлар етишмаслигидан азият чекишади. Шуниси ажабланарлики, ҳар бир штатда суғурта компанияларини назорат қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби бир-биридан фарқ қилади.

Суғурта операцияларини назорат қилиш бўлимининг асосий функцияси мазкур штатда рўйхатдан ўтган барча суғурта компанияларининг тўлов қобилияти ва амалга оширилган суғурта операциялари устидан мунтазам назорат ўрнатишдан иборат. Фақат бугина эмас. Суғурта операцияларини назорат қилиш махсус бўлими, амалда ҳар бир суғурталовчининг молиявий аҳволини кузатиб боради ва йиллик ҳисоботларни таҳлил этади. АҚШдаги ҳар бир штат ўз ҳудудида фаолият кўрсатаётган ҳамма суғурта компаниялари учун муайян талаблар ва чекловлар қўйишда мутлақо эркиндир.

Ҳар бир штатда суғурта фаолиятини тартибга солиш юзасидан алоҳида қонун-қоидаларни мавжудлиги бу йўналишда маълум бир қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, Арканзас штатида рўйхатдан ўтган суғурта компанияси ўз полисини Техас штатида сотса, демак у мазкур штатнинг суғурта фаолиятини амалга оширишга доир қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бериши зарур. Бу эса, ўз-ўзидан ортиқча расмийликни ва ҳужжатларни тўлдиришни вужудга келтиради. Мана шунга ўхшаш масалаларни ҳал этиш ва суғурта соҳасини Федерал даражада ўзаро мувофиқлаштириб бориш мақсадида, барча штатларнинг суғурта операцияларини назорат қилиш махсус бўлимлари бўлим бошлиқларининг кўнгилли Миллий ассоциациясига бирлашдилар. Ассоциациянинг мажлислари бир йилда 2-4 бўлиб ўтсада, афсуски, унинг қабул қилган қарорлари штатдаги қонун чиқарувчи органлар учун тавсиявий характерга эга.

Ажабланарли томони шундаки, суғурта компанияларининг ўзи эмас, балки улар фаолиятининг айрим томонлари Федерал ҳукумат томонидан назорат қилинади. Масалан, суғурта компанияларининг қимматли қоғозларни олди-сотдиси билан боғлиқ операциялари қимматли қоғозларни савдоси бўйича Комиссия ўрнатган талабларга жавоб бериши зарур.

Биринчи навбатда, суғурталанувчини манфаатини ҳимоя қилади. Европада амалда бўлган тартибдан фарқли ўлароқ, Америка Қўшма Штатларида суғурта компанияси раҳбарлари учун уларнинг малакаси, иш

тажрибасига талаблар қўйилмайди. Аксинча, амалга оширилган суғурта операциялари бўйича қаттиқ ҳисобот талаб этилади.

Ҳар бир штатда депозит ва кафолат фондлари мавжудки, бу фондлар суғурта компаниялари банкрот деб эълон қилинган тақдирда, олинган мажбуриятларни бажариш учун ишлатилади. Кафолат фондига ажратилаётган маблағлар миқдори суғурта компаниясининг активига нисбатан 2-5 фоизни ташкил этади. Мободо, суғурта компанияси банкрот деб эълон қилинса, бу ҳолда суғурта назорати қандай чора-тадбирларни амалга оширади деган ўринли савол туғилиши мумкин.

Дастлаб, штатдаги суғурта операцияларини назорат қилувчи махсус бўлим, банкрот деб эълон қилинган компаниянинг жами қарзларини баҳолайди. Шундан сўнг, банкрот бўлган компаниянинг мижозларини қабул қилиб олган бошқа компания кафолат фондидан тегишли маблағлар олади. Айрим штатларда, суғурта компанияларининг штат бюджетига тўлайдиган ажратмалар миқдори кафолат фондидан олинадиган маблағлар суммасига камайиши ҳам мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Америка Қўшма Штатларида суғурта фаолиятини давлат томонидан назорат этиш ўзига хос характерга эга. Ҳар бир штатда суғурта фаолиятини назорат қилишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари айтарли бир-биридан фарқ қилади. Аммо, ҳар қандай шароитда суғурта операцияларини назорат қилувчи махсус бўлимларнинг асосий вазифаси суғурталанувчиларнинг тўла манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган. Энг асосий гап ҳам мана шундадир.

**Америка Қўшма Штатларидаги
йирик суғурта компанияларига
умумий тавсифнома.**

Америка Қўшма Штатларида фаолият
кўрсатаётган суғурта компанияларини
ўрта йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1 аётни суғурта қилишга ихтисослашган компаниялар;
- умумий суғурта операцияларини (ҳаётни суғурта қилишдан ташқари) амалга оширувчи компаниялар.
- ўзаро суғурталаш жамиятлари.

Ҳаётни суғурталашга ихтисослашган Американи энг йирик компанияларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар бугунги кунда кўп минг сонли пенсия фондларига тегишли юз миллиардлаб маблағларни бошқарадилар. Айрим компаниялар активининг 30-40 фоизини, айнан Пенсия фондларига тегишли маблағлар ташкил этади. Бунда суғурта монополияларининг асосий вазифаси Пенсия фондлари томонидан ишончли

бошқарувга топширилган маблағларни оқилона инвестицион сиёсат юритиш орқали кўпайтиришдан ва ишончли сақлашдан иборат. Суғурта компаниялари бундай хизматлари учун Пенсия фондларидан тегишли воситачилик ҳақини оладилар. Бу хизмат ҳақи суғурта компанияларига миллионлаб даромад келтирадилар. Аммо, бу асосийси эмас. Гап шундаки, суғурта компаниялари ихтиёридаги катта миқдордаги инвестицион ресурслар, уларни саноат корхоналари устидан назорат ўрнатишлари учун имконият яратади. Статистик маълумотларга қараганда, Американинг энг йирик 100 та саноат корпорацияларидан 27 тасида суғурта компанияларининг вакиллари Директорлар кенгашини бошқарган. Бу кўрсаткич бўйича суғурта компаниялари фақат тижорат банклари ва инвестиция компанияларидан кейинги ўринда туради.

Умумий суғурта операцияларини амалга оширувчи компаниялар, айтарли барча кўрсаткичлар бўйича ҳаётни суғурталашга ихтисослашган компаниялардан кейин туради. Аммо, йиғиб олинadиган суғурта мукофотлари миқдори ва активининг ўсиши бўйича умумий суғурта операцияларини амалга оширувчи компаниялар бироз илгари ҳаракат қилишмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, кейинги йилларда бу суғурта турларига бўлган талаб сезиларли равишда кучайди.

Мазкур тоифага мансуб суғурталовчилар мижозлар сонини ошириш мақсадида мунтазам янги суғурта хизматларини таклиф этмоқдалар. Жумладан, адвокатларнинг, шифокорларнинг ва меъморларнинг учинчи шахсга зарар келтириш бўйича касбий жавобгарлигини суғурта қилиш юқоридаги фикримизнинг яққол исботидир. Ҳозирги пайтда, биргина “Сан Паул компани” суғурта компаниясида 65 мингдан ортиқ шифокор ўз жавобгарлигини суғурта қилишган. Ушбу суғурта тури бўйича тўпланган суғурта мукофотлари миқдори ялпи тушумларнинг 15 фоизига яқинини ташкил этмоқда.

Америка Қўшма Штатларининг суғурта тизимида “мьючуэлс” деб аталувчи ўзаро суғурталаш жамиятлари ўзига хос ўринни эгаллайди. Агар, акциядорлик суғурта компаниясининг эгалари акциядорлар бўлса, “мьючуэлс” типдаги ўзаро суғурталаш жамиятининг эгалари - бу шу жамиятда ўз ҳаёти ёки мол-мулкини ёхуд жавобгарлигини суғурта қилган жисмоний ва юридик шахслардир. Бундай суғурта жамиятларининг бутун пул маблағлари суғурта мукофотлари ва фойдадан ажратмалар ҳисобидан шаклланади. Шунинг учун суғурта мукофоти бир вақтнинг ўзида суғурталанувчининг жамиятга кириш ҳиссаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Суғурталанувчи ўзаро суғурталаш жамиятидан суғурта полисини сотиб олар экан, у нафақат суғурта қопламасини олишга даъвогарлик қилади, балки суғурталовчи фаолиятининг натижалари бўйича олинган фойдани бир қисмини олишга ҳам ҳақлидир.

Дастлабки, “Мьючуэлс” типдаги суғурта жамиятлари акциядорлик суғурта компанияларига қарама-қарши равишда ташкил этилдики, бунда суғурталовчи нафақат суғуртани даромад олишни бир манбаи сифатида қараши, балки ўзининг ҳиссадорларини энг қулай шароитларда суғурталаши зарур эди.

Мавжуд маълумотларга кўра, АҚШда 2000 дан ортиқ ўзаро суғурта қилиш жамиятлари фаолият кўрсатишмоқдаки, бу кўрсаткич Буюк Британия, Франция ва Данияда 100 тадан ортиқни ташкил этади. Бу шаклдаги суғурта жамиятларининг умумий даромади АҚШда 482,1 млрд.долл.ни ташкил этади. Бу бошқа давлатларнинг кўрсаткичларидан жуда кўпдир. Шу ерда таъкидлаш зарурки, Японияда бор-йўғи 20 та ўзаро суғурталаш жамияти мавжуд бўлишига қарамасдан, улар томонидан тўпланган суғурта мукофотлари 278,3 млрд.долл.ни ташкил этган.

Америка суғурта тизимида суғурта брокерлари ўз мавқеларига кўра муҳим аҳамиятга эга. Кўп суғурта шартномалари амалда суғурталовчи билан суғурталанувчи ўртасида бевосита тузилмасдан, балки брокерлар воситасида тузилади. Жумладан, Американинг энг йирик компанияларидан бири- “Пруденшиал” 22 минга яқин агентларнинг хизматидан фойдаланишади.

Юқорида қайд этганимиздек, Америка Қўшма Штатларида суғурта бизнеси ривожланишининг асосий йўналишларидан бири, уни янада интернационаллашувидир. Чет элдаги бўлим ва ваколатхоналар сони бўйича АҚШ бугунги кунда дунёда иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Америка суғурта компанияларининг халқаро миқёсда фаол иштирок этишларининг асосий сабаби шундаки, Америка транснационал корпорациялари жаҳон бозорида тобора кучли позицияларни эгаллашмоқда. Бу корпорацияларга қарашли мол-мулклар ва бошқа манфаатларни суғуртавий ҳимоя этиш, шубҳасиз унинг таркибига кирувчи суғурта компаниялар томонидан амалга оширилади. Американинг машҳур “ИТТ” концерни, ўз суғурта операцияларини жаҳоннинг 80 мамлакатида амалга ошираётган 25 суғурта компанияларини назорат қилади.

Америка Қўшма Штатлари суғурта тармоғидаги энг йирик компаниялардан бири - бу “SIGNA” суғурта корпорациясидир. Бу

корпорация 1982 йилда “Коннектиут дженерал корп.” ва “ИНА корп.” компаниялари негизда ташкил этилган бўлиб, унинг штаб - квартираси Филадельфияда жойлашган. У амалга оширадиган асосий суғурта операциялари мол-мулкни ва жавобгарликни суғурталашдир. “SIGNA” суғурта корпорациясининг ваколатхоналари жаҳоннинг 160 дан ортиқ мамлакатда фаолият кўрсатяпти. Уни чет элдаги филиаллари асосан шахсий суғурта ва мол-мулк суғуртаси билан шуғулланишади. 1995 йилда корпорация бўйича келиб тушган суғурта мукофотларининг сал кам 10,0 фоизи чет элдаги филиаллар ҳисобига тўғри келган.

Қўшма Штатларнинг энг етакчи компаниялари ҳақида тўхталар эканмиз, “Amerikan International Group (АИГ)” суғурта гуруҳининг ички ва ташқи бозордаги фаолияти алоҳида таҳсинга сазовордир. Гуруҳ асосан савдо ва саноат тармоқлари таваккалчиликларини суғурталашга ихтисослашган. “АИГ” ўзининг дастлабки операцияларини 1919 йилда Шанхайда бошлаган бўлиб, кейинчалик штаб-квартираси Нью-Йоркка кўчирилган. Бугунги кунда гуруҳнинг ваколатхоналари ва филиаллари ер юзининг 140 мамлакатда мавжуддир. “АИГ”нинг бир йиллик суғурта операциялари ҳажми қарийб 10,0 млрд.долл.дан ортиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, 1990 йилларнинг бошида соҳада рақобатни кескинлашуви 1993 йилларга келиб ҳаётни суғурта қилишга ихтисослашган 105 та ва умумий суғурта операцияларини амалга оширувчи 74 компанияни банкрот бўлишига олиб келди. Суғурта фаолиятини назорат қилувчи ҳукумат органлари буни олдини олиш мақсадида суғурта компанияларининг мавжуд капиталларига бўлган энг кам талабни янада кучайтирди. 1993 йилдан бошлаб, бу талаб 2-3 млн.долл. атрофида белгиланди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. АҚШ суғурта тизимининг жаҳон суғурта бозорининг ўрни қандай? АҚШда суғурта тизимини ривожланиш динамикасини кўрсатувчи асосий макроиктисодий кўрсаткичлар?
2. АҚШда нечта суғурта компанияси фаолият кўрсатади ва унда ишлайдиган ходимлар сони қанча?
3. Американинг энг йирик суғурта компанияларига қисқача таъриф беринг?
4. АҚШда суғурта назоратини ташкил этишнинг асосий принциплари

нималардан иборат?

5. Махсус суғурта бўлимларнинг миллий уюшмаси бажарадиган асосий функциялар ҳақида тушунтириш беринг?

6. Суғурта компанияларини лицензиялашнинг ўзига хос хусусиятлари?

7. Ҳар бир штатнинг қонун чиқарувчилик ваколатлари ва уни суғурта фаолиятини юритишдаги таъсири?

8. Суғурта фаолиятини амалга ошириш учун давлат томонидан қўйиладиган талаблар нималардан иборат?

9. Ўзаро суғурталаш жамиятлари ва улар амалга оширадиган суғурта операцияларини ўзига хос хусусиятлари?

10. АҚШда суғурта фаолиятини амалга оширишда қандай муаммолар юзага келмоқда?

Глоссарий

Абандон - тўлиқ миқдордаги суғурта суммасини олиш учун суғурталанувчининг суғурталанган мол-мулкдан суғурталовчининг фойдасига воз кечиши (суғурталанган кема нобуд бўлганда, у хабарсиз йўқолганда, кема ёки юк қароқчилар томонидан босиб олинганда). Абандон тўғрисидаги ариза воқеа-ходиса рўй бергандан кейин олти ой мобайнида берилиши керак. Айрим чет мамлакатлар қонунчилигида абандон суғурталанувчининг бир томонлама акти ҳисобланади. Фақат, Англия қонунчилигида абандон учун суғурталовчининг розилиги талаб этилади.

Авария комиссари - суғурта компаниясининг ваколатига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс. Суғурталанган кема ёки юк бўйича кўрилган зарарнинг характери ва миқдорини аниқлайди, ходиса рўй берганлик сабабларини ўрганади. Суғурта компанияси авария комиссарининг чет элда ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам тайинлаши мумкин. Авария комиссарининг юридик манзили, телефон ва телекс рақамлари суғурта компанияси томонидан бериладиган суғурта полисида кўрсатилади. Суғурталанувчи суғурта ходисаси рўй бериши заҳоти авария комиссарига мурожаат қилиши зарур. Авария комиссари мол-мулкнинг зарарланганлик даражасини аниқлайди ва суғурта компаниясининг топшириғига асосан, кўрилган зарарни қисман қоплаши мумкин. Авария комиссари бажарилган ишлар тўғрисида суғурта компанияси учун авария сертификати тузади ёки унга ёзма ахборот тайёрлайди.

Авария сертификати - мол-мулк суғурта ходисаси туфайли зарарланганда, кўрилган зарарнинг миқдори ва характерини тасдиқловчи ҳужжат. Авария сертификати авария комиссари (аджастер) томонидан тузилади ва тегишли комиссия ҳақи ҳисобига суғурталанувчига тақдим этилади. Авария сертификати суғурталанувчининг суғурта қопламасини олиш тўғрисидаги аризасига илова этилади ва қопламани тўлашда суғурта компаниясига асос бўлиб хизмат қилади.

Аддендум - илгари тузилган суғурта ва қайта суғурталаш шартномасига томонларнинг ўзаро келишуви билан қўшимчалар киритиш.

Аджастер - суғурта ходисаси рўй бериши муносабати билан суғурталанувчи томонидан билдирилган эътирозни тартибга солишда суғурта компаниясининг манфаатларини ҳимоя этувчи жисмоний ёки ҳуқуқий шахс. У суғурталанувчи билан унга тўланадиган суғурта қопламаси миқдорини келишишга ҳаракат қилади. Аджастер суғурта ходисасини рўй бериш сабабларини ўрганади ва таҳлил этади. Ушбу таҳлил натижалари

бўйича суғурта компаниясига эксперт хулосасини тузади ҳамда авария комиссари функциясини бажаради. Аджастер вазифасини суғурта компаниясининг таркибий бўлими ёки ихтиссослашган ташкилот амалга ошириши мумкин.

Актуарий - лотин тилидан таржима қилганда ҳисобчи деган маънони билдиради. Актуар ҳисоб-китоблар назариясини ўзлаштириб олган суғурта математикаси соҳасидаги мутахассис. У суғурта тарифларини ҳисоблаш ва методологиясини ишлаб чиқиш, узоқ муддатли суғурта турлари бўйича суғурта захираларини шакллантириш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан шуғулланади. Ҳозирги пайтда Англияда актуарийлар институти фаолият кўрсатмоқда. Актуарийларнинг халқаро уюшмаси мавжуд.

Актуар ҳисоб-китоблар - суғурта тарифи ставкаларини ҳисоблашнинг иқтисодий-математик усуллари йиғиндиси. Ушбу ҳисоб-китоблар катта сонлар қонунига асосланади. Актуар ҳисоб-китобларнинг методологияси, эҳтимоллар назарияси, демография қонуниятларига асосланади, тариф ставкасини миқдори суғурта ҳодисалари рўй беришининг эҳтимолийлигига боғлиқ. Демография маълумотларидан фуқароларнинг ҳаётини суғурталашда суғурталанувчиларнинг ёшига мос равишда суғурта тарифи ставкасини табақалаштиришда фойдаланилади. Узоқ муддатли ҳаётни суғуртаси бўйича суғурта суммалари суғурталанган шахс вафот этганда ёки у маълум бир ёшга етганда тўланади. Етарли миқдордаги суғурта фондини шакллантириш учун, суғурталовчи шартнома амалда бўлган даврда қанча шахс вафот этиши ёки маълум бир ёшга етиши эҳтимолийлигини билиши зарур. Аҳоли ўлими даражаси ҳақидаги статистик маълумот асосида турли ёшга етиши эҳтимоллигини ҳисоблаш ҳамда фуқароларнинг ўлими тўғрисидаги жадвални тузиш мумкин. Бу жадвал асосида нафақани ва ҳаётни суғурталаш бўйича тариф ставкаларни ҳисоблаш мумкин.

Андеррайтер - 1) турли рискларни суғурталаш ваколатига эга, суғурта компанияси томонидан тайинланадиган шахс. Суғурта компаниясининг суғурта портфелини шаклланиши учун жавоб беради. У суғурта шартномаларини тузиш, рискларни баҳолаш ва суғурта тарифи ставкасини белгилаш юзасидан тегишли малакага эга бўлиши зарур; 2) Ллойд суғурта полисларини берадиган Ллойд суғурта корпорациясини аъзоси; 3) потенциал мижозларга суғурта полисини сотиш билан

шуғулланадиган ёки манфаатдор томонларга суғурта соҳаси бўйича юқори даражада маслаҳат хизматларни кўрсатадиган жисмоний ёки юридик шахс.

Андеррайтер сиёсати- суғурталаш билан боғлиқ янги таклифларни кўриб чиқиш ва мазкур таклифни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида хулосалар чиқаришга қаратилган сиёсат.

Андерайтинг - 1) суғурталаш мақсадида рискни баҳолаш; 2) суғурта шартномаларини тузиш ва унинг шартларини бажариш; 3) суғурта.

Аннуитет - 1) рента ва нафақаларни суғурталашнинг ҳамма турларини умумлаштирувчи тушунча. Бунда суғурталанувчи суғурта компаниясига бир вақтнинг ўзида ёки бир неча йиллар давомида тегишли суғурта мукофотларини тўлайди. Кейин суғурталанувчи бутун ҳаёти давомида суғурта компаниясидан даромад олади. Аннуитетнинг бир тури ҳисобланадиган фуқароларнинг йиллик даромадини суғуртаси бугунги кунда Буюк британияда, Францияда ва АҚШда кенг ривожланган.

Аудит - суғурта компаниясининг молиявий ҳисоботи тўғрилигини ёзма равишда тасдиқлаш ва текшириш. Аудит ишини махсус малакага эга бўлган аудиторлар амалга оширади. Аудиторлик фирмаси билан суғурта компанияси ўртасида шартнома тузилади. Ўзбекистон Республикасида аудит ишини Молия вазирлигининг лицензиясига эга бўлган шахслар амалга ошириши мумкин. Суғурта компаниясининг баланси аудиторлар томонидан текширилгандан сўнг матбуотда эълон қилинади.

Бонус - суғурта компанияси ўзи учун қулай шартларда суғурта шартномасини тузганлиги учун суғурталанувчига, у тўлайдиган суғурта мукофоти миқдоридан чегирмалар белгилайди.

Брутто-мукофот - суғурта шартномаларини тузиш, иш юритиш харажатларини ҳисобга олган ҳолдаги суғурта мукофотлари суммаси.

Бош полис- суғурта компанияси ва суғурталанувчи ўртасидаги ёзма битим. Бу битимга мувофиқ, тегишли давр мобайнида суғурталанувчи барча объектларни суғурта компаниясига суғурталаш учун беради. Чет эл тажрибасида бу битим «очиқ полис» ёки «полис-абонамент» дейилади. Мазкур бош полис асосида суғурталаш ташқи савдо юклари суғуртасида кенг тарқалган. Суғурталанувчи суғурта компаниясига ҳар бир жўнатилган юк ҳақидаги маълумотлар (юкнинг вазни, суғурта суммаси, юкни жунатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари) баён этилган аризани тақдим этса етарли, юк автоматик равишда суғурталанган ҳисобланади.

Биргаликда суғурта қилиш - битта суғурта шартномаси доирасида рискни икки ёки ундан ортиқ суғурта компаниялари ўртасида

тақсимланиши. Ушбу шартномада ҳар бир суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилади. Биргаликда суғурта қилишда суғурталанувчига қўшма полис ёки ҳар бир суғурта компанияси ўз зиммасига олган риск ҳиссасига мувофиқ алоҳида полис берилади.

Брутто - ставка - суғурта қопламасини (суғурта суммасини) тўлашга мўлжалланган нетто-ставка ва иш юритиш харажатларини қоплашга мўлжалланган нетто-ставкага юклама суммаларини ўз ичига олган суғурта мукофотларининг тариф ставкасини билдиради. Кўпгина адабиётларда ушбу ибора суғурта тарифи маъносида ҳам ишлатилади.

Денонсация - шартномадан воз кечиш. Агар суғурта муносабатларида томонлардан бири ёзма равишда шартномадан воз кечиши тўғрисида иккинчи томонга маълум қилмаса, шартнома унда кўрсатилган муддатгача кучда бўлади.

Депозит - 1) суғурта компаниясининг банк муассасасида сақланадиган пул маблағи ёки қимматли қоғозлари. Банк, одатда, суғурта компаниясига ўз пулини банкда сақлагани учун фоиз тўлайди; 2) айрим мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ, чет мамлакат суғурта компанияси, агар, бирор бошқа мамлакатда суғурта фаолиятини амалга оширмоқчи бўлса, дастлаб у ўша мамлакат банк муассасасига тегишли пул маблағини депозитга қўяди. Мазкур депозит, чет давлат суғурта компаниясининг бошқа мамлакат ҳудудида суғурта фаолиятини амалга ошириши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Диверсификация - йирик суғурта компанияларининг асосий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият билан ҳам шуғулланиши. Масалан, суғурта воситачилиги, қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси, кўчмас мулк билан шуғулланиш ва ҳақозо.

Депозитларни суғурта қилиш - банклар банкрот деб эълон қилинганда ёки тўлов қобилияти йўқолганда, омонатчиларнинг банкдаги пул маблағларини уларга қайтарилишини суғурталаш. Бунда банклар суғурталанувчилар ҳисобланади. Суғуртани махсус суғурта ташкилотлари амалга оширади. Депозитларни суғурталаш чет мамлакатларда кенг тарқалган. Масалан, АҚШда депозит суғуртасини депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси амалга оширади. АҚШда ҳар бир омонатчига тўғри келадиган 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги депозитни банклар мажбурий суғурталайди.

Диспашер - денгиз транспортида умумий авария содир бўлганда кўрилган зарарни кема, юк ва фрахт ўртасида тақсимлаш бўйича ҳисоб-

китобларни тузадиган мутахассис. Ривожланган мамлакатларда диспашер функциясини махсус компаниялар бажаради. Зарарларни тақсимлаш бўйича ҳисоб-китоблар диспаша дейилади ва диспашани тузганлик учун ҳақни манфаатдор томонлар (кема эгаси, юк эгаси, юкни сотиб олувчи шахс) тўлайди.

Европолис - европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатларида суғурта шартномаси тузганлик фактини тасдиқловчи суғурта полиси.

Захира фонди - жорий йилда келиб тушган суғурта мукофотлари ҳисобидан суғурта қопламасини тўлаш имконияти бўлмаганда, ушбу суғурта қопламасини тўлаш учун фойдаланиладиган пул маблағлари фонди. Маълумки, суғурта ходисалари туфайли кўрилган йўқотишлар ва зарарлар миқдори ҳар йили ҳар-хил бўлади. Айрим йиллари суғурта ходисалари кам, бошқа йили эса кўпроқ бўлиши мумкин. Агар суғурта ходисалари сони кўп бўлиб, кўрилган зарар миқдори жорий йилда келиб тушган суғурта мукофотларидан бир неча марта кўп бўлса, уларнинг фарқи захира фонди ҳисобидан қопланади.

Карго - транспорт воситасида ташиладиган ва суғурталаниши мумкин бўлган юкнинг номланиши.

Каско - транспорт воситасининг борти. Каско суғуртаси транспорт воситасини нобуд бўлиши ёки шикастланиши ўз ичига олади.

Каф - ташқи савдо шартномаси бўйича юкларни белгиланган портгача (жойгача) етказиб бериш шarti. Бунда ташилаётган товарнинг қийматига денгиз транспортида ташиш билан боғлиқ харажатлар киритилади. Ушбу шарт бўйича товарларни суғурта қилиш товар етказиб берувчининг (сотувчи) мажбуриятига кирмайди.

Касбий жавобгарлик- чет эл тажрибасида врачларнинг, адвокатларнинг, аудиторларнинг, нотариусларнинг, бухгалтер, архитектор ва бошқа касб эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириш касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномасини тасдиқлайдиган суғурта полисининг аталиши. Ушбу касб эгалари хусусий амалиёт билан шуғулланганларида, уларда суғурта полисининг бўлиши мажбурийдир.

Квота - 1) бир неча суғурта компанияси томонидан биргаликда тегишли объект суғурталанаётганда, битта суғурта компаниясига тўғри келадиган ҳисса. Бундай ҳолатда ҳар бир суғурта компаниясига тегишли квота ягона суғурта полисида ўз аксини топади; 2) қайта суғурталаш компаниясини қайта суғурталашда қатнашиш ҳиссаси.

Квотали қайта суғурталаш - суғурта компанияси қайта суғурталовчи компания билан келишган ҳолда унга рискларни бир қисмини беради. Бу операция квота шартномаси орқали расмийлаштирилади. Қайта суғурталовчи компанияга суғурта мукофотини тегишли қисми берилади ва қайта суғурталовчи компания пропорционал равишда кўрилган зарарни қоплашда иштирок этади.

Ковернота - суғурта воситачиси томонидан суғурталанувчига бериладиган ва суғурталанувчининг суғурта шартномаси тузишини тасдиқловчи ҳужжат. Ушбу ҳужжатда кўрсатилган муддат мобайнида суғурта брокери суғурталанувчига суғурта полисини бериши шарт. Чунки, ковернота суғурта компанияси учун юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланмайди.

Комбинацияли суғурта - бир неча суғурта турлари бўйича суғурта қопламаси шarti.

Комиссия ҳақи - мижозларни суғуртага тортганлиги учун суғурта компанияси томонидан воситачиларга (суғурта брокери, агент) тўланадиган ҳақ. Комиссия ҳақининг миқдори суғуртанинг турига ва келиб тушган бадалнинг ҳажмига боғлиқ ҳолда суғурта бадалига нисбатан фоизларда тўланади.

Коносамент - денгиз транспортида юкларни ташиш шартларини ифодаловчи ҳужжат. Коносамент шартнома мавжудлиги фактини ва юк ташувчини юкни қабул қилиб олганлигини тасдиқловчи ҳўжжат. Коносаментга имзо чекиши билан юкни сақлаш, уни тегишли манзилга етказиш масъулияти тўлалигига юк ташувчи кема зиммасига ўтади. Имзоланган коносаментнинг асл нусхаси сотиб олувчига юборилади ва ушбу ҳўжжат унга тегиши билан сотиб олувчи юкнинг ҳуқуқий эгаси ҳисобланади.

Кумуляция- бир қанча йирик суғурта суммали объектларнинг битта суғурта ҳодисаси туфайли зарар кўриши эҳтимоллигини назарда тутувчи суғурта рискларини йиғиндиси.

Кэптив суғурта компанияси- таъсисчиларнинг манфаатларини суғурта ҳимоясига оладиган ёки йирик концерн, корпорациялар, йирик саноат-молия гуруҳлари таркибига кирувчи суғурта компанияси. Рақобатдаги бошқа суғурта компанияларини кэптив суғурта компанияси мавжуд бўлган тармоққа кириши мураккаброқ ҳисобланади. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кэптив суғурта компанияларига - «АЛСКОМ», «Универсал суғурта» суғурта компанияларини мисол келтириш мумкин.

Ллойд- 1) Англиядаги халқаро суғурта бозори; Англиядаги суғурталовчиларнинг корпорацияси, тахминан 1734 йилда ташкил этилган. Ҳозирги пайтда Ллойдга 22000 дан ортиқ аъзо бор. Унинг фаолияти Англия парламенти қабул қилган махсус қонун билан тартибга солинади. Ллойд суғуртани барча турларини амалга оширади. Ллойд аъзолари 279 синдикатга бирлашган бўлиб, синдикат фаолияти учун андеррайтерлар жавоб беради. Андеррайтерлар билан суғурталанувчиларни суғурта воситачилари бирлаштиради. Суғурта воситачилари Ллойд бозорида рискларни жойлаштиради. Андеррайтерлар суғурта шартномаси бўйича жавоб бериш учун йирик миқдордаги пул маблағларини корпорацияга депозит сифатида қўяди.

Тиббий суғурта- аҳоли соғлиғини ҳимоя қилиш воситаларидан бири. Суғурта ҳодисаси рўй бериши муносабати билан, суғурта полиси орқали бепул тиббий хизмат кўрсатилиши. Тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни суғурта компанияси тўлайди. Тиббий суғурта мажбурий ёки ихтиёрий бўлади.

Мулкӣ суғурта - турли кўринишдаги мол-мулкларни сақлаш билан боғлиқ манфаатлар суғурта муносабатларининг объекти ҳисобланган, суғуртанинг мустақил тармоғи. Суғурталанувчининг шахсий мулки, унинг қарамоғида жойлашган мол-мулклар суғурталаниши мумкин. Суғурталанувчи сифатида, нафақат мол-мулкнинг соҳиблари, балки мол-мулкнинг сақланиши учун масъулиятли бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Нетто-ставка- брутто-ставканинг асосий таркибий қисми. Нетто-ставка суғурта қопламасини тўлашга мўлжалланган пул маблағлари ресурслари бўлиб, у брутто-ставканинг 90 фоизигача миқдорини ташкил этади.

Облигаторли қайта суғурталаш- 1) қайта суғурталашнинг мажбурий шакли. Айрим мамлакатлар қонунчилигига кўра, ушбу мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта компаниялари қабул қилган рискларини бир қисмини мажбурий равишда қайта суғурталаш компаниясига беради. Бу чора қайта суғурталаш орқали чет элга валютани чиқиб кетишини олдини олади; 2) суғурта компанияси (цедент) маълум бир суғурта тури бўйича рискни қайта суғурталовчига беришини ва ўз навбатида, қайта суғурталовчи, рискни қабул қилишни назарда тутувчи қайта суғурталаш шартномаси.

Мажбурий суғурта- суғурта муносабатларининг қонун кучига эга бўлган шакли. Мажбурий суғурта қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Ушбу ҳужжатда суғуртага тортиладиган объектлар сони, суғурта жавобгарлигининг ҳажми, суғурта муносабатларида қатнашадиган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа реквизитлар кўрсатилади. Амалдаги қонунчиликка асосан, Ўзбекистонда мажбурий суғуртани тегишли лицензияга эга бўлган ҳар қандай суғурта компанияси ўтказиши мумкин.

Оферта- асосий шартлар кўрсатилган ҳолда суғурта шартномасини тузиш таклифи. Суғурта компанияси офертани конкрет юридик ёки жисмоний шахсга йўллаши мумкин.

Оффшор суғурта компанияси- махсус мақомга эга бўлган суғурта компанияси. Оффшор суғурта компаниялари солиқ тўлаш ставкалари энг кам булган оффшор зоналарда (Бермуд ороли, Гернси, Мэн ва Кэйманов ороллари) ташкил этилади. Оффшор зоналарда амалга ошириладиган суғурта операциялари суғурта компаниясини ташкил этишда қатнашган таъсисчилар жойлашган давлати органлари томонидан назорат этилмайди.

Пролонгация- ўзаро келишган ҳолда суғурта шартномасини амал қилиш муддатини узайтириш. Пролонгация ёзма кўринишда тасдиқланиши мумкин.

Пропорционал қайта суғурталаш- қайта суғурталаш шартномасини тузиш шакли. Бу ерда қайта суғурталаш компанияси суғурта мукофотларини умумий тушумидаги ва суғурта копланмаларини тўлашда ўз улушига эга. Пропорционал қайта суғурталаш шартномалари квотали, экцедентли ва квота-экцедентли шартномаларини ўз ичига олади.

Рискларни жойлаштириш-1) суғурта манфаати туфайли юзага келадиган суғуртавий ҳуқуқий муносабатларнинг бошланиш жараёни. Рискларни бирламчи, иккиламчи ва учламчи жойлаштириш, тенг равишда суғурталаш, қайта суғурталаш ва ретроцессияга тўғри келади. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда рискларни жойлаштириш суғурта воситачилари орқали суғурта бозорида амалга оширилади; 2) суғурта брокери ёрдамида бир вақтнинг ўзида йирик ва хавфли рискларни қисмларга бўлиб, бир нечта суғурта компаниясида суғурталаш услуги. Бир қанча суғурта компаниялари таркибидан биттаси етакчи сифатида ажралиб чиқади ва у суғурта шартномасидаги шартларни маъқуллаб, рискнинг тегишли қисмини ўз жавобгарлигига олади. Кейин, брокер бошқа суғурта

компанияларига мурожаат қилиб, рискнинг қолган қисмини ҳам жойлаштиради.

Рақобат - суғурта компанияларининг суғурта бозоридаги ўз улушини эгаллаши учун ўзаро иқтисодий мусобақаси. Рақобат суғурталанувчи учун суғурта компанияларини танлаб олишларида кўмак беради. Рақобат суғурта хизматини кенгайтиришида ва уларнинг сифатини оширишида муҳим аҳамиятга эга. Бир суғурта хизматини кўрсатаётган бир неча суғурта компаниялари рақобат шароитида миждозларни жалб этиш учун уларга суғурта шартномаларини тузишда, суғурта мукофотларини тўлашда ва суғурта қопламаларини қисқа муддатларда тўлашда имконият яратади.

Ретроцедент- қабул қилиб олинган қайта суғурталаш рискин ретроцессияга (иккинчи қайта суғурталаш) берувчи суғурта ёки қайта суғурталовчи компания.

Ретроцессионарий-ретроцедентдан рискни қабул қилиб олувчи қайта суғурталовчи компания.

Ретроцессия- 1) қайта суғурталашга илгари қабул қилиб олинган рискларни яна қайта суғурталашга бериш; 2) рискларни учламчи жойлаштириш.

Риск- 1) битта кутилаётган ҳодиса бўйича хавфнинг юзага келиши. Риск тушунчаси кўринишларининг хилма-хиллиги, уни содир бўлиши натижасида юзага келган оқибатларнинг оғирлиги, рискни рўй бериши сабабли пайдо бўлган зарарларни мутлоқ тугатишни имконияти бўлмаганлиги суғурта ишини ташкил этиш учун асос яратади. Шундай қилиб, риск суғуртавий ҳуқуқий муносабатларни шакллантириш учун шарт-шароит яратади. Риск-рискли ҳолатларнинг ягоналик ва ўзаро алоқадорлик йиғиндисидир. Суғурта фанида риск тушунчасига турлича тарифлар берилган. Жумладан, риск-бу конкрет ҳодиса ёки ҳодисалар йиғиндиси бўлиб, улар содир бўлган тақдирда суғурта компанияси қопламалар тўлайди. Риск суғурта объекти билан тўғридан тўғри боғланган. Объектга риск салбий таъсир кўрсатиб, уни шикастлаши ёхуд nobуд қилиши мумкин. Шу туфайли риск - бу ягона тасодифий ҳодиса бўлиб, унинг рўй бериши инсон онгига ёки иродасига боғлиқ эмас. Суғурта рискларининг рўйхати суғурталовчининг суғурта жавобгарлиги ҳажмини ташкил этади. Риск баҳосининг пулдаги ифодаси суғурта тариф ставкасини ташкил этади; 2) суғурта объекти; 3) суғурта жавобгарлигининг тури.

Риск менежменти - рискни камайтириш ёки чегаралаш бўйича суғурта компаниясининг мақсадли йўналтирилган ҳаракати. Риск

менежментининг таркибий элементиға қуйидагилар киради: рискни аниқлаш, рискни баҳолаш, рискни назорат қилиш ва рискни молиялаштириш.

Рискли ҳолатлар - риск даражасига таъсир қилувчи омиллар. Суғурталанувчига маълум бўлган барча рискли ҳолатлар суғурта компаниясига хабар қилинади. Бу рискни баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Рискли ҳолатларни таҳлил этиш сюрвейер ёки аджастернинг функциясига киради. Бу суғурта компаниясини суғурта шартномасини тузиш ёки тузмаслик масаласи бўйича қарор қабул қилишида ҳамда суғурта қопламалари ва суммаларини тўлашда муҳим ўрин тутди. Рискли ҳолатлар: шахсий ва ашёвий; тўғри ва эгри; тасдиқланадиган ва инкор қилинадиган: объектив ва субъектив турларга бўлинади.

Рискларни танлаш - суғурта шартномасини тузиш бўйича миждозлардан келиб тушган таклифларни таҳлил этишга қаратилган суғурта компаниясининг фаолияти. Суғурта компаниясининг мувозанатлашган суғурта портфелини шаклланишида рискларни танлаш иборасини амалий жиҳатдан ишлатиш муҳимдир. Суғурта амалиётида рискларни танлаш ишини сюрвейерлар амалга оширади. Рискларни танлаш - бу риск менежмент соҳасида олиб бориладиган чора - тадбирларнинг бир қисмидир.

Рискни баҳолаш - риск параметрларини характерловчи барча рискли ҳолатларни натура ва қиймат кўринишида таҳлил этиш. Энг аҳамиятли белгисига қараб тегишли рисклар гуруҳи ажратилган ҳамда у рискни баҳолаш мезони ҳисобланади. Масалан, шахсий суғурта шартномасини тузишда инсоннинг ёшига эътибор берилади. Суғурта шартномаси тузилган моментдан, суғурталанувчининг ўлимига ёки ногирон бўлиб қолишига олиб келувчи хавфли касалликларни аниқлаш мақсадида миждоз қўшимча равишда дастлабки тиббий текширувдан ўтказилиши мумкин. Суғурта компанияларида рискни баҳолаш ишини сюрвейерлар амалга оширади. У суғурта объекти билан жиддий танишади, ҳар томонлама таҳлил этади. Таҳлил натижаларига мувофиқ суғурталанувчи билан суғуртавий ҳуқуқий муносабатларга киришишини мақсадга мувофиқлиги тўғрисида суғурта компаниясига ёзма хулоса беради.

Суғурта мукофотлари захираси- ҳаётни ва нафақани узок муддатли суғурталаш бўйича тўловларни олдиндан тўлаш учун суғурта компаниясида ташкил этиладиган фонд. Бу фонд суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳамда суғурталовчи зиммасидаги мажбуриятларни бажаришда муҳим ўрин тутди. Ҳаёт суғуртаси

шартномалари, одатда, бир неча йилга тузилади. Суғурта мукофотларини келиб тушиш ва суғурта суммасини тўлаш вақтлари ўзаро тўғри келмаганлиги учун, суғурта компаниясига келиб тушган суғурта мукофоти маълум вақт мобайнида унинг ихтиёрида бўш холда бўлади. Келиб тушган суғурта мукофотларининг бир қисми жорий тўловлар учун сарфланади, қолган қисми эса заҳира фондини шакллантириш учун йуналтирилади. Узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича заҳира фондининг маблағлари кредит ресурси сифатида фойдаланилиши мумкин.

Суғурта заҳиралари – суғурта суммаларини тўлашни кафолатлаш мақсадида суғурта компаниялари ташкил этган фондлар. Агар, маълум бир вақтда суғурта қопламаларини тўлаш учун жорий суғурта мукофотлари етмаса, суғурта компанияси заҳира фондларидан фойдаланиши мумкин. Суғурта заҳираларига қуйидагилар киради: ҳаётни суғуртаси бўйича заҳира фондлари, рўй берган, аммо арз қилмаган зарарларни қоплаш заҳиралари ва бошқалар. Ушбу заҳира фондларининг маблағлари вақтинча бўш бўлгани учун инвестиция мақсадларида фойдаланилиши мумкин. Бунинг натижасида суғурта компанияси қўшимча даромад олади.

Суғурта полиси- суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полисида қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт: суғурта компаниясининг юридик манзили, суғурталанувчининг номи, суғурта объекти, суғурта мукофотининг миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати. Суғурта қопламасини тўлашда суғурталанувчи суғурта полисини суғурта компаниясига тақдим этиши зарур.

Суғуртада тариф сиёсати- суғурта операцияларини зарарсиз ўтказилишини ва суғурталанувчиларнинг манфаати йўлида суғурта тарифларини белгилаш, аниқлаш, тартибга солиш ва табақалаштириш бўйича суғурта компаниясининг мақсадли йўналтирилган фаолияти. Суғуртада тариф сиёсати қуйидаги асосий принципларга асосланади:

1. Нетто-мукофотлар ва суғурта қопламаси ўртасидаги эквивалентлик. Ҳар бир суғурта тури бўйича нетто-ставка зарарларнинг эҳтимол тутилган миқдорига максимал даражада тўғри келиши зарур.

2. Суғурталанувчиларнинг асосий қисми учун суғурта тарифи миқдорининг қулайлиги. Тариф ставкаларини юқори даражада белгиланиши суғурта ишини ривожланиши учун тўсиқ бўлади.

3. Суғурта тарифи ставкаларининг барқарорлиги. Агар узоқ йиллар мобайнида тариф ставкалари ўзгармаса, бу ҳолат суғурталовчининг нуфузини оширади. Суғурта суммаларининг зарарлилик кўрсаткичи

камайса, суғурталанувчиларнинг манфаати учун суғурта тарифи ставкасини ўзгартирмасдан жавобгарлик хажмини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

4. Суғурта операцияларининг рентабеллигини таъминлаш.

Сиёсий риск- давлат органларининг ҳатти-ҳаракати ёхуд уюшган шахслар гуруҳининг сиёсий талаб бўйича чиқиши натижасида вужудга келадиган хавф. Сиёсий рискга уруш ҳаракатлари, сиёсий ҳокимиятнинг ёки тузумнинг ўзгариши, қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар, фуқароларнинг оммавий чиқишлари ва иш ташлашлари, миллийлаштириш, конфискация киради. Сиёсий риск рўй берган вақтда суғурта компанияси жавобгарликдан озод бўлади. Чунки сиёсий рисклар, фақат, давлатга қарашли махсус суғурта компаниялари томонидан суғурталаниши мумкин.

Суғурта портфели -суғурта компаниясига келиб тушган суғурта мукофотларининг йиғиндиси. Суғурталанган объектлар сони, суғурта шартномаларининг миқдори ҳам суғурта портфели тушунчасини англатади. Чет мамлакатлар суғурта амалиётида ушбу ибора ишлаб топилган суғурта мукофотининг ҳажми тушунчасига тўғри келади.

Суғурта далолатномаси - суғурта ходисаси рўй берганда суғурта компанияси томонидан тузиладиган ҳужжат. Далолатномада мол-мулкнинг зарарланиш ёхуд нобуд бўлиш сабаблари, кўрилган зарар миқдори ва бошқа кўрсаткичлар бўлади. Далолатномага, зарур ҳолларда суғурта ходисаси ва мол-мулкнинг зарарланганлигини тасдиқловчи тегишли ташкилотларнинг (ёнгинга қарши кураш, давлат автомобиль назорати, қишлоқ хўжалиги, ветеринария хизмати ва бошқалар) ёзма ҳулосаси илова этилади. Халқаро суғурта муносабатларида суғурта далолатномасини аджастер тузади ва моҳиятан авария сертификатига яқинлашади.

Суғурта мукофоти- суғурта мукофотининг миқдори суғурта суммасига нисбатан фоизларда аниқланади. Суғурта мукофотининг миқдори аниқ суммаларда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, автомобиль эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириш фуқаролик жавобгарлигини суғуртасида суғурта мукофоти аниқ пул бирлигида кўрсатилади.

Суғуртавий фойда- суғурта хизматининг баҳоси ва таннархи ўртасидаги фарқ. Суғуртавий фойда суғурта операцияларини амалга ошириш натижасида шаклланади. Суғуртавий фойда баланс услуги асосида суғурта мукофотлари тушуми ва суғурта операциялари таннархини ўзаро таққослаш натижасида аниқланади. Суғурта операцияларининг таннархи бу, суғурта компаниясининг суғурта ҳимоясини таъминлашга қаратилган тўғри ва эгри, (шу жумладан заҳира фондларига ажратмалар) харажатларнинг

йиғиндисидир. Одатда, суғурта тарифини ҳисоблашда нетто-ставкага юкламада фойда улуши ҳам кўрсатилади. Шаклланиш манбаига кўра, ҳақиқатдаги суғуртавий фойда ўз ичига қуйидаги фойда турларини олади: суғурта суммаси зарарлик кўрсаткичини камайтиришдан олинган фойда, бошқарув харажатларини иқтисод қилиш натижасида олинган фойда, инвестициядан олинган фойда ва суғурта тарифида белгиланган фойда.

Суғурта пули- суғурта мажбуриятини бажариш ҳамда суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлмасдан ўзаро келишган ҳолда бир қанча суғурта компанияларининг ихтиёрий уюшмаси. Суғурта пули, асосан, хавфли, йирик объектларни суғурталаш мақсадида ташкил этилади. Ҳар қайси компания ўз суғурталанган рискни пулга беради ва бунинг учун, пул орқали йиғилган суғурта мукофотларининг бир қисмини олади. Олинган суғурта мукофотлари ҳажмида суғурта копламасини тўлаш бўйича жавобгарликни ўз зиммаларига олади. Хорижий мамлакатларда авиация, атом, ҳарбий рискларни суғурталаш учун суғурта пули ташкил этилган.

Суғурта объекти - шахсий суғуртада фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, меҳнат қобилияти; мулкӣ суғуртада бинолар, қурилмалар, транспорт воситалари, уй-жой мулки, ташиладиган юклар ва бошқа моддий бойликларни сақлаш билан боғлиқ манфаатлар; жисмоний ёки юридик шахснинг ўз ҳатти-ҳаракати билан унинг шахсга зарар келтириш фуқаролик масъулияти - масъулиятни суғурталашда суғурта объекти бўлиб ҳисобланади. Рискни баҳолаш мақсадида суғурта объекти суғурта компаниясининг мутахассислари томонидан экспертиза қилиниши мумкин.

Суғурта шартномаси - икки томонлама ёзма равишдаги битим бўлиб, бунда суғурта компанияси суғурта ҳодисаси туфайли зарар кўрилганда суғурталанувчига суғурта копламаси ёки суғурта суммасини тўлаш мажбуриятини, суғурталанувчи эса белгиланган муддатларда суғурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқлаш учун суғурталовчи суғурталанувчига суғурта полиси беради. Суғурта шартномасини тузишдаги асосий, оддий ва қўшимча шартлар суғурта шартномасининг мазмунини ташкил этади.

Суғурта - ҳар хил нохуш ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ҳамда фуқароларнинг ҳаётида тегишли суғурта ҳодисалари рўй берганда уларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этиладиган ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ (мақсадли пул фондлари) иқтисодий муносабатлар йиғиндиси. Ўтказиш шартига қараб, суғурта мажбурий ва

ихтиёрий бўлади. Объектига кўра, мулкый, шахсий ва жавобгарлик суғуртасига бўлинади. Суғуртанинг асосини риск ташкил этади. Суғурта - бу рискни тақсимлаш усулидир.

Суғурталанувчи - қонун асосида ёки икки томонлама шартнома асосида суғурта компанияси билан фуқаралик-ҳуқуқий муносабатларга кирувчи юридик ёки жисмоний шахс. Суғурталанувчи учинчи шахс фойдасига суғурта шартномасини тузишга ҳақли. Суғурталанувчи суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаши шарт. Суғурта шартномасини тузиш жараёнида суғурталанувчи суғурта объектига тааллуқли бўлган барча маълумотларни суғурта компаниясига маълум қилиши шарт.

Суғурта қопламаси - мулкый суғуртада ва суғурталанувчининг учинчи шахс олдида фуқаролик жавобгарлигини суғуртасида зарарни қоплаш учун суғурта фондидан тўланадиган пул маблағи. Суғурта қопламаси суғурта суммасига тенг ёки ундан кам бўлиши мумкин. Суғурта ҳодисаси рўй берганлик ҳолати ва шакли бўйича аджастер ёки авария комиссарининг ҳулосаси суғурта компанияси томонидан суғурта қопламаси тўланишида асос бўлиб хизмат қилади.

Суғурта манфаати - суғуртада моддий манфаатдорлик чораси. Суғурта ҳодисаси рўй бериши натижасида суғурталанувчига моддий зарар келтирувчи предметлар - мол-мулк ёки суғурталанувчининг учинчи шахсга зарар келтириш ҳолатлари. Масалан, суғурталанувчининг автомобиль транспорти йўл-транспорт ҳодисалари туфайли шикастланганда, суғурталанувчида ушбу мулкка нисбатан манфаатдорлик юзага келади ва суғурта моддий манфаатдорлик чораси сифатида майдонга чиқади.

Суғурта йиғими - Жисмоний шахснинг йўловчиларнинг мажбурий суғурта бўйича бир марта тўланадиган суғурта мукофоти. Одатда, суғурта йиғими йўл ҳақи таркибида бўлади ва чиптада суғурта йиғими «киритилган» деган сўз бўлади.

Слип - рискни характерловчи ҳужжат. Слип суғурта брокери томонидан тузилади ва андеррайтерга берилади. Слипда суғурта компаниясининг рискни суғурталашдаги ҳиссаси кўрсатилади. Англияда слип суғурта полисига тенглаштирилади. Айрим ҳолатларда слип суғурта қопламасини тўлашда асосий ҳужжат ҳисобланади.

Суғурта компанияси - суғурта шартномасини тузиш ва унга хизмат қилишни амалга оширувчи, суғурталанувчи билан ҳуқуқий муносабатда бўлувчи юридик шахс. У ўз Низоми асосида фаолият юритувчи мустақил хўжалик субъектидир. Тегишли иқтисодий муҳитда фаолият юритувчи

суғурта компанияларининг йиғиндиси суғурта тузимини ташкил этади. Суғурта компаниялари бажарадиган суғурта операцияларига кўра, улар универсал ва ихтисослашган бўлади. Устав капитали миқдори ҳамда келиб тушган суғурта мукофотлари ҳажмига мувофиқ, суғурта компанияларини йирик, ўрта ва кичик гуруҳларга бўлиш мумкин.

Суғуртавий тиббиёт- турли касалликлардан мажбурий суғуртани назарда тутувчи соғлиқни сақлаш ишини ташкил этиш шакли. Суғуртавий тиббиёт бўйича суғурта фонди ишчи-ходимларнинг иш ҳақидан, тадбиркорларнинг фойдасидан, давлат дотацияси ҳисобидан ҳамда хайр-эҳсон фондларининг мажбурий ажратмаси ҳисобидан шаклланади. Суғуртавий тиббиёт бўйича суғурталанган контингентга тиббий суғурта полиси берилади. Суғурталанувчига тиббий суғурта полиси бўлган тақдирда тиббий хизмат кўрсатилади. Бунда тиббий суғурта компанияси, бир томондан суғурталанувчилар билан, иккинчи томондан тиббиёт муассасалари билан шартнома тузади.

Суғурта баҳоси - суғурталаш мақсадида аниқланадиган мол-мулкнинг қиймати. Амалиётда мол-мулклар ҳақиқий қиймати, бозор қиймати ва бошқа қийматлар воситасида баҳоланади. Зарур ҳолларда суғурта баҳосини тўғри ҳисоблаш учун малакали экспертлар жалб этилади. Суғурта баҳоси тўғрисидаги ҳақиқий маълумот таъриф ставкаси ва суғурта мукофоти миқдорини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги қонунчиликка биноан, суғурта суммаси мол-мулкнинг суғурта баҳосидан ошиб кетмаслиги зарур.

Суғурта тизими - 1) турли хил суғурта компаниялари ва уларни суғурта назорати билан алоқадорлигини йиғиндиси; 2) суғурта ҳукуқий муносабатларни ташкил этишнинг давлат - ҳукуқий шакли.

Суғурта суммаси - суғурта манфаати ва суғурта рискига мос келувчи пул маблағи. Халқаро амалиётда суғурта суммаси суғурта қопламаси дейилади. Суғурта суммасига нисбатан суғурта мукофоти аниқланади ва суғурта қопламаси тўланади. Суғурта суммаси ибораси, кўпроқ, шахсий суғуртада - фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғини суғурталашда ишлатилади.

Суғурта майдони - суғуртага тортилиши зарур бўлган объектларнинг энг катта сони. Айрим экспертлар хулосасига кўра, Ўзбекистонда суғурта майдони ҳали тўла ўзлаштирилмаган. Фақат мол-мулкларнинг 20-30 фоизигина суғуртага тортилган.

Суғурта суммасининг зарарлилиги - суғурта суммаси ва суғурта қопламаси тўлови ўртасидаги нисбатни характерловчи иқтисодий

кўрсаткич. Бу кўрсаткич зарар миқдори эҳтимоллигини кўрсатади ва ундан рискни ўзгариши устидан назорат ўрнатишда фойдаланилади. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи қуйидаги омиллар таъсири остида шаклланади: суғурталанган объектлар сони ва уларнинг суғурта суммаси, суғурта ходисаларининг сони, зарар кўрган объектлар сони ва суғурта қопламаси. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи нетто-ставка тузилишига қараб ҳар бир суғурта тури ёки жавобгарлик тури бўйича аниқланади. Агар зарарлилик кўрсаткичи нетто-ставкага яқинлашса ёки ундан ошиб кетса, бу ҳолда суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи юқори даражада эканлигидан далолат беради.

Суғурта ҳуқуқи- суғурталовчилар, суғурталанувчилар ва улар ўртасидаги воситачиларнинг ҳатти-ҳаракати қоидалари йиғиндиси. Суғурта ҳуқуқи қонун ва қонун ҳужжатларида ўз аксини топади. Суғурта ҳуқуқи молиявий ҳуқуқнинг бир қисми ҳисобланади.

Суғурта ҳодисаси - стихияли, табиий ёки олдиндан кўриб бўлмайдиган воқеа-ҳодисаларнинг амалда юз бериши. Суғурта ҳодисаси юзага келган зарар суғурта компанияси томонидан шартномага мувофиқ қопланади. Мулкӣ суғуртада суғурта ҳодисаси дейилганда, стихияли ҳодисалар, ёнғин, авария, портлаш, зилзила, довул ва бошқалар тушунилади. Шахсий суғуртада эса суғурта ҳодисасига фуқароларнинг маълум бир муддатгача яшаши, уларнинг ҳаётида бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бериши ёки ўлими киради. Халқаро амалиётда суғурта ҳодисаси баъзан «форс-мажор» деб юритилади.

Суғурта ҳодисалари частотаси - иншоотларни ёниш даражасини, транспорт воситаларини авария бўлиш даражасини, аҳоли ногиронлиги даражаси ва шунга ўхшаш даражаларни ифодаловчи кўрсаткич. Суғурта ҳодисалари сонини суғурта қопламалари миқдорига ёки суғурталанган объектлар миқдорига нисбати суғурта ҳодисалари частотасини аниқлайди.

Суғурталовчилар уюшмаси - суғурта фаолиятини мувофиқлаштириш, уюшма аъзоларининг манфаатини давлатнинг қонун чиқарувчи ва ижроия органлари олдида ҳимоя этиш ҳамда маҳаллий суғурта компаниялари ва хорижий суғурта компаниялари ўртасида ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш мақсадида ташкил этиладиган суғурта компанияларининг уюшмаси. Бунга ўзаро суғурталаш жамиятларини халқаро уюшмасини, техник рискларни суғурталовчи компаниялар иттифоқини, Буюк Британия суғурталовчилар уюшмасини мисол келтириш

мумкин. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда суғурталовчилар уюшмаси ташкил этилмаган. Фақат, автосуғурталовчилар иттифоқи фаолият кўрсатмоқда.

Суғурта қопламаси лимити - суғурта компаниясининг филиали, бўлими, шуъба корхонаси томонидан битта суғурта ҳодисаси бўйича мустақил тўланадиган суғурта қопламасининг энг юқори миқдори. Бу миқдорни суғурта компанияси бошқаруви жойлардаги суғурта суммасининг зарарлилик даражасидан, кадрларнинг малакасида ва бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

Суғурталовчининг жавобгарлик лимити - тузилган суғурта шартномасидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган суғурта компаниясининг мумкин бўлган энг юқори даражадаги жавобгарлиги. Суғурталовчининг жавобгарлик лимити суғурта полисида ўз аксини топади.

Суғуртани туркумлаш (классификациялаш) - 1) суғурта турларини иерархия кўринишида тармоқларга, тармоқчаларга ва турларга бўлиниши. Бунда ҳар бир кейинги бўғин олдинги бўғиннинг бир қисми шаклида ифодаланади. Суғурта объекти суғуртанинг тоифаси, суғурта жавобгарлигининг ҳажми ва суғурта қисмининг шакли суғуртани туркумлашнинг асосий мезони бўлиб ҳисобланади. 2) хориж амалиётида суғурта турларини тартиблаштирилган тизими. Ҳозирги вақтда Европа Иттифоқи давлатларида суғуртанинг ягона классификацияси ишлаб чиқилган ва ҳаётга жорий этилган.

Европа иттифоқида суғурта турларини туркумлаш

Узоқ муддатли суғурта		Умумий суғурта	
I	Ҳаёт ва аннуитетлар суғуртаси	I	Бахтсиз ҳодисалардан суғурта
II	Болаларни туғилиш ва никоҳини суғуртаси	II	Касаллик ҳодисасини суғуртаси
III	Боғланган узоқ муддатли суғурта	III	Автомобилларни суғурталаш
IV	Соғлиқни узлуксиз суғурталаш	IV	Темир йўл составини суғуртаси
V	Тонтинлар	V	Ҳаво кемаларини суғуртаси
VI	Капиталларни қоплашни суғурталаш	VI	Денгиз кемаларини суғуртаси
VII	Нафақаларни суғуртаси	VII	Йўлдаги юкларни суғуртаси
		VII	Ғнғиндан ва стихияли ҳодисалардан суғурта

	IX	Мулкни зарар етказишдан суғуртаси
	X	Автотранспорт воситалари эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириш масъулиятини суғуртаси
	XI	Ҳаво кемалари эгаларининг 3-чи шахсга зарар етказиш масъулиятини суғуртаси
	XII	Кема эгаларини фуқаролик жавобгарлигини суғуртаси
	XIII	Умумий жавобгарликни суғуртаси

Сюрвейер - суғуртага тортиладиган мол-мулкни кўриқдан ўтказувчи суғурта компаниясининг ходими. Суғурта компанияси сюрвейернинг хулосаси асосида суғурта шартномасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Чет эл амалиётида ёнгин ҳавфсизлигини таъминловчи ихтисослашган фирмалар, меҳнат муҳофазаси бўйича ташкилотлар сюрвейер функциясини бажаради.

Тариф ставкаси - суғурта рискни баҳоси; суғурта суммасига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган брутто-ставка. Тариф ставкаси (брутто-ставка) икки қисмдан иборат: нетто-ставка ва нетто-ставкага юклама. Нетто-ставка суғурта компаниясининг суғурта фондидан қиладиган харажатларини ифодалайди. Нетто-ставкага юклама суғурта компаниясининг иш юритиш харажатларини, комиссия ҳақини ва бошқа харажатларини ўз ичига олади. Шахсий суғурта бўйича тариф ставкаси мол-мулк суғуртасининг тариф ставкасидан кескин фарқ қилади. Ҳаёт суғуртасидаги тариф ставкаси ҳаётийлик жадвали ва даромад нормасига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

Эҳтимоллар назарияси - тасодифий ҳодисаларнинг эҳтимоллиги бўйича ўзаро алоқада бўлган бошқа ҳодисаларнинг эҳтимоллигини аниқлаш билан боғлиқ математика фани. Эҳтимоллар назарияси асосида тасодифий ҳодисаларнинг руй бериш эҳтимоллиги катта ёки кичик эканлиги аниқланади. Эҳтимоллар назарияси актуар ҳисоб-китобларни амалга оширишда муҳим восита ҳисобланади.

Қайта суғурталаш - суғурталашга рискни қабул қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими (рискларни бирламчи жойлаштириш); суғурталовчи мувозанатлашган суғурта портфелини яратиш ва суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини ўзаро келишилган ҳолда бошқа суғурталовчига бериши (рискни иккиламчи жойлаштириш). Қайта суғурталаш операцияларини суғурта компаниялар билан бир қаторда асосан, ихтисослашган қайта суғурталаш компаниялари амалга оширади. Қайта суғурталаш актив (рискни бериш) ва пассив (рискни қабул қилиб олиш) кўринишда бўлади. Бундан ташқари, қайта суғурталаш пропорционал ва непропорционал бўлади. Пропорционал қайта суғурталашда, қайта суғурталовчининг берилган риск бўйича улуши цедентнинг ўз жавобгарлигига қоладиган қисми аниқ бўлгандан сўнг аниқланади. Непропорционал қайта суғурталашда рискни бериш тегишли лимит доирасида амалга оширилади. Бу ҳолда қайта суғурталовчи цедентдан суғурта мукофотининг бир қисмини олади (пропорционал қайта суғурталашдагидек суғурта суммасига мувофиқ келадиган суғурта мукофотини эмас).

Қайта суғурталовчи брокер - иккита суғурта компанияси ўртасидаги профессионал воситачи.

Қайта суғурталовчи - суғурта брокери ёрдамида қайта суғурталаш учун рискни қабул қилиб оладиган жисмоний ёки юридик шахс. Қайта суғурталовчи ёрдамида рискни иккиламчи тақсимлаш амалга оширилади. Қайта суғурталовчи сифатида суғурта компанияси ҳам бўлиши мумкин. Жаҳондаги энг йирик қайта суғурталовчилар гуруҳига Мюнхен қайта суғурталаш жамияти, Швейцария қайта суғурталаш жамияти, Кёльн қайта суғурталаш жамиятлари киради.

Факультатив қайта суғурталаш - пропорционал қайта суғурталаш шартномасининг тури. Факультатив қайта суғурталашда ҳар бир берилаётган риск бўйича алоҳида шартнома тузилади. Цедент ҳар бир риск бўйича қайта суғурталаш зарур ёки зарур эмаслик масаласини мустақил кўриб чиқади. Ўз навбатида, қайта суғурталовчи ҳам цедентнинг таклифини қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги ҳам мумкин.

Факультатив облигатор шартномаси - цедент қайта суғурталовчи билан келишган тоифадаги ҳар қандай суғурта рискин бериши, қайта суғурталовчи эса уларни қабул қилиши шарт эканлиги ҳақидаги қайта суғурталаш шартномаси.

Франшиза - суғурта шартномаси шартларида кўзда тутиладиган суғурталовчининг зарарни қоплашдан озод этиладиган қисми. Франшиза суғурта суммасига нисбатан фоизларда белгиладиган шартли ва шартсиз франшизаларга бўлинади. Шартли франшизада суғурталовчи белгиланган франшиза суммасидан ошмайдиган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этилади. Бу ҳолда, агар кўрилган зарар миқдори франшиза суммаси миқдоридан ошиб кетса, суғурта компанияси зарарни тўлиқ қоплайди. Шартсиз франшизада кўрилган зарар франшиза суммасидан чегирилиб қопланади.

Фрахт - денгиз ёки ҳаво йўллари орқали юкни ташишда тўланадиган ҳақ. Ушбу ҳақ тариф ёки юкни ташиш тўғрисидаги шартнома бўйича ўзаро келишилган нарх асосида тўланади. Денгиз суғуртасида юкларни ташишда фрахт полиси ёзилади ва фрахт қилувчига берилади.

Фронтлаштирувчи компания - бошқа суғурта компаниясининг илтимосига кўра, ўз номидан суғурта полиси берувчи суғурта компанияси. Фронтлаштирувчи суғурта компанияси қабул қилиб олинган рискни юз фоиз миқдорида илтимос қилган суғурта компанияси ҳисобига ўтказди ва бунинг учун ундан комисион ҳақ олади. Ҳозирги пайтда, Ўзбекистонда бир нечта фронтлаштирувчи компаниялар фаолият кўрсатмоқда. Масалан, “Англо-Ташкент”, “УЗАИГ” суғурта компаниялари.

Фронтинг - қабул қилиб олинган рискни тегишли комиссия ҳақи эвазига тўлалигича бошқа суғурта ёки қайта қайта суғурталовчи компанияларига бериш.

Цедент - рискни иккиламчи жойлаштиришни амалга оширувчи, яъни рискни қайта суғурталаш учун берувчи суғурта компанияси. Иккиламчи цедент ретроцедент деб аталади.

Цессия - 1) суғурта рискни қайта суғурталашга бериш жараёни. Цедент ва қайта суғурталовчи ўртасидан ҳуқуқий муносабатларда ишлатилади. 2) Хориж амалиётида цедентнинг олинган суғурта мукофоти маъносини билдиради.

Шомаж - суғурта ҳодисаси рўй бериши натижасида ишлаб чиқаришни тўхтаб қолиши билан боғлиқ фойда олмаслик рискни суғуртаси.

Эксцедент риси - мазкур тоифадаги риск бўйича зарарни қайта суғурталаш тўғрисидаги келишув.

Эксцедент зарари - непропорционл қайта суғурталаш шакли. Бунда цедентга ўз зиммасида ушлаб қолинган зарардан ошган қисми қайта суғурталовчи компания томонидан қопланади.

Ўзаро суғурталаш жамияти - фойда олишни кўзламайдиган нотижорат шаклидаги суғурта компанияси. Суғурта қилишнинг ташкилий шакли. Ўзларининг мулкый манфаатларини суғуртавий ҳимоялаш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий битим асосида бирлашуви. Ўзаро суғурталаш жамияти юридик шахс ҳисобланиб, ҳар бир суғурталанувчи ушбу жамиятнинг аъзоси бўлади. АҚШ ва Японияда асосан, ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи компаниялар ўзаро суғурталаш жамияти шаклидадир. Ҳозирги пайтда Японияда ўзаро суғурталаш жамиятлари ҳаётни суғурталаш бозорининг 89,4%ни ташкил этади.

Шахсий суғурта - суғурта объекти сифатида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва меҳнат қобилиятини сақлаш билан боғлиқ манфаатлар мажмуаси шаклидаги суғурта тармоғи. Шахсий суғурта ҳаёт суғуртасига ва бахтсиз ҳодисалардан суғуртага ва тиббий суғуртага бўлинади. У riskли ва жамғарма функцияларига эга. Чет эл тажрибасида шахсий суғурта тўртта суғурта классидан иборат бўлиб, инсон ҳаётидаги рўй бериш мумкин бўлган ҳодисалар (туғилиш, ўлим, вояга етиш, никоҳдан ўтиш, маълум бир ёшгача яшаш) эҳтимоллиги билан боғлиқ барча суғурта турларини ўз ичига олади. Кенг маънода шахсий суғурта-бу узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси, аралаш суғурта ва аннуитетлардир.

Яшил карта - автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисидаги халқаро шартномалар тизими. Мазкур суғурта тури бўйича шартнома тузилганлик фактини тасдиқловчи полис. 1949 йилда Европанинг 13та давлати ўртасида яшил карта тўғрисида шартнома тузилган. Ҳозирги пайтда яшил картага аъзо мамлакатлар 30 дан зиёдни ташкил этади. Яшил картага аъзо бўлган мамлакатларда тегишли миллий бюролар ташкил этилган ва у мазкур давлат ҳудудида яшил карта билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириб туради. Ўз навбатида миллий бюролар яшил карта халқаро бюросига бирлашган. Қароргоҳи Лондонда жойлашган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва асарлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003.-496 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Суғурта фаолияти тўғрисида». - Т.: 2002 й., 5 апрель.// «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 28 май.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”.
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида».
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Аудиторлик фаолияти тўғрисида».
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3022-сон Фармони.// «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 1 февраль.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида” 1995 йил 20 декабридаги ПФ № 1327-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. 1995 йил 5 январдан 2000 йил 1 январигача.— Т.: «Адолат», 2000. - 680 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 24 январдаги ПФ-3212-сон Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 286-сонли қарори. 1998 йил 8 июль.//Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари, 4-илова, - Т.: 2000.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги 113-сонли қарори. 1997 йил 28 февраль.//Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар тўплами, 1997, 2.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мадад»

агентлигини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги 292-сонли қарори. 1995 йил 26 июль.//Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлари тўплами, 1995, 7.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.// Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлари тўплами, 2002, 11.

14. “Суғурта агентлари тўғрисидаги Низом”. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 28 январдаги 19-сон буйруғига асосан тасдиқланган ва 2003 йилнинг 1 февralида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1213-сон билан рўйхатга олинган.

15. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: «Ўзбекистон», 1995. - 269 б.

16. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Т.: «Ўзбекистон», 1998. - 686 б.

17. Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. - 410 б.

18. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда.- Т.: «Ўзбекистон», 1999. - 48 б.

19. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Т.: «Ўзбекистон», 2000. - 528 б.

20. Каримов И. Ислохотлар стратегияси — мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишдир. // «Халқ сўзи», 2003 йил 18 февраль.

21. Каримов И. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз.//Халқ сўзи, 2004 йил 10 февраль.

22. Каримов И. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.-Т.: “Ўзбекистон”, 2005.-528 б.

23. Каримов И. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим.//Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.

II. Дарсликлар

24. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование. Учебник для вузов - СПб.: Питер, 2001. - 256 с.

25. Гвозденко А.А. Основы страхования: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 320 с.

26. Основы страховой деятельности: Учебник./ Отв. ред. Проф. Т.А. Федорова. - М.: Издательство БЕК, 2002.-768 с.

27. Страховое дело: Учебник. В 2 т. (пер. с нем. О.И. Крюгер и Т.А. Федоровой). - т.1: Основы страхования / под ред. О.И. Крюгер. - М.: Экономистъ, 2004. - 447 с.
28. Шахов В.В. Страхование. Учебник для вузов.-М.: «ЮНИТИ», 2001. -311 с.

III. Ўқув қўлланмалари

29. Махмудова Л. Суғурта иши. Ўқув қўлланма.-Т.: ТАҚИ, 2004 й.
30. Собиров Х. Суғурта: 100 савол ва жавоб. - Т.: «Меҳнат», 1998. - 160 б.
31. Хўжаев Й. Ташқи иқтисодий фаолиятда суғурта. Ўқув қўлланма.-Т.: Солиқ академияси, 2005.
32. Адамчук Н.Г., Юлдашева Р.Т. Обзор страховых рынков ведущих стран мира. (серия «Мировые страховые рынки»). - М.: Издательство «Анкил», 2001.
33. Архипов А.П., Гомелля В.Б. Основы страхового дела. Учебное пособие. – М.: «Маркет ДС», 2002.
34. Гинзбург А.И. Страхование. - СПб: "Питер", 2002. - 176 с.
35. Грищенко Н.Б. Основы страховой деятельности: Учеб. пособие. - М: Финансы и статистика, 2004. - 352 с.
36. Ермасов С.В., Ермасова Н.Б. Страхование: Учеб. пособие для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. - 462 с.
37. Ефимов С.Л. Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. М. : Церих - ПЭЛ, 1996. I-X,
38. Климова М.А. Страхование: Учеб. пособие. - М.: Издательство РИОР, 2004. - 137 с.
39. Корнилов И.Л. Основы страховой математики: Учеб. пособие для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. - 400 с.
40. Крутик А.Б., Никитина Т.В. Страхование: Учебное пособие. - СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2001. - 256 с.
41. Пфайффер Кристоф Введение в перестрахование. - М.: Анкил, 2000.
42. Роик В.Д. Профессиональный риск: оценка и управление. - М.: "Анкил", 2004. - 224 с.
43. Романова М.В. Налогообложение страховой деятельности. /Под ред. В.В.Шахова.-М.: Финансы и статистика, 2002.

44. Сербиновский Б.Ю., Гарькуша В.Н. Страхование дело: Учебное пособие для вузов. Изд-е 2-е перераб. и доп. - Ростов н/Д.: "Феникс", 2003. - 384 с. - серия "Высшее образование"
45. Скамай Л.Г. Страхование: учебное пособие. - М.: ИНФРА-М, 2001.
46. Современный финансово-кредитный словарь./Под общ. ред. М.Г.Лапусты, П.С.Никольского.-М.: ИНФРА-М,1999,-526 с.
47. Сплетуков Ю.А. Страхование ответственности. - М.: Аудит, 2001. - 172 с.
48. Сплетуков Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование: учебное пособие. - М.: ИНФРА-М, 2002.
49. Сплетуков Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование: Учебное пособие. - М.: ИНФРА-М, 2005. - 311 с. - (Серия "Высшее образование").
50. Страхование /под ред. Т.А.Федоровой. - М.: "Экономистъ", 2003. - 875 с.
51. Страхование: принципы и практика / Составитель Дэвид Бланд: Пер. с англ. - М.: Финансы и статистика, 1998. - 416 с.
52. Теория и практика страхования. Учебное пособие. – М.: Издательский центр «Анкил», 2003.
53. Федоров Т.А. Страхование в условиях рыночной экономики: принципы и практика. Учебное пособие. Изд-во СПбУЭФ, 1995.
54. Яковлева Т.А., Шевченко О.Ю. Страхование: Учеб. пособие – М.: Юрист, 2003.
55. Шахов В.В., Миллерман А.С., Медведев В.Г. Теория и управление рисками в страховании. - М.: Финансы и статистика, 2002. - 224 с.
56. Фогельсон Ю.Б. Введение в страховое право. Просто о сложном. Издание второе. - М.: Издательство БЕК, 2001.
57. Шихов А.К. Страхование: Учеб. пособие для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. - 431 с.
58. Юлдашев Р. Страховой бизнес. Словарь-справочник. – М.: «Анкил», 2000 г. - 272 с.

IV. Илмий монографиялар, мақолалар

59. Абдуллаев Ё., Баймуратов Т.М. Суғурта фаолиятини солиққа тортишда дунё талаблари даражасига эришиш.//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 3 -2003.
60. Абдурахмонов К., Шеннаев Х. Инвестиционная деятельность страховых компаний.-«Рынок, деньги и кредит», 2003 г., №5.

61. Абдусатторов А. Использование страховых резервов. //Частная собственность, 29. – 2001.
62. Ашрафханов Б., Мирсадыков М. Развитие страхового законодательства республики. // журнал «Рынок, деньги и кредит», 2002. - №11-12.
63. Баймуратов Т.М. Суғурта: молиявий барқарорлик ва истикбол.//Солиқ тўловчининг журнали. 3. -2001. 36-37 б.
64. Баймуратов Т.М. Суғуртавий кафиллик хизмати бозори: рисклар трансфери ва трансформацияси. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 3 -2001. 23-24 б.
65. Баймуратов Т.М. Суғурта тизимида маркетинг ва мониторинг дастурлари ишлаб чиқилиши.//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 4-5 - 2001. 29 б.
66. Баймуратов Т.М. Проблемы и перспективы страхового бизнеса - как объекта налогообложения.//Достижения науки и техники АПК. -М., 8-2001. сс. 33-34.
67. Баймуратов Т.М., Хамидов Л.Э. Налогообложение операций по страхованию в условиях либерализации экономики.//МГОУ-XXI-НОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ. -М., 5/6-2002. сс. 36-38.
68. Баймуратов Т.М., Иминохунов А.А. Налогообложение страховой деятельности в Узбекистане: современное состояние и перспективы.//Актуальные проблемы современной науки. -М., 4 -2003. сс. 59-60.
69. Баймуратов Т.М., Халимбетова Г.М. Страховой рынок - первые шаги.//Журнал налогоплательщика, 7 -2003. с. 59.
70. Баймуратов Т.М. Суғурта фаолияти. У хорижда қай тарзда солиққа тортилади?//Солиқ тўловчининг журнали, 8-2003. 42-44 б.
71. Baymuratov T., Jumayev N. Dunyoning yirik sug'urta kompaniyalari globallashuvi.//O'zbekiston Iqtisodiy axborotnomasi, 10 -2003. 52-bet.
72. Баймуратов Т.М. ва бошқалар. Полис-«ваъда» дегани. Суғурта ташкилотларининг инвестицион фаолияти: муаммо ва истикболлар.//Солиқ тўловчининг журнали, 11 -2003. 52-55 б.
73. Баймуратов Т., Султонов Д. Тадбиркорлик хавфи трансфери// Солиқ тўловчининг журнали, 2004, №8.
74. Баймуратов Т.М. Суғурта бозори инфратузилмаси //Jamiyat va boshqaruv журнали, 2005, 3-сон.

75. Баймуратов Т.М. Работа по крупному. Страхование - индикатор экономики страны (в соавторстве).//газета «Время и мы», 13 декабря 2002.
76. Баймуратов Т.М. Налогообложение страховой деятельности на примере операций по страхованию жизни за рубежом.//газета «Деловой партнер Узбекистана», 22 мая 2003.
77. Баймуратов Т.М. Суғурта фаолиятида рисклар трансфери.-Т.: “IGTISOD-MOLIYA”, 2005.-196 б.
78. Боев Х., Мирзоев С. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва шахсий суғурта.//Бозор, пул ва кредит, 2. - 2002.
79. Джураев Т., Ашрафханов Б., Мирсадыков М. Аспекты деятельности и структура органов страхового надзора за рубежом. //Экономический вестник Узбекистана, 1/2. -2001.
80. Имомов Ш. Ўзбекистонда суғурта бозори шаклланишининг хусусиятлари.// Бозор, пул ва кредит, 5. - 1997.
81. Имомов Ш. Суғурта иқтисодиётни ҳимоялаш ва ривожлантиришининг муҳим омили.// «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 27 февраль.
82. Имамов Ш. Страхование как инструмент защиты бизнеса.//Рынок, деньги и кредит, 6. - 2002.
83. Йўлдошев М., Турсунов Й. Суғурта фаолияти аҳамияти. //Бозор, пул ва кредит. 2. - 2002.
84. Кадилова Х. Развитие страхового рынка в Наманганской области.//Бозор, пул ва кредит. 2. 2002.
85. Каримов Ҳ. Суғурта бозори. Республикамизда у қачон вужудга келади?// «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 16 январь.
86. Маликов Т., Шеннаев Х. Суғуртанинг афзаллиги акс этсин. // «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 4 апрель.
87. Мирсадыков М. Современное состояние и тенденции развития страхового рынка Узбекистана.//Рынок, деньги и кредит, 8. - 2001.
88. Мирсадыкова Д. Заключение и исполнение договоров страхования.//Менинг мулким - Частная собственность, 47. - 2001.
89. Нуруллаев А.С. Вопросы страхования фермерских хозяйств в Узбекистане. //Актуальные проблемы современной науки. –М., 2 -2004. с. 116-117.
90. Нуруллаев А.С. Фермер хўжаликлари манфаатини суғурталаш. // Бозор, пул ва кредит. 10 -2004 й. 24-27 б.

91. Нуруллаев А.С. Жавобгарликни суғурталашнинг ҳозирги ҳолати қониқарлими? // Солиқ тўловчининг журнали. 2 -2005 й. 71-73 б.
92. Нуруллаев А.С. Ноанъанавий суғурта. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 12 -2004 й. 15-16 б.
93. Нуруллаев А.С. Таваккалчиликми? Хавф-хатарми? //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2 -2005 й. 36-38 б.
94. Нуруллаев А.С. Рақобат муҳити. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 5 -2005 й. 11-12 б.
95. Собиров Ҳ. Суғуртанинг моҳияти ва вазифалари.//Солиқ тўловчининг журнали, 7. - 1996.
96. Тохиров А. Суғурта хизмати янги босқичда.//«Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 25 апрель.
97. Тохиров А. Страхование в Мавероуннахре.- журнал “Актуальные проблемы современной науки” (Россия), 2004 г., №2.
98. Тохиров А. О страховании в период правления Амир Тимура.- журнал “Страховое дело” (Россия) 2004.-№11.
99. Тохиров А. Амир Темур салтанатида суғурта масалалари.//“Жамият ва Бошқарув” журнали, 2003. №4 65-66 б.
100. Тохиров А. Суғурта бозори: шаклланиши ва ривожланиши.// “Жамият ва Бошқарув” журнали. 2005. №1 33-34 б.
101. Холмаҳмадов З., Шеннаев Х. Суғурта қонунчилиги мутахассислар нигоҳида.//Бозор, пул ва кредит. 2. - 2002
102. Холмаҳмадов З., Шеннаев Х. Суғурта қонунчилигидаги ўзгаришлар ёки «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси хусусида.// «Ўзбекистон овози» газетаси, 2002 йил, 12 февраль.
103. Холмаҳмадов З. Шеннаев Х. Қонун лойиҳаси - муҳокамада. 9-модда таҳрирга муҳтож.// «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 28 февраль.
104. Шеннаев Х. Страхование как стратегическая сфера экономики.//Экономика и статистика,1. -1998.
105. Шеннаев Х. Молиявий хизматлар бозоридаги рақобат муаммолари. – «Бозор, пул ва кредит» журнали, №10 2000 й.
106. Шеннаев Х.М. «Суғурта ва уни афзаллиги нимада?».–«Жамият ва бошқарув» журнали, 2003 йил 3-сон.
107. Шеннаев Х.М. Суғурта сизга нима беради. –Т.: “Фан ва технологиялар маркази” нашриёти, 2003 йил.-106 б.
108. Шеннаев Х.М. Страховая система Узбекистана: этапы становления. - журнал «Рынок, деньги и кредит», №6 2004 г.

109. Шеннаев Х.М. Суғурта. Ўзбек Миллий энциклопедияси, 8-жилд. – Т.: “Ўзбек Миллий энциклопедияси” нашриёти, 2004 йил.

110. Шеннаев Х.М. Развитие системы страхования в Узбекистане.//журнал «Актуальные проблемы современной науки» (Россия), №2, 2004 г.

111. Шеннаев Х.М. Актуальные проблемы развития страхования в Узбекистане. //журнал «Актуальные проблемы современной науки» (Россия), №2 2004 г.

112. Шеннаев Х.М. Ўтиш даври иқтисодиётида суғурта масаласи ва уни истиқболлари.//”Бозор, пул ва кредит” журнали, 2005. №3.

V. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари

113. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2005 й.

114. Баймуратов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2004.

115. Абдурахмонов И.Х. Ўзбекистонда жавобгарлик суғуртасининг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари. Иқтисод магистри даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2005.

116. Тошбеков М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни суғурталашни такомиллаштириш масалалари. Иқтисод магистри даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2005.

117. Саидов Т.М. Международная практика медицинского страхования и вопросы ее применения в Узбекистане. Диссертация на соискание степени магистра экономики.-Т.: 2005 г.

118. Халматов М.М. Ўзбекистонда қайта суғурталаш ва уни ривожлантириш йўллари. Иқтисод магистри даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2005.

VI. Илмий-амалий анжуманлар маърузалари тўпламлари

119. Баймуратов Т.М. Бухгалтерский учет и налогообложение операций по страховании.//Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги счётлар режасини амалиётга жорий этиш муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Т., 2002. 58-бет.

120. Баймуратов Т.М. Проблемы и перспективы развития страхового предпринимательства в Узбекистане.//Бозор муносабатлари шароитида суғурта тизимини такомиллаштириш муаммолари. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. - Т., 2000. сс. 17-20.

121. Баймуратов Т.М. и др. Налоговой механизм регулирования страховой деятельности в Узбекистане. //Тезисы докладов. Шестнадцатые международные плехановские чтения. (26 апреля 2003 г.) - М.: изд-во РЭА, 2003. сс. 368-369.

122. Баймуратов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини солиққа тортиш: муаммо ва ечимлар.//Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2004. 276-279 бетлар.

123. Баймуратов Т.М. Тадбиркорлик рисклари трансфери: талаб ва таклифни мувофиқлаштириш йўллари. //Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари, илмий-семинар материаллари, 2004, 14-15 декабрь.

124. Баймуратов Т.М. Методологические аспекты трансфера риска в страховой деятельности.//Тезисы и доклады международной научно-практической конференции на тему: «Социально-экономические проблемы переходной экономики» (опыт, обобщения, закономерности) Санкт-Петербург, 2005, 3-4 июня.

125. Нуруллаев А. С. АҚШда қишлоқ хўжалик суғуртасини ташкил этилиши.// Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Т.: ТМИ-2004 й.

126. Нуруллаев А.С. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида суғуртанинг зарурлиги ва хусусиятлари. //Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари. Республика илмий семинар материаллари. 2004 й. 14-15 декабрь, 113-115 б.

127. Нуруллаев А.С. Фермер хўжаликлари мол-мулкни суғурталашнинг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари.//Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Т.: ТМИ-2004 й.

128. Тоҳиров А. Суғурта фаолиятида маркетингни ўрни. Тошкент Молия Инститuti.«Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2004 йил 11-12 февраль. 285-287 б.

129. Тоҳиров А. Ўзбекистонда суғурта бозорининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ривожлантириш» мавзuidaги илмий-амалий анжуман маърузалар тўплами. 2004 йил декабрь. 37-41 б.

130. Шеннаев Х.М., Нуруллаев А.С. Қишлоқ хўжалигида чорва молларини суғурталашнинг долзарб масалалари. //Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мавзусида 2004 йил 21-22 майдаги халқаро илмий-амалий конференция маърузалар тўплами.

131. Шеннаев Х.М. Страхование как метод управления банковскими рисками. Тезисы докладов Международной научно-практической конференции. БФА. - г.Ташкент, 3 июня 2003 г.

132. Шеннаев Х.М. Ижтимоий сиёсат ва суғурта. «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кучли ижтимоий сиёсат ва инсон омилини ривожлантириш» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Ўзбекистон Миллий университети. 2003 йил 16-17 сентябрь.- Тошкент, 2003 й.

133. Шеннаев Х.М. “Суғурта ташкилотларини солиққа тотишдаги муаммолар”. Солиқ органлари кадрларини тайёрлаш тизимидаги таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг илмий асослари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Солиқ академияси. 2003 йил 10-12 ноябрь. – Т. 2003 й.

134. Шеннаев Х.М. «АҚШ суғурта тизими». Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2004 йил 11-12 февраль.-Тошкент, ТМИ, 2004 й.

135. Шеннаев Х.М. Особенности регулирования рынка страховых услуг в некоторых странах СНГ. Тезисы докладов Международной научно-практической конференции «Семнадцатые Плехановские Чтения». Москва, 23 апреля 2004 г.

136. Шеннаев Х.М. «Ўзбекистонда аҳолининг банкдаги жамғармаларини суғурталаш хусусида». Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2004 йил 30 май.-Тошкент, ТМИ («Банк иши» кафедраси), 30 апрель.

137. Шеннаев Х.М. “Миллий иқтисодиёт ўсишини рағбатлантиришда суғуртанинг роли”. “Ўзбекистон Республикасида барқарор иқтисодий

ўсишни рағбатлантириш механизмлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси. ТДИУ. 2005 йил 6 апрель.-Т.: ТДИУ, апрель 2005 й.

VII. Статистик маълумотлар тўпламлари

138. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999-2004 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

139. Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитасининг статистик тўпламлари.

VIII. Интернет сайтлари

- 140. www.allinsurance.ru.
- 141. www.expert.ru.
- 142. www.ankil.ru.
- 143. www.znay.ru.
- 144. www.strahovka.ru.
- 145. www.agros.uz.
- 146. www.unic.gov.uz.
- 147. www.sig-insurance.uz.
- 148. www.kafolatdask.uz.
- 149. www.toshkent-sugurta.uz.
- 150. www.aig.com.
- 151. www.alskom.uz.
- 152. www.UzReport.com.

М У Н Д А Р И Ж А

	Кириш	4
1-мавзу	Суғуртанинг моҳияти ва функциялари	6
2-мавзу	Суғурта соҳасида қўлланиладиган асосий атама ва тушунчалар	14
3-мавзу	Суғурта захираси ва унинг турлари	22
4-мавзу	Суғурта фаолиятида рисклар ва рисклар трансфери	28
5-мавзу	Суғурта ҳуқуқи	37
6-мавзу	Суғурта ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари	45
7-мавзу	Суғурта тарифи ва унинг таркиби	49
8-мавзу	Ўзбекистон суғурта бозори	56
9-мавзу	Ўзбекистонда суғурта фаолиятини амалга оширишнинг ҳозирги ҳолати	59
10-мавзу	Ўзбекистондаги айрим йирик суғурта компаниялари фаолиятининг таҳлили	75
11-мавзу	Суғурта бозори инфратузилмаси	85
12-мавзу	Суғурта бозорида воситачилар фаолияти	91
13-мавзу	Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш	95
14-мавзу	Суғурта ташкилотининг даромад ва харажатлари	99
15-мавзу	Мажбурий суғурта турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари	110
16-мавзу	Қайта суғурта	115
17-мавзу	Шахсий суғуртанинг мазмуни ва турлари	119
18-мавзу	Юридик шахслар мол-мулкани суғурта қилиш	128
19-мавзу	Автотранспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғуртаси	135
20-мавзу	Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш	145
21-мавзу	Аудиторнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш	153
22-мавзу	Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда банк рискани суғуртаси	164
23-мавзу	Буюк Британиянинг суғурта тизими	173
24-мавзу	Америка Қўшма Штатларида суғуртанинг ривожланиши	185
	Глоссарий	194
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	215

ББК 65. 9(5у) 271

Шеннаев Х., Баймуратов Т.
Суғурта иши. Ўқув қўлланма. Т.:
“TURON-IQBOL” нашриёти, 2006
– 227 б.

Шеннаев Хўжаёр Мусурманович
Баймуратов Турсунбай Махкамович

Суғурта иши
ўқув қўлланма

Мухаррир: _____